

# ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЯТ

(Маъруза матнлари)

## Кириш.

### Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар.

#### 1. Ўзбекистон ва жаҳон: ёш авлодга таълим ва тарбия беришда миллий маънавият ва жаҳон маданияти анъаналари уйғунлигини таъминлаш зарурати.

Ёш авлодда нафақат ўз ҳаёти, оила аъзолари, Ватани ва миллати олдидаги, балки атроф-табиат, бутун курраи замин ва жами башарият олдидаги **масъулият туйғусини** шакллантириш бугунги кун таълим-тарбия тизимининг энг муҳим масаласи бўлиб турипти.

Ўзбекистон республикаси Президенти маънавиятга қарши турли хуружлар ҳақида гапирар экан, таъкидлаб ўтадики: *“Бу ҳақда гапирганда, фақат битта миллат ёки халқ ҳақида фикр юритиши масалани ўта тор тушуниш бўлур эди. Яъни, бу ўринда сўз фақат бизнинг маънавиятимизга қарши қаратилган тажовузлар ҳақида, азалий фазилатларимиз, миллий қадриятларимизни ана шундай ҳужумлардан асраш хусусидагина бораётгани йўқ. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир”*. Масалага бундай кенг қамровли ёндошув кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Муаллифнинг ўзи ҳам эслаб ўтганидек, бизнинг улуғ аجدодларимиз барчаси *“ўз ижоди билан нафақат икки дарё оралигидаги халқларни, балки бутун башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашга”* даъват этиб келганлар.

Инсоннинг қалби ва онгига жо бўлган миллий маънавий-ахлоқий негизлар уни бутун умри давомида ҳалол, пок, билимли, халқ хизматида бўлишга, Ватан равнақи ҳамда тараққиётига ҳисса қўшишга, ўзининг онгли ва эркин мушоҳада қилувчи шахс сифатида камол топишига муттасил равишда ундайди. Президентимиз И.А.Каримов доимо таъкидлаб келганидек: *“...Фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларимиз асосида, ўз фикру тафаккури ва замонавий билимга эга бўлган ватанпарвар этиб вояга етказиш – барчамизнинг оталик ва оналик бурчимиздир.”* Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга ҳозирги замон талаблари даражасида билим ва тарбия бериш, уларни юксак маънавиятли, онги ҳарқандай салбий таъсирларга нисбатан бардошли қилиб вояга етказиш – бугунги кун таълим муассасаларининг асосий вазифасидир, чунки фақат ана шундай инсонларгина келажақда одил жамият пойдеворини ярата оладилар.

Президентимиз И.А.Каримовнинг *“...Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсагина, олдимизга қўйган мақсадларга*

*эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт камол топади*” деган сўзлари айни шу маънони англатади. Бу эса ҳар биримизнинг фарзандларимиз, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолоти, ғоявий чиникишига, ҳар ҳил бузғунчи ғоя ва мафкураларга қарши мурасасиз курашчи руҳида тарбиялашга масъулият билан ёндашишга ундайди. Айнан фарзандларнинг камолоти – эртанги кунда барчамизнинг тинч ҳаётимизни таъминлайди. Бунинг учун уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларга хурлик, озодлик, демократик тамойилларга асосланган жамият барпо этиш, эркин фуқаролик жамият асослари ҳақида тушунча бериш барчамизнинг бурчимиздир.

Турли миллатлар маънавиятининг ўзига хослиги камалакдаги турли ранглар товланишига монанд бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, бойитади, аммо инкор этмайди, бир сўз билан айтганда, маънавият элларни зидлаштирмайди, балки бирлаштиради. Аслида умуминсоний қадриятларни бирор-бир алоҳида халқ яратмайди, бу қадриятларни ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўз тарихий тажрибаси билан аста-секин шакллантириб боради ва ўзаро турлича муносабатлар жараёнида элатлар, миллатлар бир-бирини тушуниб, ўзаро маънавиятларидаги умумий жиҳатларни тадрижий англаб боради.

Минг йиллар давомида ер юзидаги турли минтақаларда яшаган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқалари ҳозирдагидек яқин бўлган эмас. Асрлар мобайнида ер юзида турли маданий минтақалар шаклланган. Европа халқларининг умумминтақа маданияти, жануби-шарқий Осиё халқлари минтақа маданияти, Ҳиндистон яриморали ва унга қўшни ҳудудларда яратилган умумий маданият ва бошқа бир қатор минтақалар маданияти - буларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ қилувчи қатор диний эътиқод, фалсафий мактаблар, санъат ва адабиёт, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос уйғун бир тизимларини вужудга келтирган-ки, аҳли башарнинг бундай бебаҳо мулкани, маънавий хазиналарини бефарқлик билан бир-бирига қориштириб юбориш мутлақо ижобий натижалар бермайди.

Бутун дунё халқлари бир-бирини тушуниб яшашга интилмоғи лозим. Душманлик, ғайр кўзи билан қараш эмас, меҳр башариятни бирлаштиради. Бу улуғ ҳақиқатни бизнинг аجدодларимиз аллақачон англаб етганлар. Аммо ўзгани тушуниш учун, ўзгага меҳр кўзи билан боқиш учун, аввало, инсон ўзлигини англаб етмоғи керак. Ўзлигини англамаган зот ҳеч қачон ўзгани тушунмайди, уни холис қабул қилмайди. Асли миллий маънавиятимизга бугунги айрича эътибор ҳам ушбу ўзлигимизни англаб етишга бўлган кучли эҳтиёж натижасидир.

Биз миллий урф-одатларимиз, маросимларимизга баҳо бермоқчи бўлсак, бутун инсоният манфаатлари нуқтаи назарини, алоҳида шахс эркинлиги, Ватан ва миллат манфаатларини, миллий қадриятларимиз мажмуини яхлит уйғунликда олиб қарамоғимиз талаб этилади. Агар шу уйғунликка моҳиятан мувофиқ бўлса, ёхуд лоақал унга зид бўлмаса, демак, мақбул, аммо инсонлараро зиддият туғдирса, нифоқ солса, ёки ўзга шахс эркини бўғса, Ватан ва миллат манфаатларига зид бўлса, демак, мақбул эмас. Аммо миллий маънавиятимизни қадрлашимиз, уни ривожлантиришга уринишимиз, кимлардир талқин қилмоқчи бўлаётганидек, ўзга халқлар маданиятини

менсимаслик ёки миллий худбинликка берилишни англатмайди, балки узоқ йиллик қарамлик асоратидан қутулиб ўзлигимизга қайтиш, ўзлигимизни англаб етишга уринишни билдиради. *“Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади”*.

## **2. Глобаллашув жараёнлари, уларнинг ижобий ва салбий томонлари. Европа маданиятининг ютуқлари ва муаммолари. “Оммавий маданият” ҳодисаси ва унинг моҳияти.**

XIX-XX асрлар давомида фан ва маданият тараққиёти жиҳатидан Европа минтақаси бошқалардан узил-кесил илгарилаб кетди ва натижада “жаҳон фани”, “умуминсоний қадриятлар” деганда биринчи навбатда Европа маданияти унсурлари тасаввур этила бошланди. Янги даврдаги бу минтақанинг ютуқлари кўп жиҳатдан маданий интеграция жараёнлари билан боғлиқ. Бу даврда Европа халқлари (инглизлар, немислар, французлар ва ҳ.к.) минтақа миқёсидаги ўзаро маданий ахборот алмашинув доирасидан чиқиб, ўзга минтақаларда яралган бойликларни ўзлаштира бошладилар. Шарқшунослик кенг ривож олди. Турли фан соҳалари шарқшуносларнинг ютуқларидан ижодий фойдалана бошладилар. Европаликларнинг Осиё ва Африка мамлакатлари ва халқлари ҳаётини ўрганиши, бир томондан, уларнинг олам ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириб, турли минтақа халқларининг бир-бирларини тушуниш, ўзаро эркин мулоқот қилиш имкониятларини оширган бўлса, иккинчи томондан, муайян ғаразли кучлар учун ўзларига қараганда иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан заифроқ бўлган юртларни босиб олиш, қарамлик асоратига солишга бўлган интилишлари йўлида хизмат қилди.

XX аср охири - XXI аср бошларига келиб интеграция жараёнлари янада авж олди, замонавий ахборот технологияларининг бемисл ривожини ва ягона жаҳон ахборот майдонининг шаклланиши бу жараённинг янги босқичга кўтарилишига, Президентнинг янги китобида топиб айтилганидек, *“цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши”* га олиб келди. Сиёсатга доир илмий адабиётларида бундай жараён **“глобаллашув феномени”** деб номланмоқда. **“Юксак маънавият – енгилмас куч”** китобида бу ҳодиса оддий қилиб *“ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви”* деб тушунтирилади.

Башарият тараққиётидаги бундай ўзгаришларни узил-кесил “яхши” ёки “ёмон” деб, салбий ёки ижобий ҳодиса сифатида баҳолаб бўлмайди. Китобда ёзилганидек, *“ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин.”*

Президент китобида **глобаллашув ва** интеграция жараёнларининг талай ижобий имкониятлари бирма-бир санаб ўтилади. Уларни умумлаштириб айтиладиган бўлса, биринчи навбатда турли соҳаларда (жумладан, иқтисод, сиёсат, маданият соҳаларида) *“давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция*

ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши”га хизмат қилиши мумкин, ва дарҳақиқат, бундай ҳамкорлик муносабатлари кундан-кунга кенгайиб ва рангбаранглашиб бораётганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Шу билан бирга дунёда барча одамлар ҳам эзгу ниятлар билан иш олиб боради, дейиш қийин. Баъзилар учун бу ҳаётда вужудга келган ҳар бир янгилик уларнинг ўз ғаразли мақсадларига қулай бир восита хизматини бажариши керак. Жумладан, жаҳонда ягона ахборот майдонининг вужудга келиши ҳам бундай бузғунчи кучлар учун “айни муддао” бўлди. Улар зудлик билан бу қудратли воситани ҳам ўз қабих ниятлари йўлида ишга солиш ҳаракатига тушдилар. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, бундай ёвуз ниятли кучларнинг Ватани ҳам, миллати ҳам, дину имони ҳам йўқ. Улар гоҳ “исломий” қиёфада, гоҳ “эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида ҳаракат қилишлари мумкин.

Президент И.А.Каримовнинг янги китобида инсонларнинг Борлик ҳақиқатига муносабатидаги икки хил ёндошув, “**бир-бирини инкор қиладиган икки хил ҳаётгий қараш**” ҳақида гап боради:

*“Биринчиси – ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, ҳолис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётгий қарашлар.*

*Иккинчиси – бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндошув, яъни, ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўтқинчи ҳою ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елли умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашлари.*

*Мана шундай икки хил дунёқараш асосида пайдо бўладиган оғир саволлар одамзот онгли яшай бошлаган замонлардан буён уни ўйлантириб, қийнаб келади...”*

Шу ўринда савол туғилади: **бефарқлик, лоқайдлик билан ёвузлик орасидаги муносабат қандай?** Тан олиш керакки, дунёда сон жиҳатидан олинса, мутлақ ёвуз одамлар жуда камчиликни ташкил қилади. Улар аслида одам ҳам эмас, цунами, тўфон ёки зилзила каби “худонинг бир балоси”. Шундай экан, қандай қилиб жуда озчилик бўлган бу тоифа баъзан миллионлаб инсонлар устидан ўз ҳукмини юргиза бошлайди? Айни юқорида айтилган **ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида бош қотиришни ошиқча иш деб биладиган, Аллоҳ ва башарият олдидаги ўз бурчини эслашни ҳам истамайдиган, фақат нафс қайғуси ва ўтқинчи ҳою ҳавасга берилиб кун кечирадиган одамларнинг бефарқ ва лоқайдлиги туфайли** бундай ёвуз кучлар ўз макру ҳийлаларини бемалол амалга оширишга муваффақ бўладилар. Чунки бундай кимсалар кўпинча ўзлари сезмаган ҳолда ёвузлик кучларига хизмат қилувчи даҳшатли курулға айланиб қоладилар. Шу сабабли Президентнинг янги китобида **бефарқлик ва лоқайдлик** асл инсонийликка зид турувчи қусур сифатида қаттиқ қораланади.

Айтилганларга энг ёркин мисол сифатида бугунги кунда бутун дунёдаги фикрловчи инсонларни борган сари қаттиқроқ ташвишга солаётган “**оммавий маданият**” ҳодисасининг келиб чиқишига эътибор қаратайлик. Бу ҳодиса бугун бутун дунёга кўпроқ Европа ва Шимолий Американинг ривожланган мамлакатларидан тарқалаётганини ҳисобга олиб, ушбу минтақалардаги ҳозирги маънавий-ахлоқий муҳитнинг шаклланиш тарихига қисқа (энг умумий бир тарзда) тўхтаб ўтиш керак бўлади.

Маълумки, шу кунгача жаҳон илмида “маънавият” ҳодисаси яхлит тушунча сифатида изчил илмий таҳлилга тортилмади. Хусусан, Европада инсон маънавиятига оид баҳслар фалсафа ва унинг таркибий қисми ҳисобланган ахлоқшунослик илми доирасида ривожланди. Инсон ахлоқи аслида зоҳирий, аниқроғи, иккиламчи ҳодиса бўлиб, шахс маънавиятининг инсонлар аро муносабатларда намоён бўлишидир. Унинг ботинида маънавий омиллар ётгани туфайли файласуфлар асосан ахлоқнинг ботиний омилларига эътибор қаратганлар. Агар бу соҳадаги Европа анъанасини умумий бир тарзда кўздан кечирадиган бўлсак, ахлоқшунослик илми кўпроқ **инсоннинг ирода эркинлиги, ақл ва билим, бахт ва лаззатланишга интилиш, манфаатдорлик** каби масалаларга эътибор қаратганлигини кўрамыз. Аксарият ҳолатларда **масъулият** ва **бурч** масалалари ҳам инобатга олинади. Ахлоқнинг **имонга** боғлиқ жиҳатлари христиан ахлоқида алоҳида таъкид этилса-да, Янги даврда бу масала кўпинча актуаллашмайди. Умуман, **инсоннинг дунёвий мақсадларига алоҳида эътибор қаратилиши** Европа ахлоқ илмининг устивор жиҳати дейиш мумкин.

**Инсоннинг ирода эркинлигига** эътибор масаласида Европа файласуфлари Шарққа нисбатан анча илгари кетганликларини эътироф этиш лозим. Ислом минтақа маданиятининг илк шаклланиш даврида ушбу масала атрофида анча қизгин баҳслар бўлиб ўтган бўлса ҳам Имом Абу Мансур Мотуридийдан кейин бу муаммога кўп ҳам эътибор қаратилмади. Янги давр Европа ахлоқ илмида **инсоннинг ирода эркинлиги** масаласи деярли доимо файласуфлар диққат марказида бўлди. Айниқса, немис мумтоз фалсафасининг асосчиси **Иммануил Кант** Янги Даврда ахлоқнинг моҳиятини аниқлашга жиддий ҳисса қўшди. Кантнинг ахлоқ назариясида **инсон** ва **шахс**ни фарқлаш муҳим ўрин тутди. Инсон моддий вужуд сифатида моддий борлик (табиат)нинг узвий бир қисми бўлиб, ўзга жонзотлардан моҳиятан фарқ қилмайди. Аммо инсон шахс сифатида **мустақил (эркин) ирода эгаси** бўлиб, Кант фикрига кўра, инсон ўзининг бу жиҳати билан хиссий идрок орқали билиш мумкин бўлмаган зот ҳисобланади. Бундай инсон **эркин ирода эгаси** сифатида ўз ҳаётий мақсадларини ўзи эркин белгилайди. Дунёдаги барча мавжудотлар аниқ бир мақсад йўналишига эга, улар барчаси нимагадир восита вазифасини бажаради, фақат **инсонгина восита эмас, балки ўзи учун ўзи мақсаддир**. Шу билан бирга инсоннинг ирода эркинлиги ҳар бир шахснинг ўз зиммасига **олий масъулият** олишини тақозо этади. Чунки бани башарнинг ҳар бир аъзоси ўзгалар эркини чекловчи ҳарқандай хатти-ҳаракатдан ўзини тийиши керак. Буни файласуф “**қатъий қоида**” (“*категорический императив*”) деб номлайди.

Янги Давр Европа илмида ахлоқни ўрганувчи аксарият йўналишлар моддиюнчилик асосига қурилган бўлиб, **ахлоқий меёрларнинг** шаклланишини фақат инсоннинг моддий (дунёвий) эҳтиёжларидан келтириб чиқаришга уринадилар. Гедонизм, эвдемонизм, утилитаризм, релятивизм ахлоқий принциплари айна шундай қарашларга таянади. Уларга кўра ахлоқнинг негизида бахтли бўлишга интилиш (албатта, бу дунёда, чунки охиратда инсон ўз эрки билан тақдирини ўзгартира олмайди), лаззатланишга интилиш (бу лаззат хоҳ шахвоний бўлсин, хоҳ интеллектуал), манфаатдорлик, шароитга мослашиш каби соф дунёвий мақсадлар назарда тутилади. Аммо **Ф.Нитше** каби зукко ақл эгалари агар ягона тангрининг мавжудлиги инкор қилинса, унда инсонлар жамияти учун ахлоқнинг ҳам маъноси қолмаслигини тушуниб етдилар.

Миллий маънавиятимиз анъаналарида шахс маънавиятининг асосий жиҳатлари – имон, илм, масъулият, меҳрнинг ўзаро уйғунлиги масаласи устивор йўналиш эканлиги маълум. Муайян тарихий сабабларга кўра Европа ахлоқ илмида айна шу ўзаро мутаносибликка етарли эътибор қаратилмади. Натижада, бугунги кунга келиб, ушбу минтақада маънавий-ахлоқий соҳада жуда оғир муаммолар келиб чиқмоқда.

Бизнинг назаримизда, ахлоқнинг икки жиҳати бор, биринчиси – **зоҳирий** (ташқи) томони бўлиб, инсонлар аро муносабатларда ўртача мўътадил меёрни сақлаб туришга хизмат қилади ва у шароитга мослашиб ўзгариб туриши мумкин. Иккинчиси – **ботиний** (ички), яъни **шахс маънавияти** билан боғланган томони бўлиб, бу жиҳат энди ташқи шарт-шароитга эмас, балки шахснинг имон-этикодига боғлиқ бўлади. Агар бундай инсон шароит тақозоси билан имон-этикодига зид хатти-ҳаракат қилишга мажбур бўлса, унда виждон азобига учрайди. Демак, “виждон азоби” ҳодисаси зоҳирий ахлоқ талаблари билан шахс имони орасида зиддият мавжуд бўлган ҳолатларда пайдо бўлади. Материалистик (аниқроғи, даҳриёна) дунёқарашга асосланган ахлоқий таълимотларда одатан зоҳирий томонга эътибор қаратилади ва имон ҳисобга олинмайди. Ахлоқни ижтимоий муҳит билан ёки инсоннинг физиологик (биологик) эҳтиёжлари боғлаб изоҳлашга уриниш ана шундай қарашлар натижасида туғилади. Ваҳоланки, на ижтимоий муҳитнинг, на физиологик эҳтиёжларнинг ахлоққа бевосита алоқаси йўқ.

Шахс ахлоқининг зоҳирий жиҳати – **жамиятдаги мавжуд ахлоқий меёрларга бўйсунуш, риоя қилиш** билан ифодаланади. **Жамиятнинг ахлоқий меёрлари** эса моҳиятан маънавиятга эмас, балки сиёсат соҳасига тааллуқли бўлиб, жамиятдаги умумий осойишталик ва барқарор вазиятни таъминлашга қаратилгандир. Аслида улар меёрини (ёзилмаган) қонун-қоидалар шаклида бўлиб, сиёсатдаги ахлоқ қатламининг юза қисмини ташкил этади. Бизнинг минтақада мукаммал ишланган шахс ахлоқининг ботиний асослари, ўз навбатида, унинг маънавияти ва табиати (хулқи) орасидаги муносабатлари заминига қурилган бўлиб, имон-этикод масаласи бу ўринда етакчи аҳамиятга эгадир.

Жаҳон ахлоқ илмининг фалсафий илдизларига назар ташлайдиган бўлсак, унда ҳам икки хил ёндошувни кузатиш мумкин. **Биринчи** – инсон фақат

моддийликдан иборат, унинг ҳаёти (борлиғи) фақат туғилгандан жисман ўлгунгача давом этади, ўлгач, жасад тупроққа қоришиб кетади, “руҳ” дегани руҳият (психика) бўлиб, инсоннинг моддий вужуди тириклиги пайтидагина асаб толаларининг яшаш тарзи сифатида мавжуд бўлиб, инсон жисми ҳалок бўлгач, ўз-ўзидан йўқолиб кетади, деган материалистик эътиқод. Бу эътиқодга кўра, инсон ҳайвондан фақат моддий аъзо – бош мия ярим шарлари пўстлоғининг функцияси бўлмиш **ақлнинг ривожланиш даражасига кўра** фаркланади, яъни инсон ва бошқа биологик мавжудотлар орасидаги фарқ аслида микдорийдир, сифатий эмас. Табиийки, мия ўлгач, унинг функцияси ҳам йўқ бўлади. Бундан шундай хулоса чиқади: демак инсон ўз хатти-ҳаракати учун бу дунёда, тириклик даврида, жамият, яъни ўзга инсонлар олдида жавоб беради, ҳалос. Бунда у бошқалар кўзи тушган амали учунгина жавоб беради, унинг кўнгли, ниятлари бошқалар кўзидан яширин, нимани ўйласа, ўзи билади, ўзгага дахли йўқ, хатто бошқалар нигоҳидан пинҳона қилган айб ишлари ҳам агар биров билмаса, унга зарар келтирмайди (мабодо биров билиб қолса, ўша гувоҳни “сотиб олиш” ёки “тумдон қилиш” имкони ҳам йўқ эмас), сиёсатда эса ким ғолиб чикса, ўша ҳақ деган ёзилмаган “қонун” мавжуд. Қисқаси, руслардаги “не пойман – не вор” қонидаси асосида яшайверасан, ҳар қанча жинойтлар қилма, кимдир уларни фош қилмаса (ёки муайян сабабларга кўра фош қила олмаса), умринг охиригача роҳат-фароғатда яшаб ўта берасан. Қани бу ерда “виждон” деган тушунчанинг ўрни?

Бундай дунёқараш соҳибларининг ахлоқи фақат зоҳирий бўлиб, **жамиятдаги мавжуд ахлоқий меёрларга расман риоя қилиш** билан чекланади. Европа ахлоқшунослигидаги гедонизм, эвдемонизм, утилитаризм, релятивизм ахлоқий принциплари айни шундай моддиюнчилик асосига қурилган бўлиб, бундай қарашларга кўра ахлоқнинг негизида бахтли бўлишга интилиш (албатта, бу дунёда, чунки охиратда инсон ўз эрки билан тақдирини ўзгартира олмайди), лаззатланишга интилиш (бу лаззат хоҳ шаҳвоний бўлсин, хоҳ интеллектуал), манфаатдорлик, шароитга мослашиш каби соф дунёвий мақсадлар назарда тутилади.

**Иккинчи ёндошув** – инсон моддий мавжудот, аммо ундаги руҳ абадий, бу дунё ҳаёти инсон учун синов майдони бўлиб, унинг ҳар бир қадами ўлчовли, у ҳар бир хатти-ҳаракати, амали учун Олий қудрат олдида жавоб беради, агар савобли иш қилса, ҳам бу дунёда, ҳам охиратда мукофотини олади, агар гуноҳ қилса, ёки бу дунёда, ёки охиратда жазосини олади, деб эътиқод қилиш. Яъни Борлиқнинг асоси моддийликдангина иборат эмас, балки бу оламни яратган ва бошқариб турган азалий ва абадий Олий қудрат мавжуд, деб ишониш, шунга имон келтириш. Имон келтириш билан ушбу Олий қудрат олдида **масъулият туйғуси** пайдо бўлади. Ана шу асосда шаклланган ахлоқ **ҳақиқий ахлоқ** бўлади. “Ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги” деган таърифда айни шу жиҳат инобатга олинади.

Шахснинг хулқи унинг маънавияти таъсирида такомиллашиб (яъни табиий хислатлари қусурдан фазилатга айланиб) борган сари унинг ахлоқи **замима ахлоқдан** (инсонни худбинлик сари тортувчи тарбия кўрмаган хулқдан) **ҳамида ахлоққа** (маънавий камолот натижасида гўзаллашган хулққа)

айланиб бораверади. **Нафс тарбияси** – маънавий камолот йўли бўлиб, ахлоқи ҳамиданинг шаклланиш йўли ҳамдир. Аммо маънавият фақат нафс тарбиясидан иборат эмас. Маънавият **имондан** бошланади, **илм** билан мукаммаллашади, **таҳлилий имон** орқали инсон нафс тарбияси(самовоспитание)га ўтади ва охири **меҳр маърифати** орқали маънавий камолотга эришади. “Ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги ” деган ҳикматнинг мазмуни шундаки, инсоннинг маънавий камолот даражаси унинг ахлоқида энг ёрқин шаклда намоён бўлади. Агар инсон фақат тақлидий имон даражасида қолган бўлса, у Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини тан олган бўлади, буюрилган фарзларни бақадри имкон бажаришга уринади, аммо ахлоқи ҳамиди соҳиби бўлмайди.

Юқоридаги мулоҳазалар И.А.Каримов китобида бир жумлада баён этилган: *“Фарб оламида эса одамларнинг ҳаёт тарзида жамоавийликдан кўра индивидуализм, шахсий манфаат тамойиллари устунлик қилишини кузатиш мумкин. Бу ҳам муайян, объектив ижтимоий-тарихий омиллар туфайли шаклланган воқелик бўлиб, уни ҳам инкор этиб бўлмайди”*.

Европа халқлари ижтимоий ва маданий соҳаларда ўз тарихий тажрибаларидан келиб чиқиб, ўз аждодлари қолдирган меросга мос ҳолда, илмий андоза ва ўлчовлар яратганлар, таъриф ва тизимлар шакллантирганлар. Биз улардан камчилик топишга ёки қоралашга балки ҳаққимиз йўқдир. Аммо ўзбекнинг миллий тафаккури охириги 70 йилда шаклланган деб бўлмаганидек, бугун энди маънавий-ахлоқий соҳаларда илмий мулоҳазалар юритиш учун онгимизга кечаги зўраки жойлаштирилган сунъий қолиплардан ўйламай-нетмай фойдаланишга уринишимиз ҳам ўринли эмас.

**“Оммавий маданият”** ҳодисаси асосида бирнеча омилларнинг чатишуви ётади. Улардан **биринчиси - имонсизлик**, ўз инсоний бурчи ва масъулиятини тан олишни истамаслик, бефарқлик ва лоқайдлик. **Иккинчиси - санаб ўтилган қусурларни оқлашга хизмат қилувчи “дунёни манфаат бошқаради”** (демак, бу дунёда ҳар ким ўз фойдаси учун қўлидан келган ҳаракатини қилса, бўлаверади, деган) даҳриёна (аниқроғи, худбинона) тезис (“қоида”) асосида яшаш. Бу икки омил азалдан бўлган. **Учинчиси** – олдингиларидан келиб чиқадиган **ахлоқий релятивизм**, яъни дунёда азалий ва абадий қатъий ахлоқий меёрлар мавжуд эмас, кўпчилик ўзини қандай тутаётган бўлса, биз ҳам шунга қараб кетаверамиз, деган ўйсизлик, **фикрий дангасалик** тамойили. Ва ниҳоят **тўртинчиси** - бугунги ахборот воситаларининг чексиз имкониятлари шароитида юқоридаги Президент таърифига мувофиқ, **бефарқлик ва ўйсизлик ботқоғига ботган кимсаларнинг** дунёни бошқаришга интилаётган кичик бир гуруҳ қўлида кўғирчоққа айланиб, **ўзларининг энг тубан ҳайвоний хоҳиш ва истакларини очикдан-очик намоён қилишни “умуминсоний ахлоқий меёрлар” даражасига кўтаришга уринишларидир.** Бундай ҳолатлар Европа минтақаси тарихида илгари ҳам бўлган, аммо ҳеч қачон бу даража жаҳон миқёсида кенг кўлам касб этмаган ва бу даражада кучли тарғибот имкониятларига эга бўлмаган эди. Президент китобида бу ҳақда шундай дейилади: *“Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига*



*қарши йўналтирилган, бир қарашида арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.*”

### **3. Маънавий таҳдидлар ва уларнинг таъсир қилиш кўринишлари**

Европа Уйғониши (Ренессанс)дан бошланган Янги давр Европа маънавий муҳитига хос қарама-қаршиликлар кураши кейин ҳам давом этди. XVIII аср француз маърифатчилиги заминидан шаклланган атеизм йўналиши Гельвеций (1715-1771), Гольбах(1723-1789), Дидро(1713-1784) қарашларидан немис мумтоз фалсафасига ўтиб, Фейербах (1804-1872) орқали Карл Маркс ва Ф. Энгельснинг муросасиз синфий кураш тарғибига қаратилган коммунистик утопияга олиб келди. Бундай хатарли режаларнинг амалга жорий қилиниши инсоният учун нақадар қиммат тушганлиги бугун барчамизга аён бўлиб турипти. Бу офатдан энди қутулдик, деб турганида, инсоният яна янги, илгаргилардан-да хатарлироқ, маккорроқ хуружларга дуч келиб турибди.

*“Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида, - деб куюнчаклик билан қайд этилади Президент китобида, - катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.*”

Ахлоқ илмидаги **релятивизм тамойили** (яъни, ахлоқий қоида ва меёрларнинг замона ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туришини мутлақлаштириш), инсон ахлоқини мўътадил тутишда имоннинг аҳамиятини етарли ҳисобга олмаслик XX аср ўрталаридан бошлаб (айниқса, 60-70 йилларда Европа ёш йигит-қизлари орасида авж олган очиқ зинокорликни тарғиб қилувчи “сексуал инқилоб” баҳонасида) моҳиятан ғайриинсоний “ахлоқий” (аниқроғи, ғайриахлоқий) меёрларнинг Европа муҳитида урчиб кетишига олиб келди (шаҳватни кўзғатишга қаратилган “мода”ларнинг кенг тарғиб қилиниши, бир хил жинс эгалари “никоҳи”га қонуний тус берилиши, кино ва теленамойишларда аёл яланғоч бадани ва жинсий муносабатларнинг эркин намойиш қилиниши, зўравонлик, бузғунчилик, кимор, маст қилувчи ичимликлар тарғиботи ва ҳк.). Европа муҳитидаги бундай хатарли тамойиллар турли йўллар билан дунёнинг бошқа минтақаларига ҳам кириб келмоқда<sup>1</sup>.

*“Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиши ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараши билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда”, -* деб ёзади Президент ўз китобида ва бундай хатарли ҳолатдан фақат ўз халқини эмас, балки бутун жаҳон афкор оммасини огоҳлантириш лозим деб билади.

---

<sup>1</sup> “Ҳезб ут-таҳрир” сингари экстремистик гуруҳлар “демократия” тушунчасини айна шундай бузқучилик сифатида талқин қилиб, ўз ғаразли ниятларини шу йўл билан таржибасиз ёшларга юктиришга уринмоқдалар.

Биз бошқаларга ақл ўргатмоқчи ёки “бу ишинг - тўғри, буниси – нотўғри деб ҳакамлик қилмоқчи ҳам эмасмиз. Биз фақат ўз фарзандларимизни турли ахборот воситалари орқали ёпирилиб келаётган бало-қазолардан ҳимоя қилмоқчимиз, улар онги-шуурида она сути, аждодлар ўғити, халқ ҳикмати орқали ўзлашган мустақил миллий кадриятларга садоқат, ўз инсоний фазилятларини дадил ҳимоя қила оладиган жасорат уйғотмоқчимиз, халос. Шу билан бирга ўзимизнинг ҳаётдаги турли қарашларга муносабатимизни ҳам очиқ баён қилмоқдамиз, зеро ошкоралик бўлмаса, тафаккур эркин бўлмаса, маънавият соҳасида бирор салмоқли натижага ҳеч қачон эришиб бўлмайди.

*“Маънавий таҳдид деганда,- ўринли изоҳ бериб ўтади Президент, - аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, зоявий ва информацион хуружларни назарда тутуш лозим, деб ўйлайман.”*

Президентимиз топиб айтганидек, *“кимдир Раҳмон измида юрса, кимдир шайтон измида юради,”* ҳаркимнинг гуноҳи ҳам , савоби ҳам ўзига. Аммо бостириб келаётган хавфни кўриб туриб, кўрмасликка олиш, ҳозир-ю ҳузури, ўзимнинг ишим битса бўлди-да, ўзга билан нима ишим бор, деган кайфият бизга тўғри келмайди. Қолаверса, гап биздан кейин шу юртнинг чироғини ёкиб ўтирадиган болажонларимиз тақдири устида кетаяпти.

Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, бугунги кунда яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ва зиддиятлар фақат салтанатлар, халқлар ва шахслар ўртасида эмас, балки ҳар биримизнинг қалбимизда, онгимизда кечмоқда<sup>2</sup>. Яъни бу муаммолар фақат ёш авлодгагина тааллуқли эмас. Душман очиқ-ойдин ўзини кўрсатмайди: сиз махсус кабел орқали берилиб кино кўриб ўтирибсиз, ёки интернет орқали муайян сайтлардаги маълумотлар билан танишяпсиз, кўчада турли рекламалар диққатингизни тортаяпти, эҳтиёт бўлинг, сизни керакли йўналишда “тарбия” қилишяпти, ўз қарашларини турли воситалар билан онгингизга сингдиришяпти. Шундай, *“улар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва зоялар пардаси остида иш кўради.”* Биз эса сал ғафлатга берилсак, онгимиздаги ўзгаришларни ўзимиз ҳам пайқамай қоламиз. Гўёки ҳеч ким бизга тажовуз ҳам қилгани йўқ, мажбур ҳам қилгани йўқ, биз ўз ихтиёримиз билан “мустақил” равишда шу “хулоса”га келдик. Бу ерда таъсир ўтказишнинг шундай маккорона усуллари қўлланмоқда-ки, унча-мунча одам ғафлатда қолиши ҳеч гап эмас. Аслида имонли, эътиборли инсон бундай макру ҳийлаларни жуда осон билиб олса бўлади – улар барчаси инсонлар онгининг энг тубига жойлашган биологик (ҳайвоний) инстинктларни кўзғашга қаратилган, бундай филмларда энг эзгу ниятлар ҳам қўлда автомат билан амалга оширилади, энг ижобий қаҳрамонлар ҳам шахватга берилади, оддий ҳазиллар ҳам ўзини ҳурмат қилган инсон учун ҳақоратли ҳолатлар шаклида ёки ҳаёсиз ибораларда ифодаланади.

*“Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, - хулоса қилади Президент, - бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини,*

<sup>2</sup> Маънавий юксалиш йўлида. Т., 2008. С . 40-41.

*улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади.*”

#### **4. Миллий маънавиятимиз анъаналарини ёш авлод онгига сингдириш - маънавий таҳдидлар таъсиридан улар онгини ҳимоялашнинг энг самарали йўли сифатида.**

Инсонга фақат атроф-воқелик ҳақида, одобу ахлоқ қоидалари ҳақида билим беришнинг ўзи унинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун етарли бўлмайди. Унда ирода кудрати, масъулият туйғусини шакллантириш, кўнглида атроф-табиатга, меҳнатга, касбга, илмга, ўзга инсонларга меҳр уйғотиш, дилида улуғ мақсадлар туғилишига эришиш лозим. Масалан, тан олиб айтиш керакки, Ватан ёки Адолат туйғуси ҳақида китобларда ёзилганларни ўқиб чиққан одам дарҳол Ватаннинг қадрига етадиган, ёки Адолатга хиёнат қилмайдиган бўлиб қолади, деб тасаввур қилиш ўта соддалик бўлур эди. Ҳар бир инсон Ватан, Миллат, Адолат тимсол-тушунчаларининг ўз руҳидаги пойдор маънавий қадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратида синаши, бу йўлда риёзат чекиши, уларга нисбатан кўнглида меҳр уйғониши зарур. Бунга турли йўллар, турли воситалар билан, биринчи навбатда ёш авлод тарбиясига самимий (чин кўнгилдан) ва изчил ёндошув, тинимсиз изланишлар билан эришилади.

*“Бизнинг улуғ аجدодларимиз, - деб ёзади Президент, - ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тил билан айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли деб биламан.”*

Шу гапга кичик бир мисол:

Маълумки, имон-этиқод маънавиятнинг умуртқа поғонаси ҳисобланади. Халқимизда бировни “имонсиз” деб аташ энг оғир ҳақоратдир. Биз динимиз ислом деймиз, Қуръони каримда ёзилишича, Аллоҳ бани башарни ўзига ибодат қилиш учун яратган. Лекин кўпчилик исломий ибодатлар деганда, намоз, рўза, закот, ҳаж амалларини кўз олдида келтиради. Буюк тасаввуф пири Баҳоуддин Нақшбанд эса Расулуллоҳ (сав)нинг қуйидаги ҳадисини келтиради: “Ибодат ўн қисмдир, унинг ўндан тўққизи ҳалол ризқ топиш ҳаракати, қолган барча ибодатлар ўндан бирини ташкил этади.” Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолик Ғиждувонийларнинг пири муршиди ҳисобланган шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони” асарида Пайғамбаримизнинг яна бир ҳадислари келтирилади: “Мусулмон бўлмагунларингизча жаннатга кирмайсизлар, бир-бирларингизга самимий меҳр қўймагунларингизча мусулмон бўлмайсизлар.” Шу сабабли биз фарзандларимизга **имоннинг асосий шарти ҳалоллик, адолат ва инсонга, табиатга меҳр** деб уқдиришимиз, нафақат уқдиришимиз, балки шу йўлда ўзимиз ибрат бўлишимиз шарт.

Президент китобида **“инсон маънавий оламининг юксалиши”** деганда нимани тушуниш керак, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб берилган:

**“Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш”.** Аммо муаллиф яна таъкидлайдики, ушбу қонидани тушуниш ва эътироф этишининг ўзи кифоя эмас, балки айни шу эътиқодга амал қилиб яшаш – **“одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон”дир.**

*“Такрор айтишга тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада хушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур.”* Президентнинг хушёрликни йўқотмаслик, бепарво бўлмаслик хусусидаги уқдиришларини тўғри тушунадиган бўлсак, бу дегани ёш авлодга тўғри таълим бериш билан бирга, ҳар бир айтган сўзимизга аввало ўзимиз риоя қилишимиз керак бўлади. Масалан, “илм ол” дедикми, ўзимиз умр бўйи илмимизни ошириб, пухталаб боришдан тўхтамаслигимиз керак; “ҳалол ва адолатли бўл” дедикми, ўзимиз фарзандларимизни ҳалол лўқма билан боқаетганимизга, ўз фойдамизни кўзлаб бировга зулм бўладиган хатти-ҳаракатдан сақланишга қатъий уринмоғимиз лозим бўлади. Ана шундагина болаларимиз келажагидан хотиржам бўлишимиз мумкин.

*“Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва хушёр қарашни, жаҳонда ва ён атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегшили хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда.”*

Албатта, барча муаммоларни бир кунда, бир ҳамла билан ечиб бўлмайди. Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш бир умрлик иш. Мустақиллигимиз бу саъй-ҳаракатларимиз самарали бўлишининг ишончли кафолатидир. Аммо ҳар бир ишда ёлғон қадамлардан, осон ечимлар қидиришдан эҳтиёт бўлмоғимиз жуда муҳим. Ҳар бир ишда қийинчиликни бўйнига олган одам ҳақиқий ютуққа эришади. Айниқса, биз зиёлилар, ёш авлод тарбиячилари ўз вазифамизга масъулият билан ёндошсак, *“фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш”*дан, шу йўл билан улар онгида *“мафкуравий иммунитет”* ҳосил қилишга уринишдан чарчамасак, миллатимиз яна буюк миллат бўлади, авлодларимиз аждодларимизга муносиб қудрат касб этади. Муаллимнинг меҳнати самараси узок келажакка уланиб кетадиган эзгу меҳнат. Келинг, авлодни боқийликка элтувчи меҳнатдан эринмайлик, токи Президентимизнинг, халқимизнинг ёруғ орзулари ушалсин, *“ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин”.*

## **Биринчи бўлим.**

### **Глобаллашув жараёнларининг умумий масалалари.**

#### **Глобаллашув шароитида маънавиятга таҳдид.**

## 1. Глобаллашув тушунчаси, моҳияти, унинг сиёсий ҳаётда намоён бўлиши.

“Глобаллашув” нима? Глобаллашувнинг асосий хусусиятлари ва намоён бўлиш жиҳатлари. Масалага турлича ёндошувлар. Сиёсат соҳадаги глобаллашув ва унинг тарихий тараққиёти. Глобаллашув ва интеграллашув. Уларнинг ўзаро фарқи.

“Глобаллашув” тушунчаси лотинча *globus* (шар, ер шари) асосида ясалган французча *global* (энг умумий, ялпи, тўлиқ қамраб олувчи) сўзи заминида пайдо бўлган. Унинг маъноси “*бутун ер шарини қамраб олиш*”, “*умумжаҳон миқёсига ёйилиш*” бўлиб, турли соҳаларга оид муайян ҳодисаларнинг бутун инсоният миқёсида урф бўлиши, инсоният истиқомат қилиб турган барча минтақаларга ёйилишини англатади. Бундай ҳодисалар сиёсат, иқтисод, маънавият соҳаларига доир бўлиши мумкин.

“Глобаллашув” ҳодисасининг келиб чиқиш тарихи хусусида турли олимлар турлича фикрлар билдиришади. Бизнинг назаримизда, глобаллашув тамойилининг бошланиш тарихини сиёсий ҳукмронликка интилиш соҳасидан бошлаб кузатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу ҳодиса замирида умуман қайсибир кучларнинг бутун дунёга ўз таъсирини ёйишга, аниқроғи, бутун дунёни ўз таъсири остига олишга интилиши ётишини очиқ эътироф этиш керак.

Шундай қилиб, глобаллашув тамойили қачон бошланган? Маълумки, фақат интилиш билан иш битмайди. Муайян натижаларга эришиш учун орзуларни амалга ошириш имконини берадиган муайян **воситаларга** эга бўлиш лозим. Инсоният тарихида “*темир асри*”нинг бошланиши, яъни темир маъданини қайта ишлаб ундан турли қурол-яроғлар ясаш жараёнининг йўлга қўйилиши жаҳон миқёсида **сиёсий ҳукмронликка интилиш** соҳасида кенг имкониятлар яратиб берди. Инсоният тарихида **буюк салтанатлар (империялар) даври** бошланди. Ўша даврлардаги қайси бир ҳукмдор айтган экан, “*кичик бир ер юзи учун икки ҳукмдор кўплик қилмасмикин*”, деб. Бобил, Ашшур салтанатлари, Аҳмонийлар сулоласи эриша олмаган натижага, айтиш мумкин-ки, оз муддатга бўлса ҳам **Искандари Мақдуний** эришди. Бу ғайратли ёш ҳукмдор ўша даврда маълум бўлган ер юзининг обод минтақаларидан аксарият қисмини ўз ҳукми остида бирлаштира олди. Бу фақатгина **илк сиёсий глобаллашув** бўлиб қолмай, балки рубъи маскунда **эллизм** маданиятининг кенг тарқалишига ҳам олиб келди. Тарихда **Искандарнинг** изидан боришга интилувчилар кўп бўлган. Буюк Рим империяси, **Юлий Цезар** юришлари, араб халифаликлари – барчаси сиёсат соҳасидаги **глобаллашувга интилишнинг дастлабки уринишлари** сифатида қайд этилиши мумкин. Улар ичида **Чингизхон** бошчилигидаги мўғул истилолари ўз асоратларига кўра энг аёвсиз ҳаракатлардан бўлди. Мўғуллар босқинидан жанговарлик маҳоратини айтмасак, инсоният учун бирор маданий ютуқ бўлгани йўқ, даҳшатли вайронгарчилик ва қирғинлар аччиқ хотира бўлиб

қолди, халос. Булар ҳаммаси ҳозирги Евразия ва Шимолий Африка доирасида чекланган **“кўҳна дунё”** миқёсидаги **глобаллашув тамойиллари** эди.

XVI асрдан энди бу тамойил океан ошиб, Америка қитъасига етиб борди. Жанубий ва Шимолий Американинг европаликлар томонидан аста-секин ўзлаштирилиши, маҳаллий аҳолини аёвсиз қирғин қилиниши (ҳозир турли “геноцидлар” ҳақида гаплар кўпайган пайтда тарихдаги энг даҳшатли “геноцид” америка туб аҳолиси бошига тушганини эслашимиз ўринли бўлур эди), бундай жараёнларнинг яна Австралия қитъасида ҳам юз бериши сиёсат соҳасидаги **глобаллашув тамойилларининг янги босқичга кўтарилганини** англатар эди. Бу жараённинг ниҳой натижаси XIX аср охирига келиб деярли бутун ер юзининг бир қисм Европа империалистик доиралари томонидан ўз асоратига олиниши, яъни **Европа колониализм сиёсатининг** ғалабаси билан яқунланди. Бу ҳолат энди фақат **сиёсат** соҳасида эмас, балки **иқтисод** ва **мафкура** соҳаларида ҳам **глобаллашув** бошланганини билдирар эди.

Шу ўринда **глобаллашув (глобализация)** ва **интеграллашув (интеграция)** жараёнларини бир-биридан фарқ қилиш лозимлигига эътибор қаратиб ўтамиз. Масалан, қадимда **Буюк ипак йўли**нинг очилиши дунё иқтисодида **интеграллашув** жараёнларини бошлаб берди. Бу ҳодисанинг **глобаллашув** жараёнларидан фарқи шунда эдики, бу савдо йўли Ғарб ва Шарқни бир-бирига яқинлаштирди, бунда ўзаро тенг таъсир ва бир-бирини ҳар жиҳатдан бойитиш ҳолатлари юз берди, бундай ҳолатлар эса бир томоннинг иккинчи томонга ўз таъсирини ёйиш ҳодисасидан тубдан фарқ қилади. **Глобаллашув** жараёни фаол томоннинг тазийқи кучайиши ва иккинчи томоннинг заифлашувига олиб келади, натижада жаҳон миқёсида бир хил қолипга тушиш, рангбарангликнинг йўқолиб бориши кучаяди, адолат меъри бузилади. **Интеграллашув** жараёнлари эса ҳар бир минтақа, ҳар бир миллат, ҳар бир инсон ҳаётида жилоланишни кучайтириб уни ҳар томонлама бойитиб боради. Лекин бу жараён ўз-ўзидан юз бермайди, унинг учун фаол кураш олиб бориш керак бўлади.

## 2. Иқтисодда глобаллашув. Кимга фойда, кимга зиён?

Иқтисод соҳасида глобаллашув жараёнларининг бошланиши XIX аср охирига тўғри келади. Бу даврга келиб Европада йирик саноат ривожланиши кенг тус олди. Энди капиталистик корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар салмоғи кундан-кунга ошиб бориб миллий бозор талабидан ошиб кета бошлади. Мустамлакачи давлатлар ўзларига қарам юртлардан ер ости ва ер усти бойликларини ташиб чиқиб кетиш билан қониқмай, бу юртлар бозорини метрополияда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари билан тўлдирар бошладилар. Осиё-Африка мамлакатларида ҳануз саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш майда ҳунармандчилик ва қўл меҳнати асосида бўлганлигидан улар таннархи бўйича йирик саноат билан беллаша олмас эдилар. Бозорда харидор молнинг арзонроғи ва кўзга чиройли кўринганига интилади. Натижада минглаб ҳунармандлар моли ўтмай касодга учрай бошлайди. Харид қилинган молнинг пули метрополияга кетади. Талонга учраб

холи қуриган мамлакат янада камбағаллашади. Оч халқ – норози. Ғалаёнлар кучаяди. Озодлик учун кураш бошланади. Эл хаёл қиладики, сиёсий мустақиллик қўлга кирса, ҳаёт яхшиланади. Охири мустамлакачилар бу хароб бўлган юртни тарк этишади. Эл хурсанд. Нафас озод. Аммо негадир расман сиёсий мустақилликка эришган Осиё ва Африка мамлакатларининг кўпларида иқтисодий аҳвол яхшиланмайди. Нега? Чунки мустамлакачилар қилар ишини қилиб бўлган. Мамлакатнинг табиий бойликлари ташиб кетилган, халқ саводсиз, юқори малакалари миллий кадрлар етиштирилмаган, сифатли ишлаб чиқариш илмий-техник базаси шаклланмаган, бу ишларни йўлга қўйиш учун маҳаллий ҳокимият қўлида етарли сармоя манбалари йўқ. Яна бу халқни эзиш ва талаш ҳисобига бойиб олган собиқ “хўжайинлар”дан ялиниб ёрдам сўрашдан бошқа илож йўқ. Уларга эса айни шу керак. Энди камчи ўрнига қаллоблик, товламачилик ишга тушади. Яна бозорларни чет эл товарлари тўлдиради, мамлакатнинг энг қобилиятли ёшлари ривожланган давлатлар фойдасига хизмат қила бошлашади, халқ орасида чет эл модалари борган сари урф бўлади, мамлакат ер ости бойликлари яна собиқ мустамлакачи сармоядорлар қўлига ўтади, ниҳоят, “миллий” ҳокимият тепасига ҳам ўша собиқ “хўжайинлар” фойдасига иш юритувчи маҳаллий “ҳукмдорлар” мустаҳкам ўринлашади. Фақат энди юрт расман мустақил. Аммо иқтисод ҳам, мафкура ҳам, аксарият оламон онги ҳам “глобаллашган”. Бир ҳовуч зиёлининг “миллий маънавият” хусусидаги доду фарёдини эшитадиган одамнинг ўзи йўқ.

Нажот қаерда? Наҳотки, сиёсий қарамликдан қутулган элларга нажот йўли бўлмаса? Наҳот “Шундоқ қолурму, қолурму?” деб хайқирган шоир нидоси жавобсиз қолса?

Нажот бор. Нажот имонда, аниқроғи, имонини йўқотмаган онгли, шижоатли ва масъулиятли инсонлар қалбида. Уларнинг кўксини кўкка юксалтириб турган, бағрида алангаланиб турган миллатга меҳрда. “Мен ёнмасам агар, сен ёнмасанг агар, биз ёнмасак агар, бу зулматни ким ёритади?” деган экан оташин шоир. Бундай эл манфаати учун фидоий ёшлар ҳар миллат орасида етарли топилади. Уларни қанотлантирадиган бир йўлбошчи топилса, кифоя. Қолганини Аллоҳ беради. Бу қуруқ гап эмас. Бугунги ҳаётда мисоллар кўп бунга. Қатардек кичик бир давлатни олинг, яқин 30-40 йил илгари дунёдаги энг қоқоқ мамлакатлардан бири ҳисобланган Малайзияни кўринг! Жаҳон харитасига жиддий эътибор билан боқсангиз, бундай ёш, аммо гуркираб ўсиб келаётган давлатлар 1-2 тагина эмаслигига амин бўласиз. Ўз юртимиздаги ўзгаришлар ниманинг далолати! Ўтган 20 йилда теваарак-атрофимиздаги янгиланишларга бир назар солайлик-чи! 1990 йилга нисбатан қанчалик юксалишга эришганимизни бутун жаҳон кўриб ва тан олиб турипти-ку? Албатта, ғаламислар ҳам йўқ эмас. Улар камчиликни йўқ жойдан топади, яққол ютуқларни ҳам кўришга кўзлари “хиралашиб” қолади. Аммо имонли одам камчиликни кўрса тузатишга интилади, бўшашиб “ғингшиб” ўтирмайди. “Қаловини топса қор ёнади” дейди доно халқ. Имонли одам камчиликни ҳам ютуққа айлантира билади, душманни ҳам дўстга айлантиришнинг уҳдасидан чиқади.

### 3. Ахборот тизимларининг мукамаллашуви ва бунинг глобаллашувга таъсири.

Биз гапни узоқдан бошладик. Аслида **глобаллашув** тушунчаси XIX аср охири - XX аср бошларида эмас, балки XX аср охирларига келиб одамлар оғзига тушди. Бу ҳодиса айтилиши компьютер, қўл телефон ва интернет тизимининг жаҳонда кенг ёйилиши билан боғлиқ бўлди. Биз ахборот соҳасидаги **глобаллашувни** радио, телефон, телевизор, яна транспорт воситаларининг ривожини билан боғлашимиз ҳам мумкин.

Минтакалараро ахборот алмашув жараёнлари қадим даврларда ҳам бўлган. **Искандар Мақдуний** юришлари ва Селевкийлар сулоласи ҳукмронлиги даврларидан **эллизм** маданиятининг Марказий Осиё ҳудудларигача кенг тарқалиши бунга бир мисол бўлса, Кушонлар салтанати даврида Ҳинд маданияти унсурлари, хусусан, буддавийлик маданиятининг бизнинг диёримизга кириб келиши ва биз орқали Шарқий Туркистон ва Узоқ Шарқ ўлкаларига тарқалиши яна бир ёрқин мисолдир. Аслида шумерларнинг Икки дарё оралиғига бориб ўрнашиши, орий халқларининг Марказий Осиё орқали Ҳиндистон ва Эронга ўтиб боришлари, Хунлар ва туркий халқларнинг буюк кўчишлари – барчаси дунё халқларининг **маданий интеграллашув жараёнлари** қадимдан давом этиб келаётганини билдиради. Ислом минтақа маданияти ҳам дастлабки даврларидан бошлаб қадим Юнон ва Рим, Ҳинд ва Эрон ҳамда Марказий Осиё халқлари яратган маданият унсурларидан баҳраманд бўлган. Аммо булар айтилиши **интеграллашув** ҳодисасига мансуб бўлиб, ҳозирги **глобаллашув** жараёнларидан тубдан фарқ қилар эди. Яъни тилга олинган тарихий жараёнлар мазмунан бир томоннинг **ялпи тазийқи** эмас, икки томоннинг **ўзаро таъсирланиши** шаклида амалга ошган эди.

Тан олиб айтишимиз керакки, XVI асрдан бошлаб дунёвий илмлар ривожидан Европа қитъаси илғорлаб кета бошлади. XIX асрга келиб бу ривожланиш техника соҳасида инқилобга олиб келди. Бугунги кунга келиб баъзи Осиё давлатлари ҳам бу соҳада илғорлаб кетишгани маълум. Аммо бу илғорлашув айтилиши Фарб андазалари асосида эканлигини унутмаслигимиз керак. Гап техникада эмас. Илмий-техник ютуқлар аслида маънавий жиҳатдан ҳолис нарсалар. Аммо уларнинг орқасида қарашларга эга бўлган одамлар турипти, муайян тамаддун қатлами турипти. Масалан, бизнинг болаларимиз Европа ёки Шимолий Америкага бориб ўқийди, дейлик, уерда ижтимоий фанлар эмас, аниқ фанлар ёки иқтисодий (бизнес, менежмент, маркетинг) соҳада ўз билимларини оширади. Аммо у бирқанча муддат (бирнеча йил, бирнеча ой) ўша тамаддун муҳитида яшайди, ўша тамаддун муҳитида ўсиб-улғайган инсонлар билан мулоқотда бўлади. Аксарият инсонлар (айниқса, ёшлар) ким ҳаётда кўпроқ ютуқларга эришаётган бўлса, шу одам энг ақлли, энг билимли, доно бўлса керак, демак, ҳар соҳада унга эргашсак, кам бўлмаймиз, деган кайфиятда бўлади. Ҳаёт очик кўрсатиб турипти-ки, бугунги кунда энг эркин, энг фаровон яшаётган халқ, энг қулай ва ривожланган турмуш тарзига эга бўлган жамият – Европа ва Шимолий Америка жамияти, шу тамаддун муҳитида яшаётган халқлардир. Буни сира инкор этиб бўлмайди. XX аср



охирги чорагидан қатор Осиё мамлакатлари, биринчи навбатда Япония, кейин Сингапур ва бошқа давлатлар ҳам ушбу турмуш даражасига яқинлаша бошладилар. Ҳозирга келиб Малайзия, Қатар, Бирлашган араб амирликлари каби баъзи мусулмон давлатлари ҳам бу сафга қўшилиб келмоқдалар.

Лекин бугуннинг эртаси бор эканлигини унутиш яхши оқибатларга олиб келмайди. Бу гапнинг маъносини чақиш учун яна бироз орқага қайтиш лозим бўлади. Маълумки, инсон ва жамият ҳаёти уч асосий соҳадан иборат. Булар – **иқтисод, сиёсат, маънавият**. Агар бу уч соҳадан бири оқсай бошласа, бора-бора қолганларига ҳам таъсир кўрсатади. Ғарб иқтисод ва сиёсат борасида ниҳоятда илғорлаб кетганини эътироф этган ҳолда маънавият масаласида борган сари хатарли йўлга кириб кетаётганини ҳам кўрмаслик мумкин эмас.

Хўш, маънавият ўзи нима, деган савол бўлиши мумкин. Маънавият ўзига хос мураккаб, аммо яхлит ҳодиса бўлиб, илмий адабиётда унинг турлича таърифлари учрайди. Биз ҳозирча масалани соддалаштириш учун шахс маънавиятининг тўрт асосий жиҳатига эътибор қаратамиз. Булар **имон, илм, масъулият, меҳр**. Илм соҳасида Ғарб тамаддуни ниҳоятда илгарилаб кетганини қайд этиб ўтдик. Аммо бу қандай илм? Ғарб одамнинг ўз атамасига биноан буни “**дунёвий илмлар**” дейилади. Улар ўз навбатида аниқ фанлар, табиий фанлар, техника фанлари ва ижтимоий-гуманитар фанларга бўлинади. Бошқаларини қўйиб туриб ижтимоий-гуманитар фанлар гуруҳига эътибор қаратамиз. Бошқалари қатори зоҳиран (ташқаридан) қараганда бу гуруҳга оид фанлар ҳам ўта ривожланиб кетгандек кўриниши мумкин. Аслида-чи? Бу соҳада ҳам миқдор жиҳатидан ўтказилаётган тадқиқотлар беҳисоб. Аммо натижа қандай? Шошманг, гап қанақа натижа ҳақида бормоқда? Ахир, эришилган натижа ҳақида қўйилган мақсадга биноан хулоса чиқарилади-ку? Демак, аввал Ғарб тамаддунида ижтимоий-гуманитар фанлар олдига қандай мақсад қўйилганини тўғри белгилаб олмоғимиз керак бўлади.

Бунинг учун Европа ва Шимолий Америка халқларининг бугунги кундаги энг устивор қадриятлари нима деган саволга жавобни билиш керак. Айтиш мумкинки, замонавий Европа ва Шимолий Америка халқларининг энг устивор қадриятлари **демократия** ва **либерализм**дир. **Демократия** – “халқ хоқимиятчилиги” дегани, **либерализм** эса **шахс эркинлиги** тамойилидир (лотинча *liberalis* – “озод”, “эркин” сўзидан). Машҳур француз файласуфи Вольтер ибораси билан айтганда, “эркинлик” қонундан бошқа барча соҳаларда тўлиқ мустақил бўлишни англатади<sup>3</sup>. Шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда бугунги Ғарб тамаддунидаги ижтимоий-гуманитар фанлар жамият ва инсон муаммоларини воқеликни **холис кузатиш принципи** асосида ўрганади. Яъни қайси хатти-ҳаракат тўғри ёки нотўғри деб эмас, инсон ва жамият ҳаётида шундай-шундай ҳодисалар мана бундай шаклда юз берапти, деган қабилда бизга холис ахборот етказиб бериш билан шуғулланади. Демак, **мақсад** жамиятга воқеликда юз бераётган ҳодисалар ҳақида **холис ахборот етказиш**. Бу ахборотдан ким қандай фойдаланади, ўзига хавола. Бу нарса инсонлар учун

---

<sup>3</sup> Баходир Зокир. Ғарб ва Шарқ либерализми.// “Тафаккур” журнали, №2, 2004, с.13.

керакми? Албатта, керак. Бу ёндошув етарлими? Мана бу саволга узил-кесил “Ҳа, етарли” дейиш қийин. Бу масалада чуқурлашмай туриб аввало яна бир муаммога кенгроқ тўхталиб ўтайлик.

#### 4. Ғарб либерал демократияси принциплари хақида

Биз юқорида замонавий Европа ва Шимолий Америка халқларининг энг устивор қадриятлари **демократия** ва **либерализм**дир, дедик. Одатда **демократия**, яъни **сиёсатдаги** халқ ҳокимиятчилиги принципини қадим Юнон ва Рим шаҳар-давлатларидаги муайян бошқарув тизимига олиб бориб боғлашади. Лекин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, антик дунёда дарҳақиқат “халқ ҳокимиятчилиги” бўлганми? Маълумки, ўша даврнинг ҳақиқий боқувчилари деҳқонлар ва куллар бўлган. Айни шулар аслида сиёсий бошқарувда умуман иштирок этган эмас. Ҳозирги кунда ҳам Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида ҳақиқий “халқ ҳокимиятчилиги” мавжудми? Бу ҳудудларда сиёсат майдони аслида кимнинг қўлида, ёки аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу мамлакатлардаги бошқарув тизими кимнинг фойдасига хизмат қилмоқда? Масалан, нега Америка қўшма штатларида мавжуд икки сиёсий партия вакилларида қайсибири давлат тепасига келмасин бу давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида куруқ гапдан бошқа деярли ҳеч нарса ўзгармайди? Сабаби, нафақат АҚШда, балки барча Европа давлатларида ҳам **ҳақиқий хўжайинлар** у ёки бу сиёсий арбоблар эмас, ҳатто сиёсий партиялар ҳам эмас, иқтисодий соҳанинг эгалари, яъни **трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва молия дунёсининг корчалонларидир**. Барча сиёсат арбоблари фақат шуларнинг фойдасига ишласагина давлат бошқарувига кела олади, бўлмаса йўқ. Ҳозирги кун **Ғарб демократиясининг** асл моҳияти шунда. Ғарб матбуоти қаерда “*демократия йўқ*” деб жар солаётган бўлса, демак, билингки, ўша ҳудудни ҳануз Европа ва Шимолий Америка ТМКлари тўлиқ ўз тасарруфига олиб улгурмапти. Барча “*бақир-чақир*”нинг сабаби шу халос.

Энди **либерализм** принципига келайлик. **Либерализм** сўзининг асл маъноси **эркинлаштириш**дир. Сиёсатдаги **либераллар** ижтимоий ҳаётни **эркинлаштириш** тарафдорлари ҳисобланади. Хўш, Ғарб мамлакатларидаги **либерализм**, яъни **эркинлаштириш**нинг асл моҳияти нимада ва у кимга керак? **Эркинлаштириш** ҳам аввало иқтисод соҳасидан бошланади. Маълумки, **бозор иқтисоди** принциплари иқтисод соҳасидаги **эркинлаштириш**нинг асос-пойдеворидир. Коммунистлар хусусий мулк ҳуқуқини тақиқлаш орқали **бозор иқтисодига** барҳам бермоқчи бўлдилар. Натижа шу бўлди-ки, ҳозирги кундаги коммунистлар бошқараётган энг қудратли давлат – Хитой халқ республикаси – тўлақонли бозор иқтисоди йўлидан илдам қадамлар ила бормоқда. Буни эплай олмаган СССР раҳбарияти капиталистик дунёни ларзага солиб турган бир мамлакатни ўз-ўзидан парчаланиб кетишига тўсқинлик қила олмади. Чунки хусусий мулк ҳуқуқи бўлмаса инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳам чекланиб қолади, сабаби унинг даромад

манбаи эркинлашмаган бўлади, демак, унинг бу дунёда кун кечириш-кечирмаслиги доим кимларгадир боғлиқ бўлади.

Аммо ҳар нарсанинг чегараси бор. Инсон ва жамият ҳаёти фақат иқтисод соҳасидан иборат эмас. Мулкка эгалик шакллари ҳам хилма-хил. Уларни эркин танлаш ҳукуқи ҳам инсон ва жамият учун муҳим. Ғарб иқтисодида ҳукмрон кучлар кимлар эканлиги юқорида айтиб ўтилди. Уларнинг қўлидан бу қудратни олиб қўя оладиган куч борми? Сиёсат соҳасини ҳам ушбу кучлар деярли тўлиқ бошқараётгани маълум бўлди. Бунинг учун сиёсатнинг охириги сўзи уруш бўлса, бугунги дунёда уруш қуроллари ишлаб чиқиш ҳам ТМКлар қўлида эканлигини эслаш кифоя.

Биргина умид **маънавият** соҳаси билан боғлиқ бўлиб қолаяпти. Буни жаҳоннинг ҳукмрон кучлари ҳам билиб турипти. Ахборот соҳасидаги **глобаллашувнинг** моҳияти ҳам айтиш шунда. Сиёсат соҳасини эркинлаштириш **демократия** аталса, инсон **маънавиятига** таъсир ўтказиш учун ахборот соҳасини эркинлаштириш зарур бўлади. Бунинг учун барча иқтисодий шарт-шароит яна юқоридаги ҳукмрон кучлар қўлида муҳайё.

Ғарб сиёсат майдонида фақат либераллар эмас, яна **консерваторлар** аталувчи тоифа ҳам бор. **Радикал** гуруҳлар аталувчи кучлар, ҳатто экстремист ва **террористлар** ҳам топилади. Улар нима иш қилади? Жаҳондаги ҳақиқий ҳукмрон кучлар ихтиёр қилса, уларнинг барчаси учун юмуш топилади. Қизиги шундаки, уларнинг ҳеч қайсиси амалда **либераллар** жорий қилаётган **янгиликларнинг** бирортасини бекор қилаётгани йўқ.

Хўш, **либераллар** қандай **янгиликларни** жорий қилаётганлигини батафсилроқ бир кўздан кечириб кўрайлик-чи?

*(Қуйида берилган маълумотлар асосан тадқиқотчи Баҳодир Зокир томонидан "Тафаккур" журнаlining қатор сонларида эълон қилинган мақолаларнинг баъзи ўринлари бироз таҳрир қилинган матнларига таянади).*

## 5. Ғарб тамаддуни: Инқироз аломатлари

*(Патрик Бьюкененнинг "Ғарбнинг ҳалокати" асари материаллари асосида).*

Ўтган асрнинг сўнгги чораги ва ХХI асрнинг дастлабки йилларида Ғарбдаги етакчи давлатлар иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, илмий технологик тараққиёт борасида улкан ютуқларни қўлган киритган бўлса-да, бу натижаларни шубҳа остига олаётган, ҳатто ғарбона тамаддуннинг маданий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан емирилиб бораётганини асослашга уринаётган турли концепциялар пайдо бўлди. Сирасини айтганда, бундай ёндашувнинг илк куртаклари ҳаёт фалсафаси таълимотининг асосчиларидан бири, немис файласуфи Отто Шпенглернинг "*Оврупонинг сўниши*" (1922), Эрих Фроммнинг "*Эркинликдан қочиш*" (1941), "*Хомхаёллар қуришвида*" (1962), "*Умидлар инқилоби*" (1968), Даниел Беллнинг "*Мафкураинг емирилиши*" (1960) каби асарларидаёқ намоён бўла бошлаган эди. Шуниси эътиборлики, ривожланган Ғарб мамлакатлари тараққиётнинг янги — постиндустриал босқичига кўтарилиши билан бундай интилишлар сўниш ўрнига янада авж олди. Бу даврда таниқли инглиз олими Арнольд Тойнбининг "*Тамаддун —*

*тарих хукми олдиди*", Фридрих Хайекнинг *"Қуллик сари йўл"* (1989), Френсис Фукуяманинг *"Тарих интиҳоси"* (1985), *"Тарих интиҳоси ва сўнги одам"* (2004), Жак Барзумнинг *"Ёруғликдан зулмат сари: Ғарб маданият ҳаётининг 500 йиллик тарихи"* (2000) ва бошқа кўплаб асарлар бирин-кетин чоп этилди. Улар орасида Ричард Никсен ва Рональд Рейганнинг собиқ ёрдамчиси, америкалик таниқли файласуф, журналист ва сиёсий шарқловчи Патрик Бьюкененнинг *"Ғарбнинг ҳалокати"* (2002) асари алоҳида ўрин тутди. Мазкур асар мавзу доирасининг кенглиги ва хулосаларининг кескинлигига кўра америкалик сиёсатшунос Самуэль Хантингтоннинг Ғарб мамлакатларида жиддий шов-шувга сабаб бўлган *"Тамаддунлар тўқнашуви"* (1994) асаридан асло қвлишмайди. Бироқ Хантингтон глобал инкярроз омилларини тамаддунлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви ва уларнинг тўқнашуви билан изоҳлаган бўлса, Бьюкенен Ғарбнинг ҳалокатга юз тутиш мумкинлиги ҳақидаги хулосасини бошқа омиллар билан боғлайди.

Хўш, қандай далилларга таяниб, у бундай хулосага келади?

## **6. Ғарб жамиятини емираётган муаммолар**

Асарда муаллиф, статистик ва социологик маълумотлар ҳамда кўплаб таниқли олим-мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда, Ғарб тамаддуни асосларига таҳдид солаётган қуйидаги хавф-хатарларга эътибор қаратади.

**Биринчиси** — демографик омил, яъни Ғарб мамлакатларида туғилиш даражасининг кескин расайиши. Ҳозирги вақтда илмий-техникавий, технологик ва иқтисодий тараққиёт, сиёсий ҳаётни демократлаштириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва бошқа муҳим кўрсаткичлар бўйича дунёдаги барча тамаддунларни ортда қолдириб кетган Ғарб цивилизацияси ғалати *"рақиб"* — зурриёт қолдиришдан воз кечаётган аҳолига рўбарў келиб қолди. Бошқача айтганда, Ғарб тамаддуни асрлар мобайнида узлуксиз инқилоблар, ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида мислсиз ютуқларни кўлга киритган бўлса-да, бошқа цивилизациялар сақлаб қолган, кўпчилик учун уларнинг ҳақиқий мазмуни бўлган энг муҳим ҳаётий зарурат — ўзидан муносиб насл қолдириш, шу тариқа ўз авлоди, эътиқоди, тамаддун ва маданиятининг ворисийлигини таъминлаш нмконини бой бермоқда. Ғарб кишининг демографик ҳаётида бундай кескин ўзгариш юз беришида ғарбона турмуш тарзи андозалари, айниқса, моҳиятан насроний қадриятларга зид бўлган индивидуализм таъминлининг *"хизмати"* беқиёсдир. Бу ҳақда Бьюкенен қуйидагиларни ёзади: *"Ғарб том маънода ўлмоқда: деярли барча Ғарб мамлакатлари аҳолиси ақл бовар қилмас даражада камайиб бормоқда. Ўн тўртинчи асрда Оврупо аҳолисининг учдан бир қисмини қириб юборган "Қора ўлат" эпидемиясидан буён биз ҳали бу қадар хатарли таҳдидга дуч келмаганмиз. Бу офат бутун Ғарб тамаддунини қириб юбориши ҳеч гап эмас. Ҳозирги вақтда Оврупо мамлакат-ларидан ўн еттасида (Бельгия, Болгария, Венгрия, Германия, Дания, Испания, Италия, Латвия, Литва, Португалия, Россия, Руминия,*

Словакия, Словения, Хорватия, Чехия, Эстония) ўлим кўрсаткичи туғилишдан кўра анча юқорилаб кетган, яъни бу давлатларда беланчақдан кўра тобутга эҳтиёж кўпроқ. Таъбир жоиз бўлса, католиклар, протестантлар, православлар — барча-барчаси Ғарб тамаддунини "кўмиш маросими"да иштирок этмоқда".

Шундай қилиб, АҚШ ва умуман, Ғарб мамлакатларига таҳдид солаётган энг жиддий масала бу — демографик инқирознинг тобора кескин тус олаётгани ва талай ижтимоий муаммоларни келтириб чиқараётганидир. Масалан, аксарият ривожланган мамлакатларда туғилаётган болалар сони йилдан-йилга камайиб, кексалар ва қариялар салмоғи ортиб бораётгани сабабли ҳукуматлар солиқларни ошириш, нафақага чиқиш муддатини узайтириш, қариялар учун жорий этилган имтиёзларни бекор қилиш ҳамда хориждан ишчи кучини жалб этишга мажбур бўлмоқда. Кексаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун кўп ишлаб, кам маош олишга тўғри келмоқда; бу эса турли ёшдаги кишилар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида кескинликни вужудга келтирмоқда. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидан келган муҳожирлар сонининг кўпайиши эса этник низоларга сабаб бўлмоқда. Ланкаширдагм Олдем, Лидс, Бэрнли ва Брэдфорд шаҳарларидаги этник низолар, Парижда французлар ва алжирликлар ўртасидаги қонли тўқнашувлар ҳамда ҳукуматга қарши оммавий норозиликлар, Германияда скинхедларнинг турклар ва муҳожирларга тажовузлари ва яиа бошқа кўплаб мисоллар яқин келажакда Ғарб мамлакатларини кутиб турган фожиалардан дарак беради.

АҚШда бу борада вужудга келган вазият ҳақида тўхталиб, Бьюкенен бундай деб ёзади: *"Ўн миллионлаб америкалик ёш аёллар бола туғишни истамас экан, демак, Америка оммавий муҳожирликни ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга мажбур бўлади. Америкаликлар ўз тамаддуни, маданияти ва давлатини сақлаб қолмоқчи бўлса, имкон даражасида кўпроқ бола туғилишига интилиши керак. Бизнингча, болалар ва оилаларга гамхўрлик давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланиши даркор. Зеро, биз учун америка миллати ва давлатини сақлаб қолишдан муҳимроқ вазифа бўлиши мумкин эмас"*. Унинг назарида, мамлакатда демографик вазиятни ўнглаш, оилани мустаҳкамлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этилиши зарур. Хусусан, болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш, нафақалар миқдорини кескин ошириш, ота-онага қўшимча ҳақ тўлайдиган иш берувчиларга солиқ имтиёзлари яратиш, оилавий тадбиркорлик ва фермер хўжаликларидан олинадиган солиқ юкини камайтириш, ҳатто баъзи солиқларни буткул бекор қилишни таклиф этади. Аммо олимнинг назарида, бундай мураккаб ва кенг қамровли муаммони ҳал этиш учун *"мустаҳкам эътиқод"* ва *"кўп болали оила"* тушунчаларининг узвий боғлиқлиги, қайси дин ва миллатга мансублигидан қатъи назар, ўз эътиқодида мустаҳкам ва содиқ халқ, ҳамиша серфарзанд бўлиб келганини ёдда тутган ҳолда, аввало, диний кадрларнинг тикланишига эришиш зарур.

**Иккинчи** хатар — Ғарбнинг маданий яхлитлигига зарба бераётган турли ирқ, эътиқод ва маданиятга мансуб кишиларнинг оммавий муҳожирлиги. Бу

ҳол кейинги йилларда деярли барча Ғарб мамлакатларида намоён бўлмоқда. Масалан, 1969 йили Ричард Никсон қасамёд қилган кезлари Қўшма Штатларда туб аҳолига мансуб бўлмаганлар 9 миллион кишини ташкил этган эди. Кичик Буш президентлик фаолиятининг дастлабки даврида бундай кишилар сони 3,3 баробар кўпайиб, 30 миллионга етди. Ҳар йили мамлакатга расман бир миллион, ноқонуний равишда эса 500 минг киши кириб келади. Биргина Калифорния штатидаги муҳожирларнинг сони (8,4 миллион киши) бутун бошли Жанубий Калифорния штати аҳолисидан кўп экани аниқланган. Ҳозирги вақтда вужудга келган вазиятни ҳатто 1890-1920 йиллардаги оммавий муҳожирлик тўлкини билан ҳам қиёслаб бўлмайди. Бьюкененнинг таъкидлашича, дунёдаги бирор бир миллат бу қадар қисқа вақт мобайнида ана шундай улкан тўлқинга дуч келмаган. Муаллиф муҳожирлик мамлакатни ҳалокат ёқасига олиб келади ва охир-оқибат Америка тарихи, кадриятлари, тили, маданияти, эътиқоди, аждодларига кўра бир-биридан тубдан фарқ қиладиган турли халқларнинг бетартиб уюшмасига айланиб қолади, деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, статистик маълумотлар Бьюкененнинг бу хулосасини тасдиқлайди. Жумладан, ҳозирги вақтда асли келиб чиқиши лотинамерикалик ва осиелик фуқаролар мамлакат аҳолисининг 15 фоизини ташкил этса, 2050 йилга бориб бу кўрсаткич камида 33 фоизга етиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу даврда АҚШда уч этник гуруҳ: лотин америкаликлар, африкалик америкаликлар ва осиелик америкаликлар ҳукмронлик қилади. Бошқача айтганда, ҳамон полиэтник ва муҳожирлар мамлакати бўлиб қолаётган Қўшма Штатларнинг тақдири кўп жиҳатдан америка жамиятининг негизда ётган асосий сиёсий тамойил — шахс ва этник-маданий уюшмалар ҳуқуқлари масаласи кимнинг фойдасига ҳал этилиши, уларнинг қай бири устуворлик касб этишига боғлиқ.

**Учинчи** хатар — давлатларнинг парчаланиши ва ҳокимиятнинг миллий ҳукуматдан *"дунё ҳукумати"* деб аталадиган жаҳон миқёсидаги ҳукмрон кучга босқичма-босқич топширилиши. Бьюкененнинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда миллий давлатларнинг ўз ўрнини *"дунё ҳукумати"*га бўшатиб бериши масаласи Уолтер Кронкайт, Строуб Тэлботт сингари сиёсий арбоблар, Федералистларнинг жаҳон ассоциацияси, ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳам очиқ-ошкора муҳокама этилмоқда. Глобаллашув жараёнининг асосий субъект ва ҳаракатлантирувчи кучлари маифаатларига хизмат қиладиган бундай саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад — миллий манфаат ва кадриятларга таянган анъанавий тафаккур тарзига зарба бериб, бутун дунёда ғарбона андозаларга асосланган, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий жиҳатдан ягона тамаддун ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат. Бундай саъй-ҳаракатларнинг хатарли жиҳати шундаки, унинг бошқа тамаддунлар, халқлар ва давлатлар учун қандай оқибатларни келтириб чиқариши, масалан, яқиндагина мустақиликка эришган мамлакатларнинг миллий манфаатлари, анъана ва кадриятларига қай тарзда таъсир этиши мумкинлиги глобал ҳукмронликка интилаётган кучларни у қадар ташвишлантирмайди. Бу ҳол нафақат Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари, балки Ғарб давлатларининг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий тараққиётига ҳам

ҳалокатли таъсир этиши, Бьюкененнинг таъбири билан айтганда, "*Ғарб тамаддунини суяб турган пойдеворнинг нураб кетиши*"га сабаб бўлиши мумкин.

**Тўртинчи хатар** — насроний дин ва ахлоққа зид бўлган ғоя ва қарашларнинг сингдирилиши оқибатида азалий қадрият, урф-одат ва анъаналарнинг емирилиши.

Маълумки, Ғарб мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг юксак чўққиларига кўтарилишида насроний қадрият, урф-одат ва анъаналар, диний ахлоқнинг аҳамияти беқиёс бўлган. Аниқроқ айтганда, насронийлик Ғарб тамаддунини вужудга келтирган, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тузумининг ғоявий-мафкуравий негизлари, миллий-этник онгнинг маъно-мазмунини белгилаб берган етакчи омил сифатида хизмат қилиб келган. Аммо ўтган асрнинг сўнгги чораги ва XXI асрнинг бошларида аксарият ривожланган мамлакатлар ижтимоий, маънавий-маданий ҳаётида юз бераётган салбий ўзгаришлар, чунончи, азалий насроний қадрият ва ахлоққа зид қарашлар пайдо бўлаётгани ҳамда жамият ҳаётига изчил жорий этилаётгани Ғарбдаги кўплаб мутахассисларни ташвишлантирмоқда. Жумладан, тарихчи Жон Нельсон Блэк бундай деб ёзади: "*Инсоният тарихий тараққиётининг қайси даврига назар ташламанг, диний эътиқод ҳар қандай буюк давлатнинг пойдевори сифатида хизмат қилиб келганига гувоҳ бўласиз. Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон, Африка ёхуд Жанубий ва Марказий Америка тамаддунлари бўладими — уларнинг барчасида бир хил жараённи кузатиш мумкин: тамаддунлар дин негизида вужудга келган ва аксинча, қандайдир сабаблар туфайли анъанавий эътиқоднинг жамият ҳаётига таъсири сусайган ёхуд ундан бутунлай воз кечилган ҳолларда миллатлар, халқлар ва давлатлар таназзулга юз тутган*".

Бинобарин, "*Ғарбнинг ҳалокати*"да ҳам ушбу масала четлаб ўтилмаган, аксинча, у асарнинг ўзагини ташкил этади. Муаллиф насроний қадриятларнинг емирилишига сабаб бўлган асосий омиллар ҳақида фикр юритиб, ўтган асрнинг 60-йилларида содир бўлган **маданий инқилоб**, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва назарийчилари ҳақида батафсил тўхталади.

## 7. Маданий инқилоб назарийчилари

1923 йили Маркснинг венгриялик издоши Лукач ва Германия компартиясининг бир неча аъзолари Франкфурт университети қошида андозаси Москвадаги Маркс-Энгельс институтидан айнан кўчирилган бир илмий марказга асос солади. Асосчилар роса бош қотириб, унга **ижтимоий тадқиқотлар институти**, деб ном беради. Орадан бир оз вақт ўтиб, у **Франкфурт мактаби** деб аталади ва гуманитар илм соҳасида анчагина доврुक қозонади. 1930 йили собиқ марксист ва маркиз де Саднинг ашаддий мухлиси **Макс Хоркхаймер** институт директори этиб тайинланади.

Тахминан ўша даврда мусиқа танқидчиси **Теодор Адорно**, рухиятшунос **Эрих Фромм** ва социолог **Вильгельм Райх** Франкфурт мактабига келиб қўшилади. Аммо 1933 йили Германияда ҳокимият тепасига Гитлернинг келиши уларнинг фаолиятига чек қўяди. Франкфурт мактаби намоянда-

ларининг аксарияти яхудий миллатига мансуб ва марксист бўлгани сабабли, Учинчи рейхда уларга жой топилмайди. Франкфуртликлар "*мафкурасини жомадонга жойлаб*", уммон ортига қочишга мажбур бўлади. Ушанда Оврупони тарк этган машҳур профессорлар орасида яқиндагина университетни битирган ва ҳали кўпчиликка нотаниш бўлган **Герберт Маркузе** ҳам бор эди. Қочқинлар Колумбия университетининг кўмаги билан Нью-Йоркда жойлашиб олади ва бор ақл-салоҳияти ҳамда истеъдодини уларга бошпана берган мамлакат маданияти ва маънавиятини емиришга сафарбар этади. Шундан эътиборан улар "*янги марксист*"лар ёки "*маданий инқилобчи*"лар деб атала бошлайди.

Франкфурт мактабида яратилган янги "*қурол*" — танқидий назария ана шу мақсадга хизмат қилади. Номи анча жозибали кўрингани билан, унинг моҳиятида яширинган фаолият Ғарб тамаддуни асослари — насронийлик, капитализм, оила нуфузи, патриархат, жамиятнинг иерархик тузилиши, анъаналар, жинсий чекловлар, садоқат, ватанпарварлик, этноцентризм ва консерватизмга тамоман зид эди. Мазкур назария намояндалари Ғарб жамиятининг ирқчилик, шовинизм, миллатчилик, гомофобия, аксилсемитизм, нацизм ва фашизм ўчоғи эканини асослашга интилади ҳамда содир этилган барча жинойтлар унинг насронийлик маконида шаклланган табиатидан келиб чиқади, деб ҳисоблайди. Вақти-соати келиб, танқидий назариянинг бевосита таъсирида одамлар кўнглида шакллантирилган "*маданий тушқунлик*", бегоналашув, ишончсизлик ҳолати сабабли, эркин ва фаровон ҳаёт кечирish имкониятига эга бўлишига қарамай, улар ўз мамлакати ва жамиятини муҳаббат ва садоқатга нолайиқ деб тасаввур қила бошлайди. Бундай ҳолатнинг пайдо бўлиши Франкфурт мактаби назарийчиларига жуда қўл келади. Чунки улар учун айнан "*маданий тушқунлик*" инқилобий ўзгаришларнинг дебочаси ҳисобланади. Аммо, франкфуртчилар назарида, улар режалаштирган инқилоб, синфлар ўртасидаги антагонизмга таянган пролетар инқилобидан фарқли ўлароқ, бевосита инсонга қаратилган эди. Бундай қараш жамиятнинг иқтисодий-сиёсий тузилмаларини эмас, биринчи галда, унинг маданияти ва кадриятларини, инсон онгини инқилобий ўзгартиришни назарда тутди. Бунинг учун ҳокимиятни куч билан ўзгартиришга уринишнинг ҳожати йўқ. Негаки, янги инқилобчиларнинг фикрича, давлат — ҳар қандай сиёсий тизимнинг "*ташқи қобиг*"и, холос. Шундай экан, кишиларнинг қалби ва онгига бевосита таъсир этадиган маданий ва ижтимоий институтлар (оммавий ахборот воситалари, ўқув ва таълим масканлари, санъат ва адабиёт каби соҳалар) эгалланса бас — "*ташқи қобик*" емирилиб, сиёсий тизим ўз-ўзидан парчаланиб кетади.

Эътиборли жиҳати шундаки, янги инқилобчилар капитализмнинг иқтисодий ва сиёсий тизимини танқид қилишдан ҳаминша ўзини тийиб келган, Улар Ғарб маданиятининг негизини ташкил этган насроний кадриятларни ижтимоий тараққиётнинг асосий душмани деб эълон қилади.

Маданий инқилобчиларнинг уқтиришича, ўқув юртларида яхудий ва насроний таълимотига оид қарашларни тарғиб этиш қатъий ман этилиши керак. Аксинча, болалар онгига турмуш тарзининг турли кўриниш ва



шаклларига лоқайдлик, барча маданиятларга (бу ўринда асосан жинсий бузуқлик назарда тутилмоқда — **муаллиф**) нисбатан хайрихоҳ туйғуси сингдирилиши, жамиятда "*репродуктив эркинлик*", шунингдек, ирсий, диний ва этник асосда таҳқирланишга йўл қўйилмаслиги лозим. Аслида эса маданий инқилобчилар эътиқод ва динларнинг такдири ҳақида қайғураётгани йўқ; уларнинг асосий мақсади — бутун дунёда янги ахлоқ ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат. Ана шу мақсадга эришиш учун ўқув юртларидан барча муқаддас китоблар, диний тимсол ва суратлар улоқтириб ташланиши, миллий урф-одат ва байрамлар бекор қилиниши ҳамда барча таълим масканлари янги ахлоқ, эътиқодни ўрганиш марказларига айлантирилмоғи даркор.

Бундай ғояларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларни кенг тарғиб этишда Ғарбдаги айрим маданият ва санъат арбобларининг, масалан, 60-йиллардаги энг машҳур "*Битлз*" гуруҳи ва "*янги авлод шоири*" мақомига даъвогарлик қилган унинг етакчиси Жон Ленноннинг ҳам "*хизмати*" беқиёс бўлган.

Хўш, "*янги авлод шоири*" кўшиқларида қандай ғояларни тараннум этган эди? У куйлаган кўшиқларининг бирига насронийликдан кейинги даврда жаннат ва дўзах, давлат ва миллат, дин ва эътиқод, мулк ва мулкчилик деган тушунчапар барҳам топади, деган ғоя сингдирилган. Бироқ, ажабланарлисиз шундаки, ўзини "инстинктив социалист" деб ҳисоблаган ва узоқ йиллар мобайнида мулксизлик ғоясини тарғиб қилиб келган "янги авлод шоири"нинг вафотидан кейин 275 миллион доллар миқдорида сармоёга эгалик қилгани, яъни ўша даврда дунёнинг энг бадавлат кишиларидан бири бўлгани аён бўлади.

"*Жон Леннон мероси*" китобининг муаллифи Дэвид Нобелнинг таъкидлашича, кўшиқчи нимага интилаётгани ва нималарни кўзлаётганини жуда яхши билган. Чунончи, Леннон 60-йиллардаги интервьюларидан бирида айтган қуйидаги гаплари билан кўпчилиكنи лол қолдирган эди: "*Насронийлик ўлимга маҳкумдир. Унинг аста-секин сўниб, емирилиб кетишига заррача шубҳа йўқ. Бу шунчалик аён ҳақиқатки, мазкур масала юзасидан қандайдир баҳс-мунозарага мутлақо ўрин йўқ. Мен ҳақлигимни яхши биламан ва ишончим комилки, бошқалар ҳам тез орада бунга амин бўлади. Бугунги кунда шухрат бобида ҳатто Парвардигор ҳам биз билан тенглаша олмайди*". Ғарб олами кўп нарсага гувоҳ бўлган, лекин бу қадар шаккокликка ҳали дуч келмаган эди.

## **8. Маданий емирилишнинг тарихий илдизлари**

Маълумки, ҳар қандай миллатнинг келажаги бўлмиш ёш авлоднинг дунёқараши дастлаб оилада, болалар боғчаси ва мактабда шаклланади. Чунки айнан шу даргоҳларда нимага эътиқод қилиш, нималарни қадрлаш ва қандай яшаш кераклиги ҳақидаги илк тушунча ва қарашлар болалар онгига сингдирилади.

Бироқ ҳозирги вақтда насронийлик, азалий қадрият ва анъаналар таълим масканларидан қувғин этилаётганини таъкидлаб, Бьюкенен маданий инқилобчиларнинг 1973 йили нашр қилинган ва кенг тарғиб этилаётган

ғоявий-мафкуравий манбаларидан бири — “Гуманитар манифест”дан олинган айрим иқибосларни китобхон эътиборига ҳавола этади. Мана улардан айримлари: “Ибодат қилаётган одамнинг Яратганга эътиқоди – исботлаб бўлмайдиган эскилик сарқитидир... Анъанавий ахлоқ бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди... Ўлимдан кейин жаннатга тушиши ёхуд жаҳаннам азобларига дучор бўлиши ҳақидаги ақида нафақат мавҳум, балки инсон руҳияти учун ўта хатарлидир...” ва ҳоказо. Бьюкененнинг фикрича, бундай қарашларни тарғиб этаётган, насронийликни ҳатто мактаб бўсағасига ҳам йўлатмаётган маданий инқилобчиларнинг саъй-ҳаракати билан ёш авлод қалби ва онгига ғайриинсоний ғоялар сингдирилмоқда. Албатта, муаллифнинг бу фикрларига эътироз билдириш ёхуд уларни инкор этиш қийин. Аммо масалага жиддий ва холисона ёндашилса, насроний кадриятларга зид қараш ва таълимотлар куни кеча пайдо бўлгани йўқ, улар бир неча асрлар мобайнида шаклланиб келгани ҳамда Уйғониш, Ислоҳотчилик ва Маърифатпарварлик даврларида илгари сурилган ғоялар билан узвий боғлиқ эканини эътироф этишга тўғри келади.

Дарҳақиқат, ушбу маданий инқилобий даврлардан ҳар бири антик ва насроний мероснинг танқидий ўзлаштирилиши ҳамда синтези негизида шаклланган ва ривожланган. Масалан, моҳиятан диний схоластикага зид бўлган Ренессанс даврида вужудга келган пантеистик дунёқараш замирида олам, инсон ва коинотга насбатан янгича қараш ва ёндашувлар илгари сурилади. Бу даврда инсоннинг моҳиятини ўзига хос тарзда талқин этиб, унинг Яратган ва борлиққа муносабати тубдан ўзгаришига асос бўлган янги гуманистик идеал яратилади. Айнан шу даврда янгича дунёқарашнинг бош тамойили — теоцентризмдан антропоцентризм сари бориш ҳаракати, тенденцияси яққол намоён бўла бошлайди. Бу — насроний дин асосларига берилган дастлабки қақшатқич зарба эди.

Ислоҳотчилик даврида инсоннинг эътиқоди, Яратганга муносабати унинг ўзигагина тегишли шахсий масалага айланади ва айнан шунинг негизида индивидуализм асослари шаклланиб, ғарб кишисининг фаоллиги ва эркинлиги учун кенг имкониятлар яратилади. Эндиликда кўплаб одамлар ҳаётнинг маъно-мазмунини эътиқод билангина боғламайди, улар бошқа ҳаётий мақсад, эҳтиёж ва манфаатлар ҳам бўлиши мумкинлигини англаб этади. Аста-секин ижтимоий ҳаётда инсоннинг эътиқоди эмас, дунёвий жамиятда у эришган ютуқлар, “ёлгон” дунёдаги амаллар устувор аҳамият касб эта бошлайди. Яъни, ҳозиргидек фикрлаш, идрок ва ҳис этиш учун ғарб кишисининг онги, дунёқарашини, фикрлаш тарзи ва хатти-ҳаракатларида инқилобий ўзгаришлар рўй бериши зарур эди. Ислоҳотчилик даври ғарб жамияти ва ғарб кишисини ана шундай ўзгаришлар сари етаклади. Бир неча асрлар мобайнида бу йўл Яратганга яқинлашишга эмас, аксинча, ундан янада узоқлашишга хизмат қилди. Бу дин асосларига берилган иккинчи кучли зарба эди.

Илм-фан ва рационализм ғояларига йўғрилган Маърифатпарварлик даврига келиб, бу жараён мантикий яқунига этади. Бу даврда яшаб ижод қилган айрим мутафаккирлар диний эътиқоддан маҳрум, фақат даҳрий

кишилардан ташкил топган жамият барпо этиш мумкинлиги тўғрисидаги қарашларни илгари суради. Масалан, Маърифатпарварлик даврининг ғоявий ғоявий асосчиларидан бири П.Бейль фикрича, инсонни эътиқод эмас, илмгина юксалтириши мумкин. Вольтер, Монтескье, Шопенгауэр, Ницше каби буюк файласуфлар асарларида бундан-да кескинроқ фикрларни истаганча топиш мумкин. XX асрда эса инсоният бошига мислсиз кулфатлар келтирган коммунизм ҳамда фашизм мафкуриси, сиёсати ва амалиёти — насроний қадриятларни таг-томири билан суғуриб ташлаб, даҳрийлар жамиятини барпо этишни кўзлаган ва бу борада анча-муича "ютуқ"ларни ҳам қўлга киритган эди. Бу — дин асосларининг заифлашуви ва инқирозига сабаб бўлган яна бир зарба бўлди. Шундай қилиб, ўтган аср бошларидан ҳозирги вақтгача табиий ва гуманитар фанлар соҳасида эришилган улкан ютуқлар диннинг мавқеи пасайиши, эътиқоднинг сусайишига жиддий таъсир қилганини инкор этмаган ҳолда, диний қадриятлар емирилишининг асл илдизлари барча тамаддунлар, айниқса, Ғарб давлатлари ва халқлари тарихида ғоят муҳим ўрин тутган, юқорида зикр этилган уч инқилобий даврдан изланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## 9. Эътиқодсиз ахлоқ бўлиши мумкинми?

Бьюкененнинг таъкидлашича, ғарб кишиси Люцифер (насронийликда шайтон тимсоли, жақаннам ҳукмдори) ёки Адам сингари қилмишининг оқибатини ўйламай, Яратганга шак келтириш, ҳатто Худо бўлиш мумкин, дегаи хулосага келган кўринади. У насронийликни инкор этиб, ўзича бундай мулоҳаза юритади: *"Биология ва тиббиёт соҳасидаги ютуқларга таяниб, инсон ҳаётига чек қўйиш, уни узайтириш, вужудга келтириш ва клонлаштириш (кўпайтириш) усуллари яратилди. Ҳарбий технологиялар ёрдамида урушда талафотсиз галабага эришиш йўллари излаб топилди. Монетар молиявий сиёсат туфайли иқтисодий инқирозларнинг олдини олиш имкони тузилди. Бундан буён эркин бозор ва савдо-сотиққа таянган глобал иқтисодиёт сайёрамизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг фаровонлигини таъминлайди. Глобал демократия умумий тинчликнинг қарор топишига хизмат қилади, миллий ҳукуматлар ўрнига умумдунёвий ҳукумат пайдо бўлади. Яратган бизни парвоз қидашга ўргатди, аммо бундан буён унинг хизматига эҳтиёж қолмади. Йўлнинг қолган қисмини ўзимиз босиб ўтамыз..."*

Бошқача айтганда, насроний қадриятлардан воз кечган Ғарб тамаддуни тубсиз жарлик ёқасига бориб қолди. Асрлар мобайнида унинг тараққиёт йўлини белгилаб берган *"ахлоқий қибланома"* кема ортига улоқтириб юборилди. Эндиликда у, бамисоли йўлини йўқотган йўловчи сингари тўғри келган томонга қараб ҳаракатланмоқда. Бу ҳол эътиқоддан воз кечиш, Яратгандан юз ўгиришнинг оқибатидир. Бир вақтлар Америка "ота"лари ҳам бу йўл боши берк қўчага олиб бориши мумкинлиги ҳақида огохлантирган эди. Масалан, Вашингтон миллатга қарата қилган сўнгги мурожаатида бундай деган эди: *"Динсиз, эътиқодсиз\_ахлоқ бўлади деб ўйлаш — хомхаёлликдир."*

*Бойлик ва фаровонлик сари етаклайдиган йўлда биз эътиқод ва ахлоққагина таянишимиз мумкин".*

Америка маданий элитаси ажралишлар, аборт ва насроний қадриятларнинг емирилишини эркинлик сари тараққиётнинг ўзига хос муҳим босқичлари сифатида талқин этаётганини таъкидлаб, Бьюкенен бундай деб ёзади: *"Маънавият ва ахлоқнинг моҳияти хусусида яқдилликка эриша олмас эканмиз, у ҳолда қандай қилиб маънавияти юксак жамиятни барпо этишимиз мумкин. Наҳотки юртимиз такдирига бефарқ бўлмаган кишилар маданий ишқилобчиларнинг бутун саъй-ҳаракати одамларни иймон-эътиқодидан қайтариш, Яратгандан юз ўгириш ва уларнинг онгига "турмуш тарзининг барча шакллари тенг ҳуқуқлидир" қабилдаги гаразли зоя ва қарашларни сингдиришга йўналтирилганини пайқамаётган бўлса?!"*

## **10. Оила институти инқирози**

Асарда таъкидланишича, ўтган асрнинг 60-йилларида Ғарб мамлакатларида содир бўлган маданий инқилоб эр, хотин ва болаларни оилавий вазифалар, бурч ва масъулиятдан озод этиб, оилага бўлган ижтимоий эҳтиёжни йўққа чиқарди. Бу ҳол оиланинг ижтимоий институт сифатида емирилишига сабаб бўлди. Қолаверса, туғишга қарши препаратлар, хизматингизга ҳамиша тайёр гинекологлар ҳамда мўъжизавий дори-дармонлар ҳомиладан халос бўлиш, турли жинсий касалликларни даволаш масаласини зиммасига олиб, аёллар жонига ора киради. Бинобарин, бундай вазиятда никоҳга ўрин қолмайди. Шундай қилиб, жинсий инқилобнинг оммалашувига хизмат қилган, *"эркин қизлар"* ҳаётини ўта жозибали тарзда кўрсатган оммавий маданият таъсирида аёлларда жамоатчилик назаридан қолиш, Яратганнинг нафратига учраш, обрў-эътибордан жудо бўлиш, гуноҳдан кўркиш ҳисси сўна бошлайди, Бьюкененнинг ёзишича: *"ҳукмронликни қўлга олган оммавий маданият кечаю кундуз азалий насроний қадриятларимизни камситиб, ҳатто аёлнинг эри ва болалари бўлиши табиий ҳаётини эҳтиёж экани ҳақидаги тасаввурлар устидан кулиб келди. Бугунги кунда жамиятимизда аёлни оналик вазифасидан буткул маҳрум этишга интилаётган кучлар пайдо бўлди... 1950 йили олти ёшли боласи бор аёлларнинг 84 фоизи уй-рўзгор ишлари билан шуғулланган ва яна ҳомиладор бўлишга имкон топган. Бугун эса, аксинча, бундай аёллар офисларда тўлиқ иш кунини тартибда ишлаб, фарзандли бўлишни ҳатто ҳаёлига ҳам келтираётгани йўқ".*

Бундай вазиятнинг вужудга келишида ўтган асрнинг бошларида аксарият Ғарб мамлакатларида шаклланган ва бугунги кунга келиб ғоят кучли ижтимоий ҳаракатга айланган феминизмнинг *"хизмат"*и катта бўлган. Масалан, ашаддий феминист аёллардан бири Ш.Кронин *"Жуши Уорлд Ревью"* журналининг 2000 йил февраль сонидан чоп этилган мақоласида оила-никоҳ масаласи ҳақида тўхталиб, бундай деб ёзади: *"Никоҳ бу — қулликнинг бир шаклидир. Шундан экан, аёллар ҳаракати ана шу институтга қарши йўналтирилиши зарур. Негаки, никоҳ барҳам топмаган жамиятда аёлларнинг озод этилишига умид қилиш хомхаёлдир"*. Афсуски, бу ғоялар таъсирида

миллион-миллион америкалик аёллар оила қуриш ва бола туғишдан воз кечмоқда, барча динларда қораланган оиланинг ноанъанавий шакллари пайдо бўлмоқда,

*"Оврупонинг 47 давлатидан биргина мусулмон Албанияда 2000 йили болалар туғилиши кўрсаткичи аҳоли камаймайдиган даражада бўлган. Бу қитъанинг бошқа ҳамма қисмида туб аҳоли сони ўпирилиб боряпти".*

*"Яқин орада НАТО пенсионерлар яшайдиган ҳудудни ҳимоя қилиш билан шугулланадиган бўлади".*

*"Овруполик арбоблар оилага бўлган ижтимоий эҳғиёжни йўққа чиқарди. Натижада оила қадрияти ўла бошлади. Айни вақтда Учинчи дунёда аҳоли ҳар 15 йилда 100 миллионга кўпаймоқда".*

*"Америкада рухсат берилганидан буён 40 миллионга аборт амалга оширилган".*

*"Давлат қанчалик бой бўлса, унда болалар шунча кам туғилади ва халқ шу қадар тез йўқолиб боради. Агар жамиятнинг бош мақсади одамларга имкони борича кўп кайфу сафо, эрк бериш, уларни бахтли қилиш бўлса, бундай жамият аслида ана шу одамлар учун дафн маросими тайёрлашга киришди деяверинг".*

*"Америкалик ёш қизлар мустақил ва эркин бўла олишларини англаб етишлари билан, турмушга чиқишга ошиқмай қўйди. Йигирма билан йигирма тўрт ёш орасидаги турмушга чиқмаган қизлар 1970 йилда 36 фоизни ташкил этган бўлса, 1993 йилда 68 фоизга етди".*

1973 йилда Ненси Леманн ва Хелен Саллингер *"Феминизм декларацияси"* номи билан хотин-қизлар мартабасини кўтаришга қаратилган ҳаракатнинг янги манифестини эълон қилди. Бу ҳужжат кенг оммалашиб, талай мақтовларга сазовор бўлди. Унда бундай жумлалар бор: *"Никоҳ — эркаклар томонидан, эркаклар манфаати учун ўйлаб топилган бидъат... Биз уни йўқотишимиз керак".*

*"Ғарбча маданият" учун жимо кайфу сафоси оналик бахтидан устун қўйилади".*

*"1950 йилларда бирорта никоҳ бекор қилинғудай бўлса, бутун жамият газабга келар, ҳодиса "ахлоқ биносига путур етказиш" деб баҳоланар, ҳатто аборт жиноят ҳисобланар зди. Гомосексуализмга эса шармандалик деб қаралгаи. Бугун никоҳларнинг ярми ажраллиш билан яқунланмоқда, оилавий турмуш ўрнига "эркак ва аёл ўртасидаги эркин муносабатлар" ҳақида сўзланадиган бўлди, шармандали ҳолатлар эса борган сари ўзини кўпроқ ошкора кўз-кўз қилмоқда".*

Дейлик, 1970 йилдан ҳозирги вақтгача никоҳсиз яшаётганлар сони 523 мингдан 6,5 миллионгача, яъни 1000 фоизга ошгани, фақат тўрт хонадондан биттасида тўлиқ оила истиқомат қилаётгани, бир жинсга оид *"никоҳ"*лар кўпайиб бораётгани, якка ўзи яшаётган америкаликлар мамлакат аҳолисининг 26 фоизини ташкил этаётгани фикримизни тасдиқлайди.

Хуллас, оила-никоҳ муносабатларининг инқирози ғарбона турмуш тарзининг азалий насроний қадриятлари саналган фидойилик, меҳрибонлик, садоқат, иймон-эътиқод каби фазилатларнинг фақат шахс манфаатларининг

қондирилишига қаратилган индивидуалистик қарашлар томонидан сиқиб чиқарилгани билан изоҳланади. Бир сўз билан айтганда, Ғарбнинг тақдири бугун кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ бўлиб қолди...

## 11. Бир жинсли “никоҳлар” масаласи

*“Гомосексуализмни қоралаган муқаддас китоблар четга сурилди, энди гомосексуализм уят эмас, балки унга ола кўз билан қараиш уят деган зоя тиқиштирила бошланди. Мусо алайҳиссаломнинг “Ўн суннати” унутилиб, унинг ўрнида презервативлар пайдо бўлди”,* деб ёзади ўз китобида П.Бьюкенен. Бу аччиқ ва инсоният учун шармандали ҳолатнинг нақадар кенг тус олганини интернет саҳифаларидан олинган қуйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлаб турипти.

Рус тилида ёзадиган машҳур сексолог И.С.Кон Россияда чоп этиладиган *“Фалсафа масалалари”* журналининг 2001 йил 8-сонида босилган *“XXI аср чегарасида инсонлар шахвонияти”* номли мақоласида жумладан шундай фикрларни баён қилган эди: *“Бир хил жинслар аро муҳаббатга муносабатнинг ахлоқий-руҳий жиҳатдан нормал ҳолга келтирилиши гейлар ва лесбиянкалар (ушбу сўзлар таржимаси ҳануз лугатларга ҳам кирмаган, ўзбек тилида қадимдан “бачабозлар” ва “булғорилар” деб аталган) ўз хоҳиш-истакларини очиқ-ошкор намоён қилишларига ва ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишларига эркин имконият яратиш беради. XXI асрнинг биринчи ярмида барча маданиятли мамлакатларда бир жинсли никоҳлар ёки уларнинг бир оилада яшашлари аниқ қонунлаштирилади, инсонларни жинсий муносабатларидаги ўзига хос йўналишлар сабабли камситиш эса худди ирқчилик ёки антисемитизм сингари ахлоқан ва қонунан номақбул деб топилади.”*

Бу сексолог “олим” яқинда ўзининг шахсий сайтида эълон қилган *“XXI аср ва бир жинсли никоҳлар”* мақоласида шу 10 йил бурунги гапларини эслаб: *“Менинг башиоратим ўзини оқламоқда, бу соҳадаги ривожланиш эса тобора тезлашмоқда...”* деб ниҳоятда мамнуният билан қайд этади.

Дарҳақиқат, Нидерландияда (2001 йил 1 апрелдан), Бельгияда (2003 йил 1 июндан), Испанияда (2005 йил 3 июлдан), Канадада (2005 йил 20 июлдан), Норвегияда (2009 йил 1 январдан), Швецияда (2009 йил 1 майдан), Португалияда (2010 йил 5 июндан), Исландияда (2010 йил 27 июндан), Аргентинада (2010 йил 22 июлдан), АҚШнинг Массачусетс штатида (2004 йил 17 майдан), Калифорния (2008 йил 16 июндан), Орегон штатининг ҳиндулар яшайдиган Кокилл қишлоғи ҳудудида (2008 йилдан), Коннектикут (2008 йил 12 ноябрдан), Айова (2009 йил 27 апрелдан), Вермонт (2009 йил 1 сентябрдан), Нью-Гэмпшир (2010 йил 1 январдан), Округ Колумбия (2010 йил 1 мартдан), Мексиканинг пойтахти Мехико шаҳрида (2010 йил 4 мартдан) бир хил жинслар аро никоҳланишга қонуний тус берилди.

Бошқа бир қатор мамлакатларда (жумладан, Буёк Британия, Ирландия, Дания, Гренландия, Франция, Андорра, Германия, Финляндия, Люксембург,

Лихтенштейн, Чехия, Словения, Венгрия, Швейцария, Хорватия, Австрия), шунингдек Исроил, Янги Зеландия, Австралияларда “никоҳланиш” атамаси ишлатилмаган ҳолда бир хил жинсли шахсларнинг қонуний бир оила бўлиб яшашларига рухсат берилган. Жанубий Америкадаги Колумбия, Уругвай, Эквадор мамлакатларида ҳам шундай ҳаёт тарзининг баъзи шаклларида қонуний рухсат берилган. Бундай қонунлар АҚШ, Бразилия, Мексика, Венесуэланинг баъзи ҳудудларида ҳам қабул қилинган. АҚШнинг Гавайи, Иллинойс, Колорадо, Невада, Нью-Джерси, Орегон штатларида ҳам “никоҳланиш” атамаси ишлатилмаган ҳолда бундай турмуш тарзига қонуний ижозат берилган. Мэриленд, Нью-Йорк, Род-Айленд штатларида бундай қонунлар йўқ, лекин бошқа штатларда қонунлаштирилган бундай оилалар расман тан олинади. Америка қўшма штатларининг 42 фоиз аҳолиси айти юқорида санаб ўтилган штатларда истиқомат қилади.

Яқин орада Люксембург, Албания, Словения давлатлари ҳам шундай мазмунда қонунлар қабул қилишни режалаштирмоқдалар.

И.С.Коннинг ёзишича, бу масаладаги ижтимоий фикр ҳам ўзгармоқда. Яқинда эълон қилинган сўровларга кўра АҚШдаги 393 коллежнинг 271 минг 441 биринчи курс талабасидан 61 фоизи бир хил жинслар аро никоҳланишга қонуний тус берилишини маъқул топган.

Мақола сўнггида И.С.Кон шундай ёзади: *“Албатта, ҳануз қатор мамлакатларда нафақат бир жинсли “никоҳлар” қонунлаштирилмаган, балки гей и лесбиянкалар ўз муносабатларини яширишга мажбурлар. Аксарият ҳолатда бундай мамлакатларда нодемократик тузумлар ҳукмрон, уларда халқнинг турмуш даражаси паст, бегона фикрларга душманлик билан қараши ва диний мафкура тазийқи кучли, нафақат бу масалада балки бошқа соҳаларда ҳам инсон ҳуқуқларига риоя қилинмайди. Лекин XXI аср энди бошланмоқда”*.

Мана ғарбона **“инсон ҳуқуқлари”** ҳимоячиларининг нуқтаи назарлари.

Ҳозирги кунда қонунан “никоҳланган” бир жинсли “оила”ларга бола сақлаб олиш ва уни тарбиялаш ҳуқуқи бериш масаласи кун тартибига қўйилмоқда.

Бир жинсли “никоҳлар” масаласида унга қарши томон анъаналар ва диний ақидаларни асос қилиб келтиришмоқда, тарафдорлар эса инсоннинг табиий ҳуқуқлари, руҳий ва жисмоний соғломлик, қонун олдидаги тенглик нуқтаи назаридан асослашга уринмоқдалар. 1922 йилда нашр этилган Эдвард Вестермакнинг *«The History of Human Marriage»* (“Никоҳ тарихи”) асарида 30 дан ортиқ африкалик элатларда кузатилган бир жинсли “никоҳ” муносабатлари ҳисобга олинмаган, деб даъво қилади баъзилар.

Охирги 10 йилда инглиз тили жорий бўлган ўлкаларда изоҳли луғатлардан “никоҳ” сўзининг изоҳида эркак ва аёл ўртасида деган таъкид олиб ташланмоқда.

## 12. Гулмисан, райҳонмисан, эркакмисан, аёлмисан?

Ўзбекнинг аскиясидан олинган бу сарлавҳа кулгили туюлиши мумкин.

Асли мавзу куладиган эмас, балки йиғлайдиган, яъни адашган инсонлар фожеасига оиддир. Яқинда Россия телеканалларидан бирида антиқа мавзуда кўрсатув намойиш қилинди. Маълумки, ҳозирги замонда **культуризм** йўналиши авж олиб бормоқда. Унинг мазмуни – асосан эркаклар ва баъзан аёллар махсус машқ залларида турли машқ ускуналаридан фойдаланиб, мунтазам равишда оғир жисмоний машқлар бажарадилар ва шу орқали бадан мускулларининг ҳаддан ташқари ривожлантиришга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун баъзилар махсус гормонал дорилар ҳам истеъмол қиладилар, деган гаплар юради. Гўё шу билан улар “тўзаллашмоқчи” бўладилар. Юқорида тилга олинган кўрсатувда шундай бир мускуллари ўта ривожланган инсон ҳақида суҳбат кетди. Бу ўрта яшар инсон кўринишидан эркак кишига ўхшар эди, аммо негадир унинг кўкракларида чандиқ излари сезилди.

Суҳбат давомида маълум бўлдики, бу одам асли онадан қиз бола бўлиб туғилган экан, аммо руҳан ўзининг ўғил бола бўлишини орзу қилар экан. Балоғатга етгач, пул топиб, ўзини оғир косметик операцияларга мубтало қилиб, эркак киши қиёфасини касб этипти ва бундан ҳозир ўзи жуда бахтиёр эмиш. Дарҳақиқат, ташқи кўринишидан ғирт мускуллари ривожланган инсон эркакнинг ўзи эди. Аммо суҳбат охирида яна бир сир очилиб қолди. Бу ёлғон “эркак” қиёфасидаги зот ҳар ҳафта ёки ўн кунда махсус гормонал укол олиб турар экан, агар шуни тўхтатиб қўйса, яна аёл қиёфаси намоён бўлиб қолиши мумкин экан. Ана сизга “бахтли” инсон. Ўша кўрсатувда айтилишича, яна бир аёл кўкрак безларини олдириб ташлаб, эркак қиёфасига кирипти, аммо энди фарзанд кўргиси келаётган эмиш. Юқорида тасвирланган аёл “эркак”нинг хотин киши қиёфасидаги “опаси” ҳақида ҳам хабар берилди, аслида бу “опа” эркак бўлиб туғилган ака бўлган экан.

Бундай “эврилиш” ишқибозларининг руҳий касаллардан қандай фарқи бор. Бундай “эврилиш”ларни нормал ҳолат деб эълон қиладиган “*олимплар*” кимнинг фойдасига хизмат қилмоқда. Маълумки, бундай пластик амалиётлар жуда катта пул эвазига бажарилади ва бундай “ишқибозлар” бир эмас, бирнеча қайта тиғ тагига ётадилар. Аммо барибир бундай руҳий васвасага йўлиққанлар ўз ниятларини тўлиқ амалга ошира олмайдилар. Чунки аёл шаклан “эркак”ка айлангани билан аёллик хусусиятни умрбод йўқотган ҳолда моҳиятан тўлақонли эркак бўла олмайди, шаклан “аёл”га айланган эркаклар ҳам ўз жинсини йўқотадилар, аммо фарзанд кўриш имкониятини топмайдилар. Катта пул эвазига инсон танасини умрбодга шикастлаб, ушбу хатарли жиноятни амалга оширувчилар агар “*тиббиёт ходимлари*” аталса, унда ўғри ва қотилларни ким деб аташимиз керак?

### 13. Унутиладиган тарих

Яна Бьюкенен мавзуларига қайтамиз. Маълумки, халқни ўтмишидан маҳрум этиш учун унинг қандай пайдо бўлгани ва кимларнинг авлоди экани ҳақидаги билимларни хотирасидан “*ўчириши*” керак, холос.

Бугун Америка тарихини ўрганиш билан шуғулланаётган кўпгина ташкилотлар Оруэллнинг “1984” асаридаги Ҳақиқат вазирлиги сингари иш



тутади: мамлакат ўтмишига оид воқеа-ҳодисаларни сохталаштириб, унинг жинойт ва гуноҳларини исботлайдиган янги тарихни тўқиб чиқаришга, америкаликлар севадиган ва қадрлайдиган нарсаларга нафрат уйғотишга интилади. Бу саъй-ҳаракатлар кишилар қалбида ватанпарварлик, ватанга муҳаббат туйғуларини сўндириш, халқни маънавияти ва эътиқодидан маҳрум этиш, қисқача айтганда, америкаликларни ўзлигидан, асл тарихидан жудо қилишни кўзда тутди.

Китоб муаллифининг қайд этишича, боланинг онага нисбатан муҳаббати табиий равишда пайдо бўлса, ватанга ва юртга муҳаббат унинг онгига сингдирилмоғи, ўргатилмоғи даркор. Чунки бола айнан ўқиш, ўрганиш жараёнидагина туғилиб ўсган мамлакати ҳақида муайян тасаввурга эга бўлади. Американинг умумтаълим мактаблари зарурат туғилганда мамлакатни ҳимоя қилишга қодир бўлган фуқаро ва ватанпарварларни тарбияламоғи, болалар қалбига Америкага нисбатан муҳаббат туйғусини жо этмоғи зарур. Буюк зотларнинг таржимаи ҳоли, тарихий ва бадиий асарларни ўқиб, қўшиқларни тинглаб, мамлакатининг тарихи акс эттирилган санъат асарларини томоша қилиш жараёнида ёш авлод қалбида ватанга муҳаббат туйғуси юксалиб боради. Бу туйғу қанчалик кучли бўлса, унинг учун жон фидо қилиш, бутун халқни, ўз оиласини ҳимоя қилгандек, асраб-авайлаш ҳисси шунчалик зўр бўлади, деб уқтиради Бьюкенен.

Дарҳақиқат, яқин-яқинларгача ҳар бир америкалик ўқувчи Магеллан, Васко да Гама, Кортес, Генри Гудзон каби сайёҳлар номини беш қўлдек билган. Католик мактабларида болаларга француз ва испан сайёҳлари, авлиё Исаак Жокей, Жон Смит, Жеймстаун, Плимутрок ва Американинг "ота"лари — асосчилари тўғрисида сўзлаб беришган.

Бироқ ҳозирги вақтда Америка болалари ана шу буюк мерос ва тарихни ўрганишдан маҳрум этилмоқда. Натижада, Артур Шлезингер "*Американинг тарқоқлиги*" асарида эътироф этганидек, "*Халқни йўқ қилиш йўлида дастлабки қадам қўйилди — уни хотирасидан жудо этиш бошланди. Кейинги босқичда унинг китоблари, маданияти ва тарихи йўқ қилинади. Сўнгра кимдандир янги китобларни ёзишни, янги маданият ва тарихни ўйлаб топишни илтимос қилсангиз бас, халқ аста-секин ўзлигини ҳам, қандай пайдо бўлганини ҳам, кимларнинг авлоди эканини ҳам унутди-қўяди*". Бугун анъанавий Америка билан маданий инқилоб ўртасида бораётган мухорабанинг мазмун-моҳияти ана шу масалага бориб тақалади.

#### **14. "Ватанпарвар" тазйиқ остида**

Бундан бир неча йил илгари суратга олинган ва кўплаб мамлакатларда намойиш этилган "*Ватанпарвар*" фильмида таниқли актёр Мел Гибсон инқилобда иштирок этишдан бош тортган, француз ва ҳиндулар уруши қаҳрамони, етти боланинг отаси Бенжамен Мартин тимсолини зўр маҳорат билан яратган. Асарнинг дастлабки сахналаридан бирида баттол инглиз зобити Мартиннинг кўз ўнгида ўспирин ўғлини ўлдиради; бош фарзандини ҳибсга олиб, уни қатл этиш учун олиб кетганда, ота яна кўлига қурол олишга мажбур

бўлади. Мазкур фильмда тасвирланган воқеа-ҳодисалар Жанубий Каролинада рўй беради, Мартин тимсоли орқали эса *"Ботқоқ тулкиси"* дея ном олган Фрэнсис Мэрион ва ўша даврда донғи кетган партизанлардан бири Дэниэль Морганнинг кечмишлари тасвирланган. Ўша вақтда ўта шафқатсизлиги билан танилган полковник Банастр Тарлтон эса фильмда қаҳри каттиқ инглиз зобитининг прототиби сифатида талқин этилган.

Ушбу фильмда эса қоладиган икки ҳолат маданий танқидчиларни гоят жунбишга келтиради, Биринчисида ўғлининг ўлдирилишини ночор ҳолатда кузатиб туришга мажбур бўлган Мартин, душманлар қишлоқни тарк этиши билан, ўн уч ва ўн ёшли болаларига мушкетларни олиб, ортидан юришни буюради. Улар ўғлини олиб кетаётган инглиз аскарларини пистирмадан туриб, отиб ўлдиради, яраланган сўнгги ҳарбийни эса Мартин томогавк (ҳиндуларнинг болтага ўхшаш қуроли — **муаллиф**) билан чавақлаб ташлайди. Шундай қилиб, Мартин ўлдирилган бир фарзанди учун қасд олади, иккинчисини эса муқаррар ўлимдан сақлаб қолади. Иккинчи ҳолатда эса қасд олганидан ҳузурланиш навбати инглиз зобитига келади. Унинг буйруғи билан Мартиннинг ўнлаб қишлоқдошлари черковга камалиб, бинога ўт қўйилади.

Фильмни кўрган америкалик айрим танқидчиларнинг фигони фалакка кўтарилади. *"Бу фильмнинг тарихимизга заррача дахли йўқ. У қуруқ реклама"*, — деб ёзади *"Бостон Гаральд"* газетаси мухбири Жеймс Верньер.

Кинорежиссёр Спайк Ли ҳам кинозалдан дарғазаб бўлиб чиқади. Унинг *"Ҳолливуд репортер"*га ёзган мактуби Америка маданий элитасининг кайфияти ва қиёфасини яққол намоён этади. *"Мен, миллионлаб америкаликлар сингари, — деб ёзади у, — "Ватанпарвар"ни кўрганимдан кейин газабимни жиловлай олмадим. Ахир, бу очиқдан-очиқ тарғибот, тарихни буткул бузиб кўрсатиш, сохталаштиришдан бошқа нарса эмас-ку! Масалан, уч соат давом этадиган фильмда қулликни акс эттирадиган бирорта гап-сўз ёки саҳнани учратмайсиз. Ваҳоланки, мамлакатимиз америка қитъасининг туб аҳолиси ва африкалик америкаликларга зулм ўтказиш, уларни тобе этиш орқали ривожланиб келган. Буни инкор этиш қонунни бузиш билан баробардир"*. У Мартинни қулдор этиб кўрсатмагани, инқилобий жараёнларда иштирок этаётган ҳиндулар тасвирланган саҳналарни асарга киритмагани учун фильм сценаристи Роберт Родартни айблайди. Фильмдаги сўнгги лавҳа — Мартиннинг ўттиз юздузчали америка байроғини даст кўтариб, инглиз аскарларига ташланаётгани акс эттирилган саҳнани у қулгили деб баҳолайди. Бошқача айтганда, Лининг мактуби аксилвамерикалик, аксилватанпарварлик ҳисси билан йўғрилган. Мактуб муаллифи унинг фикрига қўшилмаганларнинг барчасига жинойтчи тамғасини босади. Лининг таъкидлашича, ақли заиф ёки ашаддий жинойтчи одамгина ҳиндуларнинг таҳқирланиши, уларга зулм ўтказилишини тилга олмасдан, инқилобни қаҳрамонона, эзгу иш дея баҳолаши мумкин. Ўша замонлар Америкада яшаган қора танли кишиларнинг озод, бахтли ва хожасига вафодор этиб тасвирланиши эса жирканч тарғибот эмиш...

Яқин-яқинларгача нафақат америкаликлар, балки бошқа мамлакатлар халқлари ҳам чексиз қизиқиш билан ўқийдиган сон-саноксиз китоблар, томоша қиладиган фильм ва спектаклларнинг бош мавзуси — табиат кучлари,

босқинчи ва ҳиндуларга қарши қаҳрамонона курашиб, *"Ғарбни забт этган"* дастлабки кўчманчи ва ковбойлар эди. Аммо маданий инқилобчи ва ревизионистлар кўзлаган мақсадига етди. Бугун жондан кечган режиссёргина ҳиндуларни қоқоқ, кулгили ёки шафқатсиз қилиб тасвирлашга жазм этиши мумкин. Аксинча, улар *"Кичик катта одам"* ва *"Қашқирлар билан рақс"* фильмларида тасвирланганидек. табиатнинг чинакам ҳимоячиси, она замин ва ёввойи табиат ҳақида бошқалардан кўра кўпроқ қайғурадиган ҳамда улар билан уйғун ҳолда яшаётган кишлар сифатида акс этирилади. Бу каби асарларни кўрган одамнинг кўз ўнгида оқтанлилар тимсолида табиатнинг ана шундай тинч ва беозор *"фарзанд"*ларини алдаб, уларга қирон келтирган, ғайри ахлоқий йўлларга бошлаган шафқатсиз, дину диёнатсиз кимсалар гавдаланиши табиий.

Асарда маданий инқилобчиларнинг (Бьюкенен уларни *"замонамиз толибонлари"* деб атайдиган) мамлакат ўтмишига оид воқеа-ҳодисаларни тарих солномасидан чиқариб ташлаш борасидаги интилишлари қандай оқибатларга олиб борганини исботлайдиган кўплаб мисоллар келтирилади. Чунончи, мазмун-моҳиятидан қатъи назар, ирқчиликка тааллуқли воқеалар баён этилган китоблар тақиқлангани, мактаб дастурларидан Марк Твен, О'Коннор, Ли Харпер, Уильям Фолкнер, Ральф Эллисон ва Жеймс Болдуинларнинг асарлари аёвсиз тарзда чиқариб ташлангани афсус билан тилга олинади.

Маданий инқилоб Америка тарихида муҳрланган *"буюк қаҳрамон ва давлат арбоблари"* номларини ўчиришга, мактабларда янги ўқув дастурларини жорий этиш орқали ёшларни аждодлари анъаналари, маданий меросидан маҳрум этишга ҳаракат қилаётир.

Қисқаси Америка ўтмишига қарши кураш, ёш авлод онгини заҳарлаб, унинг миясига *"янги тарих"*ни сингдириш жадаллик ва муваффақият билан амалга оширилмоқда. Яқинда ўтказилган ижтимоий сўровларнинг бирида 55 нафар энг намунали коллеж ва университетларнинг 556 та юқори босқич талабасига АҚШ тарихига оид ўттиз тўртта савол билан мурожаат этилган. Олинган маълумотларга кўра, талабаларнинг учдан биригина Йорктаун остонасида жанг қилган америка генералининг номини айтиб бера олган. Талабаларнинг атиги 23 фоизи Мэдисон Америка Конституциясининг асосий муаллифларидан эканини билган, холос. Бу ҳол Америка ёшларининг ўз тарихи, анъана ва қадриятларига муносабати амалда қандай эканини яққол ифода этади.

Китоб сўзбошиси шундай бошланади:

*"- Патрик, биз ўсиб-улғайган ватанимиздан жудо бўлмоқдамиз...*

*Мен бу сўзларни 2000 йилги сайлов кампанияси чоғида Американинг турли ҳудудларида кўплаб эркак ва аёллардан эшитганман. Ўйлаб кўрайлик — улар нимани назарда тутган?"*

Бьюкененнинг китоби ана шу ҳолатга — америкаликлар, умуман, оқ танлилар асос солган давлатлар — Оврупо (Албаниядан ташқари), АҚШ, Канада, Австралия (бу рўйхатда Япония ҳам бор) ўз ватанларидан жудо бўлаётгани, Ғарб тамаддуни ҳалокат сари бораётгани, нари борса, XXI аср ўрталарида дунёда оқ танлилар кўпчиликини ташкил этадиган бирорта ҳам

давлат қолмаслигини далиллашга бағишланган.

Гап фақат аҳолининг таркибидагина эмас. Гап — ана шу давлатларда кадриятлар, маданият, ҳаёт тарзи *"осиё-африка-лотин америкача"*лашиб бораётганида. СССР тарқалиб кетгач, сиёсий мавқени оласизми, иқтисодий имконият дейсизми, ҳарбий қудратми ёки бошқа минтақаларга мафкуравий ва маънавий таъсир кўрсатишними, долларнинг обрўсиними — ҳар жиҳатдан яккаю ягона супердавлат бўлиб олган АҚШ нега энди ҳалокат сари юзланар экан? Ўзига *"бу дунё жаннати"*ни яратиб олган Ғарб тамаддуни қандай қилиб инқирозга учрар экан?

Бьюкенен бунинг сабабларини очиб беришга уннайди:

*"1960 йилда 16 миллион америкалик келиб чиқиш жиҳатидан овруполик эмас эди. Бугун бу рақам 80 миллионга етди. Ҳар йили АҚШга миллионга яқин расман ва яна ярим миллион гайриқонуний муҳожирлар кириб келмоқда"*.

*"Муҳожирларнинг ёпирилиб кўчиб келиши биз билган ўзига хос, ўз анъаналари, яхлит маданияти бор бўлган мамлакатни бутунлай бошқа — на тарихи, на фольклори, на тили, на маданияти, на дини, на аجدодлари бирон умумийликка эга бўлган, аҳолиси олақуроқ мамлакатга айлантириши таҳдидини солмоқда"*.

*"Американинг жануби-ғарби, чамаси, бирон бир ўқ узилмасдан Мексиканинг қўл остига қайтариб олинмоқда"*.

*"Бугун америкаликлар ҳаётида умумий кадрият ҳам, умумий тарих ҳам, умумий қаҳрамон ҳам қолмади"*.

*"Солженицин "Халқни йўқотиш учун уни илдизларидан маҳрум қилиш кифоя", деган эди. Қарангки, унинг бу фикри Америка жамиятида тасдигини топмоқда: ўтган йилдан бошлаб Нью-Жерси штатида "Мустақиллик декларацияси"ни ёзган Томас Жефферсоннинг ҳатто номини тилга олиш тақиқланди"*.

*"Американинг ўтмишига қарши жанги жадал авжга минмоқда, атайлаб болалар лақма — боши бўм-бўш қовоққа айлантирилиб, сўнг унга бошқа тарихни сингдириши жараёни катта суръат ва муваффақият билан амалга оширилмоқда"*.

Бьюкенен китоби бошдан-оёқ ана шу руҳда ёзилган. Уни ўқир экансиз, беихтиёр ўйга толасиз: нима қилиб бўлса ҳам бой бўлиш, фақат ўзини ўйлаб, роҳат-фароғат - деб яшаш — Худога макбул эмас. Бунинг учун у ёлғиз ўзигагина маълум йўллар билан ажримини намоён қилади, одамзод эса ғофил.

Хулоса қилсак, Бьюкенен китоби Ғарб давлатларининг аччиқ тажрибаси асосида *"маънавият — миллат тараққиётининг энг муҳим омили"* деган тамойилни, авлодларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш лозимлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Хуллас, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий, сиёсий, илмий ва технологик тараққиётнинг юксак чўққисига кўтарилган Ғарб тамаддуни янги мингйилликнинг бошига келиб, тарихий ривожланишнинг ғоят зиддиятли ва мураккаб босқичини бошдан кечираётгани, азалий кадриятлар ўрнини фақат шахсий манфаат, айш-ишрат, ҳузур-ҳаловат майлларига йўғрилган *"янги ахлоқ ва эътиқод"* эгаллаётгани, ахлоқий кадриятлар ҳуқуқий меъёрлар билан

алмаштирилаётгани, мухтасар қилиб айтганда, Ғарб тамаддунининг демографик, миллий-этник ҳамда маънавий асослари емирилаётгани, ҳатто Америкадек қудратли давлат ҳам давр таҳдидларига дош бера олмаётгани тобора аён бўлиб бормокда. Ғарб мамлакатлари ҳаётининг турли соҳаларида юз бераётган жараёнларни холисона тадқиқ этаётган мутахассислар асрлар мобайнида уларнинг тараққиётини белгилаб берган либерализм таълимоти замон талабларидан ортда қолаётгани, ғарбона индивидуализм таъсирида жамоавий масъуллик барҳам топаётгани, жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, маданий табақалашув хатарли тус олаётгани, эркинлик — масъулиятсизликка, плюрализм эса — турли халқлар қадриятларининг қоришувига олиб келаётганидан ташвиш билдирмокда. Бир сўз билан айтганда, Ғарб тамаддуни ғоявий-назарий ва мафкуравий жиҳатдан боши берк кўчага кириб қолаётгани бугун баралла таъкидланмокда.

Эҳтимол, бу гапларнинг бизга нима дахли бор, деб ҳисоблайдиганлар ҳам бўлиши мумкин. Биз мухтарам журналхонларимизга аввало ушбу асарни топиб ўқишни ҳамда мамлакатимиз тараққиётига тўсқинлик қилишга интилаётган кучларнинг асл мақсад-муддаолари, турли хавф-хатарларнинг мазмун-моҳияти ва оқибатлари ҳақида яна бир бор обдон мушоҳада юритиб, зарур хулосалар чиқаришни тавсия этган бўлур эдик. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўзининг нутқ ва маърузаларида миллий маънавиятимизни турли хавф-хатарлардан, ёш авлодимизни зарарли таъсирлардан асраш ҳақида қайта-қайта огоҳлантираётгани бежиз эмас. Чунки бугун башарият ҳаётини издан чиқариш, уни неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, асл инсоний қиёфасидан жудо қилишга қаратилган таҳдидлар тобора ошқора тус олиб, кучайиб бормокда. Бьюкененнинг "Ғарбнинг ҳалокати" китоби бундай хатарларнинг оқибати қанчалик аянчли бўлиши мумкинлигидан барчамизни яна бир бор огоҳлантиради. Унинг маърифий кучи ва аҳамияти ҳам шунда.

## 15. Патрик Бьюкенен ҳақми?

Бугунги мураккаб замонда адабиётнинг яна бир тури – сиёсий мавзудаги адабиётсиз китоб дунёсини тасаввур қилиш қийин. Биз турли-туман оммавий ахборот воситалари орқали жаҳонда бўлаётган воқеалардан хабар топиб турамыз. Бундай воқеаларнинг бориши кўпинча унча-мунча бадий (демакки, тўқима) асардан ошиб тушади (мисол: 2006 йил июль-августда Яқин Шарқдаги воқеалар). Ана шундай воқеаларнинг зимнида ётган жараёнлар моҳиятини англаб етиш муайян сиёсий билим ва маданиятни тақозо этади. Бунинг учун эса тегишли адабиёт мутолаа этиб турилиши керак. Шу сабабдан ҳозирги пайтда бундай йўналишдаги китоблар ҳам жуда қизиқиш билан ўқилмокда.

Сўнгги йилларда сиёсий глобаллашувнинг янгидан-янги кирралари, сиртдан қараганда, қутилмаган "иситма"лари намоён бўла бошлади. 1992 ҳамда 1996 йилларда АҚШ президентлигига номзоди кўрсатилган Республикачилар партиясининг аъзоси **Патрик Бьюкенен**нинг 2002 йили чоп

этилган асари роса шов-шувларга сабаб бўлган ва улар ҳамон босилгани йўқ. Аксинча, 2005 йили Францияда кечган воқеалар шуни кўрсатадики, америкалик сиёсатчининг китобида кўтарилган масала йил сайин долзарблик касб этмоқда. Унда ўтган асрнинг 80-йилларида келиб чиқиши япониялик америка файласуфи **Френсис Фукуяма** томонидан қилинган "*Ғарб тарихининг завол топиши*" тўғрисидаги башорат амалда рўй бера бошлагани кўплаб далиллар билан исботланади.

**Патрик Жозеф Бьюкенен** - америкалик таникли файласуф, журналист ва сиёсий шарҳловчи. 1938 йилнинг 2 ноябрида Вашингтон шаҳрида туғилган. Католик мактабини тугатгач, Жоржтаун университетиде таҳсил олган. 1961 йили мазкур университетни инглиз тили ва фалсафа мутахассислиги бўйича тамомлаган. 1962 йили Нью-Йоркдаги Колумбия университетининг Олий журналистика мактабини битирган.

Бьюкенен 1992 йили илк бор Республикачилар партиясидан президентлик сайловида иштирок этиб, мағлубиятга учрайди. У 1966-74 йиллари президент Никсоннинг маслаҳатчиси, 1985-87 йиллари эса президент Рейган маъмуриятида жамоатчилик билан алоқалар бўлими рақбари лавозимида хизмат қилган эди. 2000 йили Ислохотлар партиясини номзоди сифатида президентлик сайловида яна бир бор омадини синаб кўради. Аммо бу гал ҳам бахти чопмайди.

Ҳозирги вақтда Бьюкенен MSNBS каналида таҳлилчи, "*Америка иши*" фондининг раиси ҳамда "*Америка консерватори*" журналида ҳаммуҳаррир лавозимларида хизмат қилиб келмоқда. У "*Янги кўпчилик: президент Никсон икки йўл ўртасида*"(1973), "*Ўнг бўлиб тузилган*"(1988), "*Буюк хоинлик: Америка суверенитети ва ижтимоий адолат глобал иқтисодиёт тангрисига қурбон этилгани ҳақида*"(1998), "*Ўнларнинг сўлларга айланиши*"(2004) каби китоблар муаллифи. Айниқса, Бьюкененнинг "*Ғарбнинг ҳалокати: аҳолининг камайишини ва муҳожирликнинг кучайишини мамлакатимиз ва тамаддунимизга қандай таҳдид солмоқда?*"(2001) асари атрофидаги шов-шув ва жиддий баҳс-мунозаралар ҳануз давом этмоқда. Унда муаллиф мавжуд статистик ва социологик маълумотларга таянган ҳолда, мамлакатига таҳдид солаётган хавф-хатарлар манбаи ва омиллари ҳамда улар келтириб чиқараётган оқибатлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ғоят кескин тарзда баён этган.

Сирасини айтганда, Бьюкененнинг кўпгина фикрлари ўта баҳсли, ҳатто бирёқлама бўлиб кўриниши мумкин. Унинг демографик вазиятнинг кескинлашуви, кишиларнинг онги ва дунёқарашидаги ўзгаришлар, азалий урф-одат ва қадриятларнинг емирилаётгани, ғарб оиласининг таназзулга юз тутаётгани, муҳожирликнинг тобора кескин тус олаётганини тасдиқлайдиган маълумотлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Аксинча, уларнинг барчаси оқилона фикрлайдиган ҳар бир одамни ўз мамлакати ва миллатининг истиқболи, инсоннинг бу ҳаётдаги ўрни, кадр-қиммати ҳақида ўйлашга, жамиятда рўй бераётган воқеаларга лоқайд бўлмасликка, турли мамлакатлардаги ижтимоий воқеа-ҳодисаларни қиёсий таҳлил этишга ундайди.

Аммо китобда Ғарб оламининг илм-фан, технология, ижтимоий ва сиёсий тараққиёг борасида эришган улкан ютуқлари бир оғиз тилга олиб ўтилмагани ўқувчида бир оз таажжуб уйғотиши табиий. Шу боис унинг фикр-мулоҳазалари ва хулосаларига танқидий ёндашмоқ жоиз.

Бундан ташқари Бьюкенен "*Ғарб тамаддуни тубсиз жарлик ёқасига бориб қолди*", деб хулоса қилар экан, бунинг асосий сабабларидан бири

қилиб ҳозирги замон Ғарб одамларининг кўпчилиги *“наصريй қадриятлардан воз кечган”* лигида деб ҳисоблайди.

Унинг китобидаги яна бир гап оҳанги шундайки, гўё Америка китъасининг асл эгалари бўлган ҳинду қабилаларини ўз яшаб турган ватанларидан суриб чиқариб, уларларга тегишли ерларни ўзлаштириб олган - *“дастлабки кўчманчи ва ковбойлар”*ни *“Ғарбни забт этган”* қаҳрамонлар қилиб, асл маҳаллий халқларни эса қоқоқ ва шафқатсиз қилиб тасвирланган китоб ва кинофильмларнинг танқид қилиниши муаллифга ёқмагандек кўринади. Аксинча, ҳиндуларнинг *“Кичик катта одам”* ва *“Қашқирлар билан рақс”* фильмларида тасвирланганидек. табиатнинг чинакам ҳимоячиси, она замин ва ёввойи табиат ҳақида бошқалардан кўра кўпроқ қайғурадиган ҳамда улар билан уйғун ҳолда яшаётган кишилар сифатида тасвирланиши гўё *“тарих ҳақиқатини бузиш”* бўлиб, муаллиф ички ғазаб билан: *“Бу каби асарларни кўрган одамнинг кўз ўнгида оқтанлилар тимсолида табиатнинг ана шундай тинч ва беозор “фарзанд”ларини алдаб, уларга қирон келтирган, зайри ахлоқий йўлларга бошлаган шафқатсиз, дину диёнатсиз кимсалар гавдаланиши табиий”* – деб заҳарҳанда қилади.

Бьюкенен Американинг бугунги аксарият аҳолиси асли келиб чиқишига кўра муҳожирлар авлоди эканлигини унутиб, *“Муҳожирларнинг ёпирилиб кўчиб келиши биз билган ўзига хос, ўз анъаналари, яхлит маданияти бор бўлган мамлакатни бутунлай бошқа — на тарихи, на фольклори, на тили, на маданияти, на дини, на аждодлари бирон умумийликка эга бўлган, аҳолиси олақуроқ мамлакатга айлантириш таҳдидини солмоқда”* ёки бир пайтлар дарҳақиқат Мексика таркибидан куч билан ажратиб олинган ерлар ҳақида *“Американинг жануби-ғарби, чамаси, бирон бир ўқ узилмасдан Мексиканинг қўл остига қайтариб олинмоқда”* деб ёзади.

Бундай мулоҳазалар Патрик Бьюкененнинг муаммоларга ёндошуви ҳамиша ҳам холис ва бенуқсон бўлавермаганлигидан дарак беради. Энг асосий гап шундаки, китоб муаллифи Ғарб тамаддунининг инқирозини тўғри ҳис қилган ҳолда унинг келиб чиқиш сабабларини тўғри белгилай олмайди. Аслида Бьюкенен айблаётган *“маданий инқилоб назариётчилари”* ва *“Гуманитар манифест”* муаллифлари ҳам неча асрлик Ғарб тамаддуни ривожининг ҳосилалари эмасми? Улар Америкага Осиё ёки Африкадан бориб қолган эмас-ку. Нега Ғарбда даҳрийлик бу қадар авж олиб кетди? Бугунги Ғарб тамаддунининг инқирозининг келиб чиқиш манбалари қаерда? Эндиги суҳбатимиз шу ҳақда. Чунки бу масалага аниқлик киритмай туриб глобаллашув шароитида бутун дунёни заҳарлаётган *“оммавий маданият”* илдизларини қуритиб бўлмайди.

## **Иккинчи бўлим.**

### **Европа муҳитида ахлоқий таназзул ва маънавиятга таҳдиднинг келиб чиқиш илдизлари.**

Маълумки, инсон ва жамият ҳаёти уч асосий соҳа – **иқтисод, сиёсат** ва **маънавият** йўналишларининг мураккаб чатишуvidан ташкил топади. Шу пайтгача жаҳон илмида **иқтисод** ва **сиёсат** йўналишлари чуқур ўрганилгани ҳолда **маънавият соҳаси** алоҳида яхлит воқелик сифатида етарлича тадқиқ этилмади ва алоҳида фан сифатида шаклланмади. Шу сабабли бу соҳанинг назарий муаммолари одатда ўзаро боғланмаган, чала-ярим ҳолда “Ахлоқшунослик”, “Фалсафа(шунослик)”, “Рухшунослик”, “Жамиятшунослик”, “Тарбияшунослик”, “Диншунослик” каби қатор ижтимоий фанларнинг мавзу доирасига аралашиб кетди ва илмий доираларда яхлит муаммолар тизими сифатида тасаввур қилинмади. Булар ичида Европа илмида “**Этика**” деб номланувчи **ахлоқшунослик** фани **маънавият** соҳасига оид масалаларни ўрганишда етакчи ўрин тутиб келди. Юқорида номи тилга олинган фанларнинг кўпчилиги сингари “**Этика**” фани ҳам Европа илмида узоқ вақт **фалсафанинг** узвий қисми сифатида қаралиб, турли фалсафий оқимлар томонидан ахлоқ илмига оид турлича қарашлар шаклланди.

#### **1. Қадим Юнон ва Римда маънавият ва ахлоққа оид муаммоларнинг ўрганилиши.**

Европа ахлоқшунослик илмининг ривожини шартли равишда уч йирик даврга бўлиш мумкин: **1) Антик давр ахлоқшунослиги (милоддан илгариги V асрдан – мелодий V асргача), 2) Христиан ахлоқшунослиги (мелодий I-XIII асрлар), 3) Янги давр ахлоқшунослиги (XVI-XX асрлар).**

Қадим Юнонда расман “Этика” фанига асос солган ва биринчи марта шу ном билан қатор асарлар яратган инсон Аристотелдир. Аммо ундан илгари ҳам ахлоқий масалаларга эътибор бўлган. Шундан келиб чиқиб, Антик давр ахлоқшунослигининг ривожини икки босқичга ажратиш ўринли бўлади: **1-босқич – Аристотелгача ахлоқ илмининг ривожи, 2-босқич – ахлоқ илмининг Аристотелдан кейинги ривожланиши.** Ахлоқшуносликка оид кичик қомусий луғат материалларидан келиб чиқсак, унда Қадим Юнон ва Римда яшаб ижод этган 13 файласуф ҳақида алоҳида мақолалар берилган бўлиб, улардан 5таси (Сукрот, Демокрит, Аристипп, Антисфен, Платон) Аристотелдан олдин, 7таси (Эпикур, Зенон, Цицерон, Сенека, Эпиктет, Марк Аврелий, Плотин) кейин яшаганлар. Биз санаб ўтилган 13 файласуф қаторига яна бир буюк ҳаким - Гераклитнинг қарашларини кўшиш билан чекланамиз.

**Гераклит**(милоддан илгариги 540-480 йилларда яшаган)нинг ахлоқий қарашлари унинг умумфалсафий мулоҳазаларидан ажралмасдир. У Борлиқнинг моҳиятини Хомер, Гесиод асарларидаги асотир тафаккур даражасида талқин қилишга ҳам, Иониялик маърифатчи файласуфларнинг ақлга таяниб изохлашга уринишларига ҳам қарши чиқади. Гераклит фикрича,



оламда ягона қонун – “*логос*” (“*фикр*”, “*ақл*”, *энг умумий қонуният*) ҳукмрон. Лекин одамларнинг феъл-атвориға назар солсангиз, худди коинотнинг маркази айна ўзлари деб тасаввур қилаётганга ўхшайдилар. Бир томондан, улар турли афсонавий хурофотларга бовар қиладилар, иккинчи томондан, чўчқалар балчиққа ағанагандек турли шахватпарастлик тамойилларига тамомила ғарқ бўлганлар. Улар руҳида такаббурлик ғалаба қилганлигидан ўзларининг олам ягона қонунига азалий боғлиқ эканликларини тушунмайдилар.

Кейинчалик Шарқда бутун файласуфларнинг устози даражасида шуҳрат қозонган **Сукрот** (милоддан илгариги 470-399 йилларда яшаган) “*ахлоқий фалсафа*”нинг асосчиси сифатида тилга олинади. У фалсафанинг асл мақсади инсонга қандай ҳаёт кечиришни ўргатиш деб ҳисоблаган ва шу маънода ахлоқни биринчи ўринга қўйган. Аммо ҳаёт бу – санъат, демак, яшаш санъатини ўзлаштириш учун биринчи навбатда билим керак. Ҳақиқий билим инсоннинг ўз қалбини англаб етишидир. Шундан келиб чиқиб, файласуф “*Ўзлигингни англаб ет*” шиорини олға суради. Сукротнинг ахлоқ ҳақидаги қарашларида ақл ва мантиқий тафаккурни ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилади (“*рационалистик этика*”). Сукрот ҳарқандай ахлоқсизликнинг асосида жаҳолат, билимсизлик ётади деб фикрлаган ва доноликни энг юксак ахлоқий фазилат сифатида таърифлаган

Тарихда илк материалист сифатида ном қозонган **Демокрит** (милоддан илгариги 460-370 йилларда яшаган) ҳам доноликни юксак баҳолаб, ақлни ахлоқий фазилатлар мезони деб билган. У инсон учун фойдали нарсалар – яхшилик, зарарли нарсалар – ёмонлик, деб ҳисоблайди, ҳар нарсада меёрни сақлаш тарафдори. Демокритнинг фикрича, инсоннинг ҳаётдан мақсади руҳнинг осойишта, шодон кайфиятда сақланиши (“*эвтюмия*”)дир. Файласуф фақат озод киши бахтли бўлиши мумкин, дейди, унинг фикрича ахлоқий фазилатларнинг қулга алоқаси йўқ.

Афиналик **Антисфен** (милоддан илгариги 435-375 йилларда яшаган) Сукротнинг издошларидан бўлиб, фалсафада *киниклар* (*лотинчада “циник”лар*) мактабига асос солган. У ҳар бир инсоннинг барча ижтимоий ва диний қонун-қоидалардан мутлақ озод бўлишининг тарафдори эди. Унинг назарида бахт ҳар бир шахснинг руҳан барча кишанлардан озодлигидадир. Бунинг учун инсон ўз эҳтиёжларини ҳар тарафлама чегаралаб, ташқи ҳашамат, бойлик, жисмоний лаззатлардан воз кечиб, фақат энг оддий табиий эҳтиёжларини қондириш билан чекланиб, ҳеч кимга ва ҳеч нимага муҳтож бўлмай кун кечириши керак. Кейинчалик бутун умр бир бўш бочкада яшаб ўтганлиги билан тарихда машҳур бўлган зоҳид файласуф Диоген айна шу қоидага риоя қилган эди.

Киренлик **Аристипп** (милоддан илгариги 435-355 йилларда яшаган) эса инсон ҳаётидан мақсад лаззатга интилиш ва азобдан қочиш деб ҳисоблаган. Европа ахлоқшунослик фанида унинг қарашлари **гедонизм** (юнонча *hedone* – “*лаззат*” *сўзидан*) номи билан машҳур.

Афинада илк фалсафий академияга асос солган буюк **Афлотун (Платон** - милоддан илгариги 428-348 йиллар) фалсафа тарихида сезги аъзолари

орқали билиб бўлмайдиган номоддий борлиқ - “идеялар (ғоялар) олами” ҳақидаги фарзани олға сурганлиги ва шу тўғрисида фалсафада “идеализм” тушунчасига асос яратгани билан шуҳрат қозонган. Платон фалсафасида Борлиқ уч қисмдан иборат: 1) “ғоялар олами”, 2) “олам руҳи” ва 3) сезгиларга таъсир кўрсатувчи моддий мавжудотлар олами. Асл Борлиқ деб анланувчи “ғоялар олами”да бош ғоя “Эзгулик” (“Благо”) бўлиб, барча жонли мавжудот унга интилади. Платон этикасининг асосий қонидаси – **руҳий ва жисмоний қувват ва қобилиятларнинг мувозанатидадир**. Платоннинг ижтимоий қарашларида ахлоқ ва сиёсат чамбарчас боғлиқ, шу билан бирга улар ўртасида зиддият ҳам бор. Сукротнинг тақдиридан келиб чиқиб, Платон хулоса қиладики, сиёсат соҳасида ким агар ахлоқий принципларга қатъий риоя қиламан деса, у ўзини ҳалокатга маҳкум қилади. Платон ижоди Европа антик фалсафасининг чўққиси бўлди.

**Арасту (Аристотель** - милоддан илгариги 384-322 йилларда яшаб ижод этган) Европа илмининг ҳақиқий асосчисидир. Аристотелнинг этикага оид қарашлари 3 китобда баён этилган: “Никомах этикаси”, “Эвдем этикаси”, “Қатта этика” (М. Маҳмудовнинг ўзбекча таржимасида “Ахлоқи кабир”). Уларнинг ичида асосийси алломанинг ўз ўғлига атаб ёзилган “Никомах этикаси” асари бўлиб, бу китобда ахлоққа **эвдемонизм** руҳида ёндошилган. “Эвдемония” юнончада “*бахт-саодат*” маъносини англатади, аммо Аристотель этикасида *бахт* тушунчаси гедонистик (яъни лаззатланишга интилиш) йўналишида талқин этилмайди. Ундаги бош тушунча юнонча “*арете*” сўзи билан ифодаланган. Бу сўз “*фазилат*” (русча “*добродетель*”) маъносига яқин бўлиб, олим ахлоқий (масалан, саҳоват) ва ақлий (масалан, донишмандлик) фазилатларни фарқлайди. Унинг фикрича, ахлоқий фазилатлар туғма эмас, балки тарбия билан эришилади. Ахлоқий фазилатга эга бўлиш осон эмас, бунинг учун инсон ўзида меёр ва уйғунлик туйғусини тарбиялаб бориши керак, чунки инсон хулқига оид хусусиятлар (қувватлар)нинг ортиқчаллиги (истилоъ) ҳам, камлиги (нуқсон) ҳам қусур бўлиб, ахлоқий фазилат уларнинг мўътадил (меёрдаги) ҳолатини сақлай билишдадир. Ана шундай мўътадилликка эриша олган инсон ҳаётда ўз бахтини таъмин эта олади.

Аристотель фикрига кўра, кишида эзгу хислатлар мавжудлигининг ўзи кифоя эмас, улар амалий фаолиятда намоён бўлиши муҳимдир, чунки инсон ҳаётининг маъноси унинг улуғ мақсадларни гўзал ва мукамал шаклда амалга ошира билишидадир, унинг бахти ҳам шунда.

Аристотель “Этика”си (ахлоқ илми) унинг “Политика”си (сиёсат илми) билан чамбарчас боғлиқ. У инсонни “табиатан ижтимоий махлуқ” («человек от природы есть политическое животное») деб ҳисоблайди.<sup>4</sup> Унинг фикрича, давлат (“полис”)нинг вазифаси ўз фуқаролари бахтини таъминлаш, полис

---

<sup>4</sup> Рус тилидаги «*политика*» сўзи аслида қадим юнон тилидаги “*полис*” (*шаҳар-давлат*) сўзидан олинган бўлиб, Аристотель ишлатган «*зооп политикос*» тушунчаси ушбу шаҳар-давлат *жамоасининг* тенг ҳуқуқли аъзоси маъносини билдиради. Шундан келиб чиқиб биз “*сиёсий махлуқ*” эмас, “*ижтимоий махлуқ*” деб таржима қилишни маъқул топдик.

жамоаси аъзоларининг ахлоқий фазилатлари эса умумжамоа манфаатини кўзлаб фаолият олиб боришларида намоён бўлади.

Аристотель ҳам устози Платон сингари қулдорлик тузумини табиий ҳолат деб тушунар эди. Унинг юқорида баён қилинган ахлоққа оид барча қарашлари озод эллин (қадим Юнонистон шаҳар-давлатларининг фуқароси) ҳақида бўлиб, ўзга юртлардан қул қилиб келтирилган бечораларнинг ўз хожалари фойдаси учун қора меҳнат қилишдан бошқа ҳеч нарсага ҳақлари йўқ эди. Умуман, бу давр кишилари назарида қуллар иш ҳайвони даражасида тасаввур қилиниб улар учун ахлоқ ва виждон тушунчалари бегона ҳисобланарди. Қадим юнонлар умуман ўзларидан бошқа халқларга варварлар (ёввойилар) сифатида қараб, уларнинг ақлий ва ахлоқий қобилиятлари мавжудлигини тан олмасдилар. Антик даврнинг истеъдодли тадқиқотчиси А.Ф.Лосев таъкидлаб ўтганидек, *“Қулдорлик тузуми, ўз бағрида камида минг йил давомида такомил топиб борган антик фалсафанинг барча тамойиллариға узил-кесил ўз тамғасини босган эди.”* Қуллик-қулдорлик муносабатлари нафақат қулнинг, балки қулдорнинг (яъни қул эгаси бўлган озод эллиннинг) ҳам мустақил ва бетакрор шахс сифатидаги кадр-қийматини ўта чеклаб қўйган эди. Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг яхлит моҳияти бу давр кишиси онгида икки нотўқис қисмга: жисмоний меҳнат учун яратилган моддий вужуд (яъни қул) ва мушоҳада-тафаккур учун яратилган номоддий ақл (яъни қулдор)га бўлиниб кетган, ўзини юксак тафаккур ва ахлоқ эгаси деб билган озод эллин қора меҳнат билан шуғулланишни ор деб билар, қора меҳнат билан шуғулланувчи қулни эса ҳар қанақа тафаккур ва ахлоқдан холи иш ҳайвони, жонли буюм сифатида кўрарди. Аристотель ёзади: *“Қул гўёки хожасининг жисмонан алоҳида бўлган бир қисми ва иш қуролидир, иш қуроли эса гўёки жони йўқ қул”*<sup>5</sup>.

Аристотелнинг кичик замондоши **Эпикур** (милоддан илгариги 341-270 йилларда яшаган) моддиюнчи файласуф сифатида ном қозонган. Унинг ахлоқий қарашлари Аристипп таъсирида бўлиб, **лаззатланиш инсоннинг асосий интилиши** деб қарарди. Унинг назарида лаззатнинг моҳияти азобдан сақланишда бўлиб, бунинг учун одам ижтимоий ишлар ва сиёсатдан узоқроқ юриши керак. Эпикурнинг қарашлари кейинги асрларда баъзи издошлари томонидан шахвоний лаззатларга берилиш руҳида талқин қилинди ва христиан уламолари томонидан қаттиқ қораланди.

Китионлик **Зенон** (милоддан илгариги 336-264 йилларда яшаган) деярли Эпикурнинг тенгдоши, лекин унинг ашаддий муҳолифи эди. Зеноннинг ахлоқий қарашлари асосида **ҳар бир инсоннинг мустақил маънавий камолоти орқали фозил жамиятга эришиш ғояси** туради. Унингча инсоннинг ахлоқий камолоти унинг тафаккури ва фаолияти аро уйғунликда кўринади, унинг бахти ҳам шунда. Ўз туйғуларини бошқара билиш, ғазаб ва шаҳватдан тийилиш ақлли инсонларнинг бурчидир ва бу билан *“атараксия”* (руҳий осойишталик) ҳолатига эришилади.

<sup>5</sup> А.Ф.Лосев. Философия. Мифология. Культура. М. Изд. Полит. Литературы. 1991. С. 416.

Римлик машхур нотик Марк Туллий **Цицерон** (милоддан илгариги 106-43 йилларда яшаган) стоикларга эргашиб ахлоққа доир қатор асарлар яратди. Унинг фикрича инсон доимий равишда ўз-ўзини тарбиялаб бориши керак. Ҳар бир инсон ўз манфаатларини жамият манфаатлари билан мувофиқлаштириб бормоғи талаб этилади. Инсон ўз фаолиятида фақат ўз фойдасини ўйлаш билан чекланмай, ўзгаларга ҳам кўмаклашиш пайида бўлиши лозим, чунки барча ҳам ягона бани башар авлодидир. Цицерон **ирода эркинлиги** ғоясини ҳимоя қиларди.

Исойи Масихнинг дунёга келиши мелодий эранинг бошланиши бўлиб, илгари фақат яҳудий қавмига келган ваҳий энди бутун инсониятга нозил этилди. **Исойи Масих даъватидан бошлаб антик фалсафа ва ахлоқнинг чуқур таназзули бошланди**, дейиш мумкин. Бунинг илк нишонаси пайғамбарнинг замондоши, римлик машхур файласуф ва адиб Луций Анней **Сенека** (милоддан илгариги 4 йил – мелодий 65 йилларда яшаган) ҳаёти ва ижодидаги зиддиятлар ҳамда фожеали тақдирида ёрқин намоён бўлди. У ўз асарларида асосан ахлоқий муаммоларга эътибор қаратади. Тангрига бўйсунуш билан инсон эркинликка эришади, деб насихат қилади адиб. Сабр, қаноат, жасорат туфайли инсон олий саодатга ноил бўлади. Камбағаллик, ҳатто қул бўлиш ҳам муҳим эмас, Тангрига топинган одам шахвоний лаззатлар, моддий неъматларга эгалик ҳавасидан юқори бўлади. Ўз асарларида шундай ғояларни олға сурган файласуфнинг ҳаёт йўли мутлақо зиддиятларга тўла бўлди. Унинг тарбиясини олган Нерон Рим тарихида энг баттол ҳукмдорлардан бўлиб, ваҳшиёна қилмишлари билан тарихда номи қора бўлган. Файласуф император саройида катта обрўга эга бўлиб, жуда кўп бойлик тўплаган эди. Ундан *“сиз нега ўз фалсафий қарашларингизга мувофиқ яшамасиз”* деб сўрашганда, Сенека *“файласуфлар ўзлари қандай яшаётганликлари ҳақида эмас, балки қандай яшаи кераклиги ҳақида гапиришади”* деган экан. Файласуфнинг ҳаёти фожеали якун топди: Нерон охирида ўз устози ва маслаҳатгўйини ҳам арзимас баҳона билан ўз-ўзини ўлдиришга мажбур қилди.

Римлик файласуф-стоик **Эпиктет** (милодий 50 – 140 йилларда яшаган) озодликка чиққан қул бўлган. У шахсининг руҳан озодлигини жуда улуғ саодат деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, қулдорлик тузуми шароитида моддий тўқинчилик ва эркин ирода ўзаро бирлашувининг иложи йўқ, шундай экан руҳий осойишталик ва ҳақиқий хурликка эришиш учун жамиятда яратилган барча қулайликлар ва моддий неъматлардан онгли равишда воз кечиш керак. Сенекадан фарқли ўлароқ, қулдан чиққан файласуф ўз таълимотига мувофиқ бутун умр зоҳидона ҳаёт кечирган.

**Марк Аврелий** (милодий 121-180 йилларда яшаган) император бўлган. Унинг ягона асари “Ўзимга ўзим” (“К самому себе”) стоиклар фалсафаси руҳида ёзилган. Аврелий ахлоқни диндан алоҳида тасаввур қилмайди. Унингча ахлоқийликнинг асоси инсон ақлида бўлиб, инсон ақли олий илоҳий ақл самараси ва ундан бир нишонадир. Олий илоҳий ақл бутун борлиқни адолат билан тартиб ва уйғунликда тутиб туради ва инсон ҳам ушбу умумий уйғунлик билан мувофиқлашувга интилиши зарур. Ахлоқий камолотга

эришиш учун инсон ўз ботинига назар солиб, Борлиқнинг моҳиятини идрок этишга уриниши, инсон ҳаётининг тез ўтиши ва ўлимнинг ҳақлигига иқроп бўлиши лозим. Марк Аврелийнинг таълимоти христиан ахлоқининг шаклланишига муайян таъсир кўрсатгани эътироф этилади.

**Плотин** (милодий 205 – 270 йилларда яшаган) антик даврнинг охириги йирик файласуфларидан бўлиб, Платон ғояларига таянган ҳолда муайян фалсафий тизим ярата олди ва бу тизим Европа фалсафа тарихига **“янги платончилик”** (“неоплатонизм”) номи билан кирди. **Плотин** ва унинг издошларининг қарашлари шўролар даврида қаттиқ танқидга учради, ваҳоланки, бутун Ўрта асрлар ва Европа Уйғониши даврида ҳам энг кенг тарқалган ва улуғ мутафаккирларнинг онгини банд қилган таълимот шу эди. Плотин шакллантирган яхлит ва мукамал фалсафий тизим антик давр фалсафий меросининг ниҳойи етиб келган хулосаси эди. Плотин жуда сермахсул ижодкор бўлган. У Мисрда туғилиб, 40 ёшдан ошганда Римга келган ва у ерда ўз мактабига асос солиб, чорак аср давомида уни бошқарган. Ундан 54та рисола қолган. Уларни шогирди Порфирий мавзуларга ажратиб, бта “Тўққизлик” (юнонча “Эннеада”лар) ҳолида гуруҳлаб чиққан. Ғарбда Плотин таълимоти изчил **тавҳидий** (“монистик”) идеализм деб баҳоланади.

Плотин суҳбатни ахлоқий муаммолардан бошлайди. Унинг фикрига кўра, кўпчилик оддий инсонлар ўз кундалик туйғуларига берилиб амалий ҳаёт муаммолари билан банд бўлади. Бундай одамлар учун моддий буюмлар ғоялардан, жисмоний эҳтиёжлар маънавий камолотдан муҳимроқ. Лекин дунёда бошқача одамлар ҳам бор. Булар ўз ҳаёти мазмунини моддий неъматларни қўлга киритишда эмас, балки **руҳ тарбияси**да кўрадилар, улар ўз қалбига кулоқ солиб, асл ҳақиқатни, боқий гўзалликни ўша ердан топадилар. Улар эзгу фазилатлар, оқилона ҳаракатлар, адолат ва ҳиммат эгаларини қалб кўзи билан таниб ола биладилар. Уларнинг руҳи жисмидан ташқарида эмас, аммо моддийликка тобеъ бўлиб ҳам қолмаган. Яна шундай одамлар ҳам топилди-ки, улар чин инсонийликнинг янада юқориноқ босқичига кўтарилишга қодир. Албатта, бундай инсонлар ҳаётда жуда кам учраши мумкин, аммо улар бор. Уларнинг ҳаёти илоҳий жазба ҳолатида кечади. Уларнинг руҳий тарбияси шу даражага етган-ки, руҳ гўё танадан чиқиб, илоҳий Ҳақиқат билан бирлашиб кетгандек. Плотиннинг эътиқодига кўра, асли инсоннинг олий мақсади, олий саодати шу ҳолатга эришувдадир.

Шарқда кенг шуҳрат топган **“тажалли”** (“эманация”) ғояси ҳам Плотин таълимотидан сарчашма олади. Плотин фалсафасининг умидбахшлик хусусияти шунда-ки, унга биноан ҳатто моддий эҳтиёжлар билан ўралашиб қолган оддий инсонларда ҳам **“олам руҳи”**нинг бир парчаси бўлмиш қалб бор, агар инсон ўз қалбини поклаб, уннг тарбияси билан жиддий шуғулланса, уни моддийликка тобеъликдан қутқарса, руҳан камолот ҳосил қилишига тўсиқ йўқ.

Шундай қилиб, қадим Юнон ва Римда ахлоқшунослик илми фалсафий тафаккур бағрида ривож топиб борди. Бу даврнинг етакчи тамойили ақл ва мантиққа таяниб Борлиқ ҳақиқатини англаб этишга интилиш эди. Фақат Исо (а.с.) даъватидан таъсирланган **“янги платончилик”** таълимотидагина **“тажалли”** (“эманация”), **“олам руҳи”**, қалб тушунчалари киритилиб, ахлоқ

илмида моддийликка таянишдан илк бор маънавий такомил ғояларига ўтиш бошланди. Қадим Юнон ва Римда ижтимоий муносабатлар, яъни қулдорлик тузуми инсонларнинг мукамал маънавий камолотини таъминлаш имконини бермас эди, буни ғарб олимлари ўзлари аллақачон исботлаб беришган. Айниқса, имон ва илм орасида жиддий номутаносиблик мавжуд эдики, кейинги христианлик даврида бу ҳолатни ислоҳ қилишга астойдил ҳаракат бўлди.

**Фалсафа** асл маъносида илм эмас, балки ҳақиқий илмнинг мукаддимасидир. Файласуфлар Борлиқнинг моҳияти ҳақида мулоҳаза юритадилар, бу ҳақда ўз фараз ва тахминларини олға сурадилар, ғояларини мантиқан исботлашга ҳаракат қиладилар, Борлиқнинг ўз тасаввуридаги мантиқий моделини яратишга уринадилар, аммо алоҳида инсон ҳечқачон Борлиқ ҳақиқатини мукамал била олмагани учун фалсафа ҳам ўз ҳолича илмга айлана олмайди. Ҳақиқий илмни яратиш учун олим ўз қизиқишларини муайян бир соҳа билан чеклаши керак. Ақл ва мантиққа таяниб Борлиқнинг моҳиятини билишга интилиш инсонга хос нарса, лекин инсон ўз илмининг чекланганлиги ва билимларининг нисбийлигини аниқ англаб етиши керак, демакки, Борлиқ ҳақиқатини мен ўз ақлим билан топаман деб хомтама бўлмаслиги, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам чалғитиб йўлдан оздирмаслиги керак.

Арастунинг улуғлиги шундаки, у ўз истеъдодини Борлиқнинг оргинал фалсафий моделини яратишга интилишда эмас, балки ўзигача ўтган устозлари асарларида олға сурилган ғояларни муайян тартибга солиб, Қадим дунё билимларини турли соҳаларга тақсимлаб, алоҳида илмлар шаклида таснифлашга сарф қилди. Платон жуда сермахсул файласуф эди, аммо унинг деярли барча асарлари бадийлашган, мажоз ва киноялар билан тўла. Аристотелнинг услуби ундай эмас, унинг бугунгача сақланиб қолган асосий асарларида соф илмий таҳлил ва тартиб ҳукмрон.

## 2. Христиан ахлоқи ва маънавияти.

Европа ахлоқшунослигининг биринчи даври **ахлоқ ва фалсафа уйғунлигининг** намунаси бўлса, иккинчи давр **дин ва ахлоқ уйғунлиги** билан ажралиб туради. Ундаги **ахлоқий қондалар** ягона Тангри томонидан илоҳий китоб таркибида нозил этилиб, пайғамбарлар даъвати орқали инсониятга маълум қилинган.

Аввал ҳам айтилганидек, **ахлоқ** зоҳирий ҳодиса бўлиб, унинг ботинида **шахс маънавияти** ётади. Шахс маънавиятининг асосий жиҳатларини эса **имон, илм, масъулият ва меҳр** ташкил қилади. Ҳар бир инсоннинг **ахлоқий фазилатлари** замирида **шахс маънавиятининг** юқоридаги барча жиҳатлари ўз ўрнига эга. Аммо уларнинг нисбати ҳар бир инсонда ўзига хос мураккаб ҳолатларни ташкил қилиши кузатилади. Масалан, кимнингдир **ахлоқи** кўпроқ **имонга** таянса, ўзганикида илм устунлик қилиши мумкин. Кимдир ўзгаларга муносабатини **масъулият** асосига қурса, бошқа биров биринчи ўринга **меҳр**ни қўйиши мумкин. Шуларни инобатга олиб, айтиш мумкинки, қадим

Юнонистонда **илм ва мантиқ** олдинги сафга ўтган бўлса, христиан ахлоқида Исойи Масих ибратига таянган ҳолда **имон ва меҳр** биринчи қаторга ўтди.

Сухбатни бироз орқага қайтиб, Мусо (а.с.) даъватидан бошлаймиз. **Қадим аҳд**, аниқроғи, **Тавротнинг** иккинчи китоби “Қайтиш” (“Исход”), маълумки, яҳудийларнинг Мусо (а.с.) етакчилигида Мисрни тарк этиб, Фаластинга, ўша даврдаги номланишига кўра Канъон ўлкасига йўл олишига бағишланган. Мусо (а.с.) йўл давомида Аллоҳ ваҳийсини ўз қавмига етказиб боради. Бизнинг мавзуимиз юзасидан ушбу китобнинг 20-боби ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Унда Мусо (а.с.) яҳудий халқига Аллоҳнинг башариятга йўллаган каломини сўзлаб беради. Ушбу суранинг бир қатор оятларини куйида бироз қисқартиришлар билан келтирамиз:

*“4. На осмондаги, на ердаги, на сувдаги бирор нарсанинг сувратини чизиб, ўзингга уни бут-санам (русчада “кумир”) қилиб олма.*

*5. Уларга сизинма ва қуллик (ибодат) қилма...*

*7. Парвардигоринг исминини беҳуда тилга олма...*

*12. Отангни ва онангни ҳурмат қил, шунда Парвардигоринг сенга ер юзида берган умри узоқ бўлади.*

*13. Ўлдирма.*

*14. Зино қилма.*

*15. Ўғирлама.*

*16. Ўз яқинларинг устидан ёлгон гувоҳлик берма.*

*17. Ўз яқинларингнинг хонадонига кўз олайтирма, хотинига, хизматчисига, канизига, ҳўкизига, эшагига, ҳеч бир мулкига кўз олайтирма.”*

Тавротнинг кейинги қисмларида ҳам бундай ахлоқий қоидалар кўп учрайди, улар кўпинча турли ибодатга оид қоидалар билан ёнма-ён ҳолда келтирилган. Масалан, “Левит” китобининг 19-бобида (11-18 оятлар) *“Ўғирлик қилманг, ёлгон гапирманг, бир-бирингизни алдаманг, Парвардигорингиз номини тилга олиб ёлгон қасам ичманг, ўз яқинларинг кўнглини оғритма, босқинчилик қилма, мардикорнинг ҳақини эрталабгача қолдирма, қулоғи карни гийбат қилма, кўрнинг олдида у қоқилиши мумкин бўлган нарсани ташлама, қозихонада (судда) ноҳақликка йўл қўйманг, катталарга хушомад қилма, халқ орасида гап ташувчи бўлма, бировнинг ҳаётига таҳдид қилма, ўз биродарингга дилингда душманлик сақлама, айби бўлса юзига айт, гуноҳкор бўлмайсан, ўз халқинг ўғлонларига дилингда газаб сақлама ва қасоскор бўлма, яқинларингни ўзингни севгандек сев”* деб ўғит берилади.

Тавротда келтирилган ахлоқий қоидалар **Инжилда** (“Янги аҳд”да) рад қилинмайди, балки янада кучайтирилиб, **маънавий камолот асослари** даражасига кўтарилади. Бу жиҳатдан “Маттодан келтирилган хушхабар”нинг 5-боби мазмуни алоҳида диққатга сазовордир. Исойи Масих(а.с.)нинг ушбу бобдаги ўғитлари *“Тогда ўқилган ваъз”* (“Нагорная проповедь”) деб номланади. Биз бу бобдан фақат намуналар келтириш билан чекланамиз, чунки уни тўлиқ келтириш жиддий шарҳу тафсирлар талаб қилади. Мана унинг баъзи оятларидан парчалар:

*“7. Кимки раҳм қилса саодатманддир, чунки унга раҳм қилинади.*

8. *Кимки дили пок бўлса саодатманддир, чунки у Тангри жамолига ноил бўлади...*

17. *Бадгумон бўлманг, мен Қонунни (Таврот назарда тутилади) ва набилар (сўзини) бузгани келмадим, мен бузгани эмас, бажаргани келдим.*

21. *Сиз қадимгилар сўзини эшитгансиз: “ Ўлдирма, ким ўлдирса, жазога буюрилади ”.*

22. *Мен сизга айтаман, “ким ўз биродарига беҳуда газаб қилса, жазога маҳкумдир”...*

27. *Сиз қадимгилар сўзини эшитгансиз: “ Зино қилма ”.*

28. *Мен сизга айтаман, “ким (бегона) аёлга ҳирс билан тикилса, демак, кўнглида у билан зино қилипти”...*

31. *Яна айтилган, “ким агар хотинини талоқ қилса, унинг маҳрини берсин”.*

32. *Мен эса сизларга айтаман: “агар ким зино қилмаган хотинини талоқ қилса, унинг зино қилишига йўл очиб берипти”...*

43. *Сиз эшитгансиз: “яқинларингни сев, душманларингдан нафратлан”, дейилган.*

44. *Мен эса айтаман: “Душманларингизни севинг, сизни қаргаганларга эзгулик тиланг, сизни ёмон кўрганларга яхшилик қилинг, сизни хафа қилганларни ва ҳайдаганларни дуо қилинг”...*

Исойи Масих даъватларига риоя қилиш осон иш эмас, улар аслида ахлоқий қонун-қоидалар маъносида эмас, балки маънавий баркамолликка интилган инсонларга ўз ботинини поклаш йўриқлари сифатида айтилган. Шу сабабли ҳам баъзан “*Таврот – Қонун, Инжил эса Ҳақиқатдир*” деб айтилади. Умуман, илоҳий китоблар тилини илмий китоблар тили билан адаштириш оғир оқибатларга олиб келади (ақидапарастликнинг ҳам илдизи шунда). Илмий асарда ҳар бир сўз муайян бир тушунчани англатади, агар уларда бир сўзга икки хил маъно берадиган бўлса, энди бу илм бўлмайди. Илоҳий китоб оятлари эса Аллоҳ таоло мўъжизаларидир (**“оят”** арабчада **“мўъжиза”** дегани ), унинг маънолари чексиз, ундаги ҳар бир сўз мажоздир, кўпмаънолидир, ҳар бир даврда, ҳар бир ҳолатда унинг маънолари чексиз товланиб туради, чунки улар боқий илм ва чексиз қудрат эгаси Аллоҳ таолонинг каломидир. Илоҳий китоблар шу сабабдан таржима қилинмайди, балки тафсир қилинади. Тафсир эса Аллоҳ сўзи эмас, бирор-бир уламнинг ўз ақли ва билимига яраша англаб етганидир, у хато ҳам, тўғри ҳам бўлиши мумкин.

Бугунги кундаги христиан ақидалари айни шундай тафсирлар асосига қурилган. Христиан дунёсида бундай тафсирчи уламолар жуда кўп ўтган. Биз улардан икки буюк сиймонинг маънавий-ахлоқий қарашлари ҳақида қисқача гапириб ўтамыз. Уларнинг биринчиси христиан ахлоқининг шаклланиши даврида унга катта таъсир ўтказган бўлса, иккинчиси Ўрта асрлар сўнггида бугунгача инобатга олиниб келинаётган хулосавий қоидаларни баён қилган.

Христиан дини Исойи Масих (а.с.) давридан кейинги уч аср давомида ҳукмдорлар томонидан тан олинмади, қувғин қилинди. Аммо оддий халқ, айниқса, камбағал-бечоралар ва қуллар орасида борган сари кенг ёйилиб



борди. Фақат император Константин (306-337) замонига келиб, бу эътиқод тизимига муносабат кескин ўзгара бошлади. 313 йили Медиолан эдиктига биноан христианлар ўз ибодатларини эркин ижро этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. **324 йилда** эса император **Константин** “*Эътиқодий бағрикенглик ҳақида эдикт*” эълон қилиб, унда ўз раёини шундай баён қилади: “*Халқ орасида барқарор тинчликни сақлаш мақсадида эълон қиламанки, кимки ҳануз мушриклик иштибоҳида қолаётган бўлса, улар ҳам имон эгалари сингари осойишталикдан бемалол фойдаланишлари мумкин. Кимки Тангри иродасига бўйсунмишдан бўйин товлаётган бўлса, ёлгон (“илоҳлар”)га бағишланган ибодатхоналарини, агар улар шуни истасалар, сақлаб қолишлари мумкин*”. Кўриниб туриптики, энди христианлар ҳақиқий “имон эгалари” эканлиги таъкидланиб, яқинда ҳукмрон эътиқод саналган мушриклик Ҳақ йўлдан адашув эканлиги алоҳида кесатиб айтилмоқда.

Милодий 410 йилда минг йил давомида маданий дунёнинг маркази ҳисобланган Рим шаҳри Аларих бошчилигидаги вестготлар кўшини томонидан босиб олинди ва аёвсиз талон-тарож қилинди. Бунгача вестготлар христианликни қабул қилганликлари сабабли фақат черковлар омон қолди. Ушбу босқин антик дунёнинг хароб бўлгани нишонаси эди. Аммо унинг асоратлари Европа кишиси онгига яна асрлар давомида таъсир кўрсатиб келди. Жумладан, “*черков оталарининг таълимоти*” (“*патристика*”) деб ном олган ва Ўрта асрлар бўйи аксарият христианлар томонидан Исоий Масих (а.с.) даъватининг энг тўғри талқини сифатида қабул қилиб келинган илоҳиёт фалсафасининг етакчи намояндаси **Аврелий Августин** (354-430) асарларида бу нарса яққол сезилади.

Шимолий Африканинг Тагаст шаҳрида туғилиб, 41 ёшида Гиппон шаҳрининг епископи этиб тайинланган ва ўша ерда 76 ёшида вафот этган бу истеъдодли инсоннинг отаси мушрик ва онаси тақводор христиан эди. Августин балоғат ёшига етгач, ўша даврдаги машҳур фалсафий оқимларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқди, аммо ҳеч қайсисидан қониқиш ҳосил қилмади. Шундан сўнг у монийлик бидъатига берилиб, 8-9 йил шу эътиқодда юрди. Ва ниҳоят 34 ёшида 14 ёшли ўғли билан бирга христианликни қабул қилди. Августин қарашларининг антик давр фалсафасидан кескин фарқи унинг инсон шахсининг маънавий такомил ва башариятнинг тарихий такомилга алоҳида эътиборида кўринади. Унинг энг машҳур икки асари айни шу икки муаммо таҳлиliga бағишланган бўлиб, биринчиси - “*Тазарру*” («*Confessiones*») файласуфнинг ўз ботиний кечинмалари ва иккинчиси - “*Илоҳий шаҳар ҳақида*” («*De civitate Dei*») - дунёвий давлат (Рим империяси) билан “*руҳоният олами*” (христиан черкови) орасидаги беаёв кураш тарихига оиддир. Августин бир пайтнинг ўзида ҳам христиан ақидаларининг ашаддий тарафдори, ҳам антик фалсафа анъаналарининг давомчиси сифатида гавдаланади. Унинг таълимоти ҳам эллинизм даври фалсафий тизимларидаги каби уч қисмдан – физика (табиат фалсафаси), логика (мантик) ва этика (ахлоқ фалсафаси)дан иборат. Аммо масалаларга ёндошув буткул бошқача. Масалан, Августин физикасининг бош мавзуси табиат эмас, балки табиатнинг яратувчиси бўлган Халлоқи олам ва унинг чексиз қудратини намойиш

этишдир. Олий Тангри нафақат ўз қудрати билан табиатни йўқдан бор қилган, балки ўз яратувчилиги билан унинг мавжудлигини доимий равишда сақлаб ва таъминлаб туради, агар шу доимий янгиланиш бир зумга тўхтаб қолса, моддий олам яна йўқликка юз тутиши аниқ. Августиннинг билиш назарияси ҳам ўзига хос. Инсон билимларининг ҳақиқий манбаи доимий товланиб турувчи ташқи олам эмас, балки илоҳий илҳомдир. Унга тақво ва риёзат билан эришилади. Ҳақни ботилдан ажратиш учун одам дилини илоҳий нур ёритиши керак. Инсоннинг асл моҳияти унинг руҳи билан боғлиқ. Тана руҳнинг хизматчиси, халос. Руҳ эса Тангри таолонинг қудрати билан яралган. У – азалий эмас, аммо абадий. Августиннинг эътиқодига кўра имон илмдан юқори туради. Аввал Ҳаққа имон келтирилади, сўнг илоҳий ишқ илмга етаклайди.

Августиннинг ахлоқий қарашлари асосида эзгулик ва ёвузлик орасидаги кураш ғояси ётади. Ягона Тангри – эзгулик манбаи. Унда ёвузлик қаердан келиб чиққан? Бу саволга файласуфнинг жавоби ўзига хос. Унинг фикрига кўра, Борликда ёвузликнинг пайдо бўлиши Одам Ато ва Момо Ҳавонинг илк бор Тангрига осийлик қилишлари, унинг ҳукмига итоат этмай шайтон васвасасига учиб, тақиқланган дарахт мевасидан тотиб кўришлари билан боғлиқ. Бу ҳодиса христианликда «*дастлабки гуноҳ*» («*первородный грех*») деб номланади. Аслида христианлик эътиқодининг ўзак томирини айни шу масала ташкил қилади. Уларнинг эътиқодига кўра, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг осийликлари бутун бани башарнинг Тангри ғзабига учрашига сабаб бўлган. Аммо кейинчалик ягона Тангри инсоният гуноҳини кечиришни ният қилиб, ер юзига Исойи Масиҳни (христианлик эътиқодида Исойи Масиҳ “*худонинг ўғли*” ва ягона Тангрининг инсон қиёфасида намоён бўлиши деб ҳисобланади) юборган. У инсонларни Ҳақ йўлига даъват қилиб, охирида башарият гуноҳини ювиш учун ўзи қурбон бўлиши керак эди.

Халлоқи олам инсонга ирода эркинлигини берди. Августиннинг фикрича, илк инсон ушбу эркинликни суъистифода этиб, Тангри ҳукмига қарши борди, натижада дунёда ёвузлик туғилди. Яъни ёвузликнинг манбаи инсоннинг Тангрига осийлигидадир, деб талқин қилади файласуф. Махлуқ ўзини Холиқдан устун қўйса, моддий вужуд эҳтиёжлари руҳ эҳтиёжларидан юқори турса, табиат Яратувчидан кадрлироқ ҳисобланса, ана шунда ёвузликнинг кўли эзгуликдан баланд кела бошлайди. Августин даъво қиладики, «*дастлабки гуноҳ*» сабабли энди аҳли башар ўз эркин иродаси билан фақат ёвузликни дунёга келтиради, у эзгуликка қодир эмас, унинг фожеаси шундаки, ҳатто яхшиликка интилиши ҳам ёмонликка олиб келади. Фақат Тангри раҳмати кимга инса, ўшагина эзгу амалларга ноил бўлиши мумкин. Исойи Масиҳнинг қурбон қилиниши билан ҳам, Августин ишончига кўра, барча христианларнинг гуноҳини юва олган эмас, фақат Тангри ўз раҳматыга олганларгина охиратда жазодан қутулишлари мумкин. Бундай бадбинлик руҳи кейинчалик черков томонидан “*юмшатилды*”. Кейинчалик нафақат Тангри раҳмати, балки черков белгилаб берган хайрли амалларни “*қулоқ қоқмай*” бажарган инсонлар ҳам Тангри иноятига сазовор бўлишлари мумкинлиги таъкид этилди.

Августиннинг қарашлари ўша даврдаги мураккаб вазият билан изоҳланар эди. Рим империяси асрлар давомида бўғзидан разолатга ботган эди. Қулдорлар жамияти барча ахлоқий бузуқликларни кундалик турмуш тартибига айлантирган, ҳукмдорлар ва зодагонларнинг қилмаган фаҳш ва ёвузликлари қолмаган эди. Сенека сингари файласуфларнинг қилган ишлари гапирган гапларига мутлақо мувофиқ келмас, қулларнинг аҳволига маймунлар йиғларди. Бундай шароитда моддий ҳою-ҳаваслар қулига айланган Римнинг ҳалокати тақдирнинг аччиқ ҳукми бўлиб англашилиши бежиз эмасди. Августин қарашларида ахлоқ ва сиёсат бир-биридан ажралмас. У ёзади: “*Муҳаббатнинг икки тури асосида икки “шаҳар” (тузум) бунёд бўлган: **замин подшоҳлиги** (яъни Рим империяси) инсоннинг Тангридан юз ўғирши даражасига етган ўз-ўзига муҳаббатидан пайдо бўлган бўлса, **осмоний (илоҳий) подшоҳлик** (яъни черков) инсоннинг ўз жисмидан нафратланиши даражасига етган Тангрига муҳаббатидан пайдо бўлган*”.

**Аврелий Августин** эътиқод соҳиб ва мутафаккир-файласуф сифатида ўта мураккаб қиёфали шахс, унинг “*Тазарру*” асарини ўқиган одам бунга амин бўлади. Бугунги кунда нафақат биз – мусулмонлар, балки Европанинг кўпчилик фикрловчи кишилари ҳам унинг қарашларига танқид кўзи билан қарайдилар. Аммо бир нарсани унутмайликки, 300 йил давомида Рим империяси томонидан аёвсиз исканжага олинган ва қувғин қилинган, айтиб бериш керакки, бир вақтда золимларнинг барча фаҳшу фасодларини ўз кўзлари билан кўриб турган христиан жамоалари Августинни авлиё деб билган бўлсалар, буни тўғри тушуниш керак. Католик черкови деярли минг йил давомида авлиё Августин таълимотини ташвиқ қилди. То XII асргача унинг қарашлари христиан Европасида ҳукмрон мавқеини қўлдан бермай келди. Фақат мусулмон маданиятининг бевосита таъсири остида Европа олимлари аста-секин қадим Юнон фалсафасини ўзлари учун қайта кашф эта бошлашлари мобайнида христиан дунёқараши ҳам янгилана бошлади.

Ўрта асрлар француз ҳурфикрли файласуфи ва илоҳиётчиси **Пьер Абеляр** (1079-1142) диний ақидаларни ақлга мувофиқ талқин қилишни ёқлаб чиқди. “*Ўзингни англаб ет ёки Этика*” асарида Августиндан фарқли равишда инсоннинг **ирода эркинлиги** фақат гуноҳга эмас, савобга (эзгуликка) ҳам бошлаши мумкин деб ҳисоблади. Унинг фикрича, ахлоқнинг мезони виждон бўлиб, у барча инсонларга хос табиий қонундир, шу сабабли виждон асосида амал қилиш гуноҳга олиб келмайди. Абеляр беқиёс эҳтирос билан инсон шахсининг қадрини, унинг мустақиллик ва бахтга интилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиб, ақидапараст илоҳиётчиларнинг жоҳиллиги ва ғайриинсоний қарашларини кескин қоралаб чиқди. Унинг таълимоти ўз даврида христиан черкови томонидан бирнеча марта расман қораланган.

**Томас Аквината** (Thomas Aquinas, русча талаффузда Фома Аквинский, 1226-1274) христианликда Аврелий Августин таълимотига нисбатан янгича қарашларга асос солган жанубий италиялик Ўрта асрларнинг буюк илоҳиётчи файласуфи бўлиб, унинг издошлари бугунги кунда ҳам Европада катта таъсир кучига эгадирлар. Томас Аквината “*Илоҳиёт хулосалари*” (*Summa theologiae*) ва “*Мушрикларга қарши хулосалар*” (*Summa contra gentiles*) асарларида

Аристотель фалсафасини христиан ақидалари билан мослаштиришга ҳаракат қилади. Унинг назарида, ҳар бир христианнинг олий мақсади - Тангрининг мавжудлигини тан олиш, инсоннинг олий саодати - илоҳий моҳиятни таважжух этиш. Бунга эришиш учун ҳар бир эътиқодли одам Тангри ва унинг ердаги ноиблари бўлмиш католик черкови ва дунёвий давлат томонидан жорий этилган барча диний- ахлоқий қоидаларга риоя қилиши, жамиятдаги ўз ўрнини тўғри англаб, шунга мувофиқ фаолият олиб бориши лозим бўлади. Ҳар бир инсонга Тангри инояти билан “*табиий қонун*” (бахтга интилиш) ато этилган, ундан юқорида диний ва дунёвий раҳбарлар жорий этган “*мақбул қонун*” («*позитивный закон*», “*адолат қонуни*”) туради, уларнинг ҳар иккиси ҳам аслида “*абადий илоҳий қонун*” асосига қурилгандир. Томас Аквината инсон шахсини **руҳ ва тананинг уйғун бирлиги**да кўрди ва уни “*бутун табиатдаги энг эзгу моҳият*” деб ҳисоблади. Унинг қарашлари 1314 йилда католик черкови томонидан расмий христиан ақидаси сифатида қонунлаштирилди. Янги даврда Томас Аквината қарашлари **неотомизм** фалсафаси шаклида ривожлантирилиб яшаб келмоқда.

Аммо дунёдаги ўзгаришлар барибир христиан таълимотини янада ислоҳ қилиб боришни талаб этарди. Айниқса, Европанинг ислом маданияти билан борган сари яқиндан танишуви аввал Европа Уйғонишини бошлаб берди, унинг давомида эса **Реформация** ҳаракати вужудга келди. 31 октябр **1517 йилда** Германиянинг Виттенберг шаҳри черкови эшикларига католик руҳонийларининг ўз мавқеини қўпол равишда суъистемол қилишларини фош қилувчи **95 тезис**дан иборат айблов варақаси ёпиштирилди. Бу тезисларнинг муаллифи илк бор Библия матнини немис тилига таржима қилишга журъат этган илоҳиётчи ва роҳиб **Мартин Лютер** (1483-1546) эди. Лютер ўз шахсий тажрибасида амин бўлдики, расмий католик черкови белгилаб берган “*хайрли ишлар*”(ибодат, рўза, муқаддас жойларни зиёрат қилиш, черков ва монастырларга хайр-садақалар) инсон руҳини поклаш учун етарли эмас экан. У оғир руҳий изтиробдан бевосита Илоҳий китобларни мустақил мутолаа қилиш билан халос бўлиш мумкинлигига ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб ишонч ҳосил қилди. У ишлаб чиққан “*имон билан нажот топиш*” (“*оправдание верой*”) таълимотига кўра, **имон – инсон руҳини қутқарувчи ягона шарт**дир, хайрли амаллар – имон самаралари бўлиб, улар бирламчи нажот йўли бўла олмайдилар. Ҳеч бир имонли одам Тангрининг раҳматидан мосуво эмас, демак, руҳонийлар ва оддий христианлар орасида асосли фарқ йўқ. Шундай экан, черковнинг оддий христианлар билан ягона Тангри орасидаги воситачилигига ҳам зарурат деб қарамаслик керак. Ҳар бир имон эгаси илоҳий китобларга ўзи мустақил мурожаат қилиб, уларни тушунишга ҳаракат қилиши мумкин.

Лютернинг 95 тезиси ўз даврида худди порох бочкасига яшин келиб тушгандек таъсир кўрсатди. Бу даврга келиб католик черкови шу даражага етган эдики, гуноҳкорларга “*индульгенция*” (гуноҳи кечирилганлик ҳақида ёрлик ) сотиб, муайян пул ёки черков олдидаги бошқа хизмати эвазига уларнинг ҳар қандай гуноҳларини Рим папаси номидан “*кечиб юборадиган*” бўлди. Лютер ёздики, агар ким Рим папаси жорий қилган қоида бузган

бўлса, уни папа кечирishi мумкин, аммо ким Тангри олдида гуноҳкор бўлса, уни гуноҳини фақат ягона Тангригина кечирishi мумкин, папа эмас. Рим черкови Лютерни осийликда айблади, аммо Лютер черков судига боришдан бош тортди, папанинг уни черковдан четлатиш ҳақидаги билдириш хатини эса ёқиб ташлади. Реформация (христиан дини асосларини ислоҳ қилиш) ҳаракати таъсирида Германияда деҳқонлар кўзғолони бошланди. Лютер аввал кўзғолончилар билан ҳукмдор доиралар орасини келиштирмоқчи бўлиб, уриниб кўрди, бундан бир иш чиқмагач, расмий ҳокимият тарафига ўтди. Кейинчалик Мартин Лютер ғоялари франциялик **Жон Кальвин** (1509-1564) томонидан ривожлантирилди. 1533 йилдан Лютер ғоялари таъсирида протестантчилик ҳаракатига қўшилган Жон Кальвин ўзининг “*Христиан этиқодига оид ўғитлар*” асарида бу ҳаракат асосчиларининг қарашларини бир тизимга келтириб, “*тақдир мутлақлиги*” ғоясини изчил олға сурди. Унга кўра ҳар бир инсон тақдири олам яратилишидан олдин Тангри томонидан узил-кесил белгиланган бўлиб, инсон уни ўзгартира олмайди, аммо ҳар бир инсон ўзининг охиратда нажот топишидан умидвор бўлиб, шунга яраша ҳаракат қилмоғи керак. **Кальвин ҳар бир инсоннинг ўзи танлаган касбга садоқати унинг Тангрига ибодати деб билди** ва шундай экан, ҳар кимнинг хизмат вазифасига жиддий ёндошуви қандайдир дунёвий манфаатлар учун восита сифатида эмас, балки холис Аллоҳ йўлида бўлиши лозим деб талқин қилди. Жон Кальвин 1536 йилдан Женевага (Швейцария) кўчиб ўтиб, уерда Реформация ҳаракатига бошчилик қилди, ўз қавми орасида христианлик ахлоқини қатъий жорий қилишда қаттиққўллик билан иш олиб борди.

Янги даврда Мартин Лютер ва Жон Кальвин ғоялари **неопротестантизм** фалсафасига асос бўлди. Ушбу фалсафий йўналишга асос солган швейцариялик илоҳиётчи **Карл Барт** (1886-1968) фикрига кўра, ягона Тангрининг борлиғи (зоти) мутлақо инсон ақли ва тасавури доирасидан ташқарида бўлиб, инсон ўз ожизликлари билан ҳечқачон ҳақиқий (илоҳий) ахлоқий талаблар даражасига кўтарила олмайди. Шундай экан, у ўз ожизлигини тан олган ҳолда адолат нуқтаи назаридан ўз қилмишларига доимо танқидий қараб, ўзгаларга нисбатан меҳрли ва кечиримли бўлишга уринмоғи керак.

### **3. Янги Даврда Европа ахлоқшунослик илмининг ривожини**

XIV-XV асрлардан бошланган Европа Уйғониши (Ренессанс) одамлар онгида христиан черкови ғояларининг минг йиллик ҳукмронлигига чек қўя бошлади. Бу минтақа миқёсида Янги даврнинг бошланиши эди. Антик даврда Аристотель асос солган ижтимоий фанлар тизими минг йиллик схоластика тушовидан халос бўла бошлади. Жумладан, **Этика** фани ҳам мустақил ривожланиш йўлига кирди. Антик давр ва христиан ахлоқининг кўпчилик оқимлари, баъзи ўзгаришлар ва тузатишлар билан, Янги даврда ҳам ўз тарафдорлари ва издошларига эга бўлдилар. Бундан ташқари Янги даврнинг ўзига хос турли-туман оқимлари ҳам вужудга келди. Бу давр ахлоқшунослик илмида мустақил фикр ва қарашларини баён қилган олимлар жуда кўп (50дан

ошиқ) бўлиб, биз қуйида улардан фақат бирнечтасининг ўзига хос қарашларига тўхталиб, қисқача умумий хулосалар билан чекланамиз.

Европа Уйғонишининг илк сиёсатчи файласуфларидан бўлган флоренциялик **Никколо Макиавелли** (1469-1527) давлатни барча нарсадан устун қўяди. Унинг назарида давлат инсон руҳининг олий даражада намоён бўлишидир ва давлатга хизмат қилиш инсон ҳаётининг олий мақсади, мазмуни ва саодати бўлмоғи керак. Христианликдаги инсон табиатининг азалдан худбинликка ва ёвузликка мойиллиги ғоясидан келиб чиқиб, унинг тарбияси билан шуғулланиш черковнинг эмас, давлатнинг иши деб ҳисоблайди Макиавелли. Инсонларнинг худбинликка ва ёвузликка мойиллиги уларни куч билан бошқариб туриш учун қудратли давлат ҳокимиятини тақозо қилади. Макиавелли қадим Рим республика тузумини идеал давлат деб билади, аммо инсонларда ривожланган ижтимоий масъулият ҳисси бўлмас экан, республика тузумини ушлаб туриш қийин. Файласуф ўша даврдаги Италияда республика тузумини сақлаб қолиш учун ижтимоий шароит ўта номақбул эканлигини қайд этиб, бунинг сабабчиси католик черковининг дунёвий давлатга қарши узоқ муддатли сиёсати деб очик айтади. У ўзининг “*Хукмдор*” (русча “*Государь*”) асарида шундай номақбул шароитда қандай қилиб қудратли давлатни шакллантириш мумкинлигининг йўллари кўрсатишга ҳаракат қилади. Унинг даъвосига кўра, ҳукмдор бундай шароитда ўз “улуғ” сиёсий мақсадларига эришиш учун, ахлоқ нормалари билан ҳисоблашиб ўтирмай, ҳар қандай воситалардан (жумладан, агар зарурат тақозо қилса, алдов, тухмат, зулм каби ғайрияхлоқий хатти-ҳаракатлардан) бемалол фойдаланиши мумкин, асосийси, давлат ва мамлакат манфаатларини изчил ҳимоя қилиш. Бундай ғоялар асосида тарихда макиавеллизм номи билан машҳур бўлган сиёсатни ахлоқдан холи деб билиш тамойили (“*мақсадга эришиш учун ҳарқандай восита ҳам бўлаверади*”, русча “*цель оправдывает средства*”) пайдо бўлдики, бундай ёндошувнинг оқибатлари кейинчалик башарият учун ўта хавфли ва ҳалокатли ҳолатларни вужудга келтирди.

Француз маърифатпарвари **Мишель Монтень** (1533-1592) қадим Юнон файласуфларининг ахлоққа гедонистик (лаззатга интилиш руҳидаги) қарашларини ривожлантириб, “*оқилона худбинлик*” (“*разумный эгоизм*”) назариясини шакллантирди. У христиан динидаги зоҳидлик ва риёзат (ибодат ва тақвога қаттиқ берилиш) тарғиботига қарши чиқиб, инсон ўз табиатига мувофиқ яшаб, ҳаётнинг барча лаззатларидан фойдаланиши тарафдори бўлди. Лекин Монтень ҳар ишда мўътадиллик ва меёрни сақлаш лозим деб таъкидлар эди. Унинг “*оқилона худбинлик*” назарияси кейинчалик XVIII аср француз маърифатпарварлари **Гельвещий** (1715-1771), **Гольбах** (1723-1789) ва бошқалар томонидан кенг қўллаб-қувватланди ва ривожлантирилди.

Италиялик файласуф ва шоир, буюк пантеист **Жордано Бруно** (1548-1600) ҳақиқий ҳикмат ва жасорат эгаларига хос бўлган инсон шахсини юксакларга кўтарувчи **мангуликка чексиз интилиш** руҳидаги “*мардонавор иштиёқ*” (“*героический энтузиазм*”) ғоясини олға сурди. Унинг оламнинг бепоёнлиги ҳақидаги ғоялари кейинги даврда Бенедикт **Спиноза** (1632-1677),

**Лейбниц** (1646-1716), **Шеллинг** (1775-1854) ва бошқаларга катта таъсир кўрсатди.

Нидерландиялик ҳуқуқшунос ва жамиятшунос **Гуго Гроций** (де Гроот, 1583-1645) биринчи бўлиб “*табиий ҳуқуқ*” ва “*ижтимоий аҳдлашув*” назариясига асос солди. У ўзининг “*Уруш ва тинчлик ҳуқуқи ҳақида*” асарида (1625 йил) давлат, ахлоқий ва ҳуқуқий қонун-қоидаларнинг илоҳий манбаадан келтириб чиқаришга уринувчи таълимотларга кескин қарши чиқди. Гроций фикрича, инсонлар аро адолат ва меҳрнинг етишмаслиги туфайли ибтидоий жамоага хос биродарлик муносабатларига путур етгач, мулкӣ ва табақавий тенгсизлик шароитида аҳли башар ихтиёрий ва онгли равишда ўзаро аҳдлашиб “*қонун ҳимоясида умумий манфаатлардан унумли фойдаланиш*” мақсадида давлатни вужудга келтиришди. Қонунларга риоя қилмаслик ва адолатдан чекиниш ижтимоий зиддиятлар ва урушларга сабаб бўлади. Гроций ақл ва адолат туйғусига таянувчи ўз принципларини давлатлараро муносабатларга ҳам жорий қилиш мақсадида халқаро ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор берди. Унинг “*ижтимоий аҳдлашув*” назарияси кейинги асрларда **Томас Гоббс**(1588-1679), **Жан Жак Руссо**(1712-1778) ва бошқалар томонидан ривожлантирилди.

Инглиз маърифатпарвар-файласуфи ва сиёсатчи мутафаккир **Жон Локк** (1632-1704) ҳиссий идрокка асосланган билиш назариясини ва **либерализм** ғоявий-сиёсий таълимотини ишлаб чиққан. Унинг фикрича, инсоннинг барча билимлари ҳиссий идрок ва руҳий таҳлилдан келиб чиқади. У Исойи Масиҳнинг асл таълимотини христианликка кейин аралашиб кетган янглишувлардан фарқлашга ҳаракат қилди, диний бағрикенгликни ҳимоя қилиб чиқди. Локк дин бўлмаса ахлоқ ҳам бўлмайди, деб ҳисоблар ва Инжилни “*мукамал ахлоқий рисола*” деб биларди.

Англиялик файласуф-ахлоқшунос Антони Эшли Купер **Шефтсбери** (Shaftesbury - 1671-1713) мухтор (автоном) этика (“*ахлоқий туйғу*”) назариясини ишлаб чиқди. Унинг фикрига кўра, ахлоқий туйғулар инсонда туғма ва ўзгармас бўлади, уларни диний туйғу ёки амалий манфаатлар билан боғлаш нотўғри. Шефтсберининг ахлоқий идеали уйғун ривожланган комил инсон бўлиб, унинг эзгулик сари интилиши асосида “*иштиёқ*” (“*энтузиазм*”) туйғуси ётади, деб ҳисоблайди файласуф. Унинг фикрича “*иштиёқ*” туфайли инсон руҳида ижтимоий ва шахсий интилишлар уйғунлашади. Шефтсбери инсон руҳидаги эзгуликка интилиш туйғусини гўзалликка интилиш билан боғлайди: “*Неки гўзал бўлса, ўша уйғун ва муназзамдир, нимаики уйғун ва муназзам бўлса, ўша ҳақиқийдир, қайси нарса гўзал ва ҳақиқий бўлса, ўша нарса ёқимли ва яхшидир, яъни эзгудир*”. Ахлоқшуноснинг фикрлари унинг “*Инсонлар, хулқлар, қарашлар, даврлар*” асарида баён этилган (*Характеристика людей, нравов, мнений, времён. - Characteristics of men, manners, opinions, times, v. 1-3, L., 1711*). Унинг бу ғоялари кейинчалик **Хатчесон** (1694-1747), **Юм** (1711-1776), **Кант** (1724-1804) ва бошқалар томонидан ривожлантирилди. Фрэнсис **Хатчесон** ўзининг “*Гўзаллик, уйғунлик, тартиб ва шакл ҳақида*”, “*Эзгулик ва ёвузлик ахлоқий тушунчаларининг тадқиқи*” асарларида инсоннинг уйғунлик ва тартибга

туғма мойиллиги ҳақидаги Шефтсбери қарашларига таянган ҳолда инсонда эзгулик ва ёвузликни фарқлай олиш туйғуси мавжудлигини, эзгу амаллар умумбашарий манфаатларга хизмат қилувчи хусусиятга эга эканлигини асослашга уринди. Инглиз файласуфи Давид **Юм** ахлоқнинг асоси деб тасаввур қилинувчи лаззатланишга интилиш, манфаатдорлик ва ўзгага беғараз ёрдам ҳиссиётларини бирлаштиришга уринди. Унинг фикрича, ўзгаларнинг бахти инсонда ёқимли туйғу, бахтсизлиги ёқимсиз ҳиссиётлар уйғотади.

Немис мумтоз фалсафасининг асосчиси Иммануил **Кант** ахлоқнинг моҳиятини ва Этика фанининг мавзусини аниқлашга жиддий ҳисса қўшди. Унинг “*Ахлоқ метафизикаси асослари*” (1785) ва “*Амалий ақлни танқид*” (*Kritik der praktischen Verhunft* - 1788) каби асарларида ахлоқнинг трансценденталь асослари ишлаб чиқилди<sup>6</sup>. У Европа илмида илк бора **Рухшунослик** ва **Ахлоқшунослик** фанлари тадқиқ доираларининг ўзаро фарқини аниқ ажратиб берди. Кантнинг ахлоқ назариясида инсон ва шахсни фарқлаш муҳим ўрин тутди. Инсон моддий вужуд сифатида моддий борлик (табиат)нинг узвий бир қисми бўлиб, ўзга жонзотлардан моҳиятан фарқ қилмайди. Файласуф уни “*эмпирик (ҳиссий идрок орқали билиш мумкин бўлган) инсон*” деб атади. Аммо инсон шахс сифатида мустақил (эркин) ирода эгаси бўлиб, Кант фикрига кўра, инсон ўзининг бу жиҳати билан “*Ding an sich*” (*Нарса ўзида*), яъни ҳиссий идрок орқали билиш мумкин бўлмаган зот ҳисобланади. Кант шахс сифатидаги инсонга жуда юқори баҳо беради. Бундай инсон **эркин ирода эгаси** сифатида ўз ҳаётий мақсадларини ўзи эркин белгилайди. Дунёдаги барча мавжудотлар аниқ бир мақсад йўналишига эга, улар барчаси нимагадир восита вазифасини бажаради, фақат **инсонгина восита эмас, балки ўзи учун ўзи мақсаддир**. Шу билан бирга инсоннинг ирода эркинлиги ҳар бир шахснинг ўз зиммасига олий масъулият олишини тақозо этади. Чунки бани башарнинг ҳар бир аъзоси ўзгалар эркини чекловчи ҳарқандай хатти-ҳаракатдан ўзини тийиши керак. Буни файласуф “**қатъий қоида**” (“*категорический императив*”) деб номлайди. Унинг мазмуни И.Кант асарида куйидагича икки хил ифодада берилган: 1) “*Шундай амал қилгинки, амалингнинг мантиқий асоси худди сенинг ироданг орқали табиатнинг умумий қонуни жорий этилгандек бўлсин*”<sup>7</sup>. 2) “*Шундай амал қилгинки, сенинг инсон зотига ёндошувинг, хоҳ ўз қиёфангда, хоҳ ўзга қиёфасида, худди мақсад каби бўлсин, ҳеч қачон фақат восита каби бўлиб қолмасин*”<sup>8</sup>. Демак, барча мавжудотлар инсон учун восита, фақат ҳеч бир инсон ўзгаси учун восита бўлиши мумкин эмас. Ахлоқнинг **қатъий қоидаси** моҳиятан шуни англатади.

Иммануил Кантнинг фалсафаси инсон руҳининг абадийлиги ва ягона олий илоҳий қудратнинг мавжудлигини инкор қилмайди, аммо **инсон эрки, рух абадийлиги, Аллоҳнинг мавжудлиги ва у яратган Борлиқнинг асл моҳияти** назарий идрок ҳечқачон охиригача англаб ета олмайдиган

<sup>6</sup> И. Кант ўз фалсафасида “трансценденталь апперцепция” (барча инсонлар учун умумий бўлган онгли идрок) ҳодисасига таянади.

<sup>7</sup> И. Кант. Соч. В 6-ти т.т. т. 4, ч.1. М., 1965, с.261.

<sup>8</sup> И. Кант. Соч. В 6-ти т.т. т. 4, ч.1. М., 1965, с.270.



воқеликлар, деб ҳисоблайди, чунки бизнинг сезги аъзоларимиз бу нарсаларни қамраб олиш қудратига эга эмас (уларга нисбатан файласуф “*Ding an sich*” – “*Нарса ўзида*” атамасини ишлатади). Уларнинг мавжудлиги ҳақида биз фақат амалий тафаккурга таяниб хулоса қиламиз. Кант мавжуд диний тасаввурларни (христиан илоҳиёти ақидаларини) кескин танқид қилади, у илоҳиётни умуман илм (Борлиқ моҳияти ҳақида ҳақиқий билим берувчи фан) сифатида тан олмайди. Умуман, Кант фалсафаси Европа фалсафий тафаккурининг энг юксак чўққиси бўлди, деб ҳисоблаш мумкин, чунки унинг қарашлари Борлиқни идрок этишда умумбашарий тавҳидий тафаккурга энг яқин келган яхлит тизим бўлиб, кейинги асрларда, бизнинг назаримизда, яна умумбашарий меёрлардан узоқлашув кучайиб борди. Масалан, **Гегель** (1770-1831) ва **Шопенгауэр** (1788-1860) ижодида Кант фалсафасида яхлит уйғунлигини сақлаган эркин ирода ва объектив воқеликнинг мураккаб тузилиши ҳақидаги ҳақиқатга мувофиқ талқин жўнлашиб, ўзаро зид икки янглиш тамойил шаклида “*ривожлантирилди*”.

Инглиз ахлоқ ва ҳуқуқ назариётчиси Иеремия **Бентам** (1748-1832) – “*Ахлоқ ва қонунчилик асосларига кириш*” (1789), “*Деонтология, ёки ахлоқ илми*” (1834) асарларида ахлоқнинг асоси манфаатдорликда деб эълон қилди. Унинг қарашларига кўра, манфаатдорлик инсон хатти-ҳаракатининг мақсади ва меёри, инсоний бахтнинг асоси. Ижтимоий манфаат эса хусусий манфаатларнинг мажмуидир. Унинг ғояларини ривожлантириш асосида инглиз мантиқшунос файласуфи Жон Стюарт **Милль** (1806-1873) ахлоқ илмига **утилитаризм** тушунчасини киритди (“*Утилитарианизм*” – 1863 йил). У Бентам изидан бориб, инсоннинг ҳаётдан мақсади бахтга эришиш деб ҳисоблади. Аммо устозидан фарқли ўлароқ инсон бахти ҳузур-ҳаловатнинг миқдорида эмас, балки сифатида эканлигига эътибор қаратди. Бунда у ҳиссий лаззатларни ҳузур-ҳаловатнинг куйи даражаси ва ақлий (интеллектуал) лаззатларни юқори даража деб белгилаб, инсоний ғурур ва ахлоқий табиатга фақат олий даражадаги (тафаккурий) ҳузур-ҳаловатлар мувофиқ келади деб таъкидлади. Файласуф назарида виждон амри билан иш тутиш, бурчга содиқлик, қонунларга риоя қилиш, жамоатчилик фикрини инобатга олиш, мухтожларга ҳиммат кўрсатиш каби ахлоқий хислатлар инсонга айни шундай интеллектуал ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Инсондаги масъулият туйғуси уни ўз шахсий манфаатлари йўлида ўзгалар бахтига зомин бўлувчи воситалардан фойдаланмасликка ундайди.

Немис материалист файласуфи **Фейербах** (1804-1872) ўзининг “*Христианликнинг моҳияти*”(1841) ва “*Келажак фалсафасининг асослари*” (1843) асарларида ахлоқнинг муҳим жиҳатига эътибор қаратди, яъни у инсонлар аро муомалада фақат “*мен*” эмас, “*сен*” ҳам мавжуд эканлигини ҳисобга олиш лозимлигини, ҳаётда ҳеч бир инсон якка ҳолда ўзини бахтли ҳис қилиши мумкин эмаслигини таъкидлаб, инсоният келажagini **умуминсоний меҳр**нинг ғалабасида кўрди.

Қисқаси, XIX-XX асрлар Европа фалсафий тафаккурида диний ва дунёвий тамойилларни уйғунлаштириш, черковнинг яккахуқмронлигига барҳам бериш ҳаракатлари борган сари материалистик ва даҳриёна

қарашларнинг қудрат касб этиши билан алмашиб кета бошлади. Бу ҳолат ахлоқни инкор этиш, унинг ўрнига кучли ирода ёки биологик эҳтиёжларни олдинги қаторга суриш билан боғлиқ “*назария*”ларга кенг йўл очиб берди. Булардан энг машҳур ва кенг урф бўлганлари қаторида **Шопенгауэр** ва **Ницше** (1844-1900)нинг **ақл ва ахлоқни инкор қилиб**, “*ҳаётга интилиш*” ёки “*ҳукмронликка интилиш*” иродасини Борлиқнинг моҳияти даражасида талқин қилишлари, ёки австриялик психиатр-врач **Зигмунд Фрейд**(1856-1939)нинг ўзига мурожаат қилган баъзи руҳий касалларда учраган алоҳида меёрдан оғиш ҳолатларини умумфалсафий категория даражасига кўтариб, “*либидо*” (жинсий майл) назариясини асослашга уринишларини эслаб ўтиш мумкин. Позитивизм ва экзистенциализм ахлоқий фалсафаларида бу даражадаги очикдан-очик меёрдан оғишлар кузатилмаса-да, барибир, Борлиқнинг моҳиятини изоҳлашда Кант қарашларига нисбатан анча-мунча юзакилашиш мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди.

#### 4. Европа ахлоқшунослик илмида эришилган ютуқлар ва муаммолар

Шундай қилиб, Европа ахлоқшунослик илми асосан фалсафий тафаккур доирасида ривожланди. Ҳатто христиан ахлоқшунослиги ҳам бу доирадан кескин чиқиб кета олмади. Маълумки, ахлоқ зоҳирий, аниқроғи, иккиламчи ҳодиса бўлиб, шахс маънавиятининг инсонлар аро муносабатларда намоён бўлишидир. Унинг ботинида маънавий омиллар ётади. Фалсафа маънавият соҳасига тааллуқли бўлиб, тафаккур қилувчи инсоннинг Борлиқ ҳақиқатига муносабатини акс эттирганлиги сабабидан файласуфлар асосан ахлоқнинг ботиний омилларига эътибор қаратганлар. Агар бу соҳадаги Европа анъанасини умумий бир тарзда кўздан кечирадиган бўлсак, ахлоқ асосида кўпроқ **инсоннинг ирода эркинлиги, ақл ва билим, бахт ва лаззатланишга интилиш, манфаатдорлик** каби масалалар жой олганлигини кўрамиз. Аксарият ҳолатларда **масъулият** ва **бурч** масалалари ҳам, албатта, инобатга олинади. Ахлоқнинг **имонга** боғлиқ жиҳатлари христиан ахлоқида алоҳида таъкид этилса-да, Янги даврда бу масала кўпинча актуаллашмайди.

Маънавият назарияси нуқтаи назаридан юқоридаги масалаларни бир-бир кўздан кечирадиган бўлсак, аввало **инсоннинг ирода эркинлигига** эътибор масаласида Европа файласуфлари Шарққа нисбатан анча илгари кетганликларини эътироф этиш лозим. Ислом минтақа маданиятининг илк шаклланиш даврида ушбу масала атрофида анча қизғин баҳслар бўлиб ўтгани тарихдан маълум. Жабарийлар ва қадарийлар орасидаги мунозаралар, мўътазила каломида бу муаммога айрича эътибор ахийри бориб Имом Абу Мансур Мотуридий таълимотида узил-кесил ҳал қилинган, кейинчалик бу муаммога кўп ҳам эътибор қаратилмади. Ваҳоланки, имом Мотуридий ва издошлари ўз давридаги турли бидъатлар билан мубоҳаса жараёнида кўпроқ Аллоҳ қудрати ва иродасининг мутлақлигини таъкидлашга урғу бериш билан банд бўлишиб, инсоннинг ирода эркинлиги масаласида **ихтиёр, касб** ва **фeyл** тушунчаларини шарҳлаш билан чегараланган эдилар. Янги давр Европа ахлоқ

илмида **инсоннинг ирода эркинлиги** масаласи деярли доимо файласуфлар диққат марказида бўлди. Айниқса, И. Кантнинг ғайб олами (*“Ding an sich”*), *“назарий ақл”* ва *“амалий ақл”*, инсоний билим чегаралари ҳақидаги қарашлари, шу асосда **ирода эркинлиги ва масъулият (бурч)** нисбатига алоҳида эътибори диққатга сазовордир. Умуман, инсоннинг дунёвий мақсадларига алоҳида эътибор қаратилиши Европа ахлоқ илмининг устивор жиҳати дейиш мумкин.

Миллий маънавиятимиз анъаналарида шахс маънавиятининг асосий жиҳатлари – имон, илм, масъулият, меҳрнинг ўзаро уйғунлиги масаласи устивор йўналиш эканлиги маълум. Европа ахлоқ илмининг энг катта камчилиги, бизнинг назаримизда, айти шу ўзаро мутаносибликка етарли эътибор қаратилмаганлиги бўлса керак. Натижада, бугунги кунга келиб, ушбу минтақада маънавий-ахлоқий соҳада жуда оғир муаммолар келиб чиқмоқда. Ахлоқ илмидаги **релятивизм тамойили** (яъни, ахлоқий қоида ва меёрларнинг замона ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туришини мутлақлаштириш), инсон ахлоқини мўътадил тутишда имоннинг аҳамиятини етарли ҳисобга олмаслик XX аср ўрталаридан бошлаб моҳиятан ғайриинсоний *“ахлоқий”* (аниқроғи, ғайриахлоқий) меёрларнинг Европа муҳитида урчиб кетишига олиб келмоқда (шаҳватни кўзғатишга қаратилган *“мода”*ларнинг кенг тарғиб қилиниши, бир хил жинс эгалари *“никоҳи”*га қонуний тус берилиши, кино ва теленамойишларда аёл яланғоч бадани ва жинсий муносабатларнинг эркин намоиш қилиниши, зўравонлик, бузғунчилик, қимор, маст қилувчи ичимликлар тарғиботи ва ҳк.). Европа муҳитидаги бундай хатарли тамойиллар турли йўллар билан дунёнинг бошқа минтақаларига ҳам кириб келмоқда.

Бизнинг назаримизда, ахлоқнинг икки жиҳати бор, биринчиси – зоҳирий томони бўлиб, инсонлар аро муносабатларда ўртача мўътадил меёрни сақлаб туришга хизмат қилади ва у шароитга мослашиб ўзгариб туриши мумкин. Иккинчиси – **ботиний, яъни шахс маънавияти билан боғланган** томони бўлиб, шахснинг Борлиқ ҳақиқатига муносабатидан сарчашма олади. Бу жиҳат энди ташқи шарт-шароитга эмас, балки шахснинг имон-эътиқодига боғлиқ бўлиб, агар бундай инсон шароит тақозоси билан имон-эътиқодига зид хатти-ҳаракат қилишга мажбур бўлса, унда виждон азобига учрайди. Демак, *“виждон азоби”* ҳодисаси зоҳирий ахлоқ талаблари билан шахс имони орасида зиддият мавжуд бўлган ҳолатларда пайдо бўлади. Материалистик (аниқроғи, даҳриёна) дунёқарашга асосланган ахлоқий таълимотларда одатан зоҳирий томонга эътибор қаратилади ва имон ҳисобга олинмайди. Ахлоқни ижтимоий муҳит билан ёки инсоннинг физиологик (биологик) эҳтиёжлари боғлаб изоҳлашга уриниш ана шундай қарашлар натижасида туғилади. Ваҳоланки, на ижтимоий муҳитнинг, на физиологик эҳтиёжларнинг ахлоққа бевосита алоқаси йўқ.

Шахс ахлоқининг зоҳирий жиҳати – жамиятдаги мавжуд ахлоқий меёрларга бўйсунуш, риоя қилиш билан ифодаланади. Шахс ахлоқининг ботиний жиҳати унинг маънавияти ва табиати (хулқи) орасидаги муносабатлар асосига қурилади.

Борлиқ ҳақиқатига муносабатда икки хил ёндошув бор. **Бири** – инсон фақат моддийликдан иборат, унинг ҳаёти (борлиғи) фақат туғилгандан жисман ўлгунгача давом этади, ўлгач, жасад тупроққа қоришиб кетади, “*руҳ*” дегани руҳият (психика) бўлиб, инсоннинг моддий вужуди тириклиги пайтидагина асаб толаларининг яшаш тарзи сифатида мавжуд бўлиб, инсон жисми ҳалок бўлгач, ўз-ўзидан йўқолиб кетади, деган материалистик эътиқод. Бу эътиқодга кўра, инсон ҳайвондан фақат моддий аъзо - бош мия ярим шарлари пўстлоғининг функцияси бўлмиш **ақлнинг ривожланиш даражасига кўра** фарқланади, яъни инсон ва бошқа биологик мавжудотлар орасидаги фарқ аслида миқдорийдир, сифатий эмас. Табиийки, мия ўлгач, унинг функцияси ҳам йўқ бўлади. Бундан шундай хулоса чиқади: демак инсон ўз хатти-ҳаракати учун бу дунёда, тириклик даврида, жамият, яъни ўзга инсонлар олдида жавоб беради, халос. Бунда у бошқалар кўзи тушган амали учунгина жавоб беради, унинг кўнгли, ниятлари бошқалар кўзидан яширин, нимани ўйласа, ўзи билади, ўзгага дахли йўқ, хатто бошқалар нигоҳидан пинҳона қилган айб ишлари ҳам агар биров билмаса, унга зарар келтирмайди (мабодо биров билиб қолса, ўша гувоҳни “*сотиб олиш*” ёки “*гумдон қилиш*” имкони ҳам йўқ эмас), сиёсатда эса ким ғолиб чиқса, ўша ҳақ деган ёзилмаган “қонун” мавжуд. Қисқаси, руслардаги “*не пойман – не вор*” қонидаси асосида яшайверасан, ҳар қанча жинойтлар қилма, кимдир уларни фош қилмаса (ёки муайян сабабларга кўра фош қила олмаса), умринг охиригача роҳат-фароғатда яшаб ўта берасан. Қани бу ерда “*виждон*” деган тушунчанинг ўрни?

Бундай дунёқараш соҳибларининг ахлоқи фақат зоҳирий бўлиб, **жамиятдаги мавжуд ахлоқий меёрларга расман риоя қилиш** билан чекланади. Гедонизм, эвдемонизм, утилитаризм, релятивизм ахлоқий принциплари айна шундай моддиюнчилик асосига қурилган бўлиб, бундай қарашларга кўра ахлоқнинг негизида бахтли бўлишга интилиш (албатта, бу дунёда, чунки охиратда инсон ўз эрки билан тақдирини ўзгартира олмайди), лаззатланишга интилиш (бу лаззат хоҳ шаҳвоний бўлсин, хоҳ интеллектуал), манфаатдорлик, шароитга мослашиш каби соф дунёвий мақсадлар назарда тутилади.

**Жамиятнинг ахлоқий меёрлари** эса моҳиятан маънавиятга эмас, балки сиёсат соҳасига тааллуқли бўлиб, жамиятдаги умумий осойишталик ва барқарор вазиятни таъминлашга қаратилгандир. Аслида улар меёрий (ёзилмаган) қонун-қоидалар шаклида бўлиб, сиёсатдаги ахлоқ қатламининг юза қисмини ташкил этади.

**Иккинчи ёндошув** – инсон моддий мавжудот, аммо ундаги руҳ абадий, бу дунё ҳаёти инсон учун синов майдони бўлиб, унинг ҳар бир қадами ўлчовли, у ҳар бир хатти-ҳаракати, амали учун Олий қудрат олдида жавоб беради, агар савобли иш қилса, ҳам бу дунёда, ҳам охиратда мукофотини олади, агар гуноҳ қилса, ёки бу дунёда, ёки охиратда жазосини олади, деб эътиқод қилиш. Яъни Борлиқнинг асоси моддийликдангина иборат эмас, балки бу оламни яратган ва бошқариб турган азалий ва абадий Олий қудрат мавжуд, деб ишониш, шунга имон келтириш. Имон келтириш билан ушбу Олий қудрат олдида **масъулият туйғуси** пайдо бўлади. Ана шу асосда шаклланган

ахлоқ **ҳақиқий ахлоқ** бўлади. Яъни ахлоқнинг маънавият асосидаги таърифига мос тушади: “Ахлоқ – шахс маънавиятининг ўзга инсонларга муносабатда намоён бўлиши.”

Шахснинг хулқи унинг маънавияти таъсирида такомиллашиб (яъни табиий хислатлари қусурдан фазилатга айланиб) борган сари унинг ахлоқи замима ахлоқдан ҳамида ахлоққа айланиб бораверади. Нафс тарбияси – маънавий камолот йўли бўлиб, ахлоқи ҳамиданинг шаклланиш йўли ҳамдир. Аммо маънавият фақат нафс тарбиясидан иборат эмас. Маънавият имондан бошланади, илм билан мукаммаллашади, таҳлилий имон орқали инсон нафс тарбияси(самовоспитание)га ўтади ва охири меҳр маърифати орқали маънавий камолотга эришади. “Ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги ” деган ҳикматнинг мазмуни шундаки, инсоннинг маънавий камолот даражаси унинг ахлоқида энг ёрқин шаклда намоён бўлади. Агар инсон фақат тақлидий имон даражасида қолган бўлса, у Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини тан олган бўлади, буюрилган фарзларни бақадри имкон бажаришга уринади, аммо ахлоқи ҳамида соҳиби бўлмайди.

**Янги давр Европа ахлоқ илмидаги асосий камчилик христиан динидаги янглишувлар билан боғлиқ, бу янглишувлар эса Аллоҳнинг сўзига (яъни муқаддас китоб бўлмиш асл Инжил матнига) бандаларнинг сўзлари аралашиб кетганлиги сабабли юзага келгандир**<sup>9</sup>. Милодий I-III асрларда яшаган илк христианлар ўз тарихий шароитларидан ва ўша давр тафаккур даражасидан келиб чиқиб, Исо(а.с.)нинг рисолатлари ва даъватлари моҳиятини ўзларича талқин этишлари, IV асрга келиб христиан дини расмий мақомга эришгач, христиан уламоларининг катта йиғинларида қабул қилинган моҳиятан хато ақидаларнинг муқаддаслаштирилиши натижасида бу соҳада тузатиш мушкул бўлган чалкашликлар вужудга келди. Бу чалкашликлар заминида шаклланган “*черков оталари*”нинг таълимоти кейинги минг йил давомида бутун минтақада одамлар онги-шуурида ҳукмронлик қилди. Бора-бора бу хато қарашлар христиан динининг моҳияти даражасида қабул қилинадиган бўлди. Ўз вақтида исломнинг ёйилишига ҳукмрон черков доиралари бутун кудрати билан қаршилик қилди (салб юришларини эслайлик). Янги даврга келиб илм-фаннинг ривожини янглиш диний қарашлар билан борган сари зиддиятга киришиб, илғор фикр эгалари онгида даҳрийлик тамойиллари кучайиб борди. Афсус билан қайд этиш керакки, бу масалада ислом дунёси уламолари ҳам моҳиятга чуқур кириб бориб, Европадаги янгича тамойилларни диққат билан кузатиш йўлидан бормадилар, қайтага XV асрдан кейин мусулмон олами тафаккурида турғунлик, кибрланиш ва ялқовланиш кучайди, IX-X асрларнинг ўзига хос шароитида шаклланган аҳли сунна ва жамоа ақидаларини танқидий қайта кўздан кечириш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Энг асосийси, бу ерда ҳам Аллоҳ каломи ва бандаларнинг талқинлари орасидаги сифатий фарққа эътибор камайди. Натижада, **Янги давр Европа тадқиқотчилари табиий ва аниқ фанлар тараққиётига маҳлиё бўлиб, маънавият соҳасида борган сари имондан узоқлашиб,**

<sup>9</sup> Қаранг. Морис Букай. Библия, Коран и наука. М., 1999.

чалкаш назариялар гирдобига тортилиб кетаётганликларини сезмай қолдилар. Бу эътиборсизлик ва чалкашликларнинг оғир асоратлари бугунги кунга келиб энди бутун залвори билан инсоният келажагига жиддий хавф сола бошлади.

## **Учинчи бўлим.**

### **Глобаллашув шароитида маънавиятга тахдиднинг олдини олиш чоралари.**

#### **1. Инсон ким?**

Маънавият фақат инсон зотиغا хос бўлганидан маънавиятга тахдиднинг олдини олиш чоралари ҳақида гапиришдан олдин “**инсон ўзи ким?**” деган саволга жавоб излаб кўриш керак бўлади.

Инсон, аввало, моддий мавжудот, қолаверса, биологик мавжудотлар жумласига киради. Бу унинг бошқа мавжудотлар билан умумий жиҳати. Инсон вужудида барча биологик мавжудотлар сингари доимий модда алмашув жараёнлари кечади ва шу сабабли унинг мунтазам қондириш талаб қилинадиган муайян моддий эҳтиёжлари мавжуд. Бу жиҳатдан инсон барча жонзотлардан моҳиятан фарқ қилмайди. Барча жонли мавжудотлар сингари инсонда ҳам насл қолдириш эҳтиёжи бор. Шундай қилиб, изчил материалистик нуқтаи назардан шу хислатларига кўра баҳоласак, инсон ҳам биологик мавжудотларнинг бир тури бўлиб чиқади. Хўп, унинг бошқа биологик мавжудотлардан фарқи нимада? Қадимда кўпчилик инсоннинг бошқа жониворлардан фарқи унинг ақлида ёки гапириш қобилиятида деб билишган. Аммо агар ақл миянинг фаолияти деб қарайдиган бўлсак, мия барча сутэмизувчиларда бор. Демак, у ёки бу даражада ривожланган ақл ҳайвонларга ҳам бегона эмас. Сўзлаш қобилияти фақат инсонга хос деб тасаввур қилиш ҳам тўғри эмас, чунки агар кўпчилик ҳозирги замон тилшуносларининг фикрига мувофиқ тил инсонлар аро муомила воситаси, сўзлар эса бу муомиллага хизмат қилувчи шартли белгилар деб қарайдиган бўлсак, барча жонзотларнинг ҳам ўзаро зарурий муомилани таъминловчи ўз “тиллари” (ва “сўзлари”) мавжуд эканлигини тан олишга тўғри келади. Бу ҳақда жаҳон илмида аллақачон тегишли хулосалар чиқарилган. Албатта, инсон тафаккури ва тили бошқа барча ҳайвонларга нисбатан бениҳоя ривожланган. Аммо бундай ривожланиш даражасидаги фарқлар бошқа жониворлар аро ҳам мавжудлиги эътиборга олинса, яна ўртадаги фарқ маълум маънода миқдорий бўлиб чиқади, сифатий эмас. Марксистлар “*инсон – ижтимоий муносабатлар мажмуи*” деб ҳисоблашади. Аристотель ҳам уни “*ижтимоий махлуқ*” деб ҳисоблаган. Яъни, содда қилиб айтадиган бўлсак, инсон жамиятда яшайди, демакки, ўзи сингари бошқа инсонлар билан доимо турли муносабатда бўлади. Аммо бошқа жонли мавжудотлар ўзлари сингари ва ўзларига ўхшамаган турли

махлуқлар билан доимий турли-туман муносабатларга киришмайдими? Борлиқда бошқа жонзотлар билан ҳечқандай муносабатларга киришмай якка-ёлғиз ҳаёт кечирувчи махлуқнинг ўзи топилиши қийин. Демак, бу жиҳатдан ҳам биз – инсонларнинг бошқа мавжудотлардан сифатий фарқимиз йўқ.

Инсон ва жамият ҳаётидаги уч асосий соҳани ажратиб оладиган бўлсак, улардан **иқтисод**, яъни ҳар бир инсоннинг моддий борлиқ билан амалий муносабати, **сиёсат**, яъни ҳар бир инсоннинг ўзга инсонлар билан турли муносабатлари, бошқа жонзотларга ҳам қайсидир даражада хос бўлиб, учинчи – **маънавият** соҳаси, ҳар бир инсоннинг **Борлиқ ҳақиқатига муносабати** сифатида, фақат инсон зотига хосдир. Бошқа бирор жонзотнинг бундай хусусияти мавжудлиги ҳанузгача маълум эмас<sup>10</sup>. Шундан келиб чиқиб, инсонга **“маънавий камолот имконига эга бўлган ягона моддий мавжудот”** деб таъриф бериш мумкин. Демак, инсоннинг бошқа мавжудотлар билан умумий томонларини унутмаган ҳолда унинг айна ўзига хос жиҳатлари мавжудлигини эътироф этиш ва уларга риоя қилишга интилиш асл **инсонийлик**нинг моҳиятини ташкил этади, десак, хато бўлмас.

Жаҳон илмида **иқтисод ва сиёсат** соҳалари жиддий ўрганилган ҳолда **маънавият** яхлит соҳа сифатида назарий жиҳатдан деярли ўрганилмади. Унинг зоҳирий жиҳатлари – **маданият, дин, ахлоқ, фалсафа** ва х.к.лар алоҳида-алоҳида соҳалар сифатида олиб ўрганилди, аммо уларнинг ягона моҳияти англаб етилмагани туфайли бу соҳаларнинг ҳеч қайсиси ҳақида мукамал хулосаларга етиб келинмади. Европада XV асрдан кейин кенг тараққий эта бошлаган аниқ ва табиий фанлар ривожини таъсирида христиан динида шаклланган янглиш тасаввурларнинг сири борган сари очила бориб инсонлар онгида материалистик ва атеистик қарашлар илдиз ота бошлади. Бундай қарашлар охири марксизмнинг жаҳон миқёсида кенг тарқалишига ва қатор мамлакатларда социалистик ғоялар ғалабасига олиб келди. Аммо XX аср охирига келиб, социализм қураётган давлатлар бирин-кетин таназзулга юз тутди ва коммунизмнинг бутун дунёдаги ғалабаси ҳақидаги ҳаёл тамомила пучга чиқди. Европа ва Шимолий Америкадаги фан-техника ва иқтисодий соҳанинг бемисл ривожини ўз ҳолича маънавий камолотни таъмин эта олмади. Натижада бу ўлкалардаги қатор зиёлиларнинг маънавиятни ривожлантириш йўлидаги уринишлари бесамар бўлиб қолаверди. Хуллас, бугунги кунда на материализм, на христианлик инсонийликнинг аниқ меёрларини белгилаб бера олмаганини амалий воқеликда кўриб турибмиз.

Муайян сабабларга кўра мустақил Ўзбекистон шароитида унинг биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан маънавият соҳасига иқтисод ва сиёсат билан тенг эътибор қаратила бошланди, миллий маънавий меросимизни тиклаш йўлидан буюк ишлар амалга оширилди. Дунёдаги давлат раҳбарлари ичида биринчи марта Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бевосита маънавият масалаларига бағишланган алоҳида китоб ёзиб нашр эттирди. 1997 йилдан бошлаб аста-секин аввал мамлакатимизнинг барча олий

<sup>10</sup> Маънавият соҳасига алоҳида эътибор жаҳон илми тарихида биринчи марта Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг бевосита ташаббуси билан юртимиз мустақилликка эришгач, амалга оша бошлади ва бугунги кунда жаҳон бўйлаб кенг ёйилмоқда.

ўқув юртларида, сўнг бутун таълим тизимида “*Маънавият асослари*” фани ўқитила бошланди. Бунинг учун катор олий ўқув юртларида шу соҳада кадрлар тайёрлашга киришилди. Шундай қилиб, маънавият назарияси фан сифатида шакллана бошлади. “*Маънавият асослари*” магистатура йўналиши очилиши билан энди **маънавиятшуносликка** оид фанлар тизими вужудга кела бошлади. XX аср охири – XXI аср бошларига келиб, биз маънавият масалаларига назарий эътибор бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон миқёсига ёйила бошлаганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Хўш, маънавият инсон ва жамият ҳаётига хос алоҳида бир соҳа бўлса, унинг таркибий жиҳатлари нималардан иборат? Назаримизда, маънавиятнинг бошланиши **имон** билан боғлиқ. Айтиш мумкинки, **имон маънавиятнинг умуртқа поғонасидир**. Гапимиз қуруқ даъвога ўхшаб кўринмаслиги учун бу соҳада инсоният бадий тафаккурининг буюк намояндаларидан бири жаҳон тан олган улуғ рус адиби Лев Николаевич Толстойнинг ҳаёт тажрибасига мурожаат қилиб кўрайлик.

## 2. “*Иймонсиз яшаб бўлмайди*”

Маълумки, Имон, Илм, Масъулият ва Меҳр шахс маънавиятининг асосий жиҳатларини ташкил қилади. Агар улардан бирортаси етишмай қолса, инсон руҳиятида сезиларли оғишлар юз бера бошлайди. Натижада бундай инсоннинг маънавий камолотида қусурли ҳолатлар пайдо бўлади. Биз – ўзимизни зиёли ҳисобловчилар илм хусусида кўп лоф урамиз, амалда эса илм соҳасида ҳам юзаки ёндошувлар борган сари урчиб кетмоқда. Масъулият, меҳр масалаларида ҳам анча-мунча гаплар бор. Аммо ҳозирги мавзуимиз имон масаласига оиддир. Чунки бу масала тўғри ҳал қилинмагунча бошқа масалалар оқсай беради.

**М.Ю.Лермонтов**нинг 16 ёшлик даврида ёзган “*Menschen und Leidenschaften*” (Инсонлар ва эҳтирослар) трагедиясининг бош қаҳрамони Юрий ўз жонига қасд қилар экан севгилисига “*Азизим! нариги дунё йўқ ... фақат хаос бор ... ва биз унда ўчиб кетамиз... ҳамма нарса йўқ бўлади ... жаннат йўқ гап, дўзаҳ ҳам йўқ ... инсонлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган манзил ва маконсиз етим махлуқотлар, холос*” деб хитоб қилади<sup>11</sup>. Буюк истеъдод эгаси бўлган Лермонтов 27 ёшида арзимаган сабабдан эски кадрдони билан отишувга чиқиб ҳалок бўлди, **А.С.Пушкин** 37 ёшида фожеали ҳалокатга учради.

Граф **Лев Николаевич Толстой** узоқ яшади ва ўз беқиёс асарлари билан ҳақли равишда жаҳон тан олган аллома даражасига кўтарилди. Узоқ умри даврида унинг кўнглидан нималар ўтди экан. Бу ҳақда биз адибнинг ўз гувоҳлиги асосида аниқ тасаввурларга кела оламиз. 41 ёшида “*Уруш ва тинчлик*” эпопеяси билан бутун Европани забт этган забардаст адиб орадан 10 йил ўтиб “*Тазарру*” (ёки “*Иқрорнома*”, русча аслиятда “*Исповедь*”) асарини

<sup>11</sup> М.Ю.Лермонтов.Собрание сочинений в четырех томах. Т.3.М., «Правда», 1969, С.185.



яратади<sup>12</sup>. Бу асар ҳикоя ёки қисса сингари бадий ижод намунаси эмас. Балки бутун умр улуғ алломанинг дилидан кечган оғир изтиробларнинг аччиқ ва ниҳоятда самимий баёнидан иборатдир. Айтиш мумкинки, Пушкин ва Лермонтовлар очиқ айтиб улгурмаган кўнгил дардларини граф Толстой изҳор қила олди.

Адиб ўзи ёзишча, ўспиринлик пайтидан бошлаб расмий православ христиан эътиқодини менсимамай қўйган. Бунинг сабабларини ўз асарида шундай кўрсатиб ўтади:

*“Мен православ христиан дини руҳида чўқинтирилганман ва тарбия топганман. Болалигимдан бошлаб, кейин эса бутун ўсмирлигим ва ёшлигим мобайнида мени диний руҳда тарбия қилишди...*

*Эсимда, мен ўн бир ёшда эдим — аллақачон оламдан кўз юмган Володенька М. деган бир гимназия талабаси яқшанба куни бизникига келиб, гимназияда кашф этган бир гапни катта янгилик сифатида гапириб берди. Кашфиёт шундан иборат эдики, Худо йўқ ва бизга ўргатилган нарсаларнинг ҳаммаси беҳуда гаплар...*

(Адибнинг 3 томлик асарларида берилган изохга кўра ушбу Володенька М. жуда ёшлигидан ўта қобилятли бўлганлиги туфайли ҳуқуқ соҳасида Петербург университети профессори даражасига кўтарилган Владимир Алексеевич Милютин исми шахс бўлиб, у 1855 йилда 28 ёшида ўзини-ўзи ўлдирган.<sup>13</sup>)

*Яна эсимда — акам Дмитрий дорилфунунда ўқиб юрган кезларида бирдан унинг табиатига хос жўшқинлик билан динга берилиб қолди ва ҳамма ибодатларга қатнай бошлади, рўза тутди, озода ва покиза ҳаёт кечира бошлади. Шунда биз ҳаммамиз, ҳатто катталар ҳам тинимсиз тарзда унинг устидан кулиб юрдик ва уни негадир Нуҳ деб атадик. ... Ўша кезларда катталарнинг бунақа ҳазил-хузуллари менга анча маъқул тушган эди. Мен улардан битта хулоса чиқардим — диний китобларни ўқиш керак, аммо буларнинг барини ҳаддан зиёд жиддий қабул қилмаслик керак...*

*Ҳозир ҳам худди ўтмишидаги каби ишониб қабул қилганимиз ва ташиқи тазйиқ билан қўллаб-қувватланиб туриладиган диний эътиқод диний таълимотга зид бўлган ҳаётий билим ва тажриба таъсирида аста-секин эриб битмоқда. Одам эса, кўпинча, болалигидан унга сингдирилган диний таълимот ҳамон унинг онгида тўла-тўқис мавжуд деган ўй билан кўп йиллар ўзини-ўзи овутиб юраверади. Ҳолбуки, унинг онгида диний эътиқодларнинг изи ҳам қолмаган бўлади...*

*Болалигимдан менга сингдирилган диний эътиқод бошқаларда қандай бўлса, менда ҳам шундай зойиб бўлди. Фақат фарқ шунда эдики, мен жуда эрта ўқишга ва фикрлашга бошлаганим сабабидан менинг диндан қайтишим илк қадамларданоқ онгли характер касб этди. Мен ўн олти ёшимдан бошлаб*

---

<sup>12</sup> Л.Н.Толстой. Избранные сочинения в трех томах. Т.3. М., «Худ. литература», 1989, с.411-461.

<sup>13</sup> Л.Н.Толстой. Избранные сочинения в 3х тт., т. 3, с. 650.

*ибодат қилмай қўйдим ва ўз ихтиёрим билан черковга қатнашни бас қилдим. Мен болалигимдан бошлаб менга сингдирилган ақидаларга ишонмай қўйдим.*

*.... Мен бутун қалбим билан яхши бўлишга интилгандим..., аммо яхши бўлиш йўлларини излаганимда ёлғиз эдим, мутлақо ёлғиз эдим. Ҳар гал қалбимдаги энг яхши майлларимни, яъни маънавий жиҳатдан яхши бўлмоқчи эканимни намойиш қилсам, мени мазах қилишар ва менга нафрат билдиришарди; ёмон эҳтиросларга бериладиган бўлсам, ҳар гал мени мақташар ва рағбатлантиришар эдилар.*

*Манфаатпарастлик, шуҳратпарастлик, ҳокимиятпарастлик, шаҳвоният, мутакаббирлик, газаб, интиқом - буларнинг ҳаммаси ҳурматга сазовор эди... Мен холажоним билан бирга турардим. Қўй оғзидан чўп олмаган бу покиза аёл ҳамиша менга бир тилак билдириб, «эр кўрган аёл билан алоқада бўлишингни истайман, чунки боадаб аёл билан алоқа қилган йигитнинг саводи тез чиқади» дерди. У менга яна бир тоифа бахт тиларди - менинг адъютант бўлишимни, бўлганга яраша подшонинг адъютанти бўлишимни истарди; унинг менга тилаган энг катта бахти шу эдики, менинг жуда ҳам бадавлат қизга уйланишимни истар, бу уйланиш оқибатида, менда сон-саноксиз қуллар бўлишини хоҳлар эди.*

*Даҳшатга тушмасдан, ижирганмасдан, юрак зил кетмасдан шу йилларни эслай олмайман. Мен урушда одам ўлдирганман, ўлдирмоқ ниятида дуэлга чақирганман, тасарруфимдаги мужикларни қартага бой берганман, уларнинг меҳнати эвазига яшаганман, уларни қатл этганман, фаҳш ишлар билан шуғулланганман, алдаганман. Ёлгончилик, ўғирлик, ҳар хил рангдаги зинокорлик, ичкиликбозлик, зўравонлик, қотиллик... Мен қилмаган жиноят қолган эмас ва бунинг ҳаммаси учун мени мақташган, тенгдошларим мени нисбатан виждонли одам, деб ҳисоблашган ва ҳозир ҳам шундай ҳисоблашади”<sup>14</sup>.*

*Виждонли инсоннинг ушбу аччиқ эътирофлари XIX аср охирларига келиб христиан дини ақидаларини имон деб билган жамият маънавий жиҳатдан қандай таназзул ҳолатига тушганлигини очик кўрсатади ва бу аянчли аҳвол маълум даражада нега Россияда большевиклар ўз даҳриёна қарашлари билан бунчалик осонгина ҳокимиятни эгаллаб олганларининг сабабларидан бирини аён қилади.*

*Атоқли адиб ўз асарида эътироф этишича ҳаётининг ташқи жиҳатдан энг гуллаб-яшнаган даврида ўзини-ўзи ўлдириш даражасида тушкунликка тушади, ҳаётдан буткул беади. Барчасига сабаб имонсизлик балоси эди.*

*“Мен бутун кучим билан ҳаётдан кетишга интилардим. Авваллари ҳаётни яхшилаш ҳақидаги фикрлар кўнглимга қанчалик табиий келган бўлса, энди ўзимни ўлдириш ҳақидаги фикр ҳам шунақа ўз-ўзидан келди. Бу фикр шунчалар жозибадор эдики, шошиб-пишиб уни амалга ошириб қўймаслик учун мен ўзимга нисбатан баъзи бир чора-тадбирларни кўрмакка мажбур бўлдим. ... ҳар кун оқшомларда ўзим ёлғиз ўтирадиган хонадан тизимчани олиб чиқиб*

---

<sup>14</sup> Л.Н.Толстой. Избранные сочинения в 3х тт., т. 3, с. 411-414.(Ўзбекча матн Озод Шарафидинов таржимаси асосида берилди.)

ташладим — ечинаётиб, бехосдан икки жавон ўртасидаги тўсинга ўзимни ўзим осиб қўймай дедим-да. Овга ҳам милтиқ кўтариб бормай қўйдим, чунки тепкини бир босиш билан одам осонгина ҳаётдан маҳрум бўлади-қўяди — шунга лаққа учмай дедим...

Бу воқеалар бошимга тушган кезларда мен ҳар жиҳатдан мукаммал бахт эгаси деб ҳисобланишим керак эди, яъни мен ҳали эллик ёшга тўлганим йўқ эди. Менинг олижаноб аёлим бор эди, у мени севарди, мен уни севардим, фарзандларим яхши болалар эди, мулким бор эди — мен сира ҳаракат қилмасам-да, у ўсиб, гуллаб-яшнаб ётарди. Яқинларим ва танишларим мени ҳурмат қилишар, бегоналар мени аввалгига қараганда ўн чандон ортиқроқ мақташар ва ҳеч қандай зўрма-зўракиликсиз мен ўзимни машҳур одам, деб ҳисобласам бўлаверарди...”<sup>15</sup>

Бу ҳолатнинг сабабини адиб шундай изоҳлайди:

“... Эллик ёшимда мени ўз-ўзимга суиқасд қилишга ундаган савол оддий гўдакдан тортиб, донишманд қариягача ҳар бир одамнинг қалбидан ўрин олган энг оддий савол эди. Лекин бу саволга жавоб топмаса, яшаб бўлмайди, буни мен ўз ҳаётимда синаб кўрдим. Бу савол қуйидагича турур: «Мен бугун қилаётган ишдан қандай самара чиқади? Эртага қиладиган ишимдан-чи? Менинг жамики ҳаётимдан нима маъно чиқади?»

Бошқача қилиб ифодаласа, савол бундай бўлади: «Мен яшаб нима қиламан? Бирон нарсани ишташимдан нима маъно? Бирор иш қилмогимнинг нима кераги бор?» Саволни яна бошқачароқ бундай ифодаласа бўлади: «Ўлим ҳақ, мен, албатта, бу дунёдан ўтаман. Менинг яшашимда шундай маъно бормики, менинг ўлимим уни маҳв эта олмаса?»

Улуғ адиб ўзининг бу саволига инсоний илмлардан жавоб излайди, аммо маънили жавоб топа олмайди. Дарҳақиқат, инсон ҳаётининг маъноси нима? У бу дунёга нима учун келади, қандай вазифа бажаради ва нима натижага эришади? Бу каби саволларга узоқ тарих давомида турли файласуфлар турлича жавоблар беришга ҳаракат қилишган, аммо бундай бир-бирини инкор қилувчи талқинлар бирортаси Янги даврнинг фикрловчи кишисини қониқтира олган эмас<sup>16</sup>.

Лев Толстой ўз изтиробли кечинмалари натижасида шундай қатъий ҳулосага келади:

“Иймон, у қанақа бўлмасин, у кимга ва қандай жавоб берган бўлмасин, иймоннинг ҳар қандай жавоби инсоннинг чекланган ҳаётига чексизликка дахлдорлик маъносини бахш этади ва бу маънони азоб-уқубатлар, муҳтожликлар, ўлим маҳв этолмайди. Бинобарин, фақат иймондагина ҳаётнинг маъносини ва яшаш имконини топиш мумкин... **Иймон ҳаётнинг**

<sup>15</sup> Бу пайтда адиб ўзининг машҳур “Уруш ва тинчлик” эпопеясини ёзиб тугатган ва доврўғи бутун дунёга таралган эди. (“Уруш ва тинчлик” 1863-1869 йилларда ёзилиб, биринчи марта тўлиғича Москвада 1868-1869 йилларда, яъни адибнинг 40-41 ёшлик даврида, иккинчи марта қайта ишланган варианты 1873 йилда нашр этилган. “Иқронома” эса 1879-1880 йилларда ёзилиб, 1883-1884 йиллари босилиб чиққан.)

<sup>16</sup> Биз бу масалага келгусида яна қайтамыз. Бу ўринда улуғ адибнинг муайян мавзудаги мулоҳазаларидан узоқлашмаслик учун ҳозирча масалани очик қолдирамыз.

*қудратидир. Инсон яшар экан, у бирор нарсага ишонади, иймон келтиради. Агар у «нима учундир яшамоқ керак» деб бирон нарсага ишонмаса, иймон келтирмаса, унда у яшамас эди... Иймонсиз яшаб бўлмайди...»<sup>17</sup>*

### 3. “Оқилона билим” ва “нооқилона иймон” зиддияти

Аммо барибир улуғ адибнинг изтироблари тугамайди. Чунки уни ўзи билган ва атроф-муҳитини қуршаб олган христиан имонининг ақлга мутлақо зид хурофий ақидалари қониктирмас эди. У ўз асарининг охиригача икки ўт аро қоврилади: на имонсиз яшаб бўлади, на у билган имонни тўла-тўқис қабул қилиб бўлади<sup>18</sup>.

*Мен энди ҳар қандай иймонни қабул қилишга тайёр эдим, фақат бу иймон мендан ақлни бевосита инкор этишни талаб қилмаса бўлди. Негаки, бундай қилинса, ёлгон бўларди. Шу тарзда мен китоблардан буддизмни ҳам, дини муҳаммадияни<sup>19</sup> ҳам ўргандим, ҳаммадан кўра кўпроқ ҳам китоблардан, ҳам атрофимни қуршаб олган одамларнинг ҳаётидан христианликни ўргандим.*

Буюк адиб ўзи яшаган муҳит – XIX аср иккинчи ярми православ Россиясида динга муносабатига кўра ўзини христиан деб ҳисобловчи уч тоифа инсонларга дуч келади:

1) Адиб мансуб бўлган **юқори табақа одамлари** – буларнинг динга муносабати тақлидийлик ва риёкорликдан бошқа нарса эмас эди: *“менинг даврамга мансуб бўлган бу художўйлар худди менга ўхшаб тўқ ва фаровон турмуш кечирешар, шу фаровонликни кўпайтириши ва сақлаб қолиши гамини ейишар, муҳтожликдан, изтироблардан, ўлимдан қўрқишар ҳамда динга ишонмайдиган бизларга ўхшаб нафсларининг энг ярамас хоҳишларини қондиришидан қайтмай, умр кечирешарди, балки улар биз — динга ишонмайдиганлардан кўра кўпроқ гуноҳ ботқоғига ботиб кетишган эди”*.

*Шунда мен тушундим — бу одамларнинг иймони мен излаган иймон эмас, уларнинг иймони, умуман, иймон эмас...*” Аслида ёш Толстойни диндан ҳавсаласи пир бўлишига олиб келган муҳит ҳам айна шундай *“қалбаки художўйлар”* муҳити эди.

2) **Оддий меҳнаткаш халқ, мужиклар** – буларнинг аксарияти чин ихлос билан диний маросимларни ижро этар, имони бутун, яъни ҳаётий фалсафаси имонига зид эмас, аммо шу билан бирга улар православ диний ақидаларидаги чалкашликларни англаб етишга қодир бўлмаган тақлидий имон эгалари эди:

<sup>17</sup> Л.Н.Толстой. Избранные сочинения в 3х тт., т. 3, с.440-441.

<sup>18</sup> Айна шу замонда яшаган Европанинг яна бир чақноқ ақл эгаси Нитше, айтиш мумкинки, шу имонсизлик муҳитидаги руҳий қийноқлар туфайли ақлдан озган эди.

<sup>19</sup> Асл матнда “магометанство” дейилган. Моҳиятан бу сўз “ислом” маъносини англатмайди, балки кимларнингдир ислом ҳақидаги тасаввурларини билдиради. Толстой исломни асл манбалар, яъни Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларнинг арабий матнлари асосида ўрганмаган, балки ўша пайтдаги Европа шарқшуносларининг талқинлари билан танишган, ҳануз номукамал бўлган таржималарни ўқиган.

“...Мен қашшоқ, оддий, ўқимаган художўйлар билан, турли-туман дарвешлар, монахлар, мужиклар билан топиша бошладим. Халқдан чиққан бу одамлар ҳам худди бизнинг даврага мансуб қалбаки художўйлар каби христиан диний эътиқодига эга эдилар. Бу христиан ҳақиқатларига ҳам жуда кўп хурофот аралашган бўлса-да, бироқ фарқ шунда эдики, ...меҳнаткаш халқ орасидаги художўйларнинг хурофотлари уларнинг турмуши билан шу қадар яқиндан боғланган эди-ки, бу хурофотларсиз уларнинг ҳаётини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди”. меҳнаткаш халққа мансуб художўйларнинг бутун ҳаёти уларнинг иймони англатган ҳаёт мазмунини тўла тасдиқлар эди. ...бу одамларнинг иймони чин иймон, бу иймон улар учун жуда зарур ва ёлғиз шу иймонгина уларга ҳаётнинг маъносини ва яшаш имконини беради”.

“...оддий одамлар хасталиклар ва гам-гуссаларни ҳеч қандай норозиликсиз, қаршилик кўрсатмасдан, хотиржам қабул қиладилар. Улар қатъий ишонадиларки, буларнинг ҳаммаси худди шундоқ бўлмоғи керак, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, буларнинг бари — Худонинг неъматини (“добро”). ...бу одамларнинг ҳаммаси ... муҳтожликлар ва азоб-уқубатларни бошларидан кечириб, хотиржам меҳнат қилишарди, умргузаронлик қилиб вафот этишарди ва бунда маъносиз, беҳуда нарсани эмас, улуг бир неъматни кўришарди.”

Айни шундай чин имон эгалари билан яқинлашув туфайли Толстой яна динга қайта бошлайди: “Шундай қилиб, мен бу одамларни яхши кўриб қолдим.... Ҳаётни ижод қилувчи меҳнаткаш халқнинг хатти-ҳаракати эса менга бирдан-бир арзийдиган ҳақиқий иш бўлиб кўринди. Шунда англадимки, шу ҳаётга ато қилинган маъно ҳақиқатдир. Ва мен бу ҳақиқатни қабул қилдим”.

“...Менинг теварагимдаги оддий халқ рус халқи эди. Мен унга мурожаат қилдим, шу халқ ҳаётга берадиган маънога мурожаат қилдим. Бу маънони ифодалаш мумкин бўлса, у қуйидагича эди: ҳар бир одам бу дунёга Худонинг иродаси билан келади. Худо одамзодни шундай яратган-ки, ҳар бир одам ўзининг жонини нобуд қилиши ёки асраб қолиши мумкин. Одамнинг ҳаётдаги вазифаси — ўз жонини сақлаб қолишдир. Ўз жонини сақлаб қолиши учун Худонинг буюрганларига амал қилиб яшамоқ лозим. Худонинг буйруқларига амал қилиб яшаш учун эса юзаки ҳаётнинг ҳамма ҳою ҳавасларидан воз кечиши шарт, меҳнат қилиб, тақдирга рози бўлиб, сабр-қаноат билан, саховатлик бўлиб яшамоқ керак...”

Аммо буюк мутафаккирни бу тоифанинг имони ҳам тўлиқ қониқтирмас эди: “...Аммо атрофимдаги диний ихтилофга алоқадор бўлмаган кўпчилик халқ иймонининг ана шу маъноси билан жуда кўп шундай нарсалар чатишиб кетган эди-ки, мен уларни асло ҳазм қила олмасдим ва изоҳ ҳам топа олмасдим: булар - турли-туман сирли ибодатлар, черков маросимлари, баъзи таомлардан сақланиш, авлиёларнинг суякларига ва санамларга сизиниш ва шу кабилар. Халқ бу икки турдаги нарсани (имонни ва хурофотни) бир-биридан ажрата олмайди, мен ҳам ажрата олмайман...”

...мен учун иймоннинг маросимий жиҳатларидаги гайритабиийликни оқлашга қаратилган мулоҳазалар менинг ҳаётим моҳиятини белгиловчи

ягона масалада, яъни иймон ишида ўзимга шубҳали туюладиган хатти-ҳаракатларга йўл қўйишим учун ҳарҳолда кифоя эмас эди. Мен халқона иймоннинг маросимий жиҳатларини бажо келтирар эканман, қалбимнинг бутун қувватини ишга солиб атрофимдаги халқ билан бирикиб кетишни истардим, аммо бундай қила олмас эдим. Агар шундай қиладиган бўлсам, ўз-ўзимни алдаган бўлиб чиқардим, ўзим учун муқаддас бўлган нарсани мазах қилган бўлардим...”

“Мен неча марталаб саводсизликлари ва илмсизликлари учун мужикларга ҳавас қилганман. Иймоннинг менга ўта маъносиз бўлиб кўринган қоидалари уларга сира ҳам ёлгон бўлиб туюлмасди; улар бу қоидаларни қабул қилишар ва ҳақиқат деб ишонишарди. Бу ҳақиқатга мен ишона олмасдим. Фақат мен шўрликкагина аён эдики, ҳақиқат кўз илгамас ришталар орқали ёлгон билан чатишиб кетган ва мен уни бу аҳволда қабул қилолмайман.”

3) Ҳақиқатни излаган адиб ўз саволларига жавоб излаб турли шахсларга мурожаат қилади ва шу билан у учинчи тоифа - **христиан уламолари** даврасига кириб келади. Бу тоифанинг қарашлари Толстойнинг бутун умидларини пучга чиқаради:

“Табиийки, мен ҳаммадан аввал ўз даврамга мансуб художўй одамларга, олим одамларга, православ илоҳиётчиларига, кекса монахларга, янгича фикрли православ илоҳиётчиларига ва ҳатто Исо(а.с.)нинг инсоният гуноҳлардан покланиши учун ўзини қурбон қилганлигига имон келтириши орқали охиратда жазодан қутулиши мумкин деб эътиқод қилувчи янги христиан деб аталмиш тоифадаги художўйларга мурожаат қилдим. Мен уларнинг этакларидан маҳкам ушлаб олиб, улардан иймонлари қанақа эканини, ҳаётнинг маъносини нимада кўришларини суриштирдим.

Турли-туман масалаларда уларга имкони борича ён берганимга, ҳар хил баҳсу мунозаралардан ўзимни тийганимга қарамасдан мен бу одамларнинг иймонларини қабул қилолмас эдим, чунки кўриб турардимки, улар иймон деб атаётган нарса ҳаётнинг маъносини ойдинлаштирадиган эмас, аксинча хиралаштирадиган нарса эди. Уларнинг ўзлари ҳам иймонларини тасдиқлаганда, буни мени иймонга олиб келган ўша ҳаёт саволига жавоб бериш учун эмас, балки аллақандай бошқа, менга бегона мақсадлар йўлида қилишар эди.

Бу одамлар билан мулоқотга киришганда неча марталаб менинг қалбимда умид чўглари ялтиллаган бўлса-да, шундан кейин яна аввалги тушкунлик, иложсизлик ҳолатига қайтиш мен учун жуда ҳам изтиробли бўлди. Улар менга ўз диний эътиқодларини қанча кўпроқ ва батафсилроқ баён қилиб берсалар, мен уларнинг хатоларини шунча равшанроқ кўрар ва уларнинг иймонларида ҳаёт маъносининг изоҳини топаман, деган умидларим чиппака чиқаётганини ҳис қилардим”.

“...мен Худоба ишонадиган олимларга яқинлашиб, уларнинг китобларини қўлга олишим биланоқ дилимда алланечук шубҳалар, норозиликлар, баҳслардан газабланиш пайдо бўларди ва мен уларнинг гапларини чуқурроқ англай борганим сари ҳақиқатдан тобора узоқлашаётганимни ва тубсиз жарлик сари бораётганимни ҳис қилардим”.

“...мен ўзим ўрганаётган ҳақиқатлар ичига кўпроқ кира борганим сари, бу ҳақиқатлар ҳаётимнинг асоси бўла боргани сари, бу зиддиятлар оғирроқ ва даҳшатлироқ бўлиб борар, мен ақлим етмагани учун англамаган нарса билан ўз-ўзимга ёлгон гапирмасдан англаш мумкин бўлмаган нарса ўртасидаги чегара кескинроқ намоён бўларди.”

Ана шу шубҳалар ва изтиробларга қарамай мен ҳали ҳам православия тарафида эдим. Бироқ бир жойга келиб ҳаёт масалалари кўндаланг бўлди, уларни ҳал қилмоқ керак эди. Черков бу масалаларни мен сизинадиган иймон асосларига зид тарзда ҳал қила бошлади. Бу эса мени православия билан мулоқотда бўлиш имкониятидан узил-кесил воз кечишга мажбур қилди. Бу масалалар, биринчидан, православ черковининг бошқа черковларга — католикларга ва ихтилофчиларга муносабати масаласи эди.

“Мен билган диний таълимот менга ягона иймон ва севги орқали ҳаммамизни бирлаштириш ва яктан қилишни ваъда қилган эди. Бунинг ўрнига бу таълимот ўзининг энг яхши вакиллари орқали менга бундай деди: бу одамларнинг ҳаммаси ёлгон ботқоғига ботган, алланима уларга ҳаёт қудратини берармиш, бу — шайтон васвасасидан бошқа нарса эмас, фақат бизгина бўлиши мумкин бўлган ягона ҳақиқатга эгалик қиламиз. Шунда кўрдимки, православ роҳиблар ўзлари билан бир хил диний эътиқодларга сизинмаган одамларнинг ҳаммасини кофир ҳисоблашар экан. Худди шунингдек, католиклар билан бошқалар ҳам православларни кофир деб билишар эканлар. Кўрдимки, кимда-ким православларга ўхшаб ўз диний эътиқодларини ўша рамзлар ва ўша сўзларда ифодаламаса, православлар уларга душманлик муносабатида бўлар эканлар. Албатта, православлар буни яширишга уринишарди...”

“Мен архимандритлар, архиерейлар, пирлар, таркидунё қилган кексалар ҳузурига бордим, лекин уларнинг ҳеч қайсиси менга буни тушунтириб беришга уриниб ҳам кўргани йўқ. Фақат улардан биттасигина менга ҳамма нарсани тушунтириб берди, аммо шундоқ тушунтирдикки, мен кейин ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамай қўйдим.

Мен деган эдимки, динга ишонмайдиган одамлар ичидан кимда-ким иймонга юз ўгирса (бизнинг жамики ёш авлодимиз иймонга юз ўтирмоғи керак) биринчи кўндаланг бўладиган масала «Нима учун ҳақиқат лютеранликда эмас, католикликда эмас, балки православияда?» — деган масала бўлади. Католик билан протестант ҳам бирдан-бир ҳақиқат ўзларининг динларида эканини тасдиқлайди. Буни мужик билмаслиги мумкин, лекин ёшлар билади, чунки буни уларга гимназияда ўқитишади.

Сухбатдошим менинг фикримга қўшилди, лекин дедикки, бунақа ён беришлар **диний ҳокимиятни маломатга қўяди**, уни ота-боболаримизнинг динидан чекинишда ва диндорлар ўртасида ихтилоф туғдиришда айблашади, ҳолбуки диний ҳокимиятнинг асосий вазифаси бизга бобокалонларимиздан мерос бўлиб қолган юнон-россия православ динини кўз қорачигидай покиза сақлашдир.

Шунда мен ҳамма гапга тушундим. Мен иймон излайман, ҳаётнинг қудратини излайман, улар эса одамлар олдидаги муайян инсоний

мажбуриятларини яхшироқ адо этиш воситаларини излашади. Бу инсоний ишларни адо этар эканлар, уларни инсоний тарзда бажарадилар.

Улар адашган биродарлари учун таассуфлари ҳақида, Худонинг тахтиравони олдида уларнинг ҳақиқа қиладиган ибодатлари тўғрисида ҳар қанча гапиришмасин, инсоний ишларни адо этмоқ учун куч ишлатмоқ керак”.

“...Агар ёлгон таълимотни черковнинг ўзини ҳақиқатга ошно деб ҳисобловчи тажрибасиз қавми ўртасида тарғиб қилса, черков бу китобларни ёқиб юбормаслиги, қавмини васвасага солган одамни кўздан нари қилмаслиги мумкин эмас. Православ черковининг фикрига кўра сохта олов алангасида ёнаётган ва энг муҳим масалада, иймон масаласида черков қавмини йўлдан оздираётган мазҳабпарастни нима қилмоқ керак? Унинг калласини олмоқдан ёки ўзини зиндонга солмоқдан ўзга илож борми?.. Мен диний эътиқод йўлида қилинаётган ана шунақа ишларга эътиборимни қаратдим-да, даҳшатга тушдим ва православиядан деярли юз ўгирдим...”.

Адиб урушни қотиллик деб тушунади, унинг фикрича “қотиллик ҳар қандай диннинг бирламчи асосларига зид бўлган ёвузлик”, черков эса “Нафақат урушдаги қотилликни, балки урушдан кейин содир бўлган галаёнлар вақтидаги одам ўлдиришларни ҳам шаръий бир нарса деб эътироф этишиди. Мен черков арбобларини, пирларини, монахларни кўрдим — улар адашган ночор йигитларнинг ўлдирилишини маъқуллашди”. Бу нарса адибни даҳшатга солади.

“Шунда шубҳаларни йиғиштириб, узил-кесил амин бўлдим — мен келиб баридан тутган иймон билими ҳали тўла ҳақиқат эмас экан...”

Шундай қилиб, буюк мутафаккир адиб православ имони “ҳали тўла ҳақиқат эмас” эканлигига ишонч ҳосил қилди. Хўш, адиб нимани излаган эди ва нималар уни қониктирмади?

Лев Толстой ўз асарида бу нарсани шундай тушунтиради:

“Худонинг мавжудлигини исбот қилиш мумкин эмаслигига тўлалигича иймоним комил эди. (Кант буни менга исбот қилиб берганди ва мен Худонинг мавжудлигини исбот қилиб бўлмаслигини аниқ англаган эдим.) Лекин шунга қарамасдан, Мен Худони изладим, уни топишга умид боғладим...”

Аммо Худонинг мавжудлигини эътироф этгандан кейин мен яна унга муносабатни излай бошлар эканман менга яна ўша Худо, ўзини қурбон қилиб бизнинг гуноҳларимизни ювиш учун Ўғлини юборган, **уч қиёфали Яратувчимиз** намоён бўлади. Яна ўша дунёдан ташқаридаги, менадан ташқаридаги Худо кўз ўнгимда муз парчасидек эриб битарди ва Ундан ҳеч нарса қолмасди, яна ҳаёт булоғи қуриб қоларди ва мен қайтадан тушкунликка тушиб, ўзимни ўлдиришидан бошқа иложим қолмаганини ҳис қилардим...”

Улуғ инсонларнинг адашувлари ҳам улуғ ғоялар туфайли бўлади. Лев Толстойнинг христиан черкови ҳақидаги тасаввурлари ҳам қанчалик ҳақиқатга зид бўлмасин улуғ бир ғояга бўйсундирилган эди:

“Бир-бирлари билан муҳаббат орқали боғланган ва шунинг учун ҳам чинакам билимга эга бўлган художўйлар жамоаси сифатида черков менинг



иймонининг негизи бўлиб қолди<sup>20</sup>. Ўзимга-ўзим дедимки: «Худонинг ҳақиқатига бир одам ёлғиз ўзи эриша олмайди, у бир-бирлари билан муҳаббат орқали боғланган одамлар жамоасигагина аён бўлиши мумкин».

Ёзувчи ифода этган умуминсоний муҳаббат ғояси ниҳоятда буюк бир илоҳий ҳақиқатдан дарак берарди. Аммо, минг афсуски, уни христиан Европаси воқелигидаги мавжуд ижтимоий институт бўлган асл черковга шундайлигича нисбат бериш асло мумкин эмасди. “Бир-бирлари билан муҳаббат орқали боғланган ва шунинг учун ҳам чинакам билимга эга бўлган художўйлар жамоаси” сифатидаги черков адибнинг хаёлидаги нарса эди, халос. Аслида черков ҳали Константин томонидан расмий тус берилмасдан анча илгарийёқ христиан дини пешволарининг сиёсий тузилмасига айланиб бўлган эди. Бунинг ёрқин мисолини машҳур украин шоираси Леся Украинка (1871-1913)нинг “Мағораларда” (“В катакомбах”) асари мазмунида кўриш мумкин<sup>21</sup>.

Юраги имон талабида орзиққан адиб аввал ўзини-ўзи алдамоқчи бўлади:

“Ҳақиқатни англаб этиши учун бўлинмаслик керак; бўлинмаслик учун эса ўзинг мувофиқ бўлмаган нарсани ҳам севмогинг ва у билан муроса қилмогинг талаб этилади...”

“Ҳақиқат муҳаббатда юз кўрсатади; шундоқ экан, агар сен черков маросимларига бўйсунмасанг, муҳаббатга шикаст етказасан, муҳаббатга шикаст етказиши билан эса ўзингни ҳақиқатни англаш имконидан маҳрум қиласан».

Аммо адибнинг виждони уйғоқ эди. У тез орада хатосини сезиб қолади ва буни очик эътироф қилади:

“Мен ҳали у пайтларда бундай мулоҳаза замирида ётган сўз ўйинини сезмаган эдим. Мен ҳали у пайтларда муҳаббат орқали бирлашиши жуда улуғ муҳаббатни келтириб чиқариши мумкинлигини, лекин зинҳор-базинҳор **Никей ақоидида**<sup>22</sup> муайян сўзлар билан ифодаланган диний ҳақиқатни<sup>23</sup> келтириб чиқармаслигини билмаган эдим”.

“... илоҳиётчиларнинг тушунтиришига кўра иймоннинг асосий ақидаси гуноҳлардан холи турувчи черковдир. Бу ақидани тан олиши билан, муқаррар бир тарзда, черков таълим берадиган ҳамма нарса ҳақиқатдир, деган хулоса келиб чиқади”<sup>24</sup>.

Айни шу нарса, яъни “черков таълим берадиган ҳамма нарса ҳақиқатдир” деган хулосага адиб қанчалик ўзини ишонтирмоқчи бўлмасин,

<sup>20</sup> «Церковь, как собрание верующих, соединенных любовью и потому имеющих истинное знание, сделалась основой моей веры.» (с.452)

<sup>21</sup> Леся Украинка.Лесная песня.М., “Худ. литература”, 1988, с.167-196.

<sup>22</sup> “в Никейском символе” (с.452)- Никейский символ – «исповедание веры, принятое на Никейском первом вселенском соборе (325 г.); главный вопрос - О Св. Троице, Единосущном Боге и Сыне Божии”. Никея – ныне Изник (Турция) - Примечания, с. 651.

<sup>23</sup> «единение в любви может дать величайшую любовь, но никак не богословскую истину, выраженную определенными словами в Никейском символе». (с.452).

<sup>24</sup> «По объяснению этих богословов основной догмат веры есть непогрешимая церковь. Из признания этого догмата вытекает, как необходимое последствие, истинность всего исповедуемого церковью.» (с.452)

барибир, теран тафаккурли инсоннинг назаридан кўп нарсалар қочиб кутулмас эди:

*“Черков маросимларини бажо келтирар эканман, мен ақлимни тизгинлаб олиб, бутун инсоният<sup>25</sup> риюя қиладиган ақидаларга ўзимни бўйсундирардим. ...Эрта тонгда черков ибодатига турар эканман, бу ишим яхши эканини билардим. ...Мен рўза тутар, уйдаги ва черковдаги кундалик тоат-ибодатларни бажо келтирардим.*

*Черковдаги ибодатлар вақтида амри маъруфларни тинглар эканман, уларнинг ҳар бир сўзини англашга ва иложим бўлган кезларда уларга маъно беришга ҳаракат қилардим. Ибодатдаги мен учун энг муҳим гап — «Бир-биримизни севиб ва ҳамнафасликда...» — деган гап эди. Ундан кейин келадиган «**Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухга сизинайлик**» деган иборани тушириб қолдирардим, негаки уларни **тушуна олмас** эдим”.*

*“Яшамоқ учун иймонга эга бўлмоқ ўша кезларда менга шу қадар зарур эдики, мен диний эътиқодларнинг зиддиятлари ва ноаниқликларини ўз-ўзимдан онгсиз равишда яшириб келдим. Аммо маросимларни бундай идрок этишининг чегараси бор эди”.*

*“...бир қатор ибодатлар ва сеҳрли маросимлар бор эдики, уларни ҳарчанд тушунтирган билан тушуниб бўлмас эди. Ёки мен уларни бир амаллаб тушунтирмоқчи бўлар эканман, гапларим ёлгон эканини ҳис қилардим ва бу билан ўзимнинг Худога муносабатимни яксон этаётганимни ва иймонли бўлишининг ҳар қандай имконини бутунлай йўқотиб қўяётганимни фаҳмлаб турардим...”*

*Адиб бир нарсага ишончи комилки, миллион-миллион кишилар ишонган эътиқод тўлиқ ёлгон бўлиши мумкин эмас. “...Аммо ёлгон қаёқдан келиб қолди-ю, ҳақиқат қаёқдан келди? Ёлгон ҳам, ҳақиқат ҳам черков деб аталган нарса томонидан тарқатилади. Ёлгон ҳам, ҳақиқат ҳам ривоятларнинг таркибидадир. Уларни муқаддас ривоятлар ва муқаддас китоблар деб аташади...”*

*“Диний таълимотда ҳақиқат борлиги менда зарра шубҳа тугдирмайди. Аммо унда ёлгон мавжуд эканига ҳам зарра шубҳам йўқ”. Буюк мутафаккир “ана шу ҳақиқат билан ёлгонни топиб, уларни бир-биридан ажратиб олмогим керак” деган хулосага келади ва бунинг учун христиан динига асос бўлган “ривоятлар ва китобларни ўрганишга, тадқиқ этишга” киришади. Натижада бу мавзуда яна қатор китоблар ёзилади:*

***“Исследование догматического богословия”(1879-1880),***

***“Соединение и перевод четырех евангелий”(1880-1881).***

***“В чем моя вера?”(1882-1884.)***

Биз бу бу китоблар билан танишишга ҳануз муяссар бўлмадик. Аммо шу нарса аниқки, 1901 йилда “Тирилиш” («Воскресение») романи ёзилгандан сўнг тириклик чоғидаёқ шундай жаҳоншумул шуҳратга эга бўлган буюк ёзувчи

---

<sup>25</sup> Толстой шу ўринда “бутун инсоният” деб адашмоқда. Аслида уни ўраб турган **христиан мухити** асло бутун инсоният дегани эмас эди.

православ черкови раҳбарияти томонидан “муртад” деб эълон қилинди<sup>26</sup>. Бунинг сабаблари юқорида адибнинг ўзи тушунтириб берган зиддиятларга бориб тақалар эди<sup>27</sup>.

Буюк адиб ўз қарашларида ёлғиз эмас эди. Хали у ҳаёт экан, яна бир машҳур рус мутафаккири Н.Бердяев Лев Толстойнинг диний қарашлари ҳақидаги мақоласида шундай деб ёзади: *“Л.Толстой прежде всего – великий искатель смысла жизни и великий отрицатель неправды жизни; в силе этого искания и этого отрицания он почти не имеет себе равного... С невиданной мощью разоблачил он ложь, лицемерие и неправду, разъедающее историческое христианство.”*<sup>28</sup>

XX аср бошида Лев Толстой, Ф. Ницше, Н.Бердяев ва бошқаларни саросимага солган саволлар кейинги даврларда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Бугунги Европа зиёли тоифалари ичида диний имон эгаларидан кўра **фалсафий имон** вакиллари кўпроқ учрайди. Сабаби бугунги Европа ва Америка қитъаларида аксарият аҳоли орасида тарқалган христиан динининг кўп ақидалари Янги давр илғор фикрли зиёлиларини аллақачон кониктирмай қўйган.

Масалан, XX аср Европа фалсафасининг тан олинган вакилларида бири **Карл Ясперс** (1883-1969) ўзининг 1948 йилда нашр этилган “Фалсафий имон” (“*Философская вера*”) асарида шундай гапларни ёзади: *«Отказаться следует от религии Христа, которая видит в Иисусе Бога и, применяя к Иисусу идею жертвенности, высказанную у Второисайи, связывает с ним спасение»*<sup>29</sup>, *«Иисус как Христос, как Богочеловек – миф»*<sup>30</sup>, *«Бог говорит человеку устами людей, но Бог говорит устами многих людей, в Библии – через пророков, последним в ряду которых выступает Иисус; нет человека, который мог бы быть Богом...»*<sup>31</sup> *«Философская вера разоблачает любое обожествление человека», «В мире нет человека, который мог бы быть для нас Богом»*<sup>32</sup> *«обожествление людей, до каких возвышенных форм и глубоких толкований оно бы ни поднималось, в корне оно всегда заблуждение»*<sup>33</sup>.

Янги даврда мавжуд христиан ақидалари ҳақида бундай кескин қарашларнинг туғилиши узоқ тарихга бориб тақалади. Христиан динининг илк шаклланиш даврига назар ташлайдиган бўлсак, Исо (а.с.)дан кейин ўзларини христиан деб атаганлар орасида турли ихтилофли диний қарашлар кўпайиб кетган бўлиб, милодий IV аср бошларида император Константин ташаббуси

<sup>26</sup> «Критика церковных обрядов в «Воскресении» была одной из причин отлучения Толстого святейшим Синодом от православной церкви (1901)». (С. 560 – КЛЭ, т.7, М., 1972). Синод – высшее коллегиальное церковное учреждение в России до 1917 года.

<sup>27</sup> Нега черков “Икрорнома” асарига бундай муносабат билдирмади, деган саволга жавоб оддий: “Исповедь”асари 1879-1880 йилларда ёзилиб, биринчи марта 1884 йилда чет элда – Женевада “Общее дело”журналида босилиб чиққан ва Россияда кенг тарқалган эмас.

<sup>28</sup> Н.А.Бердяев. О религиозном значении Льва Толстого.// «Вопросы литературы», № 4, 1989, с.272, (написано в сентябре 1908 года).

<sup>29</sup> Карл Ясперс. Смысл и назначение истории. М., «Республика», 1994, с.470.

<sup>30</sup> Там же, с.471.

<sup>31</sup> Там же, с.470.

<sup>32</sup> Там же, с.486.

<sup>33</sup> Там же.

билан давлат динига айлантирилган христиан эътиқоди ўша тарихий давр талаби билан моҳиятан чалкаш ақидаларни расмийлаштириб олган эди. Инсонлар ташаббуси билан қонунлаштирилган бу ақидалар тизими минг йил давомида инсонлар онгига мажбурий сингдирилди. Аммо Европа Уйғониши расмий черковнинг бу зуғумига қаттиқ зарба берди. Чунки бу даврга келиб расмий христиан ақидалари билан илм соҳасида эришилаётган ютуқларнинг бир-бирига тамомила зидлиги очилиб қола бошлаган эди. Натижада илғор зиёлилар онгини тобора диний эътиқод ўрнига илмий билимларга мойиллик кўпроқ эгаллаш бошлади ва кейинги асрларда бу тамойил атеистик (яъни ягона тангрининг мавжудлигини инкор қилиш) ва нигилистик (умуман диний эътиқодларга беписандлик) қарашларга йўл очди.

Аммо инсон имонсиз яшай олмайди. Айниқса, Европанинг буюк ақл эгалари тимсолида бунинг ёрқин далиллари кўп. **Карл Ясперс** мавжуд христианлик диний имонини шундайлигича қабул қила олмайди. Аммо шу билан бирга ҳеч бир ақли расо инсон имонсиз яшай олмаслигини тан олади. Шу сабабли у ўз асарларида инсон қўли билан таҳрир қилинган мавжуд Библияни ноўрин жойларини ислоҳ қилишга уринади, буни **фалсафий имон** деб атайдди.

Хулоса қиладиган бўлсак, Европанинг илғор факрли кишиларини изтиробга солган илм ва имон орасидаги зиддиятларнинг асл келиб чиқиш илдизи, бугунги мавжуд христианлик ақидалари билан Исо (а.с.) даъвати ўртасидаги барча фарқлар пайғамбарлар орқали етказилган Аллоҳнинг сўзи билан ўзларини эътиқодли деб билган бандаларнинг сўзлари аралашиб кетиши натижасида ҳосил бўлган экан. Бунга энг ёрқин мисол христианликдаги ҳозирги мавжуд уч асосий йўналишнинг (католик, православ, протестант) барчасида қатъий равишда қабул қилинган «*Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухга сизиниш*», яъни уч уқнум (Троица) ақидаси Исо (а.с.) даъвати асосида эмас, балки 325 йили Никея (бугунги Туркиянинг Изник) шаҳрида йиғилган христиан уламоларининг умумжаҳон анжуманида қабул қилинган бўлиб, ўша давр одамларининг тафаккур даражаси ва сиёсий мақсадлари билан боғлиқ эди. “*Туноҳлардан холи турувчи черков*” ақидаси ҳам ўз моҳиятига кўра хато қараш бўлиб, Аллоҳ бандалари ўзини мутлақо бегуноҳ деб ҳисоблаши на диний, на дунёвий нуқтаи назардан ўзини оқламайди ва черков уламоларининг такаббурлигидан бошқа нарса эмас. Христианлик ақидасидаги адашувлар илоҳий китоб матнига инсон қўли билан ўзгаришлар киритилиши оқибатида юзага келганлигини муайян бир шаклда христиан уламоларининг ўзлари ҳам эътироф этадилар. Масалан, улар томонидан тузилган “Библейская энциклопедия” китобида эътироф этилишича, ҳозирги мавжуд “Библия” матни “*мингйиллар давомида ёзилган ва таҳрир этилган қадим китоблар тўплами бўлиб*”, унинг турли қисмлари “*турли муаллифлар томонидан яратилган*”. Бу муаллифлар “*бошлангич маълумотларни ўз эътиқодий тасаввур ва қарашларига мослаштириб ривоят ва талқин қилганлар*”. “*Инжиллар муаллифларининг ўз олдига қўйган турлича мақсадлари* улар Исо(ас)нинг сўзлари ва амалларидан қайсиларини ўз

китобларида баён этиш учун танлаб олганликларида очиқ-ойдин намоён бўлади”.<sup>34</sup>

Христианликда қабул қилинган бошқа барча маросимлар ҳам Аллоҳнинг ҳукми билан эмас, черков уламоларининг қарорлари билан жорий қилинганлиги туфайли доимо Л.Н.Толстой сингари зукко ақл эгаларининг эътирозига сабаб бўлиб келган. Чунки милодий III ё IV асрларда яшаган инсонларнинг қарашлари билан XIX ёки XXI аср одамларининг тафаккур тарзи орасида ер билан осмонча фарқ бор, буни тан олмаслик охир натижада динни ҳам, дунёвий ҳаётни ҳам издан чиқаришга олиб келади. Ақидапарастликнинг илдизи ҳам шундаки, диний уламолар III-IV асрларга мансуб **инсонларнинг** ўз даврига хос **ақидаларини** Аллоҳнинг ҳукми даражасида қатъий қонунларга айлантирмоқчи бўладилар.

Қисқаси, христиан уламолари **муқаддас матн** деб эътикод қилувчи китоблар аслида турли тарихий даврларда турли шахслар томонидан тузилган хилма-хил қисмлардан иборат бўлиб, уларни рад қилган, улардаги ақидаларга қўшилмаган одамларга нисбатан қатъий чоралар кўришга мутлақо асос бермайди. Шунга қарамай, афсуски, бугунги кунда ҳам қатор христиан уламолари ўзгача фикр эгаларига турли йўллар билан тазйиқ ўтказиш ҳаракатларини фаол давом эттираётирлар. Бунинг яқин кунлардаги намуналаридан бири сифатида машҳур рассом ва мутафаккир **Николай Рерих** оиласи шакллантирган “*Агни йога*” таълимоти мухлисларига қарши православ черкови намояндалари томонидан олиб борилаётган кенг миқёсли қатағон чораларини эслаб ўтиш мумкин.

#### 4. Ислом ва мусулмончилик

Буюк адибнинг охирги хулосаси қандай яқунланди? Бугунги кунда бу саволга ҳам аниқ жавоб борлиги маълум. Бутун онгли ҳаёти давомида тиним билмай Борлиқ ҳақиқатини излаган Лев Николаевич Толстой умри охирида ўз умидларини ислом маънавияти билан боғлади. Абдуллоҳ ас-Сухравардий томонидан 1908 йили Ҳиндистонда нашр этилган ҳадислар тўплами билан танишган адиб бу китобдан ўзига ёққан ҳикматларни танлаб олиб ўша йилиёқ рус тилида кичик бир мажмуа шаклида чоп эттирди. Мустақиллик йилларида “*Ҳазрати Муҳаммад (С.А.В) ҳадислари Лев Толстой сайламасида*” деган ном остида ва керакли изоҳлар билан бу мажмуа ўзбек тилида ҳам нашр этилди. Ушбу китобчага илова тарзида озарбайжонлик ҳарбий билан турмуш қурган рус аёли Елена Векилова мактубига 1909 йил 15 мартда ёзилган Толстойнинг жавоб хати ҳам илова қилинган. Мусулмон киши билан турмуш қурган рус аёли ўз ўғилларининг ислом динини қабул қилиш истаги ҳақида адибга маълум қилиб шу масалада ундан маслаҳат сўраган эди. Улуғ ёзувчи бу аёлнинг ўғиллари келган қарорни қувватлаб шундай ёзади:

---

<sup>34</sup> Иқтибослар Раҳматулло қори Обидовнинг “Қуръони каримда Ийсо пайғамбар сиймоси” илмий рисоласидан олинди. (Т., 2002, с.89-90.)

*“Христиан идеали ва таълимотини ҳар нарсадан баланд тутган бир инсон учун буни айтиши гоҳат галати бўлса-да, айтишим керакки, мусулмонлик ўзига хос ташиқи кўриниши жиҳатидан ҳам черков христианлигидан қиёс қилиб бўлмас даражада устун эканлиги менда ҳеч бир шубҳа уйғотмайди. Агар бир кишига черков христианлиги ёхуд Ислом динига кириши борасида танлаш ихтиёри берилса, ўйлайманки, ҳар бир ақлли одам мураккаб ва тушунарсиз илоҳиётдан, уч сифатли Оллоҳдан, гуноҳдан чиқариши маросимю бошқа диний удумлардан, Исонинг онасига ёлворишидан, «муқаддас шахслар» ва уларнинг расмлари олдидаги сон-саноксиз ибодатлардан кўра ягона Оллоҳни ва Унинг пайғамбарларини; Ислом динини, албатта, устун кўради. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас”<sup>35</sup>.*

Демак, христиан ақидаларидан қоникмаган Лев Толстой Библияни ислоҳ қилишга интилган Яспердан фарқли ўлароқ фалсафий имонни эмас, исломни мақбул топди. Бу нимани кўрсатади? Биринчидан, XX аср ўрталарида ижод этган Европанинг машҳур файласуфига қараганда шу аср бошларида вафот этган адибнинг масалага муносабати анча-мунча жиддийроқ эканидан дарак беради. Чунки Исо (а.с.)нинг Худонинг ўғли эмас, унинг пайғамбари эканлиги хабари Аллоҳ томонидан инсониятга милодий эранинг VII асридаёқ маълум қилинган эди. Агар Карл Ясперс диний имон ҳақида мулоҳаза юритар экан фақат христиан ақидалари билан чекланмай ўзи келган хулосалар ислом динида қандай ҳал қилинганига бироз холис эътибор қаратганда, “фалсафий имон” тушунчасига балки эҳтиёж қолмаган бўларди.

Иккинчидан, Толстой имон-эътиқод масаласига жиддий ёндошгани учун азалий ва абадий Аллоҳнинг чексиз илми олдида энг теран фикрловчи файласуфларнинг келган хулосалари ҳам ўта нисбий ва тарихан ўткинчи “ҳақиқатлар” бўлиб чиқишини, улар инсоннинг чекланган ҳаётига чексиз маъно ва мазмун бағишлай олишга қодир эмаслигини ботиний бир шуур билан ҳис қилган. Дарҳақиқат, у ёки бу даврда алоҳида бир шахс ёки ҳатто катта бир инсонлар жамоаси ҳам бирор файласуф олға сурган ғояларга чин дилдан имон келтириши, эътиқод қилиши мумкин. Аммо муайян вақт ўтгач, бундай ўткинчи “ҳақиқатлар”, Борлиқ ҳақиқатининг инсоний талқинлари аслида янглишув эканлиги маълум бўлиб, натижада ўша инсонлар жамоаси яна саросима ичида қолади.

Француз олими Морис Букайнинг дунёнинг бирнеча тилларига таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилаётган “Библия, Коран и наука” китобида яна бир бор исбот қилинишига биноан дунёдаги инсон қўли билан тузатилмаган ягона илоҳий калом бу **Қуръони каримдир**. Ва бу илоҳий китоб оятлари бугунги жаҳон фанида эришилган кашфиётларнинг бирортасига зид эмасдир. Бу ҳолат биз мусулмонлар учун катта бахт, Аллоҳнинг инояти.

Аммо бу дегани мусулмонлар оламида барча муаммолар узил-кесил ҳал қилинган дегани эмас. Умуман, инсоният доимо ўз тарихий замон ва маконига яраша фикрлайди ва унинг Борлиқ ҳақиқати ҳақидаги қарашлари

---

<sup>35</sup> “Ҳазрати Муҳаммад (С.А.В) ҳадислари Лев Толстой сайламасида. Т., Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007, с.52-53.

муайян даражада доимо ўз тарихий замони ва макони доирасида чекланган бўлади. Аллоҳнинг ўзи сингари унинг сўзи ҳам азалий ва абадийдир. Аммо ҳар бир инсон уни тушунишда ўз билим ва ҳаётий тажриба доирасидан келиб чиқади. Шундай экан, Аллоҳ каломининг VIII ёки IX асрдаги тафсирлари айна ўша давр одамларининг билим ва тажриба доирасидан кўп ҳам узоқ кетиши имкондан ташқаридир. Улардаги талқинларни мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиш эса охир-натижада айна ақидапарастликка олиб боради. Демак, биз Аллоҳ китобига имон келтирар эканмиз, унинг турли тафсирлари доимо билим ва тажриба доираси ўз даври ва муҳити билан чекланган инсонлар томонидан ёзилган эканлигини унутмаслигимиз лозим бўлади. Бир сўз билан айтганда, биз **ислом ва мусулмончиликни** бир-биридан фарқлашимиз зарур.

**Ислом** – бу инсон қўли билан тузатилмаган ягона илоҳий калом бўлмиш Қуръони карим орқали бизга етказилган илоҳий ҳақиқатлар мажмуи бўлиб, **мусулмончилик** эса ўзини мусулмон деб билган ҳар бир кишининг онгида шу азалий ва абадий ҳақиқатларнинг ўз замон ва макони, билим ва ҳаётий тажрибасига мувофиқ аксланишидир. Демак **ислом** – ягона, **мусулмончилик** эса турли –тумандир, уларни бир-бири билан аралаштириб юбориш доимо турли даражада адашувларга, чалкаш талқинларга олиб келади.

Шундай экан, турли даврларда турли миллатга мансуб ислом уламолари томонидан муқаддас китобларга ёзган тафсиру шарҳлар, жумладан, турли мазҳаб намояндаларининг баъзи масалалардаги ихтилофли ёндошувлари мусулмончиликдаги бандаларнинг ожизлиги сифатида қаралиши жоиз. Бундай ихтилофли ўринларни Қуръони каримнинг муҳкам оятлари даражасида талқин қилиб, тарафкашликка берилиш оғир оқибатларга олиб келишини асло унутмаслик зарур. Бундай масалаларга ёндошувда Бурҳониддин Марғиноний каби улуғ алломаларимиздан ўрнак олиб, бағрикенглик билан иш тутган маъқул.

**Ислом ва мусулмончилик** тушунчалари айна бир нарса эмаслигини кўрсатувчи далиллар ислом дунёси тарихида кам учрамайди. Ислом дини барча мусулмонлар учун умумий бўлиб, маълумки, у, аввало, Аллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръони каримга таянади. Ислом динининг иккинчи асосий манбаси ҳисобланмиш жаноби Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) Ҳадиси шарифларига келсак, ҳадис илмида саҳиҳ (ишончли) ва заиф, мутавотир, оҳод, ҳасан, ҳатто мавзуъ (яъни ёлғон, тўқима) ҳадис каби тушунчалар учрайдики, уларни ўзаро фарқлашда оддий мусулмонлар уёқда турсин, тарихда тан олинган улуғ алломаларимиз ҳам баъзан чалкаштириб юборганликлари бугунги кунда сир эмас.<sup>36</sup> **Мусулмончилик** деганда “*ла илаҳа иллаллаҳ, Муҳаммадин расулиллаҳ*” калимасини тили билан тан олиб айтган (дилида таъкид этган-этмаганини Аллоҳ билади, биз билмаймиз) барча инсонларнинг

---

<sup>36</sup> Масалан, IX асрнинг буюк ислом олими Абу Лайс Самарқандийнинг бугунги кунда юртимизда шуҳрат топган ислом ахлоқиға оид “Танбиҳ ул-ғофилин” асарига берилган изоҳларда ул зот саҳиҳ ва ҳасан ҳадислар билан бир қаторда кўплаб заиф ва ҳатто мавзуъ ҳадисларни ўз фикрлари исботи сифатида келтирганликлари маълум бўлиб турипти.

эътиқодий қарашларини тушунадиган бўлсак, уларнинг 72 фирқага бўлиниши (шу катори, масалан, шиа фирқасига 80 миллиондан ортиқ ўзини мусулмон деб ҳисобловчи аҳоли эргашуви) ҳисобга олинмаган тақдирда ҳам, фақат **аҳли сунна ва жамоа** таркибида **ханбалия, шофеия, моликия** ва **ханафия** фикҳий мазҳаблари мавжудлиги, улар орасидаги фарқлар, ибодатда ҳам, ахлоқий меёрларда ҳам баъзан сезиларли даражада эканлиги фикримизнинг далилидир. Биз ўзбеклар Марказий Осиё минтақасининг бошқа аксарият аҳолиси сингари мусулмончилиқнинг **ханафия мазҳаби мотуридия ақидасини** қабул қилганмиз. **Шофеия, моликия** ёки **ханбалия** мазҳабига эргашувчи дунё мусулмонлари билан иноқ-иттифоқлигимизга шубҳа йўқ, аммо бу мазҳаблар орасидаги баъзи жузъий фарқлар исломни илм сифатида яхши ўзлаштириб олмаган оддий одамларни баъзан довдиратиб қўйиши ҳам мумкин. Тарихда бундай фарқлар баъзи ўта нозик масалаларда жиддий баҳсларни ҳам келтириб чиқарганлик ҳолатлари илм аҳлига сир эмас. Масалан, **ханбалия** мазҳабининг эътиборли уламоларидан **Ибн ал-Жавзий** (1116-1201) улуғ суфий пирларидан Мансур Халлож ва Муҳйиддин Абдулқодир ал-Жилонийларни, **Ибн Таймия** (1263-1328) эса Ибн ал-Арабий ва Ибн ал-Фарид сингари жаҳон тан олган ирфоний шеърят ва тасаввуф фалсафасининг буюк намояндаларини кескин қоралаб рисолалар ёзганлар. Холбуки, Мансур Халлож, Абдулқодир ал-Жилоний, Ибн ал-Арабий каби улуғ мутафаккирлар бизнинг минтақада тасаввуфнинг пири комил бузрукворлари сифатида доим эъзозланиб келган. Шу сабабли ёш авлод тарбиясида миллий маънавиятимизнинг ислом минтақа маданиятига ёндошувидаги бу каби ўзига хосликларни доимо эътиборда тутиш ва уларга ислом маънавиятини аждоқларимиз талқинидан адаштирмай тушунтиришимиз ўта жиддий аҳамият касб этади.

**Ислом** ва **мусулмончилиқни** бир-биридан фарқ қилиш керак деганда, **ислом** – мақбул, **мусулмончилиқ** – номақбул экан деб тушунмаслик керак. Асосий фарқ шундаки, Аллоҳ китобида азалий ва абадий ҳақиқатлар ўз аксини топган, **мусулмончилиқда** эса инсонларнинг ўз муайян замони ва макони билан боғлиқ бўлган нисбий ҳақиқатлар баён қилинган, шу сабабли агар Қуръони карим оятлари мазмунини инкор қилиш куфрга олиб борса, оддий инсонлар - бандаларнинг тафсир, шарҳ ва хулосаларини азалий ва абадий ҳақиқатлар сифатида қабул қилиш охир-натихада **ақидапарастликка**, инсоният тарихий ривожига ўзгаришларни кўр-кўрона инкор қилишга олиб бориши мумкин. Демак, муайян тарихий даврда, муайян шарт-шароитлар таъсирида инсонлар ақли билан эришилган хулосаларга танқидий кўз билан қараш ҳар бир янги давр илм кишилари, зиё аҳлининг зиммасида турган муқаррар вазифасидир.

## 5. Ислом сиёсатми, маънавиятми?



Ким қачон диндан сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланмоқни ниёт қилган бўлса, доимо инсониятга зарар келтирган. Чунки дин сиёсий қурол эмас, инсоният учун маънавият маёғидир.

Яқинда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси, атоқли хисравшунос, диншунос, Калькутта университетининг собиқ декани ҳамда араб ва форс тиллари кафедраси мудири, тасаввуфда қодирия тариқати вакили, аждодлари шажараси Муҳаммад (сав)га мансуб бўлган **Сайид Манолшоҳ Алқодирий**нинг 2004 йилда Калькуттада инглиз тилида нашр этилган “*Islamic Terrorism?*” номли китобини ўқиб қолдим. Бу жиддий илмий тадқиқотда исломий манбалар ҳамда Ғарб ва Шарқ нуфузли зиёлиларининг қарашларига таянган ҳолда асл исломий ақидаларнинг терроризм ва экстремизмга мутлақо алоқаси йўқлиги ишонарли тарзда исботлаб берилган. Шу китобдаги икки масала менинг алоҳида диққатимни ўзига тортди. Биринчиси - ундаги “*Islam a solution of all ills*”(Ислом барча фалокатлар давоси) деб номланган VII боб мавзуси ва иккинчиси - “*Who are the true representatives of Islam?*”(Исломнинг ҳақиқий намояндalари кимлар?) деб сарлавҳа қўйилган VIII боб мазмуни. Жумладан, китобнинг VIII бобида Исломнинг ҳақиқий намояндalари сифатида Пайғамбаримизнинг оила аъзолари, хулафойи рошидин – Ҳазрати Али ибн Абу Толиб (қ.с.), Абу Бакр Сиддиқ (р.а.), Умар ибн Хаттоб (р.а.), Усмон ибн Аффон (р.а.)лар, саҳобалар, тобеинлар ва тоба-тобеинлар ичидан етишиб чиққан улуғ ислом уламолари, буюк муҳаддислар – Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий ва бошқалар, Имом Аъзам бошчилигидаги 4 мазҳаббошилар, улуғ тасаввуф тариқатлари – Қодирия, Чиштия, Сухравардия ва Нақшбандиянинг буюк пирлари, Ҳасан Басрий, Иброҳим Адҳам, Робия Басрий каби илк суфийлар, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Абдурраҳмон Жомий каби ислом дунёсининг атоқли шоирлари тилга олинади. Эътиборга сазовор жойи - унда хулафойи рошидиндан кейин исломдаги демократик тамойил тўхтаб қолганлиги, Уммавий ва Аббосий халифалар яна исломдан олдинги шажаравий бошқарув (*dynastic rule*) принципига қайтиб, асосан ўзга мамлакатларни босиб олиш ва улар устидан ҳукмронлик қилиш билан банд бўлганликлари алоҳида таъкидланади ва улар “*императорлар*” (*emperors*) деб номланади. Улар ҳукмронлигининг зулмкорлик (*tyrannical*) ва бетавфиқлик (*impious*) жиҳатлари қаттиқ қораланади.

Тадқиқотнинг VII бобида эса асл ислом маънавиятининг бугунги дунёдаги инсоният бошига ёғилаётган балолар – гиёҳвандлик, фахш ва баччабозлик, ичкиликбозлик, шулар оқибатида борган сари кенг тарқалиб бораётган спид сингари бедаво касалликларнинг олдини олишда энг яхши даво эканлиги назарий ва амалий жиҳатлардан муфассал исботлаб берилган.

Имом Ғаззолий (р.а.) ёзадиларки, фикҳ, яъни ислом ҳуқуқшунослиги диний манбаларга таянувчи дунёвий илмдир<sup>37</sup>. Дарҳақиқат, имон учун дил эътибор, аммо биз ҳар биримиз ўзга инсонлар дилидан нималар кечаётганини билишга қодир эмасмиз. Ислом ҳуқуқи муайян даврга мансуб тарихий ҳодиса

<sup>37</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёу улум-ад-дин. Илм китоби. Т., “Мовароуннаҳр”, 2003, с.44.

бўлиб, унинг асоси 4 манбага таянади: 1) Қуръони карим, 2) Ҳадиси шариф, 3) Қиёс, 4) Ижмо. Бу манбалардан биринчиси – шубҳасиз илоҳий калом бўлиб, кейингилари имкон қадар илоҳий каломга таянувчи инсоний талқинлардан иборатдир. Аллоҳ таоло ўз каломини сақлашга ваъда берган. Аммо бирнеча ровийлар орқали муҳаддисларга етиб келиб китобга сабт этилган ҳадисларнинг ҳечқандай ўзгаришга учрамаганлигининг кафолати на Аллоҳ китобида, на Расулиллоҳ тилидан айтилган эмас. Албатта, ҳар бир мусулмон Суннага риоя қилиши жоиз. Аммо бу ҳам аслида ихтиёрий равишда қабул қилинадиган маънавий мажбурият. Агар Аллоҳ оятларидан фарқли равишда ҳадисларнинг ишончлилиқ жихатидан турлича даражаларга эга эканлиги назарда тутилса, масала янада мураккаблашади. Қиёс ва Ижмо эса, имкон қадар илоҳий каломга ва Расулиллоҳ ҳадисларига таяниб ҳукм чиқаришга ҳаракат қилинганига ҳеч бир шубҳа бўлмаса-да, аммо мужтаҳид уламоларимизнинг у ёки бу масала юзасидан чиқарган хулосаларига ўз замоналарининг муайян шарт-шароитлари беихтиёрий бир тарзда таъсир ўтказмаганлигига ҳеч ким кафолат бера олмаса керак. Демак, **фикх**, муайян бир замон ва маконга оид ҳуқуқий қоидалар мажмуи сифатида, **исломга эмас, мусулмончилиқка** оид тарихий ҳодиса сифатида баҳоланиши дуруст бўлади. Албатта, унинг тарихий, ижтимоий ва ҳатто маънавий аҳамияти ҳақида ҳечқандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Аммо унинг таркибидаги тарихан шаклланган қонун-қоидаларни ўзгаришсиз ҳолда олиб, бугунги кун сиёсий воқелигига шундоқлигича татбиқ этишга уриниш асл исломий тамойилларга мантқан тўлиқ мос келармикин?

Агар биз **мусулмончилиқ** тарихида вужудга келган турли фирқаларнинг келиб чиқишига диққат қаратадиган бўлсак, улар асосан сиёсий ихтилофлар билан боғлиқ эканига амин бўламиз. Масалан, **хорижийлар** ёки **шиа** йўналишини олайлиқ. Маълумки, ҳар иккиси ҳам соф сиёсий муҳолифатлар асосида юзага чиққан. Хорижийлар Али (р.а.) билан Муовия орасидаги ҳукмдорлик учун курашда Али (р.а.)нинг рақибига ён беришидан норози бўлиб, душманлик йўлига ўтган бўлсалар, шиалар олдинги уч халифанинг сайланишини қабул қилмайдилар. Ваҳоланки, на Қуръони каримда, на Расулиллоҳ ҳадисларида Муҳаммад(сав)га ким биричи халифа бўлиши кераклиги аниқ айтилган эмас. Агар тарихни орқага қайтариб бўлмаслигини ҳисобга олинса, умуман шиалиқ ўз мазмунини йўқотади. Мўътазиланинг юксалиши ва кейин қораланиши, Фотимийлар ҳаракати, исмоилиянинг террорчилиқ амаллари, қарматлар исёни – барчаси очикдан-очик сиёсий курашлар тарихига оид бўлиб, уларнинг ҳеч қайсиси асл исломга мутлақо алоқаси бўлмаган ишлардир.

Қуръони каримда на сиёсий тузумга оид масалалар, на иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилиш йўллари ҳақида аниқ тавсиялар берилган эмас. Фақат инсонларнинг бир-бирига нисбатан ва атроф-табиатга нисбатан муносабатларининг маънавий жиҳатларига эътибор қаратилган. Бу икки соҳага оид ишлар Қуръони каримдаги аниқ ҳукмларга зид келмаган ҳолларда инсонлар томонидан асосан тарихий ва маҳаллий анъаналарга таянган ҳолда амалга оширилган.

Шулардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, асл **ислом маънавий тарбия мактабидир**, унинг бош манбаси бўлган Аллоҳнинг китоби сиёсат, ҳуқуқ ёки иқтисодга оид эмас, балки айни инсон маънавий тарбиясига бағишланган муқаддас матндир. Шундай экан, миллий маънавийтимизда ислом динининг тутган ўрни, унинг аждодларимиз маънавий меросидаги талқинлари, бугунги кун ёш авлод тарбиясига унинг таъсири ва аҳамияти давримизнинг долзарб масалаларидан бўлиб, улар нафақат бугунги илм аҳлидан, балки барча зиёлилардан жиддий эътиборни талаб қилади.

## **6. Исломий давлат ва халифалик масаласи**

Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 30-оятда шундай дейилади (*Абдулазиз Мансур таржимасига кўра*): - «Эсланг, (Эй, Муҳаммад), Раббингиз фаришталарга: «Мен ерда халифа (Одам) яратмоқчиман», деганида (улар) айтдилар: «Унда (Ерда) бузғунчилик қиладиган, (ноҳақ равишда) қонлар тўкадиган кимсани яратмоқчимисан? Ҳолбуки, биз Сенга ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамыз ва Сени муқаддас деб биламыз». (Аллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарсани биламан».

Ушбу оят маъносини чуқурроқ англаб етиш учун биз «халифа» сўзининг маъно мундарижасига эътибор қаратишимиз лозим. Албатта, тафсирларда бу сўзнинг қайси оятда келишига қараб турли талқинлари учрайди. Аммо Қуръони каримда бир неча бор қайтарилувчи иборалар маъноси ўзаро қиёслаб ўрганилса, бу такрорларнинг ҳикмати янада ойдинлашиб бораверади.

Қуръони карим матнида «халифа» феъл ўзаги билан боғлиқ турли сўзлар 125 мартадан ортиқ учраши аниқланган. Шундан «халифа» сўзи ва унинг кўпликдаги шакллари жаъми 9 марта («халифатан» - 2 марта, «халоифа» - 4 марта, «хулафо» - 3 марта) учрайди. Дикқатга сазовор жойи шундаки, бу ҳолатлардан 6 ўринда «ер юзидаги халифа» ёки «ер юзидаги халифалар» мазмунини англатувчи бирикмалар ишлатилган («халифатан фил-арз» - 2 марта: Бақара сураси, 30-оят, Сод сураси, 26-оят; «халоифа фил-арз» - 2 марта: Юнус сураси, 14-оят, Малоика ёки Фотир сураси, 39-оят; «халоифа-л-арз» - 1 марта: Анъом сураси, 165-оят; «хулафо-ал-арз» - 1 марта: Намл сураси, 62-оят). Бундан ташқари Нур сураси 55-оятда, Аъроф сураси 129-оятда «йастахлифу» феъл шакли ҳам айни шу «фил-арз» бирикмаси билан юқоридагиларга мувофиқ маънони ифодалаб келган.

Ўзбек ва рус тилига қилинган қатор таржималарда бу ҳолатларни «халифа», «ўринбосар», «наместник», «преемник», «наследник» сўзлари билан англатишга уринилган. Аммо агар қиёслаб кўрилса, юқорида кўрсатилган оятларнинг барчасида ягона маъно - «ер юзида халифа» ёки «ер юзида халифалар», (русчада - «наместник на земле» или «наместники на земле») мазмуни қандайдир бир ягона “халифа” ҳақида эмас, балки бани башарнинг барчаси, яъни тамоми инсониятни назарда тутиб ишлатилаётганига амин бўламиз. Гапимиз ишонарли бўлиши учун яна 2 мисол келтирамыз:

Анъом сураси, 165-оят: «У сизларни ернинг халифалари қилиб қўйган ва ато этган (неъмат)ларида сизларни синаш учун баъзиларингизни баъзиларингиздан (юқори) даражаларга кўтарган зотдир...»

Фотир(Малоика) сураси, 39-оят: «У сизларни ерда халифа қилиб қўйган зотдир. Бас ким кофир бўлса, унинг куфри фақат ўзининг зарарига бўлур...»

«Халифа» сўзи бу жумлаларда дини, миллати, ижтимоий аҳволидан қатъий назар барча инсон зотига нисбатан қўлланилаётгани, уларнинг ҳар бири бу дунёда муваққатан, яъни инсониятнинг ер юзидаги ҳаёти давомида Аллоҳ томонидан (синов учун, имтиҳон қилиб кўриш учун) моддий борлиққа «иш бошқарувчи вакил», оддийроқ қилиб айтилса, «ноиб» («наместник») қилиб қўйилганлигини англлатиб келмоқда.

Демак, **ҳар бир инсон** Аллоҳ томонидан бу ёруғ дунёга **халифа** (наместник) қилиб яратилган. Бу ваколат, биринчидан, инсонга ер юзидаги ҳаёти давомида тўлиқ ирода эркинлиги, жумладан, ўз ҳаётини сиёсий жиҳатдан ҳам ўзи маъқул топган тарзда ташкил этиш эркинлигини беради. Иккинчи жиҳатдан, бу имкониятларнинг бани башарга Аллоҳ тарафидан имтиҳон, синов учун берилганлиги ҳар бир инсон шахсига ўз ҳаётини тўғри ташкил этиш борасида жиддий масъулият юклайди. Ким бу ваколатдан масъулиятни ҳис қилган ҳолда, тўғри фойдаланади, ким масъулиятсизлик билан бузғунчиликка, фасодга, куфрга берилади - ўз ақл-иродасига боғлиқ, унинг мукофоти ёки жазосини эса ягона Аллоҳ беради (хоҳласа - бу дунёда, хоҳласа - охирада).

Бу ерда алоҳида бир инсоннинг барча мўъминлар устидан “халифа” бўлиши кераклиги масаласи умуман йўқ. Қолаверса, бундай “ваколат”ни унга ким беради? Аллоҳдан ваҳий келиши “хотимат-ун-наби” бўлмиш Муҳаммад (САВ) даврларида тугалланган бўлса. Хулафойи рошидин (яъни ҳазрати Абубакр, Умар, Усмон, Али розияллоҳу анҳумалар), Расулиллоҳ (САВ)дан кейин ислом динини дунёга ёйиш ва Аллоҳнинг даъватини инсонларга етказиш бўйича ул кишининг давомчилари бўлиб, ҳадисга мувофиқ жаъми 30 йил мобайнида бу вазифани холис Аллоҳ йўлида амалга оширганлар. Маълум бўладики, қандайдир бузғунчиларнинг ислом номидан ер юзида (ёки ислом дунёсида) ягона халифа бўлиши керак, деб қилаётган даъволари умуман Аллоҳнинг китоби ва Пайғамбар ҳадисларига зид ва уларнинг ғаразли талқинлари асосида сунъий тўқиб чиқарилгандир.

Инсонларнинг (қандайдир у ёки бу муайян шахснинг эмас, барча инсонларнинг) «**ер юзида халифалар**» қилиб яратилганлиги уларнинг бу ваколати доирасида тенг ҳуқуқли эканликларини, демакки, сиёсатда «халқ ҳокимиятчилиги» ислом арконларига энг мувофиқ тамойил эканлигини англатади ва экстремистик кайфиятдаги бузғунчиларнинг «халифалик» ҳақидаги барча даъволари жаҳолат ёки ғараздан бошқа нарса эмаслиги маълум бўлади.

Тўғри, баъзи қадим китобларда халифалик ҳақида ғоялар мавжуд. Жумладан, шофеий мазҳабининг фақиҳи, ашария йўналиши илоҳиётчиси Абу Мансур ал-Бағдодийнинг “ал-Фарқ байн ал-фирақ” асарида бу ҳақда маълумот бор. Аммо бу ислом уламси 1037 йилда вафот этганлигини ҳисобга олсак,

унгача де-факто уммавий ва аббосий хукмдорлари ўзларини бутун ислом дунёсининг “халифалари” деб даъво қилиб келганликларини ҳисобга олсак, ўша давр ислом уламолари мавжуд воқеликка таянган ҳолда балки ижмо тарзида шунгай фикрга келган бўлишлари мумкин. Аммо тарихдан маълумки, ал-Бағдодий вафотидан роса 18 йил ўтиб, 1055 йилда салжукийлар кўшини Бағдодга кириб келгач, ўша давр тахтда ўтирган аббосий “халифа” ал-Қойим алоҳида фатво билан дунёвий хукмдорликни салжукийлар сардори Тўғрулбекка топширганини эълон қилган. Демак, ислом дунёсида Европадан 7 аср илгари айна диний пешво томонидан дин ишлар давлат ишларидан ажратилгани расман эълон қилинган. Шундай қилиб, Бағдодий асаридаги даъво унинг вафотидан кўп ўтмай тамом бекор қилинган, дейиш мумкин.

Маълум бўладики, назарий жиҳатдан олганда, сиёсатдаги диний фундаментализм ғоялари илоҳий ваҳийнинг асл моҳиятига эмас, балки бугунги кун воқелигидан буткул бошқача даврларда яшаган инсонларнинг ўша тарихий шароит доирасида туриб, Аллоҳ китобидаги мазмунларни ўз шароитларига татбиқан амалга оширган талқин ва тафсирларига таяниш натижасида келиб чиқади. Шу ўринда яна **ислом** ва **мусулмончилик** орасидаги фарқлар яққол кўриниб қолади. Қолаверса, ал-Бағдодийнинг қарашлари ўша даврдаёқ бошқа қатор ислом уламолари томонидан қабул қилинган эмас. Ўтмиш алломаларининг бу борадаги изланишларини ислом маънавиятининг такомил босқичлари доирасида тарихий изчилликда мукамал ўрганиб чиқиш алоҳида қизиқарли ва кенг қўламли мавзу бўлиб, ўз навбатида ёш авлод маънавий камолотини шакллантиришда самарали натижаларга олиб келиши мумкин.

Қуръони каримнинг Бақара сурасида: “*Одамларни алдаб фитнага солиш ўлдиришдан ҳам ёмонроқдир*”, - дейилган. Демак, **ислом** ва **мусулмончилик**ни, яъни Аллоҳнинг сўзи билан бандаларнинг фикри ожизларини бир-бирига қориштириб, халқни чалғитиш айна фитнакорлик йўлини англатади, дейиш мумкин.

Сўзимиз охирида юқорида айтилганлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш зарур. Бу ҳозирги кунда бир гуруҳ ўзини мусулмон деб ҳисобловчилар орасида кенг тарқалган “*ислом давлати*” тушунчасидир. Менинг назари ожизимча, бу тушунча моҳиятан исломга зид тушунча бўлиб, Қуръони каримнинг Бақара сураси 256-оятини нодуруст талқин қилиниши билан боғлиқ. Бу оят Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида шундай баён қилинган: “*Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди. Бас, ким шайтонни (ёки бутларни) инкор этиб, Аллоҳга имон келтирса, демак, у бузилмас, ишончли халқани тутибди. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир.*”<sup>38</sup> (Рус тилидаги таржимада бу оят маъноси шундай берилган: “*Нет принуждения в Вере. Путь истинный уже (давно) отделен от ложного. Тот, кто не верует в идолов, а повержен Богу (Единому), уже ухватился за вервь прочную, не рвущуюся. Всеслышающий он, всеведущий*”).<sup>39</sup> Аммо

<sup>38</sup> С. 42.

<sup>39</sup> С. 55.

«Тафсири ҳилол»да бу оят бошланиши “Динга мажбур қилиши йўқ...” деб ўгирилган ва кейин оятнинг тафсирида қуйидаги талқинлар учрайди: “Ўзини мусулмон санаб юрган баъзи кишиларга мусулмонлик вазифасини бажариш зарурлиги эслатилса, дарҳол: “Динга мажбур қилиши йўқ,” дейди. Бу далилдан нотўғри фойдаланишдир. Рост, сен яҳудий ёки насроний бўлсанг, сени Исломга мажбур қилиши йўқ. Лекин сен мусулмонлик даъвосини қилиб турсангу, ўз мусулмонлик вазифангни бажармасанг, бўлмайди. **Мусулмонлик вазифасини бажармаган шахсга нисбатан жазо чоралари кўрилади.** Мисол учун намозни олайлик. Уни инкор қилган одам кофир бўлади. Диндан қайтганнинг жазоси ўлим. Намознинг фарзлигини тан олиб, дангасалигидан ўқимаётган одам олдин огоҳлантирилади, сўнг қамалади ва охири ўлимга ҳукм қилинишигача етиб боради. Демак, бу оятни “динга олиб киришга мажбур қилиши йўқ” деб тушунмоқ керак.”<sup>40</sup>

Савол туғилади: “Хўш, бу жазо чораларини ким амалга оширади?” Албатта, бир мусулмон иккинчисига дин йўлида насиҳат қилиши дуруст ва жоиз. Ҳатто, нариги дунёдаги дўзах азобини эслатиб огоҳлантириши ҳам мумкин. Аммо мусулмончилик амалларини бажармай юрган кишини қамаш, ёки унга жарима солиш фақат тегишли давлат идоралари томонидан амалга оширилиши мумкин, халос. Бундай давлат эса фақат **исломий давлат** бўлиши керак бўлади. Бугунги кунимизда ер юзида бундай давлатлар борми? Дунёда аҳолисининг аксарият қисмини мусулмонлар ташкил қилган мамлакатлар жуда кўп. Аммо биз амалда қонунчилиги ислом ҳуқуқи билан мослаштирилган икки нуфузли давлатни яхши биламиз. Уларнинг бири Саудия Арабистони бўлса, иккинчиси Эрон ислом республикасидир. Маълумки, Саудияда ваҳҳобийлик расмий мафкура ҳисобланади. Эрон аҳолисининг асосий кўпчилиги эса мусулмончиликдаги шиа оқимига эргашадилар. Аслида ҳар икки оқим ҳам динга сиёсатни аралаштириш асосида пайдо бўлган. Мен тақдир тақозоси билан 1978-1879 йиллардаги Эрон ислом инқилоби даврида ўша диёрда эдим. Инқилоб ғалабасидан бир йил ўтгач, яна ўша тарафга йўлим тушди ва 9ой Эронда истиқомат қилдим. Бу орада кейин 10 йил давом этган Эрон-Ироқ уруши бошланди. Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг истибдодига қарши бирнеча тоифа сиёсий кучлар фидоийлик билан кўп йиллар давомида кураш олиб боришганлиги маълум. Инқилоб ўшаларнинг биргалашиб қилган саъй-ҳаракатлари натижасида ғалаба қозонди. Аммо бир йил ўтгач нима бўлди? Давлат тепасига келган сиёсий гуруҳ инқилоб пайтида ўз “иттифоқчилари” бўлган барча бошқа сиёсий кучларни турли айблар баҳонасида аёвсиз қатағон қилишни бошлади. Ва ниҳоят биргина тоифа давлат тепасида қолди. Исломий давлат ҳозир шуларнинг қўлида. Албатта, бу билан мамлакатда сиёсий кураш тўхтагани йўқ. Фақат энди у бир сиёсий гуруҳ ичидаги турли шахслар ва уларни қувватловчилар орасида кечмоқда. Буни **сиёсий кураш** дейилади. Мусулмончилик тарихида бундай **мавқе ва мақом талашувлари** ҳар қадамда учрайди. Лекин бундай мавқе ва мақом талашувига оид низоларнинг асл исломга ҳечқандай алоқаси йўқ. Чунки ислом банданинг

<sup>40</sup> С. 264-265.

Аллоҳга муносабати масаласига алоқадордир, Аллоҳ бандаларининг бирига муносабатлари ҳам шундан келиб чиқмоғи керак, мавқе ва мақом талашуvidан эмас.

**Исломий давлат** мусулмонларни, керак бўлса, ислом аҳкомларига риоя қилишга мажбур қилмоғи керак. Бусиз давлат давлат бўлмайди. Ахир йўл қоидасини бузсангиз, ДАН сизга жарима солади. Бировнинг мулкига тажовуз қилсангиз, сизни жазога тортадилар. Давлат қонунларни бузган одамни тинч қўймайди. Чунки қонунларга риоя қилинмаса, жамиятда осойишталик йўқолади, бошбодоқлик авж олади. Аммо намоз Аллоҳ йўлида ўқилади, рўза Аллоҳ учун тутилади. Ибодатни бузган одамнинг жазоси Аллоҳнинг ихтиёрида. Унинг қудрати чексиз. Агар Аллоҳ ихтиёр қилса, барча унга шаксиз бўйинсунади. Парвардигор бандаларни эркин ўз ихтиёрига қўйишни мақбул кўрган экан, нега қайсибир давлат идораси уни жазо билан кўрқитиб ибодатга мажбур қилиши керак? Мажбурилик юзасидан, Аллоҳдан эмас, давлат идораларидан кўрқиб қилинган ибодат – ибодат бўладими? Имон – ғайб иши. Аллоҳга, фаришталарга, охиратга, жаннат ва дўзахга ишониш - ғайбга ишонишдир. Ким агар ғайбга имон келтиргани учун эмас, балки бу дунёдаги қонунда аниқ белгилаб қўйилган жазодан кўрққанидан ибодат қиладиган бўлса, у шаксиз **мунофик**дир. Шундай экан, “исломий давлат” мунофикларни урчитишга хизмат қилмайдими? Бу мулоҳазалардан келиб чиқадиган хулоса шуки, “исломий давлат” тушунчаси мантиқан ва моҳиятан ғайриисломий тушунчадир. Давлат – сиёсий тузилма, у инсонларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш учун керак. **Имон** ва **ислом** – маънавият дунёсига оид. Унда банданинг Аллоҳга муносабати биринчи масала, бандаларнинг бир-бирларига муносабатлари шундан келиб чиқиши лозим, иқтисодий ёки сиёсий манфаатлардан эмас.

## **7. Миллий маънавиятимизнинг шаклланишида имон-эътиқодимиз ва ислом маърифатининг бекиёс аҳамияти.**

*“Ислом дини бу ота-боболаримиз дини, - деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов,- у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик”<sup>41</sup>.*

“Ислом” сўзининг ўзи тинчлик-тотувликни, ҳилм (юмшоқлик)ни, ўзгага яхшилик тилагини билдиради. “Ассалому алайкум” деб мурожаатни бошлаймиз, демак, қаршимиздаги одамга Аллоҳдан тинчлик ва саломатлик, эзгулик истаб муомалага киришамиз. Шундай экан, юрт осойишталиги, инсонлар аро аҳиллик ва мураса, ўзгани тушунишга интилиш, Аллоҳ яратган барча мавжудотга самимий меҳр кўзи билан ёндошув - ҳақиқий исломий қадриятлардан бўлиб, бугун биз мустақиллик маънавиятини ушбу асос нуқталарга таяниб шакллантирмоғимиз ҳар жиҳатдан муҳимдир. Тан олиш керак, Юртбошимиз ушбу йўлда ҳар жиҳатдан бизга намуна кўрсатмоқда,

<sup>41</sup> Ислам Каримов.Асарлар. 3-жилд, с. 40

фақат биз ушбу самимий уринишларга жиддий эътибор қаратсак, уларни кўнгилда таҳлилдан ўтказиб, амалда ўзимиз учун ибрат қилиб олсак, бас. *”Агар биз адолатли давлат, эркин жамиятни қурмоқчи бўлсак, бу олийжаноб мақсадни амалга ошириши йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарақ эканлигини ёдда тутишимиз лозим”*<sup>42</sup>, дейди Президент.

Мустақиллик шарофати билан *“Ислом нури”* ҳафтаномаси вужудга келди. Кўплаб диний-ахлоқий адабиётлар чоп этила бошлади. Жумладан, Имом Бухорийнинг 4 жилддан иборат *“Жомеъ ас-саҳиҳ”* китоби, Имом Термизий ҳадислар китобининг 1-жилди 100 минглаб нусхаларда чоп этилди. Қуръони Карим китоби юртимизда шайх Абдулазиз Мансур томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва жами 300 минг нусхада босмадан чиқарилди.

1999 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида **Тошкент ислом университети**ни ташкил этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Булар барчаси бугунги мустақил юртимиз раҳбариятининг халқ имон-эътиқодига қандай жиддий муносабатда бўлаётганининг ёрқин далилидир.

Маълумки, шўролар даврида *“дин халқ учун афюнدير”* деган ҳақоратли тамға остида халқимизнинг имон-эътиқоди, минг йиллик эзгу қадриятлари топтаб келинди, имон илмга зид қўйилди. Афсуски, бундай қарашлар бугунги кунда ҳам баъзи ўзини *“зиёли”* ҳисобловчилар, ҳатто маънавият соҳасига алоқадор кишилар онгини тўлиқ тарк этгани йўқ. Улар бугун ҳам Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Абу Исо Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий каби бутун жаҳон тан олган зотларнинг эътиқоди, демакки, ислом маърифатига қўшган беқиёс ҳиссаларига очиқ-ойдин бўлмасда, зимдан, моҳиятан беписанд назар билан қарашга, бундай ёндошув билан амалда ўзларини шундай улуғ зотлардан кўра *“билимдонроқ”, “онглироқ”* ҳисоблашга уялмайдилар. Ҳануз диний билимларни дунёвий билимларга зид қўйишга мойиллик билдирадидилар.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг қўйидаги эътирофлари айни шундай тамойилларга муносиб жавоб сифатида жаранглайди: *“Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда тугилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди.”*

Президент И.А.Каримов ўзининг янги асарида *“маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир мезон”* - **ИСЛОМ ДИНИ** ҳақида махсус тўхталиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди. Чунки *“кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маънавиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва*

<sup>42</sup> Ислом Каримов. Асарлар. 3-жилд, с. 41



анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаиш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отади ва ривожланади”.<sup>43</sup> Китобда яна шундай дейилади: “... халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қийслаб бўлмайди”.<sup>44</sup>

Президент китобида, шунингдек, ислом маърифатининг узвий қисми бўлмиш тасаввуф ирфонининг буюк намояндалари Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандларнинг муборак сиймоларига чуқур эҳтиром изҳор қилиниб, уларнинг миллатимиз маънавиятини шакллантиришдаги умрбоқий ҳиссалари тилга олинади. Агар биз бу эътирофларни И.Каримовнинг яна Аҳмад Яссавий, “*шайхи валитарои*” деб ном таратган Нажмиддин Кубро каби буюк маънавият пирлари ҳақида турли сабаблар билан билдирган мулоҳазалари билан қийслайдиган бўлсак, умуман Президентимизнинг тасаввуф таълимотига нисбатан бўлган улкан эътиборлари аниқ-равшан бўлади. Бу беҳуда эмас. Аслида нафақат миллий маънавиятимиз такомилда, балки умумбашарий миқёсда маънавий қадриятлар устиворлигини таъминлашда тасаввуф ирфонининг тарихий хизмати аллақачон ўз исботини топган. Буюк муршидлар ишлаб чиққан ирфоний такомилнинг 4 босқичи (*шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат*) ҳақидаги тасаввурлар тизими, дарҳақиқат, шахс маънавиятини шакллантириш борасида катта силжишларга олиб келди. Агар Форобий, Бируний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб сингари ислом маърифатчилиги намояндаларининг ёш авлод тарбиясига оид қарашларида ақлга, билимга таяниш устунлик қилган бўлса, тасаввуф таълимоти кўнгилни покланиш, илм ва амал уйғунлиги, умумбашарий меҳр, ҳар ишда ният холислиги масалаларига эътибор қаратдилар. Ғаззолийдан бошлаб “*инсон вужудида кўнгил – подшоҳ, ақл – вазир*” деган қараш етакчи ўринга ўта бошлади ва Алишер Навоий ижодида бу тамойил ўзининг мукаммал ифодасини топди.

Шунингдек, Президент асарида ислом маърифати ва диний ақидапарастлик жаҳолати буткул икки қарама-қарши кутб эканлигининг жуда ишонарли исботлари келтирилган. Дарҳақиқат, улуғ аجدодларимиз доимо тақлидий имонга, ақидапарастлик жаҳолатига аёвсиз танқидий муносабат билдириб келганлар. Юртимизда 70-80 йиллардан бошлаб коммунистик ақидапарастликдан “*нусха кўчириш*” асосида юзага келган баъзи оқимларнинг келиб чиқиш маконлари суриштириб борганда хорижий таъсирларга бориб тақалиши бежиз эмас, бизнинг юртда уларнинг “*илдизлари*” мутлақо топилмайди.

<sup>43</sup> И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008. С.36.

<sup>44</sup> Шу китоб, с. 36-37.

Бир ёқдан муқаддас ислом динидан ғаразли сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланишга уринувчи ёвуз кучлар, бошқа томондан ахборот майдонидаги глобализм шароитида наркомания, ахлоқсизлик, ҳайвоний ҳирслар жунбишига элтувчи “*оммавий маданият*” аталмиш офат ёшларимиз онгу шуурини забт этишга уринаётган бугунги шароитда мустақил Ўзбекистон жамияти учун ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш муаммоси ҳаёт ва мамот масаласига айланмоқда. Бунинг учун биринчи навбатда нима қилмоқ керак?

## 8. Инсон ҳаётининг маъноси

Маънавиятни кўпинча “*маъно*” сўзи билан боғлайдилар. Бу бесабаб эмас. Фақат “қайси “*маъно*”? деган савол кўйиш керак. Маънавият ҳар қандай “*маъно*” билан эмас, балки “**инсон ҳаётининг маъноси**” масаласи билан боғлиқдир. Фикр юритувчи ҳар бир инсон бир кун эмас, бир кун албатта ўз ҳаётининг маъно-мазмуни, моҳияти ҳақида ўйлаб қолади. **Бу ёруғ дунёда яшашдан мақсад нима**, деган саволни ўзига ўзи беради. “*Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир-синоатмиз, қаяққа қараб кетаямиз?*” деб ўз-ўзига савол беради Президент Ислом Каримов “*Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари*” китобида. Дарҳақиқат, инсон ҳаётининг маъноси борми, у нега яратилган ўзи?

Буюк мутафаккир аллома, шайх Нажмиддин Кубронинг истеъдодли шогирдларидан **Нажмиддин Доя** (Абу Бакр Абдуллоҳ Асадий Розий) ўзининг 1223 йилда ёзилган «*Мирсод ул-ибод мин-ал-мабдаъ илал-маод*» («Аллоҳ бандаларининг бошланғичдан тугалланишгача бўлган ҳаёт йўли») асарида ушбу саволга жавоб сифатида бир рубоий келтиради:

*Мақсуди вужуди инсу жон ойина аст,  
Манзури назар дар ду жаҳон ойина аст,  
Дил ойинаи жамоли шоҳаншоҳ аст,  
В-ин ҳар ду жаҳон ғилофи он ойина аст.*

(Инсон вужудидан мақсад кўзгудир,  
Ҳар икки жаҳонда эътиборга арзигулик нарса кўзгудир,  
Кўнгил кўзгуси (Борлик) ҳукмдорининг жамолини акс эттирувчидир  
Ва ҳар икки жаҳон ушбу кўзгунинг ғилофидир.)

Аллоҳ инсонни икки жаҳонда азизу мукаррам қилиб яратди. Бутун моддий оламни унга бўйсундирди. Инсон вужудидан мақсад эса унинг кўнгил кўзгусидир. Чунки бу кўзгу Борлик ҳақиқатини – Ҳақ жамолини ўзида акс эттириш қобилиятига эга. Бу табаррук ғоя турли тарзда, турли кўриниш-ифодаларда кўпчилик улуғ алломаларимиз ижодида ўз аксини топган. Улар йўқ жойдан пайдо бўлмаган. Охирги ва бизгача мукамал етиб келган илоҳий ваҳий бўлмиш Қуръони каримнинг «*Нур*» сураси 35-ояти “*Аллоҳу нур ус-самовоти ва-л-арз*» (Аллоҳ осмонлар ва ернинг “*нуридир*”) деб бошланади ва давомида «*Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур*» (*Йаҳди-л-лоҳу ли-нуриҳи ман йашау*) деб таъкид этилади.<sup>45</sup>

<sup>45</sup> Қуръони карим. Т., 2001. (Иқтибослар Абдулазиз Мансур таржимаси асосида берилди. Фақат баъзи махсус эслатилган ўринларда ушбу таржимадан четга чиқилди.)

Маълумки, инсон мукаммал мавжудот эмас. Вақти келса, у энг кутурган хайвондан бадтар ваҳшийлашиши ёки энг разил махлуқдан ҳам баттар тубанлашуви мумкин. Аммо Аллоҳ ҳикмати шундаки, бегуноҳ фаришталар эмас, айни Одам насли ер юзида халифа қилиб яратилган. Аллоҳ таоло Одам Атони яратишни ирода этар экан, фаришталарга “*Мен ерда халифа яратмоқчиман,*”-дейди (Бақара сураси, 30-оят). Қуръони каримда инсоннинг ер юзида халифа қилиб яратилганлиги ҳақидаги хабар яна қатор сураларда зикр этилади. “*У сизларни ерда халифа қилиб қўйган зотдир*”, - дейилади Фотир сураси 39-оятида. “*Анъом*” сураси 165-оятида, Юнус сураси 14-оятида, Сод сураси 26-оятида, Намл сураси 62-оятида, Нур сураси 55-оятида, Аъроф сураси 129-оятида ҳам шу мазмун ифодаланади. Шундай экан, Нажмиддин Доя келтирган фикрлар миллий маънавий меросимиз учун тасодифий эмас, балки етакчи фикрдир. Маънавият ҳақида сўз юритганда биз, аввало, ана шу табаррук ҳақиқатни фаромуш этмаслигимиз керак.

Аждодларимиз меросида сурат ва маъно, мажоз ва ҳақиқат ҳақида сўз боради. “*Сурат*” ва “*мажоз*” тушунчалари бу ўринда фоний дунёни, жумладан, инсон вужудини, “*маъно*” ва “*ҳақиқат*” эса боқийликни, Борлиқнинг боқий моҳиятини ифодалаш учун ишлатилади. Демак, инсон маънавияти унинг бақога дахлдорлигини, ушбу фоний хилқатда акс этиши мумкин бўлган боқий ҳақиқатни, хуллас, фанода бақонинг намоён бўлишини англатади.

Ҳар бир инсонга Аллоҳ таоло ўзига яраша хулқ ато этган. Ҳар бир инсон ўзига хос табиати, хулқи билан туғилади. Унинг ахлоқий фазилат ва қусурлари айни шу табиатан ато этилган хислатларнинг маънавият нуридан қанчалик баҳраманд бўлишига қараб шаклланади. Материалистлар инсон ахлоқининг қандай йўналишда шаклланишини атроф-муҳитнинг таъсири, ижтимоий шароитнинг соз-носозлиги билан боғламоқчи бўлишади. Аммо инсонда ички фаоллик бор, ирода бор – у хоҳ яхшиликка йўналган бўлсин, хоҳ ёмонликка. Инсон ўз имон-эътиқоди, илми, масъулият ҳисси, дилидаги меҳр туйғуси кимга қаратилганлигидан келиб чиқиб, атроф-муҳитга, ўзгаларга муносабатини шакллантиради. Шу сабабли айни бир муҳит, айни бир шароитда турли инсонлар турлича муносабат намоён қиладилар. Содда қилиб айтсак, инсон ўз ҳаётининг маъносини нимада кўрса, ўзгалар билан муносабатида, яъни ахлоқида шу ботиний моҳиятини қай бир тарзда намоён этади.

Янги давр Европа ахлоқ илмидаги асосий камчилик христиан динидаги янглишувлар билан боғлиқ, бу янглишувлар эса, юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, Аллоҳнинг сўзига (яъни муқаддас китоб бўлмиш асл Инжил матнига) бандаларнинг сўзлари аралашиб кетганлиги сабабли юзага келгандир<sup>46</sup>. Милодий I-III асрларда яшаган илк христианлар ўз тарихий шароитларидан ва ўша давр тафаккур даражасидан келиб чиқиб, Исо(а.с.)нинг рисолатлари ва даъватлари моҳиятини ўзларича талқин этишлари, IV асрга келиб христиан дини расмий мақомга эришгач, христиан уламоларининг

<sup>46</sup> Қаранг. Морис Букай. Библия, Коран и наука. М., 1999.

катта йиғинларида қабул қилинган моҳиятан хато ақидаларнинг муқаддаслаштирилиши натижасида бу соҳада тузатиш мушкул бўлган чалкашликлар вужудга келди. Бу чалкашликлар заминида шаклланган “*черков оталари*”нинг таълимоти кейинги минг йил давомида бутун минтақада одамлар онги-шуурида ҳукмронлик қилди. Бора-бора бу хато қарашлар христиан динининг моҳияти даражасида қабул қилинадиган бўлди. Ўз вақтида исломнинг ёйилишига ҳукмрон черков доиралари бутун қудрати билан қаршилик қилди (салб юришларини эслайлик). Янги даврга келиб илм-фаннинг ривожини янги диний қарашлар билан борган сари зиддиятга киришиб, илғор фикр эгалари онгида даҳрийлик тамойиллари кучайиб борди. Афсус билан қайд этиш керакки, бу масалада ислом дунёси уламолари ҳам моҳиятга чуқур кириб бориб, Европадаги янги тамойилларни диққат билан кузатиш йўлидан бормадилар, қайта XV асрдан кейин мусулмон олами тафаккурида турғунлик, кибрланиш ва ялқовланиш кучайди, IX-X асрларнинг ўзига хос шароитида шаклланган аҳли сунна ва жамоа ақидаларини танқидий қайта кўздан кечириш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Энг асосийси, бу ерда ҳам Аллоҳ каломи ва бандаларнинг талқинлари орасидаги сифатий фарққа эътибор қайтама қайта қилинмади. Натижада, Янги давр Европа тадқиқотчилари табиий ва аниқ фанлар тараққиётига маҳлиё бўлиб, маънавий соҳасида борган сари имондан узоқлашиб, чалкаш назариялар гирдобига тортилиб кетаётганликларини сезмай қолдилар. Бу эътиборсизлик ва чалкашликларнинг оғир асоратлари бугунги кунга келиб энди бутун залвори билан инсоният келажагига жиддий хавф сола бошлади.

## 9. Ибодат нима?

Одам ўзи яратган нарсани нимага кераклигини яхши билади. Аммо инсон ўзини ўзи яратмаган, демак, ўзининг нима учун яралганлигини ўз ақли билан билишга ҳам қодир эмас. Унинг “ер юзида халифа” қилиб яратилганлиги Халлоқ олам томонидан Қуръони каримда аниқ баён қилинган. Аллоҳнинг китобида инсоннинг бу дунёдаги вазифаси ҳам аниқ билдирилган.

Қуръони каримнинг Зориёт сураси, 56-оятда “*Мен жинлар ва инсонларни фақат менга ибодат қилишлари учунгина яратдим*”, - дейилган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Тафсири Ҳилол” асари 5-жилдида бу оятга қуйидагича шарҳ берилади:

*“Ушбу қисқагина оятда улкан ҳақиқат ўз ифодасини топгандир. Одамлар ва жинларнинг яратилишидан ягона мақсад Аллоҳга ибодат қилиш экан. Кўпгина исломий тушунчалар қатори ибодат тушунчасида ҳам хатолар содир бўлган. Оқибатда, ҳозирги кунимизда «ибодат» деганда кишилар онгида намоз, рўза, қироат, зикр каби нарсаларгина намойён бўлади<sup>47</sup>. Тўғри, мазкур амаллар улкан ибодатлардир, буларсиз Исломни*

<sup>47</sup> Ҳатто имом Ғаззолий ҳам бу масалада ўз даври тасаввурларидан чиқиб кета олмаган.

тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо ушбу тушунча билан ҳозир тафсир қилаётган оятимизга мурожаат қиладиган бўлсак, инсонлар ва жинлар бутун умрларини намоз ўқиб, зикр қилиб ўтказмоқлари лозим бўлиб қолади”. Чунки оятда инсу жинни Аллоҳ таоло фақат Ўзига ибодат қилишлари учун яратган. Агар ибодат сўзини юқоридагидек тор талқин қиладиган бўлсак, демак, намозу рўза, зикру тиловатдан бошқа ишга қўл урган шахс, ҳалигидай тушунча бўйича, Аллоҳнинг иродасига қарши чиққан осий бўлади. “*Ҳолбуки, бошқа оятларда Аллоҳ таоло бандаларини ер юзини обод қилишга, оила қуришга, ҳалол ризқ йўлида ҳаракат қилишга ва бошқа ишларга буюрган. Инсонни Ўзининг ер юзидаги халифаси (ўринбосари) деб эълон қилган. Демак, «ибодат» маъносининг бошқача талқини ҳам бўлиши керак.*

*Келинг, «ибодат» сўзининг луғавий ва истилоҳий маъносини ўрганиб чиқайлик-чи, қандай натижага эришар эканмиз. «Ибодат» сўзи араб тилида, «бўйсунуш», «ўзини наст тутуш», «итоат этиш» ва «амрни бажариш» маъноларини англатади. Демак, ҳар бир ишда Аллоҳ таолога бўйсунуш, итоат қилиш, Аллоҳ таолонинг амрларини бажариш, унинг ҳузурда ўзини наст олиш Аллоҳ азза ва жаллага ибодат қилишни англатар экан”. Қисқаси, уламолар истилоҳида **Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилиш учун қилинадиган ҳар бир иш ибодатдир.***

Шундай экан, «ибодат» маъносини тор тушуниб фақат намоз, рўза, ҳаж, закот каби амалларга боғлаб қўйиш катта хато бўлар экан. Чунки бундай талқинда одам намоз ўқиётганда ўзини Аллоҳ таолонинг ҳузурда ҳис қилади-ю, бирор касб билан шуғулланаётганда Аллоҳ таолога номаъқул иш қилаётгандек туюлиши мумкин. «Ибодат» маъносини тўғри тушунадиган бўлсак, унинг жуда кенг ва комил тушунча экани маълум бўлади. “*Ҳар бир ишимизни шариятга мос қилиб, Аллоҳ таолонинг амрига, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг суннатларига мувофиқ олиб борсак, ҳар бир ишимиз ибодатга айланади, савоб ўрнига ўтади. Бунинг учун икки асосий шартга амал қилмоқ зарур: Ҳар бир иш Қуръон ёки суннатга мувофиқ бўлмоғи лозим. Ҳар бир ишни қилиш ёки тарк этишда Аллоҳнинг розилигини исташ керак. Шунда ҳар бир ишимиз ибодатга айланади. Демак, ниятни яхшилаш лозим”.*

Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «*Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта, ҳар бир иш ниятга боғлиқ, ҳар бир киши нимани ният қилса, ўшанга етади...» деганларини эшитдим».* (Икки Шайх ривоят қилишган).

Исломда ибодат тушунчаси кенг тушунча эканлигига Абу Зарр Ғифорий розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шариф ҳам далил-ҳужжат бўлади: «*Бир гуруҳ кишилар: «Эй, Аллоҳнинг Расули, бойлар ажру савобни олиб қўйдилар, чунки бизга ўхшаб намоз ўқишади, рўза тутушади ва яна бунинг устига ортиқча молу дунёларидан садақа ҳам қиладилар», дейишди. Ул зот:*

*«Аллоҳ таоло сизларга ҳам садақа қиладиган нарсаларни бериб қўймаганми? Ҳар бир тасбиҳларинг садақа, ҳар бир такбир ҳам садақа, ҳар бир таҳлил ҳам садақа, амру маъруф ҳам садақа, ҳатто аёлларингга кўрғазган меҳр-муҳаббатларинг учун ҳам алоҳида савоб ёзилади,» – дедилар»<sup>48</sup>.*

Умуман ушбу маънодаги оят ва ҳадисларни кўплаб келтириш мумкин. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг *“Рухий тарбия”* (3 жилд), *“Одоблар хазинаси”*(4 жилд) каби асарларида бунга қатор ишонарли мисоллар келтирилган<sup>49</sup>.

Шундай қилиб, инсоннинг ер юзидаги халифа қилиб яратилиши билан унинг кенг маънода Аллоҳга ибодат қилиш учун яратилганлиги орасида бевосита боғлиқлик бор экан. Ҳар бир инсоннинг барча қилган хайрли ишлари унинг Аллоҳга ибодати, ўзининг ер юзидаги халифалигига муносиб фаолияти бўлар экан.

Имом Ғаззолий ёзади: *“Билгинки, (Ҳақ таоло) одамни ўйнамоқ ва кулмоқ, емоқ ва ичмоқ учун яратмабдур. Балки Одамнинг яралишида улуг ҳикматлар бордур... Ва маърифат йўлининг улуг хатарлари бордур.”<sup>50</sup>*

## **10. Инсоннинг бахти нимада?**

Маълумки, ҳар бир инсон бахтли бўлишга интилади. Хўш, инсон бахти ўзи нимада? Антик даврдан Европада шаклланган етакчи ахлоқий таълимотларидан бири *эвдемонизм* бўлиб, унга кўра ахлоқ асосида ҳар бир инсоннинг бахт сари интилиши ётади. Янги Давр Европасининг энг буюк мутафаккири бўлмиш Иммануил Кант шундай ёзади: *“Счастье – это такое состояние разумного существа в мире, когда все в его существовании происходит согласно его воле и желанию”* (Бахт – бу онгли мавжудотнинг дунёдаги шундай ҳолатики, унда унинг ҳаётидаги барча нарса-ҳодисалар унинг хоҳиши ва иродасига мувофиқ юз беради.)<sup>51</sup> Аммо файласуфнинг эътирофича, ҳар бир инсон моддий оламнинг кичик бир зарраси сифатида ўз ирода қудрати билан ушбу олам сабабчиси бўлишга қодир эмас. (*«...действующее разумное существо в мире не есть причина самого мира и самой природы»* - с.778). Ва, шунингдек, ушбу оламдаги барча ҳодисаларни ўз хоҳишича бошқара олмайди ҳам. Демак, инсон ўз бахтини ўзи белгилай олмайди. Унинг тақдири Аллоҳнинг қўлида. Шундай экан, Аллоҳнинг адолати ва раҳматига ишонган ҳолда биз ўзимизни бахтга муносиб бўлишимиз ҳақида қайғуришимиз лозим бўлади. *“Ахлоқ, - дейди Кант, ... биз ўзимизни*

---

<sup>48</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Т., “Шарқ”, 2008, С. 605-607 (Заарийаат сураси, 56-оят).

<sup>49</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Рухий тарбия. (1-жилд. Покланиш, 2-жилд. Тикланиш. 3-жилд. Хулқланиш. Т., “Шарқ”, 2007-2008.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Одоблар хазинаси(4 жилд). Т., “Шарқ”, 2008-2009.

<sup>50</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимиёи саодат. Рух ҳақиқати. 1-жилд. Т., “Адолат”, 2005, с.24. (Таржимон ўз ташаббуси билан қўшган сатрларни биз қавс ичига олиб, ажратиб кўрсатдик.)

<sup>51</sup> Иммануил Кант. Критика чистого разума. М.- Санкт-Петербург, “Эксмо”- “Мидгард”, 2007, с.778.

*қандай қилиб бахтли қилишимиз ҳақидаги эмас, балки биз қандай қилиб ўзимизни бахтга лойиқ бўлиб этишимиз ҳақидаги таълимотдир.*” ( «Мораль ... есть учение не о том, как мы должны сделать себя счастливыми, а о том, как мы должны стать достойными счастья.» - с.783). Демак, асл донишмандлик ҳам, “назарий жиҳатдан қаралганда, **олий эзгу моҳиятни англаб этиш, ва амалий жиҳатдан қаралганда, инсон иродасининг ушбу олий эзгу моҳият билан мувофиқлик касб этишидадир**” ( «мудрость, рассматриваемая теоретически, означает познание высшего блага, а рассматриваемая практически, - соответствие воли с высшим благом» - с.783). “Борлиқда **олий эзгу моҳиятнинг** мавжудлиги табиатнинг **олий сабабчиси** (яъни **яратувчиси – М.И.**), борлиги тан олинсагина мумкин бўлади”. («...высшее благо в мире возможно, лишь поскольку признают высшую причину природы» - с. 779) Демак, Янги Давр Европасининг буюк донишманди мулоҳазаларидан келиб чиқадиган бўлсак, **кимки ўз руhini Борлиқ Ҳақиқати билан уйғунлаштира олса, ўша инсон ҳақиқий бахтга эришгандир**, содда қилиб айтсак, маънавий баркамол инсон бахтли инсондир.

Ҳақиқий бахтли инсонлар узоқ умр кўришади. Суфийлар одатда узоқ умр кўришган, чунки улар ҳақиқий бахтли инсонлар бўлишган. Уларнинг бахти шунда эдики, улар ўз иродаларини **олий эзгу моҳият билан мувофиқлаштира олишган**. Содда қилиб айтадиган бўлсак, улар Аллоҳ нимани ирода этса, шунга рози бўлишган.

## 11. Такво нима?

Ахзоб сураси, 72-оятда Аллоҳнинг омонати ҳақида эслатилади: “*Албатта, биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғларга тақлиф қилдик. Бас, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Уни инсон кўтарди. Дарҳақиқат, у ўта золим ва ўта жоҳилдир.*”<sup>52</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф бу “омонат”ни ўтмиш ислом уламоларининг қарашларига биноан “*шариат тақлифлари ва Аллоҳнинг фарзлари*” деб тафсир қилади. Бундай талқин мантиқан оят мазмунига кўп ҳам мувофиқ чикмайди. Аммо шайх ўзининг кейинги тушунтиришларида бу мазмундан бошқачароқ хулоса чиқаради: “*Бошқача қилиб айтганда, Аллоҳ таолонинг Ўз ҳаққиға, инсонларнинг ҳаққиға ва бошқа махлуқотларнинг ҳаққиға боғлиқ амрларини, наҳйларини, кўрсатма-таълимотларини ва ҳукмларини ўз жойиға қўйиш бўйича унинг ишонган вакили бўлиш тақлифи демакдир.*” Яна муфассир кўшимча қиладики, “*ўша тақлифларни амалға оширадиганлар ўз ҳурриятиға – хоҳласа, амал қилиб, хоҳламаса, қилмаслик ихтиёриға эға бўлади*”. Нега инсонга нисбатан беҳад қудратли бўлган осмонлар, замин, тоғлар бу омонатни бўйинларига олмадилар ва буни қандай тушунмоқ керак? Шайх шундай тафсир қилади: “*Бу омонатни кўтариш шунчалар оғир эдики, ҳатто шундай улкан, пишиқ, қувватли ва умри узун осмонлар, замин ва тоғлар ҳам уни кўтаришдан қўрқдилар. Бу омонатни уddалаб, ўрниға қўя олишларига*

қўзлари етмади. Ихтиёрий бўлиб, омонатни бўйинларига олишининг ўрнига, ихтиёрсиз бўлиб, доимий равишда ўзлари учун Аллоҳ таоло қўйган чегарадан қилча ҳам четга чиқмай юришни афзал кўрдилар”<sup>53</sup>. Демак, асосий масала “ихтиёрийлик”, яъни ирода эркинлиги, ва “ихтиёрсизлик”, яъни мутлақ равишда Аллоҳ таоло белгилаб қўйган чегаралар доирасида собит бўлиш, орасидаги фарқда экан. Бугун биз биламизки, “ихтиёрийлик”, яъни ирода эркинлиги, онгни тақозо қилади ва “ихтиёрсизлик” онгсизлик билан боғлиқдир. Онг эса ақлни тақозо қилади.

Аллоҳ таолога ўтмиш ва келажак, инсон ва коинот тақдири олдиндан маълумдир. Инсон яралишидан “ер юзида халифа” бўлиши унинг тақдирида бор эди. Жаннатдаги тақиқланган дарахт мевасини еб қўйиши ҳам унинг тақдирида эди. Бу дарахт Таврот (“Библия. Қадим аҳд”)да “*дерево познания добра и зла*” (эзгулик ва ёвузлик нима эканини билиш дарахти) деб таърифланади. Русча “*познать*” феълининг маъно кўлами кенг. Бу сўз назарий билишдан кўра “амалда синаб кўриш” маъносига яқинроқ туради. Умуман инсоннинг китобдан ўқиб билгани аслида ҳали тўлақонли билим эмас, у қачон амалда ўз бошидан ўтказсагина, ҳар бир нарса ҳақида ҳақиқий билимга эга бўлади. Ҳаётий тажрибага асосланмаган билим юзаки билим бўлиб қолаверади. (Ҳайвонларда-ку, умуман назарий билим бўлмайди, фақат Аллоҳ ато этган савқи табъ, инстинкт билан ёки кўп марта ўз бошидан ўтказган ҳаётий тажриба асосида амалий билим ҳосил бўлиши мумкин). Демак, инсон тақиқланган дарахт мевасини егач, эзгулик ва ёвузлик нима эканини билиш салоҳиятини ҳосил қилди, яъни онги очилди ва ер юзига тушишга тайёр бўлди. Аммо “*ер юзида халифа*” бўлиш осон иш эмас.

Бақара сураси 35-оятда Аллоҳнинг Одам ато ва Момо ҳавога қарата “*мана бу дарахтга яқин келманглар, бас, у ҳолда золимлардан бўласизлар*” деган ҳукми келтирилган. Аммо илк инсонларга ихтиёр берилган эди. Улар ўз ихтиёрлари ила Аллоҳ ҳукмига қарши бориб нодонларча иш тутдилар ва ўзларига зулм қилдилар.

Аллоҳ ўз бандаларига меҳрибон. Инсонни ер юзига халифа қилиб юборган зот унинг “залум” ва “жаҳул” эканлигини билган ҳолда яна унга нажот йўлини ҳам кўрсатди. Ўзи яратган инсонларни жаннатдан ер юзига туширгач, пайғамбарлар орқали уларга ҳидоят йўллашнинг маълум қилди: “*Бас, мендан сизга ҳидоят келажак. Ким менинг ҳидоятимга эргашса, уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар*”(Бақара сураси, 38-оят).

Демак, инсон ўз ихтиёри билан онг касб этди, бу билан ўзини катта хатарга қўйди, чунки мен онгли мавжудотман, демак, ҳамма нарсага ақлим етади, ҳамма нарса кўлимдан келади, деб такаббурликка берилиш аввало ўта жохиллик нишонаси, қолаверса, бундай дунёқараш билан инсон ўзига ҳам ўзгаларга ҳам оғир зулм қилади, ўзига ишониб топширилган ер юзини жаннатга айлантираман, деб хомтама бўлиб, амалда дўзахга айлантириб қўйиш хавфида қолади. Фақат Аллоҳга имон келтириб, унинг ҳидоятига эргашсагина, бу хавфдан ўзини ва бутун инсониятни омон сақлай олиши



мумкин. Аллоҳ огоҳлантормоқда: “Эй, имон келтирганлар! Албатта, тақво қилинг ва тўғри сўз сўзланг. (Шунда) у зот сизнинг амалларингизни солиҳ қилади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, батаҳқиқ буюк зафарга эришинти.” (Ахзоб сураси, 70-71 оятлар).

Алишер Навоий “Хамса”сидаги биринчи достон - “*Ҳайрат ул-аброр*” нинг биринчи боби “*Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим*” илоҳий калимасининг мажозий шарҳига бағишланган. Унда бу табаррук калиманинг ҳар бир ҳарфига икки карра бадий шарҳ берилган. Биринчи шарҳ - “*аҳли қабул*” учун, иккинчиси - “*аҳли рад*” учун.

*“Қилгувчи бу бодия қатъига майл,  
Аҳли қабулу рад эрур икки хайл”<sup>54</sup>.*

Дарҳақиқат, Инсон учун имтиҳон майдони бўлмиш бу дунё ҳаётига қадам қўйган ҳар бир шахс ўзига икки йўлдан бирини танлайди - инсоф ва диёнат, сабр ва ризолик, ҳалоллик ва меҳр йўлини ёки норизолик ва бадбинлик, хиёнат ва худбинлик, харом ва қаҳр йўлини. Бири - адолат ва нурга, иккинчиси - залолат ва зулматга бошлайди.

Инсон ўз тақдирини олдиндан билмайди. Шундай экан, ким “*аҳли қабул*” бўлса, ўзгаларга меҳру савобни раво кўрса, ҳаётга яхшилик умиди билан қараса, эл-юрт олдида, инсонлар олдида, Ҳақ олдида ўзини масъул билиб, шунга мувофиқ фаолият кўрсатса, унинг тақдири ҳам хайрли тадбирига мувофиқ бўлиб чиқса, ажаб эмас.

Агар ким ҳаётдан, ўзгалардан доим норизо бўлса, дилини худбинлик чирки қоплаб, бировга яхшилик раво кўришга оғриниб турса, фақат ўз нафсини кўзласа, инсоф ва диёнатни ёлғон ва хиёнатга алмаштириб олган бўлса, унинг барча тадбирлари охири бориб пуч бўлиб чиқса, ишонганлари саробга айланса, ушбу тақдири ниятига, тадбирига яраша бўлмайдими?

**Фуссилат сураси, 34-35 оятлар:** “*Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сен яхшилик бўлган нарса ила дафъ қил. Кўрибсанки, сен билан орасида адовати бор кимса худди содиқ дўстдек бўлур. Унга фақат сабр қилганларгина эришур...*”<sup>55</sup>

**Бақара сураси, 112-оят:** “*Кимки яхшилик қилган ҳолда ўзини Аллоҳга топширса, унга рабби ҳузурида ажр бордир. Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар*”<sup>56</sup>

## **12. Инсоннинг бу дунёдаги маънавий масъулияти.**

Инсон ўз феъл-атворида кўра мукамал мавжудот эмас. Вақти келса, у энг қутурган ҳайвондан бадтар ваҳшийлашиши ёки энг разил махлуқдан ҳам

<sup>54</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 7-жилд. Т.,1991, с. 12

<sup>55</sup> Тафсири ҳилол. 5-жилд, с.310-311.

<sup>56</sup> Тафсири ҳилол. 1-жилд, с.95.

баттар тубанлашуви мумкин. Аммо Аллоҳ ҳикмати шундаки, бегуноҳ фаришталар эмас, айти Одам насли ер юзида халифа қилиб яратилган. Бунинг сири нимада?

Қуръони карим оятларида инсоннинг фақат фазилатлари эмас, балки унинг камчиликлари, инсон тийнатиға хос бўлган қусурлар ҳам бирма-бир очиб кўрсатилган.

Европа фалсафий тафаккурида инсон ва жамият муносабатларига нисбатан икки хил ёндошувни кузатамиз. Улардан биринчиси жамиятни биринчи ўринга қўйиб, ундан алоҳида инсон тақдирини, унинг фазилат ва қусурларини келтириб чиқаришга интилади. Аристотелнинг *“Zoon politikon”*(ижтимоий махлуқ) атамасидан тортиб, Маркснинг *«инсон ўз моҳиятиға кўра барча ижтимоий муносабатлар мажмуидир»*, деб берган таърифига шу йўналишни ифодалайди. Европа фалсафасининг иккинчи йўналишини одатда *“субъектив идеализм”* деб номлашади. Бунда биринчи ўринга инсон шахси чиқарилади. Бугунги дунёда кенг ёйилган экзистенциализм, фрейдизм каби фалсафий тизимлар, дарҳақиқат, инсон шахси, унинг ўй-кечинмаларини фалсафий таҳлил марказига қўйиши билан ажралиб туради.

Бугун биз ҳам инсон шахсини биринчи ўринга қўйиб, унинг яратувчилик фазилати, ижтимоий фаоллиги, маънавий қудратига урғу бермоқдамиз. Чунки Ўзбекистоннинг буюк келажигини шакллантирувчи бош омиллар – шулар. Аммо даҳриёна таърифларда инсон моддий борлиқнинг бир унсури сифатидагина эътироф этилиб, бошқа махлуқотлардан фарқли мустақил моҳияти сояда қолиб кетади. Инсоннинг моҳияти аслида мураккаб бўлиб, айти моддий ва маънавийнинг туташувидадир.

Аллоҳ Одам Атони ер юзида халифа қилиб яратганлиги илоҳий калом билан тасдиқланиши маълум бўлди. Бу мақом инсон зотиға нафақат имтиёз, балки жуда оғир масъулият юклайди. Инсон ер юзидаги барча Аллоҳ яратган мавжудотларни тасарруф қилади, шу билан бирга улар учун масъул ҳамдир.

Аксарият инсонлар уч тоифа бўлади: 1) ўзгаларға фойдаси тегадиган инсонлар 2) ўзгаларға фойдаси ҳам, зарари ҳам тегмайдиган инсонлар, 3) ўзгаларға зарари тегадиган инсонлар. Аммо **зиёлилар тоифаси** фақат икки турли бўлади: 1) ўзгаларға фойдаси тегадиган 2) ўзгаларға зарари тегадиган, чунки Аллоҳ зиё аҳлиға кўпчилик инсонларға таъсир кўрсата оладиган алоҳида қобилият берган, улар дунёдан изсиз кета олмайди, албатта, кўпчиликка фойдаси тегиши керак; фойдаси-ки тегмадимми, аниқ зарари тегади.

Инсоннинг ўзгаларға тегадиган фойдаси моддий ёки маънавий бўлиши мумкин. Аммо моддий жиҳатдан теккан фойдаси маънавий жиҳатдан зарарли бўлса, демак, бу аслида фойда эмас, зарар бўлиб чиқади.

Бугун биз – бутун Ўзбекистон халқи бир тану бир жон бўлиб, Президентимиз етакчилигида янги воқелик – мустақил ва мутараққий Ватан, фаровон ва озод жамият яратмоқдамиз. Бунинг учун *“ижтимоий махлуқ”* эмас, қудратли яратувчи куч эгаси бўлмиш эркин ва собитқадам Инсон шаклланишиға эришмоғимиз керак.

*“Бизнинг асосий мақсадимиз, - дейди Президент, - бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устун бўладиган фуқаролар жамияти қуришдан иборат.”<sup>57</sup>*

Дарҳақиқат, ўтмишимиз қанча буюк бўлмасин, келажагимизнинг улуғворлиги миллатнинг ҳар бир аъзоси, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ушбу келажақда Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, инсон бахти тўқис таъминланиши учун қай даражада фаоллик кўрсата билиши ва бу фаоллигининг самаралари, унуми билан белгиланади. Бунинг учун эса имон ва илм, иқтидор ва истеъдод, ирода қудрати ва мақсад йўлида фидоийлик, кенг дунёқараш ва эркин фикр керак.

Дунёнинг ободлиги инсоннинг яратувчилик фаолияти билан боғлиқ. Демак, ҳар бир замон ва маконда жамият тараққиётини инсонларнинг фаол яратувчилиги белгилайди, аксинча эмас. Мустақиллик шароитида ниҳоят ушбу ўзак муаммо тўғри ҳал қилинди. Ҳаётга ёндошувда диққат маркази “жамиятга” эмас, алоҳида инсонга қаратилди. Иқтисод соҳасида бу нарса айниқса яққол намоён бўлмоқда. мустақиллик туфайли ҳар бир инсоннинг мулкни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқи Конституциямиз асосида тўлиқ қайта тикланди, жумладан, эндиликда хусусий мулк барча бошқа мулк турларининг пойдевори сифатида қаралмоқда. Бу ўзгариш иқтисод соҳасида алоҳида инсон шахси биринчи ўринга чиқаётганлигини англатади.

Қуръони каримнинг “Нур” сураси 35-оятда *«Аллоҳ осмонлар ва ернинг «нури»дир»*, деб ҳидоят этилган. Кимнинг дил кўзгуси ушбу нур ила мунаввар этилган бўлса, ўша инсон маънавиятлидир. “Нур” бу ўринда илмий атама эмас, рамзий тимсол. Аллоҳ ҳақиқати беҳудуд, инсон онги ва тасавурлари эса чекли. Шу сабабли, Тавҳид ҳақиқатига фақат ишора қилиш мумкин, таъриф бериб бўлмайди. Инсон илми чекловчи илмдир. Ҳақ илми - чегарасиз. Шундай экан, биз ожиз бандалар бу ҳақда гапирганда баъзи нисбатлар, рамз ва ишоралар билан чекланишимизга тўғри келади.

Маъно Аллоҳга тегишлидир. Борлиқнинг маъноси Аллоҳ ҳақиқатидан ўзга эмасдир. Уни Ҳақ дерлар. Маънавият эса инсон кўнглида Ҳақ нурининг акс этишидир. Шу сабабли маънавият Борлиқ янглиғ бепоён. Инсон ақли бу бепоёнликни қамраб ола биладими? Даҳриёна тафаккурнинг ожиз томони шуки, инсон ақлининг ноқислиги аниқ-равшан бўла туриб, такаббурликка берилади, “дунёга ёлғиз ўзим хўжайинман” демоқчи бўлади. Юқорида бошланиши эсга олинган оят хулосасида *“Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур”* деб иноят этилган. Демак, ихтиёр Ўзида, бизда эмас. Буни тақдир дейдилар.

Агар бу дунёда қилган гуноҳларингиз, йўл қўйган хатоларингиз учун шу дунёда жазо олсангиз, ажрини тортсангиз, Аллоҳга минг шукр этинг-ки, ўзи сизга иноят этипти, сиздан раҳматини дариф тутмапти. Аммо гуноҳ устига гуноҳ, хиёнат устига хиёнат, ёвузлик устига ёвузликни кимки қалаштириб ташлаётган бўлса-ю, ишлари кундан-кунга “ривож олиб”, омади “олға босиб” кетаётгандек кўринса, ундай зулмат бандаси Аллоҳдан кўрқсин, тақдири

<sup>57</sup> И.Каримов. Асарлар. 4-жилд.Т., 1996, с.80

олдида титроққа тушсин-ки, Ҳақ ундан тамом юз ўгирган, охирати буткул куйиб кетмаганмикан? Инсон умид билан яшайди. Аммо ўз умидига мувофиқ яшаса, эзгулик сари йўналган тадбирни ният қилса ва шу йўлда собитқадам бўлса, иншоллоҳ, зарар кўрмагай.

Қуръон оятларининг мўъжизавийлиги шундаки – уларда бир пайтнинг ўзида ҳам Пайғамбаримиз замонидаги муайян тарихий ҳодисага муносабат ошкор этилади, ҳам инсонларни Ҳақ йўл (“*сирот ул- мустақим*”)га ҳидоят этувчи боқий ҳақиқатлар тизими ўзлигини кўрсатади. Фақат ушбу тизим инсонларга биратўла бутун борлиғи билан намоён бўлади, дейиш қийин. Улуғларимиз калбини “*ҳақиқат асрорининг ганжинаси*” деб атаган инсон маънавий камолот пиллапояларидан юксалиб борар экан, ўзлигини танигани сари Ҳақ каломининг боқий мўъжизаларида ҳам кун сайин теравроқ маъноларни кашф этиб бора беради.

Тавҳид имони асосида шаклланган миллий маънавиятимиз учун аёвсиз “*қарама-қаршилик*” ва улар орасидаги “*мурасим кураш*” тушунчалари моҳиятан ётдир. Жумладан, шахс ва жамият, миллат ва башарият манфаатлари биз учун ўзаро зид эмас, балки уйғун ва моҳиятига кўра бир-бирига мувофиқ бўлиб, уларни зидлаштириш қандайдир ёвуз кучларнинг қабих найранглари эмас, балки кўпроқ ҳодисаларни фақат ташқаридан, юзаки бир тарзда кўриб, улар моҳиятидаги ўзаро туташликни пайқамай шошқалоқ хулосалар чиқариш натижасидир. Асли воқелик, Моний тасаввур қилганидек, эзгулик ва ёвузликнинг мутлақ кураши асосига қурилган эмас, биз дуч келган зиддиятларнинг аксарияти эса, агар чуқурроқ таҳлил этилса, ягона Аллоҳ ҳақиқатини инсонлар ноқис тушунганлиги, охиригача мулоҳаза юритишга тобу тоқати етмаслиги, жиддий риёзат чекишга бўйни ёр бермай, муаммоларни енгил-елпи зоҳирий ҳал қилиб ўтиб кетишга мойиллиги туфайли юзага келиши маълум бўлади.

Инсоннинг яралиши ҳақида, унинг табиатидаги азалий мураккабликни изоҳлаб, Алишер Навоий ёзади:

*... Ўйлаким душман яротиб ўтқа сув,  
Елни ҳам туфроққа айлаб адув.  
Сунъидин кўргилки мундоқ тўрт зид,  
Бўлуб инсон хилқатида муттаҳид...*<sup>58</sup>

(Ўйлаб қара, Халлоқи олам сувни оловга душман қилиб яратди,  
Шамолни ҳам тупроққа ёв қилди,  
Аммо яратувчининг қудратини кўргилки, ана шу бир бирига зид  
Тўрт унсур инсон вужудида бир бутун бўлиб бирлашди.)

Бу ерда моддий дунёнинг, табиатнинг тўрт асосий тўрт унсури (элементи), уларнинг бир-бирига зидлиги ва инсон жисми ушбу кўпкүтблӣ зиддият ҳолатидаги унсурларнинг ўзаро уйғунлашувидан вужудга келгани ҳақида таъкидланиши бежиз эмас.

Мусулмонлар учун бир қатор моддий ва ғайри моддий тақиқлар мавжуд, яъни уларга баъзи таом, ичимлик, гап-сўз, хатти-ҳаракатлар ҳаром қилинган. Қуръонда аниқ айтилган истеъмол учун харом ҳисобланувчи нарсалар шахс

<sup>58</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Т., 1991 с.19 (Насрий баён муаллифи Ш. Шарипов)

маънавиятига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир қилади. Масалан, маст қилувчи ичимликлар инсон маънавиятига ҳам бевосита уларни ичган пайтнинг ўзида салбий таъсир ўтказиб, турли ғайри ахлоқий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ва энг хавфлиси, келажакда ичувчининг фарзандлари ирсиятида жиддий қусурлар шаклланишига сабаб бўлиб, зурриётини бахтиқаро этиши, жамиятнинг маънавий ҳаётига ҳам зарар келтириши мумкин.

Биз ичкилик, тўнғиз гўшти сингари таомлардан ўзини тиймаганларни қоралаймиз. Аммо баъзан мусулмонлик даъво қилган ҳолда Аллоҳ китобида рўйи рост тақиқ этилган кўп хатти-ҳаракатлардан ўзимизни тиймаймиз. Жумладан, ёлғон сўзлаш, ғийбат, тухмат, ўзга ҳаққига хиёнат, тамаъгирлик, кибру ҳаво, турли маънавий бузилишлар исломда ва миллий маънавиятимиз анъанасида кескин қораланиб келинишига қарамай, кечаги кунимизда, очиги, одатий кўникмаларга айланиб қолаётган эди ва бугун ҳам улардан батамом фориг бўла олганимиз йўқ. Энг ачинарлиси, биз уларга шунчалик кўникиб қолганмиз-ки, ўзимиз қилмаган тақдирда ҳам ўзгалар қилмишига мураса билан қараймиз. Асли биз бепарво қарайдиган бундай иллатлардан сақланиш ҳар бир инсон учун маънавий нуқтаи назардан баъзи моддий тақиқлардан муҳимроқдир (ўз вақтида Исо алайҳиссалом ҳам буни таъкид этган эдилар). Айниқса, порахўрлик ва зинокорлик энг хавфли ва ашаддий фасод бўлиб, инсон маънавиятини буткул хароб этувчи омиллардандир. Баъзилар қонунга чап бера олса, кўнгли хотиржам бўлади. Аммо фосиқ киши ўз қилмишларини Ҳақдан ва халқдан яшира оладими?

Иккинчи жиддий муаммо никоҳнинг муқаддаслиги масаласига доир. Маълумки, исломда зино, яъни эркак-аёлнинг никоҳсиз қўшиливи энг оғир гуноҳлардан (гуноҳи кабиралардан) ҳисобланади. Бунинг сабаби, эркак ва аёл табиатидаги зотий фарқлар билан изоҳланади. Ҳаётда эр киши табиатан эркинроқ яратилган. Шу сабабли унинг маънавий масъулияти ҳам жиддийроқ. Эркак ва аёлнинг бирга яшашга аҳдлашуви, кўпчилик халқлар одатига кўра, жумладан, исломда ҳам гувоҳлар иштирокида Аллоҳнинг номи билан расмийлаштирилади ва тўй бериб элга овоза қилинади. Чунки расмий никоҳсиз дунёга келган бола кўпинча жамиятда ўз муносиб ўрнини топмайди, ўзини маънавий камситилган ҳис қилади. Бу номукаммаллик туйғуси унинг хотирида жамиятга зид иш тутиш тамойилини пайдо қилиши мумкин. Бадиий адабиётда ҳам бунга талай мисоллар мавжуд. Агар бундай шахслар кўпайса, жамият ҳаёти издан чиқиш хавфи туғилади. Шу сабабли ҳар бир инсон келгуси авлодлар ҳаққи ўз ҳаётини аввалбошдан тўғри изга солишни режалаштирмоғи ва бу йўлда масъулият билан иш тутмоғи лозим. Жаҳоннинг баъзи мамлакатларида никоҳ масаласига муносабат ўзгариб бормоқда. Инсоннинг жисмоний ва маънавий балоғати орасидаги нисбат билан боғлиқ бу муаммони аҳли башар жиддий ўйлаб кўрмоғи жоиздир.

Аллоҳ инсонни ўзининг эрка бандаси, халифаси - яъни бу дунёдаги ўринбосари қилиб яратган экан, унга жуда кўп иноятлар ато этган. Масалан, ирода эркинлиги. Инсон ҳайвонликка қараб юрадими ёки олий маънавият сари интиладими - ўзи танлаб олади, биров уни мажбур қилмайди.

Иккинчи бир имконият - илм, дунёни билиш қобилияти. “Қисаси Рабғузий”да баён қилинишича, одам яралишида фаришталар Азозилнинг сўзига кириб, Одамни ғийбат қиладилар. Шунда Оллоҳ таоло Одамга “Асмо”илмини ўргатиб, сўнг фаришталарга қатор нарсаларни кўрсатади ва “ушбу нарсаларни отини билсангиз айтинг”, деб мурожаат қилади. Фаришталар, “биз буларни билмаймиз”, деб ожиз қоладилар. Шунда Одамга буйруқ бўлади, у кўрсатилган нарсаларни бирма-бир “бу тош, бу сув, бу дарахт” деб дона-дона айтиб беради. Аллома юртдошимиз ёзади: *“Хитоб келди: “Эй фаришталар, сизларга айтмадимму ман билганни сизлар билмассиз деб. Эмди сизга маълум бўлдимки, Одам олим турур, сиз обидсиз. Менинг ҳазратимда минг обиддан бир олим фозилроқ турур. Қайда обид эрса, олимга хизмат қилмоқ керак. Ул махдум бўлсун, сизлар ходим бўлунг. Ул масъуд бўлсин, сизлар соъид бўлунг. Одамга сажда қилинг”*.<sup>59</sup> Шундай қилиб Рабғузий Қуръони карим оятларига таянган ҳолда, инсоннинг улуғлиги унинг дунёни билиш қобилиятида, илмида деб хулоса қилади.

Аллоҳнинг яна бир инояти - инсон руҳининг бақога дахлдорлигидир. Барча жонзот ўлгач, тупроққа қоришиб кетади. Инсон танаси ҳам шу жумладан. Аммо инсон руҳи абадиятга дахлдор. Чунки инсонда яратувчилик қобилияти бор. У моддий ва маънавий бойликлар яратади. Шу билан ўзини абадиятга дахлдор этади. Инсон ўзининг жисмоний ўлимини билади. Баъзи калтафаҳм моддиончилар унинг жисмоний ўлимини руҳият учун ҳам сўнгги нуқта деб тушунадилар. Ваҳоланки, ушбу талқин инсонни ҳайвон билан тенглаштирувчи, уни алоҳида моҳият сифатида инкор қилувчи бадбин ёндошувдир. Инсон маънавияти физиологик эҳтиёжлар даражасидаги нарса эмас. Инсон ўз жисмоний ўлимини, бу имтиҳон дунёсига фақат бир марта келишини билиш баробарида, руҳнинг абадиятга дахлдор эканини ҳам ҳис қилар экан, унда маънавий камолот истаги пайдо бўлади. Ана шу имкон, яъни алоҳида шахснинг маънавий камолот имкони инсон учун Аллоҳнинг энг улуғ иноятидир. Ушбу имкон туфайли инсоният ўзгача бир эзгу олам - **Маънавият олами**га дахлдор бўлади ва унинг руҳи мангулик касб этади.

Тавҳид моҳиятини англаб етган инсон қалбида улуғ бир туйғу - **меҳр туйғуси** уйғонади ва унинг бутун борлигини чулғаб олади. Меҳр туйғуси санаб ўтилган уч буюк имконни ўзаро уйғунликда бирлаштириб, инсон кўнглини, Навоий ибораси билан айтганда, **“ҳақиқат асрорининг ганжинаси”** га айлантиради. Зеро, бу уйғунликсиз **Маънавият олами** зухур этмайди.

### 13. Ислом ахлоқи ва маънавияти

Барча динлар каби исломда ҳам ботиний ва зоҳирий жиҳатлар мавжуд. Исломнинг зоҳирий жиҳати шариат ва фикҳда ўз ифодасини топган. Булар асосан сиёсат соҳасига, яъни инсонлар аро муомалага оид бўлиб, маънавиятга бевосита алоқаси йўқ. Чунки маънавият биз илгари кўриб ўтганимиздек, ҳар

<sup>59</sup> Рабғузий, Қисаси Рабғузий, 1-китоб, Т., «Ёзувчи» -1990, с.20

бир инсоннинг ўзга инсонларга эмас, балки бевосита Борлиқ ҳақиқатига муносабати бўлиб, ботиний ҳодиса бўлганлиги сабабли ҳеч бир инсон бошқаларнинг маънавиятини назорат қила олмайди, фақат ўзининг маънавий камолоти билан шуғулланиши мумкин. Шариат ва фикҳда исломий ибодатларнинг ҳам ташқи томонлари инобатга олинади, уларнинг инсон руҳиятига оид жиҳати имон билан боғлиқ бўлиб, шариатга биноан бир инсон агар тилида Аллоҳнинг бирлиги ва борлигини, Муҳаммад(сав) унинг охириги пайғамбари эканлигини тан олса, демак, у мусулмон ҳисобланади, шу гапни дилида ҳам тасдиқ этадими, йўқми, бу фақат Яратганга аён. Ислом ахлоқи моҳиятан ислом маънавиятининг инсонлар аро муносабатдаги зуҳури бўлганлиги сабабидан бир томондан маънавият билан, иккинчи томондан сиёсат билан боғлиқ. Демак, шу жиҳатдан шариат ва ахлоқ орасида зоҳирда муайян боғлиқлик мавжуд. Шунга кўра шариатга оид китобларда ахлоқий масалалар, ислом ахлоқида оид китобларда эса шаръий масалалар учраши табиийдир. Бизнинг мақсадимиз маънавият ва ахлоқ нисбатини ўрганиш бўлгани учун кўпроқ ахлоқнинг ботиний илдизларига эътибор қаратиб, шариат ва ахлоқ нисбатига бошқа тўхталиб ўтирмаймиз.

Барча ижтимоий ҳодисалар сингари ахлоқ ва маънавиятни ҳам мавҳум бир тарзда (фақат умумантикий назарий мулоҳазаларга таяниб) тадқиқ этиб бўлмайди. Маънавият ҳақида муаммо қўйилиши билан “кимнинг маънавияти ҳақида гап кетмоқда?” деган аниқлаштирувчи савол қўйиш зарур. Муайян шахс ахлоқи ва маънавияти, у ёки бу миллатга хос ахлоқий ва маънавий тамойиллар, ҳеч бўлмаганда, минтақа маънавияти ҳақида ўша ҳодисага оид аниқ фактларга таяниб туриб гапирилса, бундай гап ҳақиқий илмий мулоҳазалар сифатида қабул қилиниши мумкин. Жумладан, “Ислом ахлоқи ва маънавияти” деганимизда, мана ўн уч асрдан бери бир қатор мусулмон миллатлар қатори бизнинг миллий ахлоқимиз ва маънавиятимизнинг ҳам ўзак қисмини ташкил этиб келаётган минтақавий ҳодисани назарда тутган бўламиз.

Маълумки, Ислом маънавиятининг асосини **Тавҳид ҳақиқати** ташкил қилади. “Тавҳид” атамасини одатда “яккаҳудолик” (рус тилида “единобожие”) деб таржима қилишади. Бу тушунчанинг маъноси миллий маънавиятимизнинг ислом минтақа маданияти доирасидаги ривожидан давомида қандай мукаммаллашиб ва бойиб борганлиги “Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари” китобида батафсил баён қилинган. Буерда уларни қайтариб ўтирмасдан қисқача қилиб айтиш мумкинки, Аллоҳнинг борлиги ва бирлиги, унинг илми ва қудратининг чексизлиги, барча биз кўриб турган моддий олам ва ғайб олами ҳам унинг ижоди эканлиги, унинг китоблари ва пайғамбарлари, тақдир ва охиратга **имон** келтириш билан ислом маънавияти бошланади. Аммо агар шу ерда тўхтасак, **тақлидий имон** даражасида қоламиз ва, демакки, ҳар қадамда адашувимиз эҳтимоли жуда катта бўлади. **Таҳлилий имон** даражасига ўтиш шахс маънавиятининг иккинчи жиҳати – **илм** билан бўлади. Яъни, охириги илоҳий китобни ўқиш ва тушуниш, бунинг учун тафсир ва ҳадис илмини ўзлаштириш, шариат ва фикҳ асосларини билиш, моддий олам ва унинг қонуниятларини англаб етиш, инсон ўз жисмоний ва руҳий имкониятларини тўғри тасаввур қилиши, жамиятнинг иқтисодий-сиёсий

қонун-қоидалари, маданий ва ахлоқий анъаналари билан таниш бўлиш, аждодларимиз яратган маънавий бойликдан баҳраманд бўлиш ва ҳ.к.лар талаб этилади. Буларни ўзлаштириш асносида **масъулият** ҳисси ҳам ўсиб бориши назарда тутилади. Мана шу ердан ислом маънавиятидан ислом ахлоқиға ўтиш бошланади.

Президентимиз “ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги” деб беҳуда айтмаган. Маънавият ботиний қудрат сифатида ўз-ўзича кўзға кўринмайди, у инсоннинг маданиятида, илмий-ижодий, ижтимоий ёки меҳнат фаолияти сифатида кўзға ташланиши мумкин. Аммо, биринчи навбатда, маънавият ҳар бир инсоннинг ўзгалар билан муносабатида, яъни унинг ахлоқида намоён бўлади. Агар бир киши ўзини мўмин-мусулмон деб ҳисобласа-ю, на Аллоҳ буюрган ибодатларға амал қилмаса, на ўзға инсонларға озор етказишини қўймаса, на ҳалол-ҳаромнинг фарқиға бормаса, ёлғондан, ғийбатдан, тўхматдан, Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан қайтмаса, сабрни, шукрни, ҳаёни билмаса, у қандай мусулмон бўлди? Шундай қилиб, ислом ахлоқиға риоя қилмаган кишининг маънавий қиёфаси ҳам ниҳоятда ғариб бўлиши табиийдир.

Ислomий ахлоқнинг ўзак тимсол-тушунчалари бу соҳаға оид кўплаб китобларда баён қилинган. Аммо бу ҳақдаги энг мўътабар манбаъ Расулуллоҳ (сав) ҳадисларидир. Агар Қуръони карим биринчи навбатда ислом маънавиятидан хабар берса, Ҳадиси шарифлар асосан ислом ахлоқиға бағишлангандир, дейиш мумкин. Аллоҳға беадад шукрлар бўлсинким, бугунги кунда бизнинг қўлимизда ҳар икки манбаъ ҳам ўзбек тилиға таржимаси билан мавжуд, фақат танишиб чиқишға эринмасак бўлди.

1996 йили Тошкентда нашр этилган Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби таржимаси 2-жилди охирида бир илова берилган. Унда “Матлаъ ул-улум” ва “Дуррат ул-воизин” асарларига таянган ҳолда асл мўминларға хос бир қатор ахлоқий фазилатлар қисқача изоҳлари билан санаб ўтилган. Биз қуйида ушбу матнға “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” ва бошқа манбалар асосида баъзи қўшимча ва ўзгаришлар киритиш билан ислом ахлоқининг ўзак тимсол-тушунчаларини муайян ахлоқий тизим шаклида бирма-бир изоҳлаб ўтишға уриниб кўрамиз.

Ислom ахлоқининг бош тимсол-тушунчаси **“Тақво”** десак, хато бўлмас. **“Тақво”** сўзи арабча келиб чиқишиға кўра **“қўрқиш”**, **“ўзини эҳтиёт қилиш”** маъноларидаги **“вақаа”** феъли асосида ясалган бўлиб, **“Аллоҳдан қўрқиш”**, **“Аллоҳ ғазабидан сақланишға уриниш”** маъноларини билдиради. Аллоҳнинг ғазабидан сақланиш эса гуноҳлардан тийилиш билан бўлади. Бу ҳақда Қуръони каримда қатор оятлар мавжуд: “Аллоҳ таоло ҳидоят топган кишиларнинг ҳидоятини зиёда қилди ва уларға тақво ато этди”. “Яхши кишилар, ибодат вақтида юзларини Шарққа ёки Ғарбға қаратган кишилар эмас, балки Аллоҳ таолоға, унинг фаришталарига, охират кунига, китобларига, пайғамбарларига ишонган, яхши кўрган мол-мулкани қариндошларига, етим-есирларға, мискину фақирларға, мусофиру тиламчиларға, қулини озод қилишға сарфлаган ҳамда беш вақт намозни вақтида ўқиган ва закот берган, Аллоҳ билан ўзи ўртасидаги ва бандалар ўртасидаги аҳдига вафо қилган, етишмовчиликларға қаноат қилган ва бошиға кулфат тушганда бардош берган



кишилардир. Мана шундай сифатга эга бўлганлар динига содиқ одамлар бўлиб, куфр ҳамда ярамас хулқлардан ўзларини эҳтиётлагайдирлар ва ўзларида етук инсоний фазилатларни мужассам қилгайдирлар.” Расулulloх (сав) ҳадислари: “Қўли ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир. Аллоҳ таоло манъ этган нарсалардан қайтган киши худо йўлида жиҳод қилган кишидир.”

Демак, **тақво** бировнинг ҳаққига хиёнат қилишдан кўрқиш, билиб-билмай инсонлар кўнглини ранжитишдан кўрқиш, ярамас хулқлардан ўзини эҳтиёт қилиш, ҳаром лукмадан халқумини тоза тутиш, ёлғондан, ғийбатдан, тўхматдан, бекорчи валақлашдан тилини сақлаш, кўзини, қулоғини фаҳшдан эҳтиёт қилиш, қўлини ножўя ишдан, оёғини номақбул қадамдан тийишдир.

Ислом ахлоқига оид яна бир муҳим тимсол-тушунча “**Сидқ**”дир. “Садақа” феъли араб тилида “*ҳақ сўзни айтмоқ*”, “*самимий бўлмоқ*”, “*аҳдига вафо қилмоқ*” маъноларида бўлиб, шундан келиб чиққан ҳолда “**сидқ**” тимсол-тушунчаси инсондаги “*ростгўйлик*”, “*ҳалоллик*”, “*аҳдига содиқлик*” хислатларини ифодалаб келади. Ҳадисда “Ишончсиз кишининг дини йўқдир” дейилади. Инсонда самимият бўлмаса, ҳаётида ёлғон билан ростни, ҳалол билан ҳаромни аралаштириб юборишдан кўрқмаса, аҳдига вафоси бўлмаса, ундай киши бу дунёда тез кунда одамларнинг назаридан қолади, Аллоҳ ҳам унга раҳмат назари билан боқмайди.

**Поклик** ҳам ислом ахлоқининг асосий унсурларидан бўлиб, ибодат даражасида кўрилади. **Поклик** икки хил бўлади: зоҳирий ва ботиний. Зоҳирий поклик **бадан поклиги, либос поклиги, макон поклиги** шаклларида ифодаланади. Ботиний поклик биринчи навбатда **руҳий покликни** билдиради. Ислом динида ботиний покликка эришиш йўллари, энг аввало, **тавба**, кейин **намоз, рўза, закот ва садақа** орқали ифодаланади, **ҳажж амали** инсоннинг бутун умр давомида қилган гуноҳларидан поклайди. Аммо бу амалларни бажаришнинг икки шарти бор. Биринчиси, инсонда **ният** пок бўлмоғи керак. Иккинчиси, бу амалларни бажаришга киришишдан олдин зоҳирий поклик, яъни **бадан, либос ва макон поклиги** талаб қилинади. Булар ичида **бадан поклиги** масаласи фақат ғусл ва таҳорат билан ҳал бўладиган масала эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ўринда ҳам баданни ташқаридан поклаш бор, **ботиний поклаш** бор. Баданни **ботиний поклаш** учун лукма ҳалоллиги талаб этилади, яъни, инсон бировнинг ҳаққига хиёнат қилмай, ўз ҳалол меҳнати билан топган пулига ош-овқат харид қилган бўлиши, фақат ўзи эмас, аҳли оиласини ҳам ҳалол касб билан боқиши керак. **Либос поклиги, макон поклиги** масалаларида худди шу талаб жорийдир. Бу ерда яна масала имон, илм, масъулият, меҳр, бир сўз билан маънавиятга бориб туташади. Чунки ташқи поклик одамлар кўзига кўриниб туриши мумкин, аммо ботиний поклик, яъни ҳалол лукма, ташқаридан очиқ-ойдин кўринавермайди. **Намоз, рўза, ҳажж** одамлар кўзига мўмин-мусулмон бўлиб кўриниш учун бажарилса, ботиний поклик бўлмаса, **ният** пок бўлмаса, бундай амаллар мунофиқликдан ўзга нарса эмас, Аллоҳ наздида улар қабул бўлмагач, **руҳий покланиш** ҳам амалга ошмай қолаберади. Даҳриёна эътиқод эгаларида ҳам фақат зоҳирий поклик (у ҳам доим эмас) бўлиши мумкин. Бу соҳада Ф.Нитше ҳалол гап

айтган, агар жамият Аллоҳни тан олмаса, ундай жамиятда ахлоқнинг ҳам фақат зоҳири (пўсти) қолиши мумкин, бундай ахлоқнинг ботини (мағизи) пуч бўлади. Ушбу башорат собиқ шўролар тузумида ўзининг ҳақлигини тўлиқ исбот қилди: аксарият “совет кишилари”, айниқса, раҳбарлар бировнинг ҳаққидан кўркмай кўйди, ташмачилик, пора бериш ва олиш, ўз вазифасига ноҳалол, юзаки муносабат жамиятда оддий ҳолатга айлана бошлади. Кимлардир айтар: “Ҳалол коммунистлар ҳам бор эди-ку” деб. Тўғри, инсоннинг ўзига хос феъли шундайки, болаликдан ўрганган одатини умр бўйи ҳам сақлаб қолиши мумкин. Шу одат ва унинг устига ҳукмрон идеологияда “кишиларни коммунизм ишига садоқатга” тарғиб қилиш бор эди, соддароқ кишилар авваллари бундай тарғиботларга ишониб, ота-оналар тарбияси билан ҳалол яшашга уринишганлари бор гап. Аммо шўро раҳбарларининг аксариятида гапи билан иши бир эмаслиги кўринган сари одамлардаги ҳалоллик, ҳаё, тақво, ботиний поклик, масъулият, андиша туйғулари борган сари сустлашиб, жамиятнинг ахлоқий меёрлари айниб, юзакилашиб кета бошлади. Биринчи навбатда “коммунизм ғояларининг” ўзига эътиқод йўқолди. Кимдир яна исломий эътиқодини тиклаб олди, аммо кўпчилик эътиқодсизлик балосига дучор бўлди. Охир натижада бундай ёлғон эътиқодга қурилган жамият ич-ичидан чириб, ўз-ўзидан парчаланиб кетди.

Ислом ахлоқининг устунларидан яна бири *Ҳаё*дир. *Ҳаё* – бу номақбул ишларни қилишга, ножоиз сўзларни тилга олишга, ношаръий нарсаларга боқишга Аллоҳ ва инсонлардан уялишдир. Расулуллоҳ (сав) бундай деганлар: “Имон дарахт янглиғ олтмишдан ортиқ шохга эгадир. Гуноҳ қилмоққа Аллоҳ ва бандаларидан ҳаё қилмоқ ўша шохлардан биттасидир.”

“*Ҳаё* имондандир,” деганлар Расулуллоҳ (сав). Шу ҳадиснинг мазмунида ислом ахлоқининг муҳим бир хусусияти намоён бўладики, унга алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Шахс маънавиятининг асосий жиҳатлари бўлмиш **имон, илм, масъулият, меҳр** – барчаси инсоннинг Борлик ҳақиқатига муносабати билан боғлиқ. Исломда Борлик ҳақиқати Тавҳид ҳақиқатида, яъни Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига, унинг Халлоқи олам ва ягона Парвардигор эканлигига комил ишонч билан эътиқод қилишда ифодаланишини айтиб ўтдик. Демак, ислом маънавияти Аллоҳга имон келтириш, Аллоҳ билдирганларини ва Аллоҳ яратган оламини билишга интилиш, доимо Аллоҳ олдида масъулият ҳис қилиш, Аллоҳга ва у ер юзида халифалар қилиб яратган инсонларга меҳр кўзи билан қарашда тажассум топади. Агар юқоридаги ҳадисда Расулуллоҳ(сав) исломий имонни дарахтга ўхшатган бўлсалар, биз айтишимиз мумкинки, ислом маънавияти шу дарахтнинг томири (илдизлари), ислом ахлоқи унинг танаси ва шохларидир. Дарахт танаси юзада бўлади, аммо илдизсиз дарахт дарҳол қурийдди, кўкармайдди, ривож олиб, самара бермайдди. Дарахт танаси юқорида шохлар, навалар, барг ва меваларга уланиб кетса, қуйида илдизга (томирга) туташган бўлади, илдизлар орқали озикланади. Ислом ахлоқининг асосий тимсол-тушунчалари ҳам бир томондан Аллоҳга эътиқод билан, илм, масъулият, меҳр билан, иккинчи томондан инсоннинг жамиятда яшаш ва фаолият кўрсатиш тарзи билан, инсонлар аро муомала билан боғланиб кетган. **Тақво, сидқ,**

**поклик, ҳаё, сабр, шуқр, ҳилм, тавозеъ, андиша** – барча-барчаси бир томондан мўминнинг Аллоҳ олдидаги масъулиятдан келиб чиқади ва, иккинчи томондан, жамиятда ўзини тутишида, ўзга инсонларга муносабатидан намоён бўлади.

Ислом ахлоқининг тимсол-тушунчалари қаторида **тақво, поклик, сидқ** ва **ҳаёдан** ташқари **сабр ва умид, шуқр ва ризо, жидду жаҳд ва шижоат, ҳилм ва тавозуъ, ҳиммат ва саҳоват, андиша** (арабчада *таъанний ва таъаммул*), каби қатор фазилатлар турли манбаларда қайд этилган ва таърифланган, ҳар томонлама изоҳлаб, мисоллар билан тушунтириб ҳам берилган. Биз бу ўринда уларнинг ҳар бирига қисқа-қисқа изоҳлар бериш билан чекланамиз.

**Сабр ва умид:** – тақдир Аллоҳдандир, шундай экан, имонли одам бошига ҳар қандай мушкул тушганда уни сабр-тоқат билан енгиб ўтишга ҳаракат қилади ва ҳечқачон Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмайди. Ўзгалар билан муносабатда ҳам жаҳлга берилмай, ҳарқандай муаммони яхшилик йўли билан ҳал қилишга интилади, доимо келажакка умид кўзи билан қарайди.

**Шуқр ва ризо:** - мусулмон одам, аввало, инсон сифатида дунёга келтиргани учун доимо Аллоҳга шуқроналар айтади, ўз тақдирига ризолик билдиради. Қолаверса, ҳақиқий мўмин одам замондан шикоят қилмайди, чунки замон Аллоҳнинг замонидир, Аллоҳ эса адолатли, у ўз бандасига ёмонликни раво кўрмайди. Агар биз ҳаётда бирор қийинчиликка дучор бўлсак, бу ёки ўзимиз йўл қўйган хатолар оқибати, ёки қилган гуноҳларимизнинг жазоси, ёки Аллоҳнинг имтиҳони деб тушунишимиз, демак, хатоларни тузатиш, гуноҳларга тавба қилиш, Аллоҳнинг синовларига сабр-тоқат билан бардош бериш керак бўлади. Аллоҳнинг тақдирига осийлик қилиш эса исломда энг оғир гуноҳлардан ҳисобланади.

**Жидду жаҳд ва шижоат:** - даҳриёна тафаккурда баъзан исломий кишининг юқоридаги хислатлари мутеълик, заифлик аломатлари сифатида талқин қилинганлиги сир эмас. Бундай талқинлар аввало ноҳолислик, қолаверса, масаланинг моҳиятини чуқур англамаслик оқибатидир. Ф.Энгельс банданинг Аллоҳга муносабатини Шарқда ҳуқуқсиз фуқаронинг мутлақ ҳукмдорга муносабатига ўхшатган эди. Бундай талқинлар муайян ғараз билан ёки тушуниб-тушунмай масаланинг моҳиятини чалкаштиришдан бошқа нарса эмас. Аслида ислом шариати барчага баробар татбиқ этилади: ҳукмдорга ҳам, фуқарога ҳам. Албатта, баъзи қудрат эгалари ўз имкониятларини суъистифода қилишга уринишлари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам учраб туради. Аммо исломда ҳукмдорнинг қудрати чексиз эмас, фуқаро ҳам ҳуқуқсиз эмас. Фақат подшоҳ фосиқ бўлса, фуқароларнинг имони суст бўлиб, ҳақиқат йўлини маҳкам тутишга **жидду жаҳд ва шижоат** етишмаса, шунда адолат тарозуси бузила бошлайди. Бундай ҳолат эса фақат мусулмон дунёсигагина хос нарса эмас. Ноҳолис кишилар томонидан **жиҳод** тушунчаси ҳам бирёқлама ва нотўғри талқин этилади. Аслида ҳукмдорнинг юзига ҳақиқатни рўйи-рост айтабилиш энг олий жиҳоддир. Фақат бунда шахсий манфаат ёки хусумат эмас, ҳолис ва адолат юзасидан гапириш, ҳилм ва тавозуъ қоидаларига риоя қилиш талаб этилади. **Жидду жаҳд ва шижоат** фақат катта сиёсат соҳасига тааллуқли

эмас, балки мўмин киши эзгулик йўлидаги ҳар қандай ишда, илмда ҳам, ҳунар ўрганиш ёки бирор кишининг ҳожатини чиқаришда, ўз касбига ёндошувда, хизмат вазифасини бажаришда ҳам **жидду жаҳд** ва керак ўринда **шижоат** кўрсатиши исломий маънавият белгисидир. Афсус билан тан олиш лозимки, кейинги асрларда жамиятнинг етакчи тоифалари орасида айна шу исломий хислат жиддий оқсай бошлагани миллат бошига кўп фалокатлар келтирди.

**Ҳилм ва тавозуъ:** - Алишер Навоийнинг охириги муҳим асари “Маҳбуб ул-қулуб”да ушбу исломий фазилатларга алоҳида эътибор ажратилган. **Ҳилм** бу юмшоққўнгиллик ва ҳалимлик, бировнинг қўнглини ноўрин ранжитиб қўйишдан сақланиш, инсонларга меҳр ва юмшоқлик билан муносабатда бўлиш. **Тавозуъ** ҳам шунга яқин тимсол-тушунча бўлиб, инсонларнинг иззатини жойига қўйиш, камтарлик ва хокисорлик, ҳар кимнинг ёшини, ҳолатини ҳисобга олиб, ҳурматини сақлаб муомала қилишдир. **Ҳилм ва тавозуъ** юзаки одоб сақлашдан иборат эмас, **ҳилм ва тавозуъ**, аввало, Аллоҳга нисбатан бўлиши керак, масалан, намозни хушуъ билан ўқиш ҳам исломий **тавозуъ** талабларидандир. **Ҳилм ва тавозуъ** мўминнинг қалбида, унинг маънавияти – имони, илми, масъулияти ва меҳридан келиб чиққан ҳолда бўлиши лозим. Инсонлар билан муомалада ушбу фазилатлар самимият асосида юзага чиқиши муҳимдир.

**Ҳиммат ва саҳоват:** - Бу хислатлар ҳақида адабиётларда кўп гапирилган. **Ҳиммат**нинг маъноси аслида **саҳоват**дан кенгроқ бўлиб, керак ўринда бир ишга астойдил киришиш маъносида **шижоат**ни ҳам ўз ичига қамраб олади. **Саҳоват**ни ҳам бировга фақат моддий ёрдам кўрсатиш маъносида тор тушунмаган маъқул. Ўзгаларга ҳар жиҳатдан хайрихоҳлик, кенгқўнгиллик, сўрагандан илм ёки фойдали маслаҳатни аямаслик, амри маъруф ва наҳйи мункар ҳам саҳоват намуналари сифатида талқин этилиши мумкин.

**Андиша** (арабчада *таъанний ва таъаммул*): - Форс тилида “*андишидан*” феъли мавжуд бўлиб, “*ўйлаб кўриш*”, “*мулоҳаза юритиш*” маъноларини англатади. “Андишанинг отини кўрқоқ қўйма” дейди ўзбеклар, яъни бир ишни бошлаш, ёки бир гапни айтиш олдидан киши биров ўйлашиб турса, бу унинг журъатсизлигини, ёки иккиланаётганини билдирмайди, балки бир қарорга келишдан аввал масаланинг ҳар томонини ақл тарозусида тортиб, мулоҳаза юритиб, оқилона йўл топишга интила ётганини билан изоҳланади. Бетгачопарлик, шошмашошарлик ҳечқачон яхши натижа берган эмас, исломий кишилардаги “етти ўлчаб бир кесиш” хусусияти айна **андиша**дир.

Юқорида таърифланган фазилатлар ислом ахлоқининг барча жиҳатларини қамраб олади, десак, адашармиз, турли манбаларда мўмин кишининг яна қанча-қанча хислатлари санаб ўтилган (масалан, тежамкорлик, интизом, риёзат, сукут, матонат, мўътадиллик ва ҳоказолар). Биз буерда фақат намуна сифатида ислом ахлоқининг энг ёрқин тимсол-тушунчаларига ва уларнинг ислом маънавияти билан туташ ўринларига диққатингизни жалб қилиш билан чекландик.

## 14. Бош маънавий қадриятлар ва асосий ахлоқий фазилатлар

Халқимиз бир минг уч юз йилдан бери ислом динида бўлгани учун ислом ахлоқи ва маънавияти қон-қонимизга сингиб кетган. Шу сабабли миллий ахлоқ меёрларимизда ислом ахлоқи марказий ўрин эгаллаши табиий. Аммо шу билан бирга **ислом ахлоқи** ва **миллий ахлоқ меёрларимизни** жуда ҳам бир нарса деб тушуниш унчалик ўринли бўлмайди. Уларнинг ўзаро фарқланишида **икки асосий омилни** назарда тутиш керак.

Баъзи жузъий фарқланишлардан қатъи назар, дунёдаги барча мусулмонлар учун **ислом ахлоқий меёрлари** умумий бўлгани сабабли унда миллий ўзига хосликлар одатан эътиборга олинмайди, бошқача қилиб айтганда, **ислом ахлоқини** аниқ макон ва замонга татбиқ этишда муайян даражада мавҳумлик сақланиб қолади. Чунки, масалан, Ҳиндистон ёки Индонезия шароити билан Марказий Осиё халқлари яшаётган муҳит, ёки ҳозирги Россия мусулмонлари ҳаёт кечираётган ҳолат бир-биридан анча-мунча фарқ қилади ва доим ҳам бир минтақадаги тартиб-қоидаларни шундайлигича бошқасига татбиқ қилиш доимо мумкин бўлавермайди. Қолаверса, Янги даврга келиб **миллий ахлоқимиз** дунёвий тамойиллар билан бойиганлигини, халқимиз ўз ўтмиш мероси ва жаҳон маданиятидан кўп янги жиҳатларни ўзлаштирганлигини ҳам ёдда тутмоғимиз керак.

Шуларни назарда тутган ҳолда, юқорида таърифланган **ислом ахлоқига** оид **асосий ахлоқий фазилатларни** бевосита **миллий ахлоқимизда** қандай аксланишини тадқиқ этиш учун яна **маънавият ва ахлоқ нисбати** масаласига мурожаат этишга эҳтиёж сезамиз. Гапни **шахс маънавиятининг** таърифини эслашдан бошлаймиз. Бу таърифта кўра, маънавиятни **инсон руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик** деб атаган эдик. **Инсон руҳининг Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлашуви** эса қатор босқичларни босиб ўтиши ва бу босқичлар миллий маънавиятимизда **бош маънавий қадриятлар** сифатида эътироф этилишини “Маънавиятнинг илмий асослари” курсида таъкидлаб ўтган эдик. Агар биз олдинги бобда тилга олинган **ахлоқий фазилатларни** мана шу **бош маънавий қадриятлар** билан ўзаро боғлаб таҳлил этмасак, миллий ахлоқ ҳақидаги тасаввурларимиз муайян даражада мавҳумлигича қолаберади.

Масалан, **бош маънавий қадриятларимизнинг** биринчиси ва асос-пойдевори бўлмиш **Ватан** туйғусини олайлик ва унга **поклик** ахлоқий тимсол-тушунчасини татбиқ этайлик. Биз миллий маънавият назариясига оид дарсларимизда **Ватан** тимсол-тушунчасининг беш маъноси ҳақида гапириб ўтган эдик. Миллий ахлоқимизда муҳим ўрин тутувчи **поклик** тимсол-тушунчасини ана шу маъноларнинг ҳар бирига татбиқ этадиган бўлсак, шундагина **Ватан поклигини сақлаш** нима дегани эканлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўламиз. Аввало, исломда **бадан поклигига**, унинг зоҳирий ва ботиний жиҳатларига жуда катта эътибор берилади-ки, юқорида бу ҳақда муайян тасаввур берилди. Ундан кейинги босқичда **хонадонни пок сақлаш**

масаласи қўйилади. Бунда фақат одам ўзи яшаб турган масканини озода ва саришта сақлаши билан иш битмайди, масаланинг ботиний ва муҳим жиҳати **оила аъзоларининг халқумини ва руҳини пок сақлаш**дир-ки, бу ҳақда батафсил изоҳ ва ўғитларни истедодли ва куюнчак шоирамиз Турсуной Содикованинг мустақиллик йилларида нашр этилган қатор китобларидан топишимиз мумкин. Қўрқмай айтиш мумкинки, **ўзи ва оила аъзоларининг халқумини пок сақлаш**га ҳавсала қилмаган одам **Ватанни пок сақлаш** учун жонбозлик кўрсатади, деб ўйлаш хом фикрдир.

Умуман олганда, миллий ахлоқимизга оид тимсол-тушунчаларнинг ўзаро нисбатини, даражаларидаги фарқларини ажратишда **Бош маънавий кадриятларимиз** ҳал қилувчи **мезонлар** вазифасини бажаради. **Ватан, Шахс, Миллат, Адолат, Ҳақиқат** –ҳар бири бир гуруҳ ахлоқий фазилатлар майдони бўлиб, бу майдонлар, бир томондан, ўзаро мураккаб муносабатлар ҳосил қилса, иккинчи томондан, ахлоқий тимсол-тушунчаларни аҳамият жиҳатидан ўзаро табақалаштиришга асос бўлиши ҳам мумкин. Масалан, **Ватан** тимсол-тушунчасининг асосий маъноси, яъни “Ўзбекистон – менинг Ватаним” жумласида ифодаланувчи ифтихор ҳисси фақатгина **Шахс маънавиятининг Миллат туйғуси** даражасидаги **такомил босқичи**да муайянлик касб этади. Унгача тилдан дилга кўчиши даргумон. Айни **Ватанпарварлик** ахлоқий тимсол-тушунчаси шу босқичдагина жиддий салмоққа эга бўлади. Чунки **ҳалоллик** ва **оилапарварлик** каби ахлоқий тушунчалар **Ватан** тимсол-тушунчасининг биринчи ва иккинчи маъноларига оид бўлиб, ҳануз **Шахс маънавий тақомилининг** бу даражасида **Ватан туйғуси** тўлақонли равишда **бош маънавий кадрият** сифатида англанилган деб бўлмайди. Шу ўринда яна бир мураккаб ҳолат – том маънодаги **Миллат туйғусини элатдошлик**дан фарқлаш масаласи бўлиб, буерда сиёсий ва маънавий омилларнинг бирлашуви зарур бўлади. Сиёсий жиҳатдан бир давлат фуқароларининг умумий манфаатлари **миллий манфаатлар** ҳисобланади. Аммо бир юртнинг фуқароси бўлган **Шахс** муайян ҳаётий ҳассос ҳолатда танлаш муаммосига дуч келса, расман бошқа юрт фуқароси бўлган ўз элатдошига ён босадими, ёки келиб чиқиши бошқа элатга, балки ўзга эътиқодга эга бўлган фуқародоши манфаатларини ёқлайдими деган ўта мураккаб маънавий масала ҳам мавжуд. Бу мавзуда Президентимиз И.Каримовнинг келиб чиқиши афғонистонлик ўзбек элатига мансуб бўлган афғон генерали Дўстум ҳақида билдирган мулоҳазалари ушбу масалага оид энг оқилона ечим бўлган эди. Бундай масалалар бугунги кунда ахлоқ ва маънавият нисбатига оид батафсил ишлаб чиқиши лозим бўлган илмий муаммолар тугунидан биргина намуна бўлиб, **Адолат** босқичида бундай саволлар янада мураккаб ечимларни тақозо қилиши табиийдир.

**Ахлоқий қусурларнинг** келиб чиқишини жиддий таҳлил қила олиш учун **маънавият** ва **руҳият** нисбатига яна бир бор эътибор қаратишга тўғри келади. Тасаввуфда **нафс тарбияси муаммоси** бор. Бу масалага Аллоҳнинг китобида ҳам катта аҳамият ажратилган. Қуръон оятлари мазмуни асосида кейинчалик **нафс тарбиясининг** такомил даражалари ҳақида махсус рисоалар яратилган. Уларда инсон нафсининг тарбияланганлик даражаларига

кўра **нафси аммора** (амр қилувчи нафс, яъни инсонни тамом ўзига бўйсундириб олган нафс), **нафси лаввома** (ўз қилмишларидан хижолат чекувчи нафс, гуноҳ қилса, виждони қийналувчи инсон), **нафси мутмаинна** (хотиржам нафс, ўзини босиб олган, хою ҳаваслардан тийилган инсон), **нафси розия** (Аллоҳ тақдирига тан берувчи, бошига ҳар иш келса, сабр-тоқат билан қабул қилувчи инсон), **нафси марзия** (Аллоҳ ундан рози бўлган, яъни Аллоҳ ризолигига эришган нафс), **нафси софия** (бу дунё хою ҳавасларидан буткул покланган, тўлиқ Аллоҳ иродасини бажаришга тайёр бўлган нафс, яъни пайғамбарлар ва набилар нафси) каби **инсон нафсининг маънавий такомил даражалари** ишлаб чиқилган.

Европа **психология** фани инсон руҳиятини холис ўрганишга ҳаракат қилади ва бугунги кунда **психология** илми фалсафий фанлар туркумидан аниқ фанлар (аниқроғи, табиий фанлар) туркумига ўтиб бормоқда.<sup>60</sup> Аммо миллий маънавий меросимизда инсон руҳий оламини ўрганиш ва, айниқса, уни маънавий жиҳатдан ислоҳ қилиш йўллари ишлаб чиқиш борасида шундай салмоқли ютуқларга эришилганки, уларни ҳисобга олмаслик, нафақат бизнинг миллат учун, балки умумбашарият учун ҳам катта йўқотишларга олиб келиши шубҳасиздир. Инсон тарбия билан ҳақиқий шахсга айланади. Гўдаклик пайтида ҳайвонлар ичига тушиб қолган инсон боласи, агар мабодо тирик қолса (ҳаётда бунга мисоллар бор), у бирнеча йил фақат маймунлар ёки бошқа жонзотлар билан бирга яшагач, шаклан инсон қиёфасида бўлса-да, руҳан ўша ҳайвонлар даражасида қолади ва уни энди қайта тарбиялаб инсонга айлантириб бўлмайди. Ф.Нитше тўғри айтган, инсоннинг қалбидаги худоси “ўлса”, ахлоқ (аниқроғи, маънавий камолот эҳтиёжи) ҳам унга ортиқча даҳмаза бўлиб қолади. Маънавият ботиний кудрат, у бўлмаган жойда зоҳиран жамиятдаги ахлоқий меёрларга риоя қилиш мағзи пуч ёнғокни, ёки аччиқ мағизли бодомни савлат учун вазага солиб меҳмон олдида дастурхонга тортишдек гап. **Ахлоқий қусурлар** маънавиятсизлик белгиси сифатида инсон руҳияти **нафси аммора** даражасидан **нафси мутмаинна** даражасига ҳам кўтарилмаганлигини билдиради.

## 15. Диний ва дунёвий маданият ҳақида

Янги давр Европа илмида “*диний маданият*” ва “*дунёвий маданият*” деган тушунчалар пайдо бўлди. Мантиқан олиб қараганда, яхлит инсоний маданиятни “*диний*” ва “*дунёвий*”, “*моддий*” ва “*маънавий*” маданият турларига ажратиш ғайри илмий ёндошувдир. Чунки, биринчидан, дин дунёдан ташқарида эмасдир, иккинчидан, маданият нарса, мавжудот («*вещь*», «*существо*») эмас, балки уларнинг **сифатига оид** хусусиятдир. Масалан, маданиятли инсон, маданий ёдгорликлар каби. Жаннат ва дўзахда дин бўлмайди, турли динларнинг мавжудлиги бу дунёга оид ҳодисадир. Диний

---

<sup>60</sup> Умуман олганда, бугунги Европа илмида инсонни ва ижтимоий воқеликни холис ўрганиш (объектив ёндошув) тамойили етакчилик қилмоқда. Албатта, бундай ёндошувнинг ўз фойдали жиҳатлари йўқ эмас. Аммо инсоннинг ўз-ўзини ислоҳ қилиши ва ёш авлод тарбияси нуқтаи назаридан бу усул етарли натижалар бермаслиги аниқ.

ибодатлар, урф-одатлар инсонлар томонидан бу дунёда амалга оширилади, шу маънода улар ҳам “дунёвий”дир.

Шундай экан, Европа илмида юқоридаги тушунчалар қаердан пайдо бўлди, деган савол туғилади. Маълумки, Ўрта асрларда тақрибан минг йил давомида (IV-V асрлардан - XIV-XVларгача) христиан черкови бутун Европа кишилари онгини ўз ақидалари кишанида зўрлик билан сақлаб келди. Шу орада мусулмон дунёси алломалари томонидан калом илми, фалсафа, ботиния, тасаввуф сингари ягона Ҳақиқатни англаб етишнинг турли йўллари ишлаб чиқилди. Булардан, хусусан, мусулмон файласуфларнинг қарашларига кўра, фалсафа ва дунёвий илмлар тили билан илоҳий китоблар тили ўзаро фарқ қилади. Фалсафа ва дунёвий илмлар мантиқий тафаккур ва моддий дунё нарсасодисаларини таржибавий ўрганиш асосига қурилган бўлиб, тор доира мутахассислар учун мўлжалланади. Илоҳий китоблар эса барча тоифадаги инсонларнинг маънавий тарбиясига қаратилганлиги сабабли кўпроқ маънавий-ахлоқий ҳукм ва тақиқлар, тарихий мисол ва намуналар, мажозий тимсол ва ишоралар шаклида баён қилинади. Натижада турли давр ва турли тоифа вакиллари томонидан ушбу китоблар мундарижаси турлича талқин қилиниш имконияти юзага келади. Бунинг асосида баъзан турли йўналиш вакиллари орасида жиддий баҳслар ҳам туғилиши мумкин. Аммо бундай инсоний баҳслардан келиб чиқиб ислом таълимоти доирасида илм ва имон орасида ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятлар мавжуд деган хулосага келиш мутлақо ўзини оқламайди.

XIV-XVларга келиб христиан черковининг ақидавий кишанлари илм ва тафаккур ривожини йўлида жиддий тўғаноқ бўлаётгани аксарият Европа зиёлиларига маълум бўлиб қолди. Шундай шароитда мусулмон файласуфларнинг ягона Борлиқ ҳақиқатни англаб етиш ва англантишнинг турли йўллари мавжудлиги ҳақидаги қарашлари Европа илм аҳлига жуда қўл келди. Испаниялик мусулмон файласуфи **Ибн Рушд** (1126-1198) асарларидан қилинган таржималар таъсирида Европа фалсафасида *аверроизм* оқими шаклланди. Фалсафа ва дунёвий илмлар тили билан илоҳий китоблар тилининг ўзаро фарқи ҳақидаги қарашлар Европада “*икки ҳақиқат*” (диний ва фалсафий) назариясига айланди. Ушбу назария дунёвий илмларнинг христиан ақидаларидан мустақил ривожига имкон яратиб, охир натижада илк ўрта асрлар давомида христиан черкови арбоблари томонидан шакллантирилган ақидаларнинг тафаккур ва таржиба асосида қўлга киритилган моддий олам ҳақидаги илмий ҳақиқатларга мутлақо мос келмаслигини очиқ-ойдин кўрсатиб қўйди. Бунинг оқибатида XVIII асрдан бошлаб Европада умуман динни ва Тангрининг мавжудлигини инкор қилиш, яъни атеистик қарашлар кенг ривожланиб кетди.

Аммо фикрловчи инсон имонсиз яшай олмайди. Ҳукмрон диний ақидалардан қониқмаган тафаккур эгалари ўз билим доираларидан келиб чиқиб ўзларига у ёки бу “*фалсафий*” имон яратиб олишга уринадилар. Бироқ муайян замон ва макон билан чегараланган ҳеч бир инсон Борлиқ ҳақидаги барча билимларни қамраб ола олмагани туфайли Борлиқ ҳақиқатини тўлиқ



англаб етишга муяссар бўлмайди. Шу сабабли бир улуғ файласуф яратган тизимни бошқа бири рад қилиб чиқа беради.

XIX- XX асрлар давомида ислом динини ўрганган Европа шарқшунос ва диншунослари **ислом** ва **мусулмончилик**ни ўзаро фарқламай яхлит бир тизим сифатида ўрганганликлари туфайли яна ҳақиқатнинг тагига ета олмадилар. Фақат 1976 йили француз олими **Морис Букай** ўзининг “*Библия, Коран и наука*” асарида Ғарб ва Шарқ диншунослиги эришган энг охирги ютуқларга таянган ҳолда инсон қўли билан тузатилмаган ягона илоҳий китоб Қуръони карим эканлиги ва унинг бирор ояти Янги давр Европа илми эришган ютуқларга зид эмаслигини биринчи марта аниқ исботлаб берди. Бу китоб кейинчалик олимнинг ватанида 15 мартадан ошиқ қайта нашр қилиниб, “*олтин китоб*” унвонига сазовор бўлди ва дунёнинг 20 дан ортиқ тилларига таржима қилинди. Айниқса, асл мутахассислиги тиббиётчи-эмбриолог бўлган олимнинг Француз медицина академиясида қилган илмий маърузаси катта шуҳрат қозонди. Бу маърузада жаҳон эмбриология фани эришган охирги ютуқлар Аллоҳ китобидаги бу борада билдирилган фикрлар билан тамомила уйғун эканлиги исботланган эди. Морис Букайнинг яна бир кашфиёти илоҳий китобларда баён қилинган “*тўфон*” воқеаси билан боғлиқ бўлиб, олим Қуръони карим оятларида бутун ер юзини сув босганлиги ҳақида эмас, Аллоҳ таоло “*тўфон*” балосини фақат Нуҳ қавмига юборганлиги ҳақида хабар мавжудлигини исбот қилди ва бу факт ҳам XX аср қадимшунослари томонидан амалда тасдиқланганлиги маълум бўлди.

Шундай қилиб, “*икки ҳақиқат*” ғояси фақат Европа маънавий муҳити учун хос бўлиб, христиан дини ақидалари Исо (а.с.) инсониятга етказган илоҳий ваҳий асосида эмас, балки кейинчалик черков арбобларининг ўз даври шароитидан келиб чиқиб шакллантирган қонун-қоидаларига таяниши сабабли ўзаро бир-бирига тамомила зид бўлган христиан имони асосидаги “*диний маданият*” ва дунёвий илмлар ҳамда турли фалсафий қарашларга таянувчи “*дунёвий маданият*” тушунчаларини пайдо қилди. Бу икки “*ҳақиқат*” ўртасидаги ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятлар кейинги икки асрда Европа илғор зиёлилари онгини қаттиқ банд қилиб, Гегель “*диалектик*” фалсафасини ўз вақтида катта шуҳрат қозониши сабабларидан бири бўлди, дейиш мумкин. Марксистлар Гегелнинг инсон тафаккурига татбиқан ишлаб чиққан “*диалектика*” (қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонуни) назариясини объектив воқеликдаги диалектиканинг файласуф онгида акс этиши деб баҳоладилар. Аслида “*объектив воқеликдаги диалектика*” Европа кишиси онгидаги христиан имони ва унга зид турган дунёвий илм орасидаги “*қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши*”дан иборат эди.

## **16. Тавҳид ҳақиқати ва миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари**

XX аср бошларида таниқли рус шарқшуноси Олденбург Европанинг маънавият соҳасида шу кунгача қўлга киритган ютуқлари ўтмишда Шарқ

маънавияти кўтарилган камолот чўққиларига нисбатан гўдак боланинг “чузур-чузури” даражасидадир, деган эди. Нега энди? Менинг назаримда, бу хулоса Шарқда кўп асрлик маънавий такомил жараёнида онгли равишда ишлаб чиқилган мукамал маърифат йўллари, маънавий тарбия восита ва усулларида хайрат заминида шаклланган бўлиши керак.

Аждодларимиз ташбеҳига кўра, **маънавият инсон қалбида акс этган илоҳий нур**, Олий ҳақиқат нури бўлиб, уни ўзида акс эттира олиши учун инсон қалби сайқал топмоғи зарур. Зеро, сайқалланмаган кўнгилни худбинлик занги, ғараз чирки эгаллаб олади ва бундай инсон руҳиятида жаҳолат ва зулмат устунлик қила бошлайди. “*Кўнгил кўчалари қайларга бошламайди*” дейилганда, ана шу зулматда қолган кўнгил кўчаларидаги адашув, гумроҳлик назарда тутилса керак.

Инсон қалбига сайқал бериш жараёни эса маърифат дейилади. Маърифат маънавият сари элтувчи йўллардан иборат бўлиб, Алишер Навоий “*маърифат водийси*”ни шундай таъриф этади:

*Водиедур юз туман минг онда йўл,  
Ул бу бир келмай, онингдекким бу ул.  
Ихтилофи жузв ила кулл мундадур,  
Ким тараққию таназзул мундадур.  
Юз туман раҳрав кўрарсен беқарор,  
Ҳар бири бир йўлни айлаб ихтиёр.  
Ўз борур йўлига ҳар бир муфтаҳир,  
Йўлни айлаб ўз йўлига мунхасир.  
Бу они тутмай мусаллам, ул муни,  
Ҳар бир ўздин ўзга кўрмай, ул буни<sup>61</sup>.*

(Бу шундай бир водийдирки, уни юз туман минг турли йўллар кесиб ўтади,

Аммо улардан бири иккинчисига сира ўхшамайди.

Бутун ва бўлак ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам шу ерда мавжуд.

Тараққиёт ҳам, таназзул ҳам шу жойдадир.

Унда сен юз туман йўловчини беқарор бир тарзда,

Ҳар бири ўзга бир йўлдан кетиб бораётган ҳолда кўрасан.

Уларнинг ҳар бири ўзи кетаётган йўл билан фахрланади,

Ҳар бири йўлни ўз йўли томонга буради.

Бири хуш тутган йўлни иккинчиси хоҳламайди,

Ҳар бирига ўзиники яхши кўринади, бошқаникини назарга илмайди).

Алишер Навоий ўз мулоҳазалари сўнгида бир гуруҳ сўқир кишиларнинг фил ҳақидаги баҳслари хусусида машҳур ривоятни келтириб, хулоса қиладики, агарчи маънавият йўллари беҳисоб бўлса-да, мақсад ягона - Ҳақиқатни англаб етиш. Инсонларнинг Ҳақиқат ҳақидаги тасаввурлари турлича бўлса ҳам, уларнинг барчаси бир ерга жамланса, умумий тасаввур асл моҳиятга яқинлашади.

Юқорида биз ислом ва мусулмончиликни бир-биридан фарқлаш кераклиги ҳақида фикр юритган эдик. **Ислом** – бу Қуръони карим орқали бизга етказилган илоҳий ҳақиқатлар мажмуи бўлиб, **мусулмончилик** эса ўзини мусулмон деб билган ҳар бир кишининг шу азалий ва абадий

<sup>61</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Т., 1991, с. 198

ҳақиқатлар ҳақидаги ўз замон ва макони, билим ва ҳаётӣ тажрибасидан келиб чиқиб ҳосил қилган тасаввури эканлигини ҳақидаги хулосага келган эдик. Демак, **ислом** – ягона, **мусулмончилик** эса турли –туман бўлса, унда биз қандай йўл тутишимиз керак, деган савол туғилади. Бизнинг назаримизда, бу масалада адашмасликнинг фақат биргина йўли бор. Биз агар аксарият **улуғ аждодларимиз кўрсатган йўлдан** борсак, адашмаслигимиз эҳтимоли кўпроқ. Албатта, бунда Аллоҳ бизга инъом этган ақл ва тафаккур чироғини ҳам қўлдан туширмаслигимиз талаб этилади. Аллоҳ китобида қайта-қайта “*ақлингизни ишлатинг*”, “*тафаккур қилинг*” дейилиши бежиз эмас. Қисқаси, **ақл ва нақл уйғунлигига** риоя қилинса, яъни аждодларимиз васияти атроф-воқеликдаги юз бераётган жараёнларнинг мантиқий таҳлили билан уйғун ҳолда олиб қаралса, бу йўлда қанчалик холислик ва синчковлик бирлашса, шунчалик адашув эҳтимоли камайган бўлур эди.

Шулардан келиб чиқиб, миллий маънавиятимизнинг тарихий такомилли давомида **Тавҳид ҳақиқатини** англаб етиш борасида аждодларимиз эришган ютуқларни босқичма-босқич қисқача кузатиб чиқишни лозим топдик<sup>62</sup>.

Ушбу маънавий такомилли жараёнини **уч катта даврга** бўлиш мумкин. Улар бир-бирининг узвий давоми бўлиш билан бирга, кўп жиҳатдан ўзаро тубдан фарқ қилишлари ҳам бор гап. Масалан, инсоният маънавий такомилнинг биринчи даври, яъни исломгача тараққиётда аксарият кишилар онги **асотир тафаккур** даражасида бўлган. Бу даврни айрим инсон ҳаётидаги гўдаклик, болалик, ўсмирлик йилларига қиёс қилиш мумкин. Ёш болада ҳали мантиқий тафаккур яхши ривожланган бўлмайди, у эртақлар, афсоналарга ишонади, бола учун ҳаёт сеҳрли эртақдек туюлади. Айни шу ҳолат ибтидоий жамоа ва илк шаҳарлар давридаги аксарият инсонлар тафаккурига ҳам хосдир. Гўё гўдак инсон зотини ўз оила аъзолари – ота-онаси, ака-укалари миқёсида, оламни яшаб турган хонадони миқёсида идрок этганидек, ибтидоий одам ҳам ҳали на инсониятни, на миллатни яхлит тасаввур эта олмайди, оила, уруғ, жамоа, қабила, элат даражасида фикрлайди. Мавҳум тушунчаларни идрок этиш бола онги учун оғирлик қилади, худди шунингдек ибтидоий одамлар ҳам ҳар қандай мавҳум тушунчаларни бирор муайян нарса-ҳодисага боғлаб тасаввур этадилар. Айни шу хусусият асотир тафаккур (мифологическое мышление) учун хосдир. Ибтидоий одам учун инсоният – ўз оила аъзолари, уруғ жамоаси(катта оила сифатида), кейинча бориб, қабила, элатдан ташқарида эмас. Қабила бир уруғдан тарқалган **ирсий биродарлар уюшмаси** деб тасаввур этилади. Мушриклик, бутпарастликнинг ҳам асл сабаби – айни шу асотир тафаккурдир. Чунки пайғамбарлар доимо ягона Тангри номидан сўзлаганлар, фақат ибтидоий инсонлар қадим яҳудийлар олтин бузоққа сиғинганидек, ягона Тангри ҳақидаги илоҳий ваҳийни муайян нарса-ҳодиса билан боғлаб тасаввур этганлари натижасида санамларга сиғиниш пайдо

---

<sup>62</sup> Бу масала алоҳида рисолада батафсил кўриб чиқилганини назарда тутиб, биз бу ўринда энг қисқа хулосалар билан кифояландик. Қаранг: М.Имомназаров. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т., “Шарк”, 1996.

бўлган. Ҳар бир қабила ўзи эътиқод қилган Парвардигорини бошқа қабиланикидан фарқ қилади деб тасаввур этиш натижасида, айниқса, шаҳар-давлатдан империялар даврига ўтиш босқичида кўпхудолик тизимлари юзага келган.

Инсон маънавияти такомил топиб борган сари унинг шуури ёришиб, аввал миллат (халқ, “будун”) сўнг минтақа ва, охири, инсоният даражасида ўзлигини англаб борган. Бугун энди инсоният коинот даражасида фикрлашга ўтиб, ўзга сайёралардан ўзига тенг ақлли мавжудотларни қидирмоқда.

Аммо инсониятнинг болалиги ҳам беҳуда ўтмаган. У биринчи бўлиб, Ватанни, она-заминни таниган, яратувчилик меҳнатини қадрлашни ўрганган. Эзгулик ҳалолликда, рост сўзда эканини, ёмон ният, ёлғон сўз, қинғир амалнинг оқибати вой бўлишини англаб етган. Пайғамбарлар келтирган илоҳий ваҳийга қулоқ тутган, ақли етганча яхшиларга эргашган. Миллий ўзликни таниш ва ягона Аллоҳни тан олиш бир-бирига яқин ва туташ даврларда юз бергани биз учун ибратлидир. Бу даврда маънавий камолот асосан ибрат заминида юз беришини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бу ҳам болаликка хос хусусиятдир.

Туркий миллатнинг ўзлигини англаш жараёни турли бегона империялар босқинидан юртни ҳимоя қилиш билан боғлиқ равишда кечганлигини унутмаслигимиз керакдир. Шу жиҳатдан ҳам миллий ўзликни англаш ўсмирликдан йигитликка томон улғайиш – балоғат даврига ўхшаб кетади. Айни шу даврда ёшларимиз юрт ҳимоясига тайёргарликни ўтайдилар, Ватан нима эканлигини ўзлари учун амалда янгидан кашф қиладилар.

Алишер Навоийнинг “*Фарҳод ва Ширин*” достони биринчи қисмида Чин хоқонининг ўғли Фарҳод тилсимланган кўзгу сирини билиш қасдида Юнон юртига сафарга чиқади. Бу йўлда у аввал даҳшатли аждаҳони, сўнг зардуштий динидаги ёвузлик руҳи Ахриманни ва ниҳоят темиртанли тилсимни енгиб ўтиб, донишманд Суқрот суҳбатига етишади. Суқрот энг баланд тоғ бағридаги ғордан жой олган эди. Навоий шуларни алоҳида таъкидлаб дейди:

*Бу уч манзилдан ўтқарганга маҳмил  
Дейилган тоғ эрур тўртинчи манзил.*<sup>63</sup>

Яъни, Фарҳод Суқротга етишгунча **уч манзилни** босиб ўтганлиги таъкидланмоқда. Навоийнинг бу мажозий тасвирида инсониятнинг (балки туркий элатнинг, аждодларимизнинг) исломгача босиб ўтган маънавий такомил йўли бадий тимсоллар орқали гавдалантириб берилмоқда деб тасаввур қилиш мумкин. Бунда биринчи манзилдаги **аждаҳо** - ибтидоий тош асри жамоаси одами табиатидаги ёввойилик тимсолини, иккинчи манзилдаги **Ахриман** - бронза асри “*Авесто*” маданиятидаги асотир тафаккурга хос хурофотлар тимсолини, учинчи манзилдаги **темир одам** - ўз номи билан *темир асри* - ҳарбий демократияга асосланган улкан империялар даврида олиб борилган аёвсиз қирғин урушлар ва шафқатсизлик тимсоли деб талқин

<sup>63</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 8-жилд. Т.-«Фан»- 1991, с. 125

килинса, назаримизда, хато бўлмайди. Шаҳзода Фарҳод тимсолида буюк турк элати аста-секин ўзининг ичидаги душманлари - ёввойилик, хурофот, шафқатсизлик хислатларини бир-бир енгиб ўтиб, маънавий камолот босқичларидан донишмандлик сари кўтарилиб борди.

Қуръони каримнинг “Тин” сураси 4-оятда айтилади: *”Лақаҳд халқна-л-инсана фи аҳсани тақвим. Сумма рададнаху асфала сафилин...”*. (сўзма-сўз таржимаси: *”Дарҳақиқат, биз инсонни энг кўркам шаклу шамойилда яратдик. Сўнгра уни асфала софилинга қайтардик...”*. *”Асфала софилин”* сўзи *”энг тубан ҳолат”* деб таржима қилинади). Аллоҳ таоло инсонни яратар экан, унга ниҳоятда улуғ рисолат тақдир этди, аммо жаннатдан ерга тушган инсон камолот йўлини энг тубан ҳолатдан аста-секин юксак маънавий уфқларга интилиш билан бошлади.

«*Авесто*» маданияти Ҳиндистоннинг «*Веда*» маданияти, қадим Шумер, Бобил ва Ашшур маданиятлари, қадим Юнон ва Рум антик маданиятлари моҳиятига монанд бўлиб, улар сингари тош асридан бошлаб шаклланиб келган **асотир тафаккур** асосидаги маданият эди, унда дунёни, атроф-муҳитни идрок этиш ўзига хос тарзда кечарди. Инсон маънавий камолотининг дастлабки босқичларида бу идрок тарзи анча-мунча ижобий аҳамиятга эга бўлган эса-да, кейинчалик унинг чекланганлиги, ички қусурлари билиниб қола бошлади. Бу маънавий камолотда бўҳрон ҳолатини юзага келтирди, минтақа халқлари тараққиётида маънавий турғунлик хавфи пайдо бўлди. Навоий тимсолларидан фойдаланиб таъбир этганда, аждаҳони енгиб ўтган Фарҳод олдида энди Ахриман-девни енгиш зарурати пайдо бўлди. «*Авесто*»да ўз аксини топган *Маздаясна* эътиқоди асотир тафаккур қобиғидан чиқиб кета олмади.

Демак, **асотир тафаккур** - Борлиқ моҳиятини идрок этишга дастлабки уриниш бўлиб, ибтидоий жамоа, қисман қадимги дунё ва ўрта асрлар одамининг фикрлаш тарзига хосдир. Бу даврларда аксарият **инсонлар ғайб оламига оид нарса-ҳодисалар ва мавҳум тушунчаларни моддий воқелик ашёларидан ажратиб тасаввур қила олмаганлар**.

Бу тафаккур тарзининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун бир мисол келтириб ўтиш жоиз. Мушрикликнинг асотир тафаккур асосида келиб чиқишига ёрқин мисол сифатида **“Авесто”** китоби мазмунида акс этган **Амишосипандлар** масаласини олиб кўриш мумкин. Авестошунос қатор олимлар, жумладан, ҳозирги замон инглиз тадқиқотчиси Питер Кларк ўзининг “Зороастризм” китобида мавжуд **“Авесто”** матнларини даврлаштириб, улардан Зардушт (Заратуштра) номи билан боғлиқ **“Гоҳ”**ларни энг қадимги даврларга оид деб билади. **“Яштлар”** таркибида берилган **Амишосипандларнинг (Амиша Спинта** – авесто тилида **“абодий онг”** маъносини билдиради) умумий номланиши эса кейинги давр матнларида пайдо бўлган<sup>64</sup>.

*Мазда ясна* эътиқодига кўра пайғамбар деб ҳисобланувчи Зардушт **“Гоҳ”**ларида **Сипанд Мийну (Спинта Майню – Тафаккур олами)** асосан

<sup>64</sup> Питер Кларк фикрига кўра **“Яштлар”** Зардушт давридан анча кейин тахминан милoddан аввалги VII-VI асрларда шакллланган.

оламларнинг яратувчиси *Ахура Мазда*нинг (*Ахураҳ Маздах* – Олий билим, донолик, огоҳлик эгаси) сифати бўлиб англашилади. Қолганлари *Ахура Мазда*нинг *нурлари* деб тавсифланиб, куйидаги мавҳум тушунчаларни билдириб келади:

*Ардабехешт* (*Ашаҳ Вахиштаҳ* – Гўзал ҳақиқат, Мукаммал низом ва тартиб)

*Баҳман* (*Вухмана* – Эзгу ният, Эзгу фикр)

*Испандормаз* (*Спента Ормаитий* – Комил ақл)

*Шаҳриёр* (*Заиша Вайраяҳ* – Умид дунёси)

*Амурдод* (*Амирмитота* – Умрбоқийлик, абадият)

*Хўрдод* (*Хавраватот* – Комиллик, Тўғрилиқ)<sup>65</sup>

IX асрда паҳлавий тилида ёзилган “*Бундахишн*” асарида эса улар энди асотир тафаккур таъсирида *Хўрмузд* (*яъни Ахура Мазда*)га ёндош **илоҳий қудратлар** сифатида тавсифланиб, ҳар бири муайян **моддий нарса-ҳодисалар** билан бевосита боғлиқ ҳолда тасаввур қилинади:

**Ардабехешт** – олов ҳомийси (**огонь**)

**Баҳман** - чорва ҳомийси (**скот**)

**Испандормаз** – замин ҳомийси (**земля**)

**Шаҳриёр** – металллар ҳомийси (**металлы**)

**Амурдод** - ўсимликлар ҳомийси (**растительность**)

**Хўрдод** – сув ҳомийси (**вода**)<sup>66</sup>

Демак, Зардуштга нисбат берилувчи қадим матнда ягона Тангри *Ахура Мазда*нинг **сифатлари** (*нурлари*) бўлиб келган мавҳум тушунчалар асотир тафаккур таъсирида кейинчалик ҳар бири алоҳида **илоҳий қудрат** сифатида тасаввур қилина бошлаган. Келтирилган қиёслар инсон ақлий таком依лидаги асотир тафаккур ҳукмронлиги мавҳум **тимсол-тушунчаларни** қандай қилиб моддий олам ашёларига алоқадор мустақил **олий мавжудотларга** “айлантириб юбориши” мумкинлигини очиқ кўрсатиб турипти.

Тарихан биринчи зиёлилар - пайғамбарлардир. Чунки улар ўз даври ижтимоий муҳити шароитида муайян устозлар мураббийлигида муайян матнларда битилган муназзам билимлар тизимини ўзлаштириш имконига эга бўлмаганлар. Уларга Олий ҳақиқат сирлари бевосита ваҳий тарзида нузул этган. Минтақамиз анъаналарида Муҳаммад (с.а.в.)гача неча минг наби ва расуллар, юзлаб илоҳий китоб ва суҳуфлар нозил бўлгани қайд этилади.

Исо алайҳиссаломгача юборилган пайғамбарлар ҳар бири бир қавмга Аллоҳ ҳақиқатидан хабар берган бўлсалар, Рухуллоҳ барча инсониятга

<sup>65</sup> Питер Кларк китобида улар куйидагича берилган:

**Аша Вахишта** – (Лучшая истина; Праведность)

**Воху Мана** – (Добрая мысль/Разум; Доброе Предвидение )

**Спента Армаити** – (Святая Преданность)

**Кшатра Ваирья** – (Сила; Власть/Царство Бога)

**Хаувартат** – (Целостность и Благоденствие)

**Америтат** – (Долгая жизнь и Бессмертие)

(Питер Кларк. Зороастризм. Т., 2010, С. 79.)

<sup>66</sup> Питер Кларк. Зороастризм. Т., 2010, С. 112.

тегишли **Ҳақиқат** хабарини келтирди. У биринчи бўлиб, барча инсонлар ягона Тангри олдида тенг, ўзаро оға-ини, опа-сингил, биродар деб, Аллоҳ ҳукмини эълон қилди. “Ўрта асрлар” деган тушунча беҳуда эмас, бу давр инсоният учун Қадим дунёдан Янги тафаккур тарзига ўтиш босқичидир. VII асрга келиб, Муҳаммад(С.А.В.)га нозил этилган Қуръони карим оятларида ниҳоят узил-кесил ҳақ ботилдан жудо этилди, **инсонлар ягона Аллоҳнинг ер юзидаги халифалари** экани очиқ-ойдин баён этилди. Халқ ҳокимияти, озод фуқаролар жамиятига таянувчи тузумнинг умумбашарий маънавий асослари, шундай қилиб, **Тавҳид таълимоти**да мужассам бўлди.

Ислом дини асотир тафаккурга энг кескин ва охириги зарбани берди. Қуръони каримда “**илм**” сўзи асосидаги “**алима**” (билмоқ) феъл негизига таянган калималар 750 марта учрашлиги илмий тадқиқотларда қайд этилган бўлиб, бу ўзак фақат “**Аллоҳ**”, “**Рабб**” (Парвардигор маъносида), “**бўлмоқ**” ва “**гапирмоқ**” каби энг кўп ишлатилган ўзак-сўзлардан кейин бешинчи ўринда турар экан.

Ислом эътиқоди аввал бошиданоқ инсонни ўқиб-ўрганишга, илм воситаси билан дунёни англаб етишга тарғиб қилади. Ислом динининг яна бир муҳим хислати аҳли башар маънавий камолотида тарихий тадрижийликни қатъий қоида қилиб белгилаб қўйилганлигидадир. Бу масала Қуръони каримнинг кўп суралари жумладан, иккинчи (“**Бақара**”) ва учинчи (“**Оли Имрон**”) сураларининг бошланғич оятларида очиқ-равшан таъкидланган. Тарихий тадрижийлик нафақат Қуръонда, балки ундан олдинги илоҳий китобларда ҳам таъкид этилган ва уларда ўзидан кейинги китобларга ишоралар мавжуд эканлиги маълум.

Ислом маънавиятининг қирралари ранго-ранг, моҳияти теран. Илмийлик ва ёзма маданиятга таяниш, тарихий тадрижийлик ва тавҳид изчиллиги шулар жумласидандир. Қуръони карим оятларига биноан инсоннинг “**ер юзида халифа**” эканлигининг бир неча қайта таъкидланиши ислом маънавиятининг энг улуғ қадриятларидандир. Қуръони каримнинг жуда кўп оятларида инсоннинг азиз ва мукаррам қилиб яратилгани, унга ер ва осмондаги барча нарсалар бўйсундириб қўйилганлиги алоҳида укдириб ўтилган.

Ислом маънавиятининг энг олий нуқталаридан бири қабилачилик хурофотларига узил-кесил барҳам берганлиги, уруғ жамоаси, ягона аждодга бориб тақалувчи ирсий биродарлик ўрнига тавҳид эътиқоди асосидаги инсоний биродарлик жамоаси - “**умма**” тушунчасининг киритилиши бўлди. Бу ҳодиса аҳли башар маънавий такомилида энг муҳим бурилиш нуқтасидир, аммо ушбу ғоя ҳануз ҳам мукамал англаб етилган, деб бўлмайди.

Ислом минтақа маданиятининг энг юксак қадрияти **тавҳид эътиқодини** бутун қудрати, мазмуни, амалий моҳияти ва кўлами билан англаб етиш минтақанинг илғор зиё эгалари учун неча асрлик юмуш бўлди.

Қуръони карим оятлари нозил этила бошлагач, VII аср давомида Тавҳид эътиқоди асосидаги инсоний биродарлик жамоаси - “**умма**” тушунчаси

шаклланган бўлса, VIII аср иккинчи ярми - IX аср бошларидан<sup>67</sup> минтақанинг уч буюк халқи - араб, форс ва туркий элатлар аро сиёсий қудратда ўзига хос мувозанат ҳолати вужудга келди, яъни Ислоннинг асл ғояси - мусулмон умматининг тенглиги амалда жорий бўлишига воқеъ имкон туғилди. Натижада ислом дини кенг тарқалган улкан бир ҳудудда ягона ғоя остида бирлашган яхлит **маданий минтақа** ташкил топди ва у VIII-XV давомида маънавий жиҳатдан узлуксиз такомил топиб борди.

Ушбу маънавий такомил жараёнининг бош ғояси **Тавҳид таълимоти**<sup>68</sup> бўлиб, бу таълимотнинг мазмун-моҳияти асрлар давомида буюк аждодларимиз томонидан борган сари теранроқ англаб етилди ва шунинг асосида мукаммал маънавий-ижтимоий қарашлар тизими ишлаб чиқилди. VIII-IX асрларни ўз ичига олган **Сунна босқичи** Тавҳид Ҳақиқатини бутун кўлами билан англаб етишнинг дастлабки поғонаси бўлиб, бу босқичда Пайғамбаримиз(сав) суннатларининг асоси бўлмиш ҳадис илми мукаммал даражага кўтарилди ва мўътабар ҳадис тўпламлари тузилди. Бу босқичнинг етакчи тамойили **Ибрат маърифати**, яъни ибрат орқали эътиқод бўлиб, Суннанинг моҳияти Муҳаммад (сав) ибрати асосида Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини, унинг чексиз қудратини, Халлоқи олам, яъни Борлиқнинг ягона яратувчиси ва эгаси эканлигини тан олиш ва бунга чин дилдан эътиқод қилишни англатади. Рус тилидаги **“единобожие”** (яккахудолик) атамаси айни шу маънони ифодаलाб келади.

Муҳаддислар наздида ҳазрати **пайғамбаримиз ибрати** инсон маънавий камолоти учун бош маёқдир. Шу сабабли улар умр бўйи риёзат чекиб, ҳадис тўплаганлар, уларни таҳқиқ этиб “саҳих“, яъни ҳақиқий, ишончлиларини “заиф”ларидан ажратиб таснифлаганлар. Натижада, инсон ҳаёти учун ниҳоятда муҳим муаммоларга жавоб бера оладиган исломий ахлоқ-одоб қоидалар тизими вужудга келган. **Ибрат йўли** бугун ҳам шахс маънавиятини шакллантирувчи муҳим йўналишлардандир. Асли маърифатнинг илк йўли ибратдир. Гўдак ёруғ дунё юзига келиб, яшаш ишқи билан ҳаётга интилар экан, ишни ибратдан бошлайди, она ибрати, ота ибрати, акалар ва опалар, бувилар ва боболар ибрати билан воқеликка ўз муносабатини шакллантира бошлайди. Бу дунё асли инсонга ибрат учун яралган. Ёмондан ёмонликни англаб, ундан қайтмоқ ибрат, яхшидан яхшилиқни англаб унга эргашмоқ-ибрат. Ибрат ола билмоқ - маънавият, кўриб - ибрат олмаслик - маънавий сўқирликдир. Аммо ибрат тақлид эмасдир, ибрат ўрнига тақлид - дил кўзининг кўрлигига далолатдир, қачонки, кимдаки, қаерда, қайси замонда ибрат ўрнини тақлид эгалласа, маънавиятнинг ўлгани - ана шу.

Асотир тафаккур ҳукмронлигидан эътиқодий бағрикенглик аро миллий тафаккурга ўта бошлаган туркий элатлар тавҳид эътиқоди туфайли кўшни

---

<sup>67</sup> Асосан 749-750 йилларда - Абу Муслим қўзғолони ва Аббосийларнинг ҳокимиятга келиши, кейин 813 йилда Маъмуннинг халифалик тахтига ўтириши натижасида юзага келган сиёсий-ижтимоий ҳолат назарда тутилмоқда.

<sup>68</sup> Олдиндан айтиб ўтиш лозимки, Тавҳид таълимотининг маъно-моҳияти ислом минтақа маданияти доирасидаги маънавий такомил босқичларининг ҳар бирида мукаммаллашиб борган.



халқлар билан ягона маданий минтақага бирлашдилар. Ушбу ягона маданий бирлик доирасида миллий маънавиятимиз янги уфқлар сари юксалиб борди. Биз VIII – XV асрларни ўз ичига олган ушбу қутлуғ даврни 4 босқичга ажратиб ўргандик. Аммо бир нарсани, албатта таъкидлаб ўтиш жоиз. Ислом минтақа маданияти ўзидан олдинги даврда инсоният эришган барча ютуқларни чуқур ўзлаштирди, мушриклик эътиқодининг рад этилиши асло қадимги маданият самараларини ёппасига рад этиш деб тушунмаслик керак. Қолаверса, ислом минтақа маданияти доирасидаги миллий маънавиятимиз ривожининг биринчи поғонаси бўлмиш **Сунна босқичи**, биринчи навбатда, **ибратга** қурилган бўлса ҳам, ҳеч қачон **илмни**, **риёзатни**, **меҳрни** инкор этган эмас.

Кейинги босқичларнинг ҳам етакчи тамойилларига биз алоҳида урғу берганлигимиз олдинги босқичдаги тамойиллар йўқ бўлиб кетганини ёки назардан четда қолганини билдирмайди. Миллий маънавиятимиз тараққиётининг ҳар бир даври, ҳар бир босқичи ўта мураккаб мазмунга, турли тамойилларининг ўзаро узвий туташган муайян уйғунликдаги тизимига эга бўлиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиш лозим. Аммо бу ўринда биз масалани **Тавҳид ҳақиқатининг** мусулмонлар томонидан англаб этилиши нуқтаи назаридан илк умумий ёндошув даражасида талқин этганимиз сабабли, фақат энг ёрқин тамойилларгагина тўхталиб ўтишни лозим кўрдик.

Нега ислом минтақа маънавияти ривожининг биринчи даврини **Сунна босқичи** деймиз ва уни IX аср билан якунлаймиз? Чунки ушбу асрда яшаб, фаолият кўрсатган 6 буюк муҳаддиснинг бажарган ишлари ниҳоясига етмай туриб, кейинги босқичга ўтиб кетиш маънавий такомил мантиқига тўғри келмас эди. Қуръони каримнинг қонунлаштирилган матни тайёр бўлиб, ундан нусхалар кўчирилгач, Расулуллоҳ ҳадисларини тўплаш, тартибга келтириб, уларнинг ишончли тўпламларини (“*Жомеъ ас-Саҳиҳ*“) тузиш имкони пайдо бўлди ва кейинги 2 аср шунга сарф бўлди. Шунга қиёсан айтиш мумкинки, 6 буюк муҳаддис имомларнинг ишончли ҳадис тўпламлари ҳозирги мавжуд ҳолатида тартиб берилмай туриб, Тавҳид таълимотининг ақлга, мантиқий тафаккурга таянувчи талқинларига уриниш номукамал хулосаларга олиб келиши мумкин эди. Муътазила йўналишининг янглишувлари бунга мисол бўла олади.

Аллоҳ таоло Қуръони карим орқали марҳамат этган мукамал Тавҳид таълимотини аҳли башар томонидан англаб этишнинг илк поғонаси бўлмиш **Сунна босқичи** ўзининг инкор этиб бўлмайдиган фазилат ва ютуқларига эга. Бу босқичда ислом маънавиятининг пойдевори ҳисобланувчи шариат аҳкомлари ва ислом ахлоқи шаклланди. Тавҳид таълимотининг илк талқини бўлмиш ушбу қадриятлар тизими умумминтақа маънавиятининг такомилида нақадар муҳим бўлганлиги, бу босқич қадриятларини бироз бўлса-да инобатга олмаслик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳам тарих тажрибасида неча бор синалган ҳақиқат. Аммо Тавҳид таълимотини бутун борлиги, моҳияти билан англаб олиш учун бўлган ҳаракат бу босқичда тўхтаб қолгани йўқ. Ислом минтақа маънавиятининг такомил тарихи яна бир қатор

босқичларни босиб ўтди. IX асрдан бошлаб ушбу маънода янги йўналишлар бўй кўрсата бошлади ва кейинги асрларда улар етакчи мавқега кўтарилди.

Мусулмон минтақа маданияти доирасида миллий маънавиятимизнинг кейинги такомил босқичи - **Ислом маърифатчилиги** бўлиб, унинг моҳияти шундаки X-XI асрларда яшаб ўтган улўғ қомусий алломаларимиз исломгача инсоният ҳосил қилган барча билимларни қиёсий тадқиқ этиб, инсоният англаб етган барча мавжуд билимлар моҳиятан Тавҳид эътиқодига мувофиқ эканлигини англаб етдилар. Бу босқичда **Тавҳид ҳақиқатини тушуниш** ҳам такомиллашиб, ягона Аллоҳга сиғиниш маъносидан Аллоҳ яратган **Борлиқнинг ягоналиги** (русча “*единобытие*”) ва уни Аллоҳ ато этган ақл ва мантиқий тафаккурга таяниб ҳар жиҳатдан ўрганиш, у ҳақда жиддий билим ҳосил қилиш фарз эканлигини идрок этиш даражасига кўтарилди. Шу сабабли ҳам бу босқичдаги етакчи тамойилни **Илм маърифати** деб таърифлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон маънавий такомилдаги бу инқилобий ўзгариш натижасида инсоният Ибтидоий жамоа, қисман Қадимги дунё ва Ўрта асрлар одамининг асосий фикрлаш тарзи бўлмиш **асотир тафаккур** даражасидан юқори кўтарилиб, **мантиқий тафаккур** (яъни сабаб-оқибат боғланишлари асосида фикр юритиш), **тимсолий тафаккур** (яъни ўз қарашларини рамз ва тимсоллар воситасида ифодалаш), **тарихий тафаккур** (турли манбалар орқали аниқланган маълумотларга таяниб хулосалар қилиш) каби ҳозирги замоннинг **асосий тафаккур турлари** ва улар асосида қатор **мураккаб таркибли тафаккур турлари** (илмий тафаккур, бадий тафаккур ва ҳ.к.) мукаммал шакллана бошлади.

Бу даврга хос бўлган энг асосий хусусият **ақлга таяниш** бўлиб, Ислом маърифатчилиги босқичида Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг етакчи йўналиши бўлган **илм маърифати**га тўлиқ мос келарди. Рудакийнинг замондоши Абу Шукур Балхий бу ҳақда шундай ёзади:

*Хирадманд гўяд: “Хирад – подшо-ст,*

*Ки бар хос-у бар ом фармонраво-ст.*

*Хирадро тани одаме лашкар аст,*

*Ҳаме шахват-у орзу чокар аст.*

(Ақликлар айтур, ақл – подшодир,

Ақл барчага бир фармонраводир.

Тана аъзолари – ақл лашкари,

Шахвату орзулар унинг чокари.)<sup>69</sup>

Инсон ақлининг қудратига бу даражада юқори баҳо бериш Форобий ва Рудакийда ҳам, Мотуридийва Фирдавсийда ҳам, Ибн Сино ва Юсуф Хос Ҳожибда ҳам, Бируний ва Носир Хисрав асарларида ҳам етакчилик қилади.

Дарҳақиқат, Сунна ахлоқи мусулмлар жамоасининг ички мувозанати ва интизоми учун зарур бўлса, минтақа ва жаҳондаги ўзга таълимотлар, ўзга ақида тизимларини маънан енгиб ўтиш учун энди мантиқий тафаккур қудрати лозим эди. IX асрда Эронда, қисман, Мовароуннаҳр ва Хуросонда, Маздаясна эътиқоди хануз кенг урф бўлибгина қолмай, ҳатто бу таълимот хусусида

<sup>69</sup>

бугунги кунгача етиб келган муҳим асарлар яратилгани бизга маълум. Худди шу даврда Шарқий Туркистонда монавийлик бидъати ва буддавийлик эътиқоди руҳида туркий тилда бой адабиёт яратилди. Кишилар онгига асрлар мобайнида ўрнашиб келган бу сингари кўхна ақидалар янги изчил Тавҳид эътиқоди билан алмашиши учун Сунна анъанаси кифоя қилмас эди. Бу курашда ҳолис илмий баҳс қуроли бўлмиш мантиқий тафаккур қудрати ўта зарур эди. Демак, Тавҳид таълимотининг тараққиётида маърифатчилик босқичи ҳар жиҳатдан тарихий зарурат бўлиб, бу йўналишдаги ҳаракат Сунна босқичи ҳали етакчи мавқе эгаллаб тургандаёқ бошлангани сир эмас.

Бугунги кунда биз **“маърифат”** тушунчасини баъзан тор талқин қилиб, илм ўрганиш, турли соҳалардан билим ҳосил қилиш деб ўйлаймиз. Асли ақл билан англаб етиладиган билимларни ўзлаштиришга интилиш **“маърифат водийсида”**ги бир йўналиш, ҳолос. Форобий сингари файласуфлар, Юсуф Хос Ҳожиб каби аллома шоирлар ақлини, мантиқий тафаккур йўли билан ўзлаштириладиган билимларни инсонни бахт-саодат сари элтувчи асосий йўл деб тушунганлар. XVIII-XIX аср Европа маданиятида ҳам шу фикр етакчи бўлди. Аммо кейинги даврларда кўп аждодларимиз илм йўлини етарли деб билган эмаслар.

**Ислом маърифатчилиги** босқичида ақлга, мантиқий тафаккурга таяниш натижасида **ҳақиқатни англаб етишнинг турли мувозий (параллел) йўналишлари** шакллана бошлади. Сунна доирасидаги мазҳабларга қараганда энди бу даврда шаклланган фикрий оқим ва йўналишларнинг ўзаро фарқи анча-мунча сезиларли тус олган ва ўзаро мунозара ҳам кучайган эди. Бу даврнинг катта-кичик оқимлари ниҳоятда кўп бўлганлиги сабабли биз фақат энг муҳимларигагина тўхталиб ўтамиз. Уларни танлашда ўз билгимизча иш кўрмаслик учун ушбу даврнинг энг нуфузли намояндаларидан бўлмиш Имом Абу Ҳамид Ғаззолий (1058-1111) ҳамда мутафаккир шоир ва олим Умар Хайём (1048-1122) санаб ўтган йўналишларнинг ўзига диққат қаратсак, кифоя қилса керак.

Ислом маърифатчилиги даврининг энг буюк алломаларидан бўлмиш Имом Абу Ҳамид Муҳаммад бин Муҳаммад ал-Ғаззолий ислом минтақа маънавиятининг ўзидан олдинги 5 асрлик такомилени ўз асарларида теран хулосалаб, янги йўналишларни белгилаб бера олган буюк устоздир. *“Ал-Мунқиз мин ад-далал”* (“Адашувлардан қутқарувчи”) асарида Имом ал-Ғаззолий ёзади: *“Менда шундай тасаввур шаклландики, Ҳақиқатни изловчилар тоифаси тўрт гуруҳга бўлинадилар:*

1. Мутакаллимлар...
2. Ботинийлар...
3. Файласуфлар...
4. Суфийлар... ”<sup>70</sup>.

Умар Хайём ҳам ўзининг *“Дархостнома”* (“Сўралган нарса ҳақида китоб”) рисоласида ушбу йўналишларни ўзгаришсиз қайтаради, яъни

---

<sup>70</sup> Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана. М.-«Наука»-1960, с. 217 (Ғаззолийнинг ҳар бир гуруҳга берган қисқача таърифларини тушириб қолдирдик – муаллиф)

мутакаллимлар, файласуфлар, исмоилийлар (яъни ботинийлар) ва суфийларни у ҳам санаб ўтади<sup>71</sup>.

Ҳар икки олимнинг таснифи ўзаро мос тушганлиги аввало ислом маърифатчилиги даврига хос бир маънавий фазилатни муайян акс эттиради: бу даврга келиб ислом минтақа маънавиятида нафақат шариат аҳкомлари талқинида турлича қарашлар, балки янада кенгроқ маънода, яъни **Борлиқнинг олий ҳақиқатини** излашда бир-биридан жиддий фарқ этувчи турлича йўналишлар вужудга келган ва улар зиёли давраларда ўзаро расман тан олинган эди. Ҳозирги замон тилига ўгириб айтганда, Сунна даврида ислом эътиқоди ақидалари мажмуи бўлмиш шариат доираси билан чекланган талқинлар плюрализми (ислом динининг беш мазҳаби) шаклланган бўлса, энди иккинчи босқичда Ҳақиқатни англаб етишда турли оқим ва йўналишлар (Тавҳид таълимоти доирасидаги турлича қарашлар) плюрализми вужудга келди. Ушбу ҳодиса хурфикрлик анъаналари ислом минтақа маънавиятида X-XI асрлардан янада кенг ривож ола бошлаганини англатар эди.

**Илмни Шахс камолотининг ҳам иккинчи босқичи деб ҳисоблаш** мумкин. Агар боланинг илк тарбияси кўпроқ атрофидаги катталардан ўрганиш, ўқиган-эшитган эртак қаҳрамонларидан ибрат олиш асосида бўлса, ўсмир ёшига ўтишидан унинг шуурида ҳаёт ходисаларига таҳлилий ёндошув уйғонади. Мактабда ҳам шу сабабли алоҳида фан асосларидан таълим бериш 6-7 синфлардан бошланади. Махсус илмларга чуқур кириб бориш эса олий ўқув юртларида амалга оширилади. Демак, илмий тафаккурнинг шаклланиши балоғат ёши билан боғлиқ. Албатта, ҳаётга илм асосида ёндошув барчада бир хил даражада бўлиш қийин. Ҳақиқий илмга қобиллик алоҳида истеъдоддир.

**Илм ва ибрат ўзаро боғлиқ.** Пайғамбаримиз ҳаёти - ибрат, Имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолияти ибрат, “*Жомеъ ас-Саҳиҳ*“ китоби эса илмдир. Форобийнинг илм йўлидаги фидоийлиги ибрат, “*Фозил шаҳар фуқароларининг қарашлари*” рисоласи эса илмдир. “*Қонун фи-т-тиб*” - илм, Ибн Синонинг илмга чанқоқлиги эса ибратдир. Биз Форобий ва Ибн Сино илмини ўзлаштиришга астойдил бўлмасак, аммо фарзандимизга уларни ибрат қилиб кўрсатсак, “*Жомеъ-ас-саҳиҳ*“ни ўзлаштирамасдан пайғамбаримизга меҳру садоқатдан лоф урсак, риёдир, мунофиқликдир, бу билан фақат ўзимизни инсонлар ва Аллоҳ олдида шарманда қиламиз, гуноҳларимизни кўпайтирамиз, жаҳолатимизни фош этамиз. Аммо жаҳондаги барча илмларни инсон эгаллаб улгура олмаслиги ҳам маълум. Дунёнинг иши илм ва фаросат билан бўлур. Дарвоқе - фаросат ҳам Аллоҳнинг инъоми - маънавият нуридир. Инсон ўзига нима ва қай даражада лозим эканлигини фаросат билан (ва фаросатига яраша) аниқлаб олади. Илм - ҳосил қилинган билимни идрок этмоқдир. Аммо илмни фақат рисоалардан, қоғоз юзидан қидирмоқ ҳам етарли эмас. Саводсиз деҳқоннинг зироат илми баъзи ўқиб-укмаган ёлғон академикниқидан бир неча бор юқори ва мукамалроқ бўлиши мумкин. Ер илми, табиат илми - ёлғиз

---

<sup>71</sup> Морочник С. Б., Розенфельд Б. А. Омар Хайям. Поэт, мыслитель, ученый. Сталинабад, 1957, с.207-208

китобдан ўзлаштирилмайди, ерга, табиатга, ҳар бир кўкат ва жонли мавжудотга меҳр билан, эътибор ва идрок билан белгиланади.

Ислом минтақаси доирасидаги яхлит маънавий такомил жараёни - **инсоннинг ўзлигини англаш йўлидир**. Бизнинг аждодларимиз наздида бу йўлнинг асл моҳияти **Тавҳид таълимотини** мукаммал англаб етиш билан боғлиқ бўлиб, уни ибтидода ибрат даражасида, ахлоқий камолот эгаларига эргашув тариқасида қабул этилган бўлса, кейинроқ ақл, мантиқий тафаккурга таяниб, умумбашарият яратган яхлит илмий ва маданий меросни англаб етишга интилиш кучайди. **Борлиқнинг ягоналиги ҳақидаги илмий-фалсафий тасаввур шаклланди**, ягона борлиқ моҳиятига қарашлар хилма-хиллиги идрок этилди. Эътиқод илм билан мустаҳкамланди. Инсон ўзини ва воқеликни тушунишда асотир тафаккур босқичидан илмий тафаккур босқичига кўтарилди.

IX асрдан авж ола бошлаган **Ислом маърифатчилиги** X - XI асрлар давомида минтақа маданиятига исломгача башарият яратган бутун маънавий бойликни ўша давр имкони даражасида олиб кириб, уни чуқур ўзлаштириш ва янгича руҳда қайта талқин қилишга эришди. Аммо бу орада ушбу босқичнинг ноқис жиҳатлари ҳам кўриниб қола бошлади. Биринчидан ғоялар хилма-хиллиги ниҳоятда кучайиб, улар орасида баъзан муросасиз кураш ва зиддиятлар авж олиб кетди. Ислом дини ичида турли бидъатлар беадад кўпайиб кетган эди. Иккинчидан, кўпроқ ҳукмдорлар саройида ва хос зиёлилар орасида юқори даражаларга кўтарилган илм ва мантиқий тафаккур мевалари ҳануз **Сунна ва шариат босқичи**да қолиб келаётган оддий шаҳар ва қишлоқ аҳолиси (авом) орасига кўп сингиб бормаган ва маълум маънода, кенг халқ оммаси билан хос илмий доиралар тафаккур даражаси орасида узилиш вужудга келган эди. Сунна йўналиши намояндалари жамиятни ушбу узилиш туғдириши мумкин бўлган маънавий номавзунлик ҳолатидан ҳимоя қилиш ниятида мотуридия ва ашъария Каломига таянган ҳолда халифа ал-Қодир (991-1031) фармони билан имон асосларини ишлаб чиқдилар ва жорий этдилар. Аммо бу билан фикр ривожини тўхтаб қолгани йўқ. Тавҳид таълимоти заминидан борлиқни англаб етиш турли йўналишларда давом эта берди ва тафаккур ривожини ҳеч қандай фармон билан ушлаб туриш мумкин эмаслиги борган сари ойдинлашиб борди.

Хуллас, XI аср охири - XII аср бошларида жамиятнинг маънавий аҳволи янги бир босқичда уйғунлашув ва мувозанатни тақозо этарди. Тасаввуф таълимоти айна ана шу эҳтиёжга муносиб жавоб бўла олди. X - XI асрларда **“Ҳақиқати изловчилар”**нинг бир йўналиши сифатида тан олинган бу оқим намояндалари мусулмончилик тарихининг дастлабки асрларидаёқ пайдо бўла бошлаган бўлсалар-да, унинг мукаммал таълимот сифатида шаклланиши ва ислом оламида кенг тарқалиши учун бирнеча асрлар керак бўлди. Аввал тақвога ўта қаттиқ риоя қилиш, нафл ибодатларга берилиш билан кўзга ташланган бу йўналиш VIII асрга келиб Робияйи Адавия сиймосида илоҳий ишқни улуғлашни биринчи ўринга чиқарди. IX асрдан Зуннун Мисрий (вафоти 859), Хорис Мухосибий (791-857), Боязид Бистомий (вафоти 875 йил) каби суфий шайхлари тасаввуф назариясига илк пойдевор тошларини қўя

бошладилар. IX аср охири X аср бошларида Жунайд Бағдодий (вафоти 910 йил) , Мансур Халлож (858-922) каби машхур сиймолар етишиб чикди. X аср охирида тасаввуф бўйича илк умумлаштирувчи китоблар “Китоб ал-лумаъ фит-тасаввуф” (Абу Наср Абдуллоҳ ибн Али Саррож -вафоти 988 йил), “Китоб ат-таарруф ли мазҳаб-ул-тасаввуф” (Муҳаммад ибн Иброҳим Бухорий Калободий - вафоти 995 йил) кабилар ёзилди. Тасаввуф таълимотининг кенг ёйилиши XI асрдан бошланди, дейиш мумкин. Бу аср тасаввуф насрий адабиётининг йирик вакили - Алишер Навоий тарафидан “пири Хирот” деб улуғланган Абдуллоҳ Ансорий (1006-1089), форс тилида ижод этган халқчил тасаввуф шеърляти вакиллари Бобо Тоҳир Урён, Абусаид Абулхайр (967-1049), Абдулҳасан Хароқоний (вафоти 1033 йил), Бобо Кухий (вафоти 1050 йил), тасаввуф ҳақида турли рисоалар муаллифлари Кушайрий (987-1073), Хужвирий (вафоти 1076 йил), Ас-Сулабий (937-1021) ва тасаввуфнинг бошқа машхур амалиётчи ва назариётчилари яшаб ўтган даврдир. Аммо XI асрда ҳануз ислом маърифатчилиги - файласуфлар, мутакаллимлар, ботинийлар, табиий ва аниқ фан алломалари, қисқаси, ақл ва билимни биринчи ўринга қўювчилар етакчиликни қўлдан берган эмас эдилар. Бу даврга ўз ижоди билан яқун ясаган инсон ҳам XI аср охиридаги мантиқий тафаккурнинг энг забардаст вакили Имом Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1111) бўлди.

Ғаззолий “Тахофут ал-фалосифа” (“Файласуфларнинг ўз-ўзини инкор қилиши”) асарида мантиқий тафаккурнинг ички зиддиятларини, ислом маърифатчилиги даври файласуф алломаларининг асарларидаги ўзаро зид келувчи ўринларни чуқур таҳлил қилиб берди. Унинг Шарқдаги энг машхур ва кенг қамровли асари “Эҳёи улум ад-дин” (“Диний билимларнинг қайта жонланиши”) бўлиб, бу асарда аллома ўз қарашларини мунтазам бир тарзда баён этган. Ғаззолийнинг фалсафий қарашлари ислом минтақа маънавиятининг маълум бир босқичи яқунланиб, янги босқич бошланаётганидан ёрқин бир нишона эди. Китобда ахлоқий, диний, ҳуқуқий, ирфоний тушунча ва муаммолар бақувват мантиқий далиллар ёрдамида жиддий таҳлил этилади ва ишонарли тарзда тушунтириб берилади.

XII аср биринчи ярмида Ғаззолий қарашлари минтақанинг кўп жойида ҳануз жиддий англаб етилмаган, ҳатто уни қоралаш, рад қилиш ҳаракатлари кўзга ташланар эди. Аммо вақт ўтган сари буюк мутафаккир меросининг қадрлари ва нуфузи оша борди. Ирфон қадриятлари борган сари кенгроқ инсонлар жамоасини ўзига жалб этиб, турли тасаввуф тариқат ва сулуклари таркиб топа бошлади.

Ғаззолий XII асрнинг дастлабки йилларида яратган ўз қомусий асарида ўзаро баҳс ва низолар ўрнига эл маънавиятида шундай бир уйғун мувозанат таклиф этдики, ундан кейин барча тоифа ва йўналишлар, барча ижтимоий гуруҳлар ва фикрий оқимлар томонидан тасаввуф таълимоти ва амалиёти билан ҳисоблашмаслик имконияти қолмади. Ғаззолий ўзининг бош асарида Сунна ва тасаввуф қадриятларини ўзаро уйғун эканлигини исботлаб қўяқолмай, имон, илм ва ирфоннинг яхлитлигини мантиқий асослаб берди. Сунна аҳлини илм ва ирфон вакиллари билан яқинлаштириб, ислом оламида янги босқичдаги маънавий уйғунликни таъминлашга улкан асос яратди. Шу

билан бирга Ғаззолийнинг илмий-ижодий фаолияти минтақа халқлари маънавий камолотини **Ислом маърифатчилиги** босқичидан янги бир поғонага - **Тасаввуф тариқатлари ва ирфон** босқичига кўтарилиши учун мустаҳкам замин яратиб берди.

Шундай қилиб, XII-XIII асрлардан тасаввуф таълимоти ислом минтақасида зафарли “юриш” бошлади ва Борлиқни идрок этишнинг Ирфон йўналиши узил-кесил етакчи ўринга кўтарилди. Буюк тасаввуф шайхлари - юртдошларимиз Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолик Ғиждувоний шу даврда яшадилар. Тасаввуф шеъриятининг энг забардаст вакиллари Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ибн ал-Фарид ва ирфоний тафаккурнинг энг буюк намояндаси Ибн ал-Арабий ҳам шу муддатда ижод қилдилар.

XII-XIII асрлар давомида то бизнинг замонамизгача муайян таъсирини сақлаб келган асосий тариқатлар – Сухравардия, Қодирия, Рифоия, Яссавия, Кубравия, Шозилия, Бадавия, Дасукия, Чиштия, Мавлавия шаклланиб улгурди. Кейинчалик нақшбандия деб шуҳрат топган Хожагон сулукининг қатор шайхлари - Юсуф Ҳамадоний (1049-1140), Абдулҳолик Ғиждувоний (вафоти 1179), Ориф Ревгарий (вафоти 1259йил), Маҳмуд Анжир Фағнавий (вафоти 1272) кабилар ҳам шу икки аср оралиғида яшаб ўтдилар.

Сунна босқичи - ўғит ва ибрат асосига, ислом маърифатчилиги эса ақл ва мантиқий тафаккур қудратига таянишини кўриб ўтдик. Ирфон-чи? Илм эгаси олим бўлса, ирфон нима-ю, ориф ким? Ўғит ва ибрат ташқи ҳодиса, ақл ҳам мавзуга ташқаридан туриб ёндошади. Ирфон эса Тавҳид моҳиятини англашга инсоннинг бутун руҳий қувватини сафарбар этади, бунинг учун эса аввал руҳий қувватни жамлашга ўрганиш керак бўлади. Инсоннинг руҳий камолоти тасаввуфнинг асосий мақсади бўлиб, бу йўналишда ҳар бир улуғ шайх ўз тартиб-қоидаларини ишлаб чиқди ва шу асосда турли тариқат сулуқлари шаклланди.

Шайх Нажмиддин Кубронинг истеъдодли шогирди Нажмиддин Доя ўзининг 1223 йили Куняда ёзиб тугалланган рисоласида<sup>72</sup> Инсон ва унинг моҳияти, Олий ҳақиқат (Ҳақ асрори)га ва Борлиққа муносабати ҳақида шундай мулоҳаза юритади:

Мавжудотлар олами, яъни моддий дунёдан мақсад инсон вужудидир. Икки олам инсон вужуди учундир. Инсон вужудидан мақсад эса Аллоҳ таоло зоту сифатларини англаб этишдир. Буни маърифат дейдилар. Фаришта ва жинлар Аллоҳга ибодат этишда инсонга шерик бўлдилар. Аммо маърифат инсондан ўзга ҳеч қандай маҳлуқотга насиб бўлмади. Ҳақ маърифати юкини кўтармоқ фақат инсон зотига вожиб бўлди. Инсоннинг мумтозлиги шу туфайлидир. Аммо Нажмиддин Доянинг фикрига кўра, Инсон вужудида Ҳақ

---

<sup>72</sup> Олимнинг «Мирсод ул-ибод мин ал-мабдаъ илал-маод» асари форс тилида ёзилган бўлиб, XIX асрда Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон II (Фируз) топшириғига биноан ўзбек тилига ўгирилганлиги маълум. Ушбу асар қўлёзмалари ЎзФА Абу Райҳон Бируний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Эронда бу асар нашр этилган, аммо бизда бу асар ҳақида ҳануз махсус тадқиқотлар ҳам, асар таржималари ҳам эълон қилинмаган. Фақат «Соғлом авлод учун» журнали 1996 йил 1-сонида Нажмиддин Доя ҳақида дастлабки мақола эълон қилинди (с. 40-43)

маърифатини акс эттирувчи кўнгил кўзгуси даставвал фақат имкон даражасида мавжуд, холос. Уни воқеликка айлантириш учун узоқ жидду жаҳд лозим. Кўнгил кўзгуси риёзат билан сайқал топади, инсоннинг маънавий тарбияси, ўз интилиши, пир-тарбиячининг иршоди нафс тарбияси билан бўлади. Бунинг учун инсон, биринчи навбатда, ҳам жисмоний, ҳам маънавий покланмоғи керак. Тасаввуф тариқати ушбу покланиш йўли бўлиб, уни темирчининг оловли кўрасига қиёс этиш мумкин. Унда инсон кўнгли аввал мумдек юмшаб, шакл олади, сўнг чиниқтирилади ва сайқал берилади. Охирида кўнгил пўлат кўзгу сингари шундай сайқал топадики, ўзида илоҳий нурни акслантириб, ой сингари нурланиб, ўзи ҳам атрофга зиё тарата бошлайди. Ана шундай кўнгил эгаси комил инсондир.

Ўзбек тилимиз комил инсон моҳиятини ниҳоятда теран ифодалайди - “зиёли”, яъни ўзидан атрофга зиё, нур таратувчи. Зиёли инсон атроф зулматни ёритади, ўзга инсонлар руҳини ҳам маърифатли этади, кўнгилларни нурлантиради. Зиёли, яъни ўзлигини англаб етган инсонда илм, имон ва амал бирлиги вужудга келади. Ҳазрати пайғамбаримиз марҳамат қиладилар: “Ман арафа нафсаҳу, фа қад арафа раббаҳу”. (“Ким ўз нафсини англаб етипти, демек, Парвардигорини англаб етипти”). Мана шу одам ориф, унинг етишган маърифати - ирфондир. Шоир ёзади:

*Эй нухаи номаи илоҳий-ки туий,  
В-эй ойинаи жамоли шоҳи-ки туий,  
Бирун зи ту нист ҳарчи дар олам ҳаст,  
Дар худ беталаб, ҳар он чи хоҳи-ки туий.*

(Эй илоҳий нома нухаси - ўзинг,  
Ва ҳукмдор жамоли ойинаси - ўзинг,  
Оламда неки мавжуд, сендан ташқарида эмас,  
Ҳар неки истасанг, ўзингдан иста, барчаси - ўзинг)

Ирфон йўналиши Борлиқни идрок этишнинг мутлоқо ўзига хос йўли бўлиб, Суннадан ҳам, мантиқий тафаккурдан ҳам тамомила фарқ қилади. Бу ҳақда ибратли ривоят бор. Маълумки, олов куйдиради. Буни бизга муаллим тушунтиради ва биз унинг гапига ишониб, “олов куйдиради” деймиз. Бу – **ибрат** маърифати. Сунна босқичини шунга қиёслаш мумкин. Иккинчи босқичда биз тажриба ўтказамиз - қоғозни шам олови тепасида тутсак, қоғоз ёнабошлайди ва биз “олов куйдиради”, деб хулоса қиламиз. Бу - **илм** дейилади. Ислом маърифатчилиги даври намояндалари шу йўналишда иш олиб борганлар. Ирфон босқичи эса суфийлар йўли бўлиб, улар оловга ўзлари кирадилар ва **риёзат** чекиб Ҳақни танийдилар. Яъни, сўфий Тавҳид моҳиятини англашга бутун руҳий кудратини сафарбар этади. Бунинг учун ишни нафсни поклашдан бошламоқ керак бўлади. Тасаввуф тариқатлари маънавий покланиш йўли бўлиб, ўзлигидан (худбинликнинг барча кўринишларидан) пок бўлган инсон кўнгли Ҳақ зиёсини ўзида акслантира бошлайди. Комил инсон - том маънодаги зиёлидир. Зиёли, яъни ўзлигини англаб етган инсонда имон, илм ва амал бирлиги вужудга келади. Бундай инсон ўзидан атрофга зиё тарата бошлайди, ўзга инсонлар руҳини ҳам маърифатли этади, кўнгилларни нурлантиради. Албатта, орифлик ҳар кимга



ҳам насиб этмайди, валийлик рутбаси бугунги бизнинг тасаввурларимиздан беҳад юқоридир. Лекин маънавият ҳақиқат йўлида руҳият сафарбарлиги эканлигини аждодлар бизга англадилар.

Риёзат чекиб кўнгилни поклаш, уни худбинлик зангидан тозалаш тасаввуф сулукларининг асл мақсадидир. Инсон ўз бошига тушган, ҳаётида рўй берган қийинчиликлар, турли бало-ю кулфатларга чидаши, тоқат қилиши сабр-бардош дейилади. У ҳали риёзат эмас. **Ҳақ йўлида онгли равишда инсон ўз олдига улуғ бир мақсадни белгилаб, унга етишиш учун ихтиёрий равишда барча қийинчиликларни бўйинга олиб, тўсиқларни енгиб ўтиб, олға интилишигина риёзат бўлади.** Инсон риёзат чекмай умуман бирор нарсага эришиши қийин. Халқимиз шунинг учун, содда қилиб, “жондан кечмасанг, жонона қайда”, дейди. Дарҳақиқат, риёзатсиз на у дунё, на бу дунё саодати инсонга насиб бўлмайди.

XII-XIII асрларда ўзининг олий босқичига кўтарилган тасаввуф ирфони XIV асрга келиб **Баҳоуддин Нақшбанд** шакллантирилган таълимотда мукамал ниҳоясига етишди. Шу сабабли кейинги асрларнинг энг кенг тарқалган (ғарбда Ҳижозу Яман, шимолда Болқону Волгабўйи, жанубда Индонезиягача урф бўлган) тариқати нақшбандия бўлди.

Тасаввуф ҳақида охириги пайтда кўп ёзилмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловнинг бу борада олиб бораётган жиддий тадқиқотларини эслаб ўтмасликнинг иложи йўқ. Аввало олим форс тилидаги тасаввуфга оид қатор муҳим манбаларни ўзбек тилига таржима қилди. Кейинча уларни тўплаб, “Комил инсон ҳақида тўрт рисола” номи билан нашр эттирди. Бундан ташқари тадқиқотчининг икки жилддан иборат “Тасаввуф” асари ҳам босилиб чиқди. Умуман мустақиллик йилларида олимларимиз томонидан бу мавзуга эътибор кескин кучайганлиги қувонарли ҳол.

Аmmo бир нарсани қайд этиш лозимки, тасаввуф ҳақида (ва умуман, ҳар қандай мавзу хусусида) ёзганда тарихийлик ва матн масалаларига жиддий эътибор бермоқ лозим. Масалан, X -XI асрларда кўчирилган қўлёзма билан XX аср бошларида нашр этилган тошбосма китобнинг маълумотлари мутлақо тенг қийматга эга эмас. Ирфоний ғоялар ривожини фақат тарихий тадрижийликда кўриб чиқишигина ишонарли хулосаларга асос бўла олади.

*“Мақомоти хожа Баҳоуддин Нақшбанд” китобида шундай ривоят бор: “Бир куни хоҷамизнинг шариф суҳбатларида Султон ул-Орифин (яъни Боязид Бастомий)нинг “Бу йўлда юривчи қанчалик юрмасин, сўнги қадами бизнинг биринчи қадамимиз устида бўлади”, деган сўзлари нақл қилинибди. Хоҷамиз ғайрат юзасидан: “Биринчи қадами Боязиднинг охириги қадами устида бўлмаган кишига Ҳақ субҳонаҳунинг суҳбати ҳаром бўлсин!” деган эдилар. Ва улар: “Биз интиҳони ибтидода тугаллаймиз”, дер эдилар.”<sup>73</sup>*

Ушбу нақлда бир ҳақиқат акс этган: тасаввуф ирфонининг такомилида **Боязид Бастомий** (IX аср охири) йўл бошида, Баҳоуддин Нақшбанд (1318-

<sup>73</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон (Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд). Т.-«Ёзувчи»-1993, с.47

1383) эса йўл охирида туриптилар. Боязид Бастомийнинг охирги қадами, нақшбандия сулуки учун биринчи қадам бўлмоғлиги фарздир, чунки тадрижийлик шуни тақозо этади.

Нақшбанднинг энг машҳур ибораси “*Дил ба ёру даст ба кор*” (“Дил ёр билан, қўл иш билан банд бўлсин”) эса энди тасаввуф ирфони ўз асосий мақсадига эришганлигини, яъни Ҳақиқат асрори кўнгиллардан муқим ўрин олганлиги ва бу ёғи амалий ҳаракат биринчи ўринга чиқа бошлаганини билдирар эди. Энди сўфийнинг “*Аналҳақ*”, яъни мен Ҳақиқатни топдим, мен Ҳақ асрорини англаб етишга эришдим, деб ҳайратланиши охирги қадам эмас, биринчи қадам бўлиб қолган эди. Беҳуда эмаски, ҳазрати Баҳоуддиндан нақл этадилар: “*Талаб айёмларида Мансур Халлож сифати икки марта менда тугён урди. Бир дор бор эди, икки марта ўзимни дор остига етказдим ва дедим: “Жойинг мана шу дордир! Тангри инояти билан бу мақомдан ўтиб кетолдим.”* Ҳазрати Азизон (Хожа Али Рометаний - вафоти 1321 йил) айтган эканлар: “*Агар ер юзида Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний қаддасаллоҳу сирраҳул-азизнинг фарзандлари (яъни, маънавий меросхўрлари - муридлари) дан бир киши бўлганида эди, Мансур ҳаргиз дорга осилмас эди.*”<sup>74</sup> Бу ривоятлар яна бир марта нақшбандия тариқатининг минтақа маънавияти такомилида ирфон босқичи учун яқунловчи ва умумлаштирувчи бўлганлигига ишора этади.

Тавҳид асрорини англаб етиш Сунна билан бошланиб, тасаввуф ирфонидида юксак камолотга эришди. Аммо бу йўналишлар ибрат, мантиқий тафаккур ва руҳий камолот сифатида асосан инсоннинг ички такомилига қаратилган эди. Инсон ўз-ўзини англаб етиш орқали Ҳақ асрорини идрок этишга интилди, аммо инсоннинг якуний мақсади шунда тугайдими? Инсон Тавҳид асрорини ўзи учун англаб етди, дейлик, энди у нима қилиши керак?

Шу саволга тасаввуфнинг охирги тариқати - Нақшбандия жавоб берди: биринчи мақсадга эришилди – “*дилда ёр*” ҳолати мавжуд, энди ишга киришмоқ лозим - “*даст ба кор*” га ўтиши керак. “*Дилда ёр*” ҳолати дилда ғараз, яъни худбинлик йўқлигини кўрсатади, энди “*даст ба кор*” бўлса, яъни ишга қўл урилса, ўз шахсий ғаразли мақсадлари учун эмас, холис Аллоҳ учун, Ҳақ учун, ҳақиқат ва адолат тантанаси учун амалий ҳаракатга киришилган бўлади. Шу сабабли ҳар нафас “*дилда ёр*” бўлиши, “*Аллоҳ*” исми дилда зикр этилиши, яъни “*Ҳуш дар дам*” қоидасига риоя этилиши тақозо қилинади. Чунки Аллоҳ номи бир нафас дилни тарк этса, дарҳол ўрнини ғараз, худбин бир ният эгаллаши мумкин. “*Назар бар қадам*” ҳам шу маънога яқин туради, яъни беҳуда бирор қадам қўймаслик, ҳар бир амалий ҳаракатнинг Ҳақ йўлида қўйилаётганини таҳлил этиб, диққат билан кузатиб, назардан қочирмай бориш кераклиги иккинчи қоидадир. Учинчи қоида - “*Сафар дар ватан*”, яъни вужуд ичида турган ҳолда руҳнинг моддийлик балчиғига булғанмаслиги, Ҳақ иродаси моддий ҳою ҳавасларинг ғаразидан холи равишда руҳингда ҳукмрон бўлиши лозим. Тўртинчи қоида - “*Хилват дар анжуман*” Ҳақ асрорини англаб етган орифнинг халқ билан бирга бўлиши лозимлигини, аммо доимо Ҳақни дилда тутган ҳолда халқ билан бирга бўлишни таъкид этади. Тўлиқ

<sup>74</sup> Ўша китоб, с. 38

“хилват”ни танлаш кибрга, тўлиқ “анжуман”га киришиб кетиш ғаразга етаклаши мумкин, “Хилват дар анжуман” эса мувозанатни сақлаб туриш демакдир. Нақшбандиянинг ўн бир қоидасини мукамал шарҳлаш учун алоҳида жиддий тадқиқот лозим, биз фақат ирфон босқичини якунлаб, янги босқичга ўтиш олдидан баъзи мулоҳазаларни қайд этдик, холос.

Ислом минтақа маданияти доирасида миллий маънавиятимиз такомилнинг кейинги босқичи **бадий адабиёт** билан боғлиқ. Шахс маънавиятини имонсиз тасаввур этиб бўлмайди., имон маънавиятнинг ўта муҳим жиҳати, айтиш мумкинки, умуртқа поғонасидир. Аммо маънавият илмсиз ҳам тўқис бўлмайди. Инсон ўз ақли, тафаккури билан Борлиқ ҳақиқатини англаб етишга интилади. Шундан илм ҳосил бўлади. Ақл ва тафаккур Аллоҳ томонидан инсонга теварак-атроф моддий олам сирларини англаб етиш учун берилган. Файласуфлар Аллоҳ ато этган ақл ва тафаккурга таяниб Борлиқ ҳақиқатини англаб етишга уринадилар. Аслида Борлиқ ҳақиқати сирдир, у фақат Аллоҳга аён. Биз ғайб олами сирларини ўз ақл-идрокимиз билан англаб етишимиз имкондан ташқари, ғайб олами ҳақида биз фақат Аллоҳ билдирганинигина била оламиз, халос. Бунинг учун илм, ақл ва тафаккур кифоя қилмайди. Суфийлар шу сабабли кўнгилни поклаш, нафс тарбиясига катта эътибор қаратдилар. Чунки Ғаззолий “Кимёи саодат”да махсус қайд этганидек, Аллоҳ инояти билан пок кўнгилдан “олами малакут”га (фаришталар олами, яъни ғайб оламига) “равзана” (дарича) очилади. Бу даражага эришган одамни халқ “вали”ёки “ориф” деб атайтиди.

Кўнгилни поклаш дегани тасаввуфий маъносида Ҳақ ишқидан бошқа барча ҳою-ҳавасни кўнгилдан қувиб чиқариш, яъни нафс тарбиясидир. Нафс тарбияси эса **риёзат** билан бўлади. Ориф инсон худбинлик майлларини буткул тарк этган бўлади, унинг ҳарбир қадами Аллоҳ иродасидан ташқари бўлмайди. Аммо вали пайғамбар эмас. Унга Аллоҳ иродаси ваҳий орқали билдирилмайди. Шу сабабли пири муршидлар фақат ишора билан сўзлайдилар, тасаввуф тили рамзий тилдир.

Бадий адабиётнинг тили ҳам рамз ва ишоралар тилидир. Шоир ва адиб қуруқ насиҳат билан шуғулланмайди, илмий тадқиқот ҳам олиб бормайди, у бадий тимсоллар орқали китобхонга таъсир ўтказишга, унинг ҳис-туйғуларини тарбиялашга уринади. Шу сабабли ҳам адабиётнинг бош мавзуси ишқ-муҳаббат билан боғланган. Навоий шеър ишқ ҳақида бўлмаса, бекорчи сўз деб ҳисоблайди: “Сўзким дард чошнисидин ҳарорати бўлмагай ва назмким, ишқ ҳароратидин ҳирқати бўлмагай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур”.

Ислом минтақа адабиёти ҳам ўз такомил босқичларига эга. VIII – IX асрларда минтақа бўйлаб адабиёт асосан араб тилида яратилган бўлса, IX аср охиридан Мовароуннаҳр ва Хуросонда форс тилидаги шеърят ривож топа бошлади. X -XI асрларга келиб араб тилидаги шеърят билан бир қаторда форсий ва туркий тиллардаги адабиёт ҳам кенг раванқ топди. Бу даврнинг шуҳрат қозонган шоирлари ижоди асосан дунёвий мавзуларни куйлашга қаратилган эди. Улар мусулмон эдилар, Аллоҳнинг бирлиги ва борлиги,

Муҳаммад (сав) унинг охирги пайғамбари эканлигига чин дилдан имон келтирган кишилар эдилар. Аммо улар шеърятда мадҳиявий қасидалар, дунёвий ишқни куйловчи ғазаллар, хамриёт (май мавзуи), ҳижо (муайян шахсларга йўналтирилган ҳажв) каби мавзу турлари етакчилик қиларди. Бундай йўналиш забардаст араб шоири Абу Нувасда ҳам, форс тилида ижод қилган Рудакий, Унсурий, Фаррухийлар шеърятда ҳам ёрқин кўзга ташланади. Кейинчалик бориб Фирдавсий ва Юсуф Хос Ҳожиб, ал-Мааррий ва Носир Хисрав асарларида ижтимоий-фалсафий масалалар устунлик қила бошлади, аммо барибир уларнинг ижоди ҳам **дунёвий адабиёт** доирасидан ташқари чиққан дейиш қийин.

Ислом минтақа адабиётидаги кейинги босқич **тасаввуф адабиётининг** ривожини билан боғлиқ. Суфий шоирлар минтақа адабиётига мутлақо янги мавзу – **илоҳий ишқ** тараннумини олиб кирдилар. Агар илк суфий шоирлари рубоий ва тўртликлар билан кифояланган бўлсалар, кейинроқ улар ғазал ва қасида жанрлари ривожига ўз хиссаларини кўша бошладилар. XII-XIII асрларга келиб эса тасаввуф шеърятининг забардаст вакиллари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийлар томонидан ирфоний эпик поэзиянинг буюк намуналари яратилди. Улар бадий адабиётнинг рамзий-тимсолий тилидан унумли фойдаланган ҳолда ўз тасаввуфий ғояларини мукаммал баён эта олдилар. Ирфоний ғоя мажозий ифода билан уйғунлашиб кетди.

Аммо мумтоз шеърят ҳам бундай юксак уйғунлик даражасидан бебаҳра қолмади. Тасаввуф поэзиясининг эришган ютуқлари бадий адабиётга Борлик ҳақиқатини англаб етишнинг ўз мустақил йўлини пухта ишлаб чиқишга имкон яратди. Санойий, Анварий, Ҳоконий каби забардаст шоирлар ижоди мисолида XII асрдан бошланган адабиётдаги мазмуний янгилашни XIV - XV асрларга келиб ўзининг юксак босқичига кўтарилди ва XV аср сўнггида Алишер Навоий томонидан назарий асосланиб мукаммал концепция шаклига келтирилди. Унинг номи Алишер Навоий ибораси билан “**Мажоз тариқи**” деб аталди. Хўш, бунинг маъноси нима ва моҳияти қандай?

Ирфон - ўзликни англашдир. Мен кимман? Ягона Аллоҳга менинг нисбатим қандай? Тасаввуф шу саволга жавоб қидиради. Унинг жавоби қисқа ва содда қилиб ифодаланганда, қуйидагичадир: **Ҳақ** - ягона ва мутлақ борлик, Аҳад (яккалик, бирлик). Ҳақ ўз жамолини кўрмоқ истайди ва ўзига кўзгу сифатида моддий борликни бунёд этади. Сўфийлар Ҳақнинг асл зотини **Ҳақиқат** ва унинг мазҳари, қиёсан айтганда, кўзгудаги аксини “**мажоз**”, деб атайдилар. Шу асосда илоҳий ишқни “**ишқи ҳақиқий**” ва дунёвий ишқ, яъни инсонларнинг бир-бирига муҳаббатини “**ишқи мажозий**” деб номлаш одат бўлди. Дастлаб бу икки тушунча бир-бирига зидлаштирилди. Масалан, буюк тасаввуф шоири Фаридиддин Аттор энг машҳур асари “Мантиқ ут-тайр”да кушларни Симурғ сари даъват этувчи Худхуд тилидан шундай хитоб қилади:

... Эй, гирифтори мажоз,  
Аз сифат дуру ба сурат монда боз<sup>75</sup>.

<sup>75</sup> Ситтайи Фаридиддин Аттор( ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси, инвентар №813), 17а-варақ.

(...Эй, мажоз тузоғига илинган,  
(ички) сифатдан узоклашиб,  
(ташки) суратга маҳлиё бўлиб қолган.)

XIII аср бошида Аттот моҳиятга эътибор беришни талаб қилмоқда, “*мажоз*”, яъни ташки моддий дунё ҳою ҳавасларига берилиб кетишдан қайтармоқда. Аммо XIII аср охирларида яшаб ўтган шайх Авҳадиддин Кирмоний (вафоти 1298 йил) ушбу нисбатни биров бошқачароқ талқин этади:

*З -он минигарам ба чаими сар дар сурат,  
Зеро-ки зи маънест асар дар сурат.  
Ин олами суратесту мо дар суварем,  
Маъни натвон дид магар дар сурат.*<sup>76</sup>

(Шу сабабдан бошдаги кўз билан суратга тикиламанки,  
Суратда маънонинг изи бордир.  
Бу олам суратдир, биз суратлар ичидамиз,  
Маънони суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас.)

Яъни, инсон Олий ҳақиқатни (Борлиқнинг ягона олий моҳиятини) бевосита унинг мазҳаридан (моддий борлиқда ўзлигини кўрсатиши, зуҳур этиши, намоён бўлишидан) ташқарида кўра олмайди, чунки у ўзи ҳам шу мазҳардан ташқарида эмасдир (“сурат” ичидадир). Инсон руҳида Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик ҳосил бўлиши учун, биринчи навбатда, ўзга инсонлар билан ўзаро уйғунликка интилиш, улар дилидан Борлиқ ҳақиқатини қидириши лозим, бошқа йўл билан бу мақсадга эришиб бўлмайди. Мана шайхнинг хулосаси. Аммо бу хулоса Нақшбандиянинг шиори сингари Ирфоннинг ниҳоясидир. Бундан кейинги босқич тасаввуфдан ташқарида, бироқ тасаввуф босқичини тугал ўтмай туриб, олға силжишга уриниш ҳам мукамал маънавий такомилни таъминламаслиги аниқ.

“Мажоз тариқи” ўзи нима? Нега ислом минтақа маданияти доирасида миллий маънавийтимизнинг такомилли ҳақида гапирар эканмиз, алоҳида ва энг мукамал камолот босқичининг номи сифатида ушбу иборани тилга олмоқдамиз? Бу ибора Алишер Навоий ижодининг сўнгги давридаги қатор асарлари, жумладан, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” ва “Муҳокамат ул-луғатайн”ларда тилга олинади ва “Маҳбуб ул-қулуб”да махсус тушунча сифатида таҳлил этилади.

Ушбу асарнинг 1-қисми турли ижтимоий тоифаларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва маънавий қиёфаси таҳлилига бағишланган бўлиб, унинг 16-фаслини Алишер Навоий шоирларга бағишлайди. “Назм гулистонининг хушнама қушлари зикрида” деб аталган бу фасл шундай бошланади:

*“Ул неча табақадир: аввалги жамоа нуқуди кунузи маърифати  
илоҳийдин ганийлар ва халқ таърифидин мустағнийлардур. Ишлари маоний  
хазоинидин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм  
бермак. Назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд  
ўлдуғи учун оёти каломда нозил бор ва ҳадиси мўъжизнизмда тилаган топар,  
чун маал-қасд эмас, эл ҳурмати жиҳатидин ани шеър демас”*<sup>77</sup> (Насрий баёни:

<sup>76</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15-жилд. Т., 1968, с.166

<sup>77</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 14-жилд. Т.-«Фан»-1998, с.24

Улар бир неча гуруҳдир. Биринчи гуруҳ маърифати илоҳий хазинасининг нақдиналари билан бойиган ва халқ таърифига эҳтиёж сезмаганлардир. Ишлари маънилар хазинасидан Маърифат гавҳарини термоқ ва у гавҳарни эл файз топсин учун назм ипига тортмоқ. Назмларининг ифодаси ғоят кутлуғ ва бениҳоят ёқимли ва улуғ бўлганлигидан илоҳий калом оятлари ва Расулуллоҳнинг мўъжизали ҳадислари мазмунини излаган киши улардан топа олади ва қасддан ёзилмагани сабабли эл уларга эҳтиром билдириб, шеър деб аташга журъат этмаслар”). Алишер Навоий бу тоифа шоирларни *“ҳақиқат тариқининг суханварлари”* деб атайди ва улар жумласидан тасаввуф адабиётининг энг буюк сиймолари **Фаридиддин Аттор** ва **Жалолиддин Румий** номларини тилга олади. Олим бу гуруҳ вакилларини *“авлиёи огоҳ ва машойих ва аҳлуллоҳ”*, деб улуғлайди. Атторга *“нозими жавоҳири асрор”* (“ҳақиқат сирлари жавоҳирларини назмга солувчи”), Румийга *“ғаввоси баҳри яқин”* (“яқинлик денгизининг ғаввоси”), деб сифат беради. Навоий таърифларининг қанчалар воқеликка мувофиқ эканлигига иқдор бўлиш учун Аттор ва Румий асарларининг номларини эслаб ўтиш кифоя: “Илоҳийнома”, “Асрорнома”, “Мантиқ-ут-тайр” (“Қушлар мантиқи”), “Маснавийи маънавий” ва ҳ.к. Бу асарлар ҳақида Шарқ ва Ғарбда шунча кўп тадқиқотлар амалга оширилганки, биз улардан ўтказиб сўз айтиш қудратига эга эмасмиз.

Навоий *“мажоз тариқи”* хусусидаги таърифларга ўтиб, ўзи кашф этган ҳақиқатларни шундай баён қилади:

*“Яна бир жамоатдурким, ҳақиқат асрорига мажоз тариқин махлут қилубдурлар ва каломларин бу услубда марбут этибдурлар. Андоқки, маоний аҳлининг нуқтапардози Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хусрав Деҳлавий ва тасаввуф ва диққат мушкулотининг гириҳкушоийи Шайх Заҳриддин Санойи ва фариди аҳли яқин Шайх Авҳадиддин ва маоний адосига лофиз Хожа Шамсуддин Муҳаммад ал-Ҳофиз”*. (Насрий баёни: “Яна бир гуруҳдурким, Ҳақиқат сирларига мажоз йўлини аралаштирибдурлар ва сўзларини бу услубда боғлабдурлар. Чунончи: маъни аҳлининг нозик сўзлиси Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ гуруҳининг ҳалол ошиқи Амир Хусрав Деҳлавий, тасаввуф ва тафаккур мушкулларининг чигалини ечувчи Шайх Заҳриддин Санойи, ҳақиқат аҳлининг яғонаси Шайх Авҳадиддин ва лафз билан маънони англантишга моҳир Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз”).

*“Яна жамъе бордурларки, мажоз тариқи адоси алар назмига золиб ва алар бу шевага кўпроқ роғибдурлар. Андоқким, Камоли Исфаконий ва Хоқонийи Ширвоний ва Хожуйи Кирмоний ва мавлоно Жалолиддин ва Хожа Камол ва Анварий ва Заҳир ва Абдулвосиъ ва Асир ва Салмон Соважий ва Носир Бухорий ва Котибий Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий”*.<sup>78</sup> (Насрий баёни: “Яна бир қанчалари бордурларки, мажоз йўли уларнинг шеърларида ғалаба қозонган ва улар бу равишга кўпроқ рағбат этганлар. Чунончи: Камол Исфаконий, Хоқоний Ширвоний, Хожуйи Кирмоний, Мавлоно Жалолиддин, Хожа Камол, Анварий, Зоҳир, Абдулвосиъ, Асир, Салмон Соважий, Носир Бухорий, Котиби Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий”<sup>79</sup>).

Юқорида тасаввуф шеърятининг энг улуғ устозларига *“ҳақиқат тариқи суханварлари”* деб ном берилганини қайд этиб ўтган эдик. Кўрдикки, Навоий *“мажоз тариқи”*га алоқадор деб ҳисоблаган шоирларни ҳам икки

<sup>78</sup> Ўша китоб, с.25

<sup>79</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 13-жилд. Т., 1966, с.191

қисмга ажратади. Назаримизда, биринчи қисмда улуғ устозлар, ушбу йўналишнинг қудратини белгиловчилар ёдга олинган бўлиб, иккинчи қисмда ижодий қарашлари ушбу тариққа мос тушувчи минтақа миқёсида номлари маълум бўлган шоирлар санаб ўтилган.

Маълумки, адабиёт мавзуларининг марказида инсон, унинг руҳият дунёси ётади. Инсоннинг кечинмалари эса, асосан, икки йўналишда кечади: бири-инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига, содда қилиб айтсак, махлуқнинг Холиққа муносабати, нисбати масаласи; иккинчиси инсоннинг ўзи сингари махлуқларга, яъни ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати. Биринчи йўналиш Инсонни ўз кўнгли билан суҳбатга чақиради, руҳиятнинг ички теран қатламларига йўналган бўлади. Иккинчи йўналишда ижтимоий муносабатлар тизимида ҳар бир инсоннинг ўрни масаласига кўпроқ эътибор қаратилади.

Адабиётнинг асосий мавзуси инсоннинг руҳий кечинмалари бўлса, булар ичида энг гўзали, энг юксак даражаси, энг таъсирчани ишқ-муҳаббатга оид кечинмалар бўлиб, шу сабабли **ишқ мавзуси** бутун замон ва маконлар адабиётида етакчи мавзу сифатида кўзга ташланади. Аммо унга ёндошув ҳеч қачон бир хил бўлган эмас.

Ислом маърифатчилиги босқичининг энг юксак намунаси бўлмиш Ибн Сино фалсафий меросида алоҳида “*Ишқ ҳақида рисола*” учрайди. Ибн Сино ишққа, бир томондан, тиббиётчи-табиатшунос сифатида ёндошса, иккинчи тарафдан ишқнинг суфиёна талқинларига ҳам эътибор беради. Ғаззолий таълимотида бу ёндошув янада изчил шакл олиб, аллома инсоний меҳрнинг барча турларини охир-натихада Аллоҳга муҳаббат, яъни “*ишқи илоҳий*” ёки тасаввуфий атамада “*ишқи ҳақиқий*”га боғлайди. Бу қараш XII-XIII асрлар давомида етакчи йўналиш бўлиб келди. Бу давр шоирлари икки тоифа бўлиб, биринчилари бутун фикру-зикрлари билан “ишқи ҳақиқий”га интилдилар, “Ҳақ асрори”ни излаш улар учун ҳар нарсадан муҳим бўлди, яъни шеърят имкониятларини улар тасаввуф ғояларини ифодалаш учун сафарбар этдилар. Шу сабабли Навоий уларни “*ҳақиқат тариқининг суҳанварлари*” деб таъриф этади ва бу йўналишнинг энг атоқли вакиллари сифатида Навоий Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийларни кўрсатиб ўтади. Улар билан ҳамзамон яшаган Санойй, Анварий, Хоқоний, Саъдий каби иккинчи йўналиш вакиллари эса “*Ҳақ асрори*” мавзусини “*мажоз тариқи*”га, яъни инсон ҳаётининг дунёвий муаммоларига “*махлут қилиб*” (аралаштириб) баён этдилар, яъни ирфоний ғоялар билан ижтимоий муаммоларни уйғунлаштиришга интилдилар. Лекин ҳали ирфоний муаммоларнинг ўзи тугал ечимини топмагани учун, бу шоирлар ижодида ирфоний ва ижтимоий масалалар кўпинча ёнма-ён, аралаш (Навоий тили билан “*махлут*”) изҳор этилар, ҳануз улар етарли даражада уйғунлашмаган эди.

Аммо XIV аср бошларидан бу соҳада жиддий ўзгариш рўй берди. Амир Хусрав Деҳлавий 40 ёшдан ошиб, уч девон ва бир йирик дoston соҳиби бўлгач, Низомий “*Ҳамса*”сининг моҳиятига алоҳида эътибор қаратди ва астойдил унга жавоб ёзишга аҳд қилди. Ота-боболари шахрисабзлик туркий қавмлардан бўлмиш бу буюк истеъдод эгаси Низомийнинг “*Хусрав ва Ширин*”

достонига жавоб сифатида ёзилган асарининг мукаддима қисмида яна “*ишқи ҳақиқий*” ва “*ишқи мажозий*”дан гап очади ва ўз ижодида узил-кесил “*ишқи мажозий*”ни бош мавзу қилиб танлаганини баён этади. Шоир бу фикрларини бевосита “*Хамса*”дан кейин ёзилган “*Дўвалроний ва Хизрхон*” достонида ҳам яна бир бор таъкид этади.

Навоий онгли равишда Деҳлавий анъанасини давом эттирди ва «*Хамса*»нинг беш достонида «*мажозий ишқ*»нинг мукаммал бадиий тасвири ва талқинини яратди. “*Хамса*” достонлари “*мажозий ишқ*” тасвиридаги энг мукаммал тизим даражасига кўтарилган яхлит бадиият олами бўлиб, уни Борлиқ ҳақиқатининг бадиий модели дейиш мумкин. Бу моделга жон бахш этувчи ички қувват манбаи эса - **ишқ**. Ишқни Навоий инсон учун ўзликни англаш йўли, “*Ҳақиқат асрори*” ганжинасининг калити деб билади. Шоир “*Лайли ва Мажнун*” хотимасида ёзади:

*Эй ишқ, ғариб кимий сен,  
Бал ойинаи жаҳоннамо сен.  
Ҳам зотингга дарж кимийлик,  
Ҳам ойинаи жаҳоннамолик...  
Хуршеди жаҳонкушой сенсен,  
Миръоти жаҳоннамой сенсен,  
Ким қилди сенга назарни равшан,  
Кўрди еру кўкдагин муайян.  
Чун боққали ихтиёр топти,  
Ҳар сорики боқти ёр топти.<sup>80</sup>*

Кўриниб туриптики, шоир муҳаббатга ғаройиб кимий, яъни мисни олтинга айлантира олувчи сеҳрли куч, инсонга Борлиқ сирларини ошкор қилувчи кўзгу, деб таъриф бермоқда. Бунинг маъноси шуки, Алишер Навоий, салафлари Низомий ва Деҳлавийлар изидан бориб, бадиий ва илмий-ижтимоий тафаккурида “*ишқ*” тушунчасига, биринчи навбатда, ижтимоий-ахлоқий муносабатлар нуқтаи назаридан қарайди, шу асосда “*мажозий ишқ*”ни воқеъ ҳаётдаги инсонлар аро муомалада биринчи ўринга чиқаради, ўзак моҳиятга айлантиради. Инсон маънавий камолоти даражасини ушбу маҳак тошига уриб ўлчайди.

Алишер Навоийнинг “*Фарҳод ва Ширин*” достонида Низомий ва Деҳлавийлар қаламга олмаган бир мавзуга алоҳида аҳамият берилган ва, айтиш мумкинки, туркий достоннинг мазмун-моҳиятига ушбу мавзу калит вазифасини ўтаган. Бу Фарҳоднинг Юнонистонга сафари ва Сукрот билан учрашувидир. Қадим Юнон фалсафасининг тимсоли этиб танланган Сукрот Фарҳоднинг келажак тақдиридан башорат этар экан, унга насиҳат қилиб, бу дунёнинг ўткинчилиги, инсон ҳаётидан асл мақсад “*ишқи ҳақиқий*”, яъни Ҳақ васлига интилиш эканлиги, бунинг учун инсон, аввало, ўзлигидан, яъни ўз худбин нафсидан кечмоғи лозимлигини таъкид этади ва дейди:

*Бу ўзлукдин қутулмоқ чорасози,  
Нима йўқ, ўйлаким ишқи мажозий...*

<sup>80</sup> Алишер Навоий. *Хамса*. Т., 1960, с.447



*Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,  
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар...  
Сенинг олингдадир ишқи мажозий,  
Ки жисминг ўртабон сўзу гудози -  
Ҳам овозангни офоқ ичра солгай,  
Ҳам овозинг кўхан тоқ ичра солгай.<sup>81</sup>*

Достон мундарижасига кўра, Фарҳод Юнонга Искандар кўзгусининг сирини ечиш мақсадида борган эди. Суқротнинг “*ишқи мажозий*” ҳақида гапирганлари айни шу тилсимли кўзгуга алоқадор бўлиб чиқди. Чунки кўзгуда Фарҳод тақдири акс этган, бу тақдир эса, Суқрот айтганидек, “*ишқи мажозий*” билан бевосита боғлиқ экан. Шундай қилиб, “*мажоз тариқи*” шоирлари нуқтаи назарига кўра, Борлиқ сирларини намоён этувчи қудрат – *ишқ*. Пайғамбаримиз “*ал–мажозу қантарат ул–ҳақиқат*”(мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир) деганлар. Суқротнинг сўзлари ҳам айни шунга ишора этади. Аммо яна бир масалани аниқлаб олиш эҳтиёжи бор. Тасаввуфда “*ишқи ҳақиқий*” – Ҳақ васлига интилиш, “*ишқи мажозий*” инсонларнинг бир-бирига, бу дунё ашёларига бўлган ишқи деб талқин этилди ва кўп ҳолларда бири иккинчисига зид кўйиб келинди. Иккинчиси биринчисига ўтиш йўли, кўприги бўлиши учун яна қандайдир аниқлик киритиш лозим эмасмикин? Алишер Навоий ижодининг учинчи босқичида – “*Лисон ут-тайр*” ва “*Маҳбуб ул -қулуб*” асарларини яратиб, ана шу муҳим назарий масалани ҳал қилиб берди.

Алишер Навоий “*Маҳбуб ул-қулуб*” асарининг 2-қисми 10-бобини “Ишқ зикрида” деб атади ва унда ишқ таснифидаги ўша даврларда мавжуд анъанани такомиллаштириб, шунгача ўзи ҳам ишлатиб келган “*ишқи ҳақиқий*” ва “*ишқи мажозий*” тушунчалари ўрнига “*авом ишқи*”, “*хос ишқ*” ва “*сиддиқлар ишқи*” деб номланган янги тушунчаларни киритди:

*“Ишққа маротибдур ва ул уч қисм била мунқасим бўлур.*

*Аввалги қисм авом ишқидурки, авомуннос орасида бу машхур ва шоедурким, дерлар: “Фалон фалонга оишқ бўлубтур”. Ва бу навъ киши ҳар навъ кишига бўлса бўлур, шағаб ва изтиробларича лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсоний эмас ва бу қисмнинг бийикрак мартабаси шаръий никоҳдурким, бари халойиққа суннатдур ва мубоҳ. Ва пастроқ мартабасида паришонлиқ ва мушаввашлиқлар ва бесомонлиқ ва нохушлиқлареки зикри тарки адабдур ва баёни беҳижоблиққа сабаб.”<sup>82</sup> (Қисқартирилган насрий баёни: “Ишқ уч қисмга бўлинади. Биринчи қисм - оддий одамлар(авом) ишқи бўлиб, халқ орасида машхур ва кенг тарқалгандир... Бу ишқ жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланадики, олий мартабаси - шаърий никоҳдир... Қуйироқ мартабасида жанжал, ташвишлар, кўнгилсизлик ва шармандалиқлар кўринадики, бу ҳақда сўзлаш - одобсизлик, баён этиш ҳаёсизликдир”).<sup>83</sup>*

*“Иккинчи қисм хавос ишқидурким, хавос ул ишққа мансубдурлар. Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгил ул пок юз ошубидин кўзгалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била оишқи покбоз маҳбуби ҳақиқий*

<sup>81</sup> Ўша асар. С.219

<sup>82</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 13-жилд. Т., 1966 с.42

<sup>83</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб, Т., 1983, с.51-52

*жамолидин баҳра олмоқ*".<sup>84</sup> ("Иккинчи қисм - алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқ-завқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади").<sup>85</sup>

Матн давомида "*ишқ аҳлининг покбозлари*" қаторида Амир Хусрав Дехлавий, Шайх Ироқий ва Хожа Ҳофиз Шерозийлар таъриф қилинади. Булардан икки устоз шоир ва мутафаккирни Алишер Навоий "*ҳақиқат асрорига мажоз тариқин махлут қилган*"лар қаторида эслаб ўтганлигини юқорида таъкид этдик. Учинчи зот шайх Фаҳриддин Ироқий (1217-1289) бўлиб, бу суфий-шоир ва ирфоний файласуф Ҳамадонда туғилиб, 18 ёшида Ҳиндистонга шайх Баҳоуддин Закариё ҳузурига бориб, тасаввуф йўлига киради ва сўнгра Арабистон орқали Кичик Осиёга ўтиб, Қўнъяда шайх Садриддин Қўнъявий суҳбатига эришади. Шу ерда Ибн ал-Арабий ирфонини ўрганиб, унинг руҳида "*Ламаъот*" асарини ёзади. Алишер Навоий бу асарга қизиқиб, устози Жомийдан унга шарҳ ёзишни илтимос қилгач, Жомий "*Ашаъот ул-ламаот*" рисоласини ёзиб, ўз шарҳи асосида Навоийга Ироқий ирфонидан таълим беради.<sup>86</sup> Ироқийнинг "*Ишқнома*" деб аталувчи алоҳида маснавийси ҳам мавжуд бўлиб, унда ирфоний ишқ ҳолат ва сифатлари махсус шарҳланган.

Навоий тасаввуф шеърляти намояндалари ижодида акс этган "ишқи ҳақиқий"га қуйидагича таъриф беради: "*Учинчи қисм - **сиддиқлар ишқидурким, Олий ҳақиқатнинг тажаллиси (нурланиши) жамолига унинг (моддий олам мавжудотлари қиёфасидаги) кўринишидан таиқари, бевосита мафтун бўлганлар ва ўзларини шу йўлга таслим этганлар ва ушбу (олий ҳақиқат жамолини бевосита) кўришга интилиши беҳушлигида идрок қилиши қобилияти улардан бегона бўлган. Уларни (Олий ҳақиқатни бевосита) кўриши (истаги) буткул зарқ этган ва улар зарқ бўлишдан ўтиб, ҳалок бўлиши даражасига етганлар***"...<sup>87</sup> "*Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учириб кетса - улар беҳабар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса, буларга таъсир қилмайди. Уларнинг ҳислари Ҳақ жамолини кўриши таиқиши билан ишдан чиққан, шавқ-завқлари эса, унга бўлган ишқ ҳужумлари остида йўқолиб битган*"...<sup>88</sup>)

Ҳар уч қисм ишқ аҳлига Навоийнинг муносабати улар таърифида сўз танлаш ва қайси жиҳатларини ажратиб кўрсатишидан ҳам билиниб турипти. "*Маҳбуб ул-қулуб*" - ижтимоий-тарбиявий асар. Унда муаллиф ўз қарашларини ҳам изчил мантиқий баён орқали, ҳам жумлалардаги таъсирчанлик, бадий тасвир воситаларининг махсус танланиши орқали изҳор қилишган. Шу жиҳатдан шоирнинг учинчи қисмдаги ошиқлар ("*сиддиқлар*"), яъни тасаввуф аҳлига муносабатида улар эътиқодига эҳтиром туйғулари билан бир пайтда

<sup>84</sup> Алишер Навоий. Асарлар 13-ж., с.42.

<sup>85</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб, с.52

<sup>86</sup> Алишер Навоий. Асарлар, 14-жилд. 1967, с.46-47

<sup>87</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами., 14-ж. Т., 1998, с.70

<sup>88</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. 1983, с.54. (Ушбу учинчи ишқ таърифи мустабид қарамлик даврида оммавий нашрларда тушириб қолдирдилар ва фақат араб ёзувида босилган йиғма нусхадагина мавжуд. Биз уни тушунарли бўлиши учун фақат насрий баёнда ифода этдик – муаллиф.)

уларнинг моддий дунё, реал инсонлар ташвишидан узоқлашиб кетганликлари, "халқ гамидин гами" йўқлигига муайян ишоралар ҳам мавжуд.

Аммо асосий гап бунда эмас. Алишер Навоий то охирги асари бўлмиш "Маҳбуб ул-қулуб" ёзилгунга қадар ўзи ҳам "мажозий ишқ" деб ишлатиб келган ҳодисани умри ниҳоясида моҳиятан алоҳида икки турга фарқлаб, бирини "авом ишқи" ва иккинчисини "хавос ишқи" деб номлади. Шу билан Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби бошдан-оёқ пок туйғуларга йўғрилган "алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ"нинг кўпчилик одатда кўзда тутадиган йигит-қиз орасидаги оддий "ошиқ-маъшуқ"ликдан ҳам, Олий ҳақиқатнинг мутлақ жамолига ошуфта тасаввуф аҳли интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилувчи мумтоз бир туйғу, алоҳида ҳолат эканлигини махсус таъкид этишга эришди. Сукрот тилидан "ҳақиқий ишқ" йўлида бир восита сифатида таъриф этилган "мажозий ишқ" аслида Навоий бадиият оламида мустақил ҳодиса сифатида ўзлигини намоён этди. Бу ҳодисанинг моҳияти шунда эдики, унда инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига муносабати унинг ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати билан уйғунлик ҳосил қиларди. Бадиий ижод мазмунидаги мана шу теранликка эришиш йўли "мажоз тариқи" деб ном олди. Миллий маънавиятимиз такомилидаги ушбу энг юксак босқични алоҳида инсон маънавий камолоти жараёнига татбиқ этсак, уни биз бугунги тилда "мехр маърифати" деб аташ дуруст бўлади.

Навоий йигитлик чоғларидан Жомийни ўзига пир тутган, кейинча ундан тасаввуф ирфони бўйича таълим олгани юқорида қайд этилди. "Маҳбуб ул-қулуб"да шоир устозини "ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми ҳар иккаласи тариқида вофий ва шомил", деб улуғлайди. Дарҳақиқат, Жомий нафақат ирфоний туйғулар ифодасида, балки мажозий ишқ тасвирида ҳам ниҳоятда юксак маҳорат кўрсата олган. Аммо барибир Жомий тасаввуф шоири эканини унутмайди. Юсуф ва Зулайҳо, Лайли ва Мажнун, Соломон ва Ибсолларнинг оташин муҳаббатини эҳтирос билан гавдалантириб бергач, асар охирида барча мажозий тимсолларнинг ирфоний шарҳини беришни унутмайди. Яъни Аттор каби Жомий учун ҳам "мажозий ишқ" рамздир, аллегориядир.

Низомий, Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз эса ундай қилмайдилар, улар учун мажозий ишқ мустақил қийматга эга. Навоий ҳатто "Лисон ут-тайр"да ҳам мажозни аллегория, рамз маъносида қўлламайди. Мажоз тариқи намояндалари мажозда **Ҳақиқат асрорини** кўрадилар. Навоий ёзади:

*Кўрмаса ҳусни мажозии ичра жуз Ҳақ сунъини,*

*Ошиқеким бўлса ишқ атвори ичра покбоз.*

*Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,*

*Гар сен идрок айласанг, айни Ҳақиқатдир мажоз.<sup>89</sup>*

Халқимиз айтадики, бир иш қилсанг "халисанлиллоҳ" қилгин, яъни холис Аллоҳ таоло йўлида қилинган ҳар бир иш хайрлидир, агар унга худбинлик,

<sup>89</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 6-ж. Т. 1990, с. 512-513

ғараз аралашса яхши кўринган иш ҳам ёмонликка олиб келади. Навоий ишлатган “*нокбоз*” сифати айна шу холисликни, беғаразликни англатади.

Нақшбандия тариқати ирфоний тафаккурнинг олий чўққиси бўлди. Аммо Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1383) яшаган даврни биз кейинги “**Мажоз тариқи**” босқичига тааллуқли ҳисобладик. Нега? Чунки бу улуғ ирфон муаллимидан бизга ёдгор қолган ҳикматлар - “*хилват дар анжуман*”, “*дил ба ёру даст ба қор*”- ўз мазмун-моҳиятига кўра **дунёвий ва ухравий мақсадларнинг уйғунлигига** эришишга даъват қилади, шуниси билан миллат маънавиятини тасаввуф тариқатлари босқичидан “**Мажоз тариқи**” босқичига олиб ўтади.

Шундай қилиб, XII асрда Санойи (1048-1140), Низомий(1141-1202), Анварий (вафоти 1191 йил), Ҳоқоний(1120-1199) каби улуғ ижодкорлар бадий адабиётнинг ўз мустақил тафаккур йўлини жиддий қидиришга киришган бўлсалар, XIII аср охири - XIV аср бошида Амир Хусрав Деҳлавий (1253-1325) онгли равишда Низомий “*Ҳамса*”сига жавоб ёзиш билан “*мажоз ишқи*” ни тараннум этишга киришди. Амир Хусрав “*Ҳамса*” си шу даражада шуҳрат қозондики, ислом минтақа шеърлятида “*мажозий ишқ*”ни куйлаш ва “*Ҳамса*” дostonларига татаббу бағишлаш кенг кўламли анъанага айланди. Шу сабабли XIV-XV асрларни “**мажоз тариқи**”га мансуб, деб ҳисоблаш ўринлидир.

“**Мажоз тариқи**” босқичи ислом минтақа маънавияти такомилнинг энг олий поғонаси бўлиб, Тавҳид таълимотининг энг мукамал талқини деб, қараш мумкин. “*Ҳақиқат асрори*“, яъни Тавҳид мазмунини “*мажоз*”, яъни ушбу зоҳир бўлиб турган оламдан қидириш, Ҳақ асрорини англаб етиш учун холис ният, пок кўнгил билан “*мажоз*”ни, “*фоний*”, ўткинчи дунё, “*сурат*” ни тадқиқ этиш, тушуниб етиш орқали Ҳақиқатни, “*маъно*”ни англашга уриниш, биринчи навбатда, инсон қалбига қулоқ тутиш, самимий ва беғараз меҳр билан ўзгалар қалбига йўл топиш, Инсонларни, табиатни тушуниш орқали Ҳақ асрорини, Тавҳид моҳиятини идрок этиш - “**Мажоз тариқи**”нинг буюк аждодларимиз Хусрав Деҳлавий ва Баҳоваддин Нақшбанд, Ҳофиз Шерозий ва Лутфийлардан мерос бўлиб, Алишер Навоий ижодида ўзининг энг мукамал ифодасини топган ўзига хос дунёқараш, тафаккур тарзининг моҳияти, асл ўзагидир. Бу босқич ягона ислом минтақа маънавияти такомилнинг қонуний якуни бўлиб, туркий тилда, ўзбек мумтоз адабиётининг бобоколони ижодида авж нуқтага эришди. Бу дунёқарашни бутун ички мураккаблиги, кўлами ва теранлиги билан ўша давр шароитида фақат бадий адабиётда, бадий тимсоллар тили билангина ифодалаш мумкин эди. Зеро, “*мажоз*” тушунчаси ўзи бадий адабиёт тилининг асосий хусусиятига оиддир.

Борлиқ моҳияти воҳид ва ягона. Аммо инсон ушбу ягона моҳиятни кўз билан кўра олмайди, инсон фақат унинг мажозини - кўзгудаги аксини кўришга қодир. Мажозда, яъни табиат, воқелик кўзгусида тасвир парчаланиб кетган, *ваҳдат* (ягоналик) зоҳиран *касрат* (кўплик)га айланган. Шу сабабли шоирлар бу воқеий дунёни “*харобот*” деб атайдилар. Шоир учун бу дунё майхона, у ишқ майидан масту хароб, ринду лоуболи, у ҳар санамда ягона бир санамни кўриб унга ошиқ бўлади.

Навоий тасаввурига кўра, инсон кўнгли ваҳдат майи билан тўла бўлган кўза (сабу)нинг синган бир парчаси, унда бир култум лойка аралаш май мавжуд. Ваҳдат майига ташна ошиқ шу май қуйқасини яхшилаб тинитмоғи лозим, шундагина у яхлит кўзгунинг бир парчаси сингари **Ҳақиқат** нурини ўзида акс эттира бошлайди. Ошиқ унга боқиб маст бўлади, ўзлигини йўқотиб, абадиятга дахлдор бўлиш имконини пайдо қилади. Бундай ошиқлик-мастлик инсон кўнглидан ҳирсу ҳавас зангини, худбинлик (эгоизм) “занг”ини (“ранж”ини, “гам”ини) ювиб ташлайди. Ошиқ-шоир учун бу дунё ғами, орзу-ҳаваслари, моддий манфаатлар “гайр”(бегона)дир, **ширк** шу худбинликка (“гайр”га) дилдан жой беришдир, кўнгил кўзгусини босган занг ҳам ушбу худбинликнинг ўзидир.

Ваҳдат майини ичган ошиққа ҳеч ким жафо қила олмайди, ўзи ҳам бировга жафо қилишдан холи бўлади:

*Чун мен дайр пири вафосида мен,  
Фалакдин етишимас жафойе манга.*<sup>90</sup>

“Дайр пири” - майхона соҳиби, Борлик ҳақиқатининг сақловчиси, эгаси. Ошиқ ягона Борлик ҳақиқатига, Олий ҳақиқатга хиёнат қилмайди, унинг асрорини англаб етишга интилишдан чекинмайди. Демак, унга ҳам тақдирдан шикаст етмайди, дайр пирига вафодорлик сақлаган ошиққа фалак жафо етказа олмайди. Чунки у худбинлик ранжини енгиб ўтган, ваҳдат майи ёрдамида унинг кўнгил кўзгуси бегона соялардан (“гайр нақши”дан) покланган. Бундай кўнгил кўзгуси фанодан бақога юзлангандир.

Маълумки, ислом ақидаларига кўра бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намоз “ал-хамсату” дейилади, динимизнинг беш устун (рукни) ҳам - тавҳид (имон), намоз, рўза, закот, ҳаж - ўзига хос “хамса” (бешлик)ни ташкил этади. Шундай экан, Низомий дostonларининг “Хамса” туркуми сифатида талқин этилиши, унга Амир Хусрав ва Навоий жавоблари ҳам бежиз эмас. Алишер Навоий “Садди Искандарий” дostonининг муқаддима қисмида бу масалага махсус тўхталиб, “Хамса”нинг ҳар бир дostonи ёзилишини куннинг маълум вақтларида ўқиладиган сахар (фажр), пешин (зуҳр), аср, шом ва хуфтон намозлари билан қиёс этади ҳамда “Хамса”ни буюк тоғ чўққисига кўтарилиш мобайнида беш ўринда тўхтаб, нафасни ростлаш учун бино этилган беш оромгоҳга ўхшатади.<sup>91</sup> “Хамса” дostonлари ижтимоий ҳаётни, турли тоифаларнинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаларини уларнинг бутун ички дунёси ва руҳияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этади, шу билан бирга ундаги барча ботиний ришталар **Тавҳид эътиқодига** бориб уланади. Айтишларича, меърож тунида Муҳаммад алайҳиссалом арши аъло остида қулфлоғлик бир хона кўриб Жаброилдан: “Бу қандай макон?” деб сўрабдилар. Жавоб бўлибдики: “Эй, расулulloҳ, бу макон теран маънолар хазинасидир ва сенинг умматларинг ичидаги шоирлар тили ушбу хазинанинг калити турур”. Ушбу ривоятдан келиб чиқиб, Низомий ўзининг биринчи дostonини “Махзан ул-асрор”, яъни (илоҳий) сирлар хазинаси, деб атаган эди. Навоий “Хамса”нинг

<sup>90</sup> Ўша китоб, с. 603

<sup>91</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 11-жилд. Т.-«Фан»-1993, с. 34-39

биринчи достони “*Ҳайрат ул-аброр*”нинг кириш қисмини “*Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим*” калимасининг бадий-рамзий шарҳи билан бошлайди ва уни ажойиб ибратли тазод - “*аҳли қабул*” ва “*аҳли рад*” тушунчаларига нисбатан изоҳлаб беради. Комил инсон тарбияси ушбу илк бобдан бошланади. Инсонни “*аҳли қабул*” бўлишга даъват этувчи бу дostonнинг биринчи мақолати **Имон** ҳақида. Унга шундай батафсил сарлавҳа берилган: “*Аввалги мақолат имон шарҳидаким, “Ал-имону ан туъмина биллаҳи ва малоикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи ва бил-явмил-охирӣ ва бил-қадари хайриҳи ва шарриҳи” демакдан мақсуд бу калимот эмас ва агар аҳли зоҳир муни имон деса, аҳли маъни демас ва улухият дарёсига шинолиғ ажзин зоҳир қилмоқ, малоика ҳавосида бир неча қанот урмоқ ва кутуб авроқида бир неча ҳарф сурмак ва русул жодасида неча қадам югурмак ва қиёмат қойим бўлурида қиём кўргузмак ва қадар бобида алоқадри ҳол тараннум тузмак.*”<sup>92</sup> Ушбу сарлавҳани шарҳлашнинг ўзи неча саҳифа бўлиши мумкин, чунки унда зоҳирий имон билан ботиний имон, “*зоҳир аҳли*” (ташқи тақлид билан чекланувчи инсонлар) нинг имон ҳақидаги тасавури билан “*аҳли маъни*” (Борлиқ моҳиятини идрок этишга интилувчи, ўзлигини англаган инсонлар) имонни қандай тушуниши орасидаги фарқ бадий изоҳланади. Алишер Навоий дostonлари XV аср ижтимоий-маънавий ҳаётининг турли қирра ва жиҳатларини бутун ички мураккаблиги ва ўзаро қиёслари билан қамраб олгандир. Уларнинг мазмуни ва қўйилган муаммолар ҳам воқелик сингари мураккабдир. Намуна сифатида “*Ҳайрат ул-аброр*”нинг Ислом ҳақида деб номланган 2-боби охирида берилган ҳикоят мазмунига эътибор қилайлик. Унда машҳур суфий шайхи “*Иброҳим Адҳамнинг Каъбага намоз била борғони ва Робияи Адавияга Каъбанинг ниёз била келғони*” ривоят этилади. Зоҳидликни ихтиёр этган шайх ҳар қадамида икки рақабат намоз ўқиб, 14 йил риёзат чекиб, Макка шаҳрига етиб келиб қараса, Каъба ўз ўрнида йўқ. Шайхнинг “*Эй, Аллоҳ,*” деб ҳайрат билан қилган нидосига ғойибдан Каъба Робияи Адавияни тавоф қилиш учун кетганлиги ҳақида жавоб бўлади.<sup>93</sup> Робия эса тасаввуфда ишқ йўлини танлаган суфий аёл эди. Навоий ислом ва тасаввуфда зуҳд мақомидан ишқ мартабасини шу даража юксак қўйган. “Хамса” дostonларининг ҳар бир боби шу каби инсоннинг руҳий, маънавий, ахлоқий дунёси, инсонлар аро ижтимоий муносабатлар хусусида ўта муҳим, ўта долзарб, ўта мураккаб муаммолар хусусида баҳс этади. Уларда энг воқеъ ҳаёт тасвири юксак мажозий ишоралар билан ажойиб бир уйғунликда келади. “Хамса”нинг барча дostonларида шу бадий қудрат ҳар бир тимсол, ҳар бир қиёфа ва ҳодисанинг ич-ичидан уфуриб туради.

“Хамса” дostonларида **мажозий ишқ** тасвирланади, инсоннинг инсонга муносабатидан, яъни ахлоқий муносабатларидан бошлаб, ҳукмдорнинг фуқароларга ва, умуман, ҳукмдорликка, тож-тахтга муносабати, ўз навбатида тож-тахтнинг, ҳукмдорлик мавқеининг инсонга таъсири, яъни инсонлар ҳаётига оид ижтимоий, ахлоқий муносабатлар мажмуи **Тавҳид эътиқоди** нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

<sup>92</sup> Ўша китоб, с. 100

<sup>93</sup> Ўша китоб, с. 118-120

Заҳириддин Муҳаммад Бобир ҳақиқатни очик баён этишда ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аяган эмас. У Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлигини барча ижобий ва салбий жиҳатлари билан тавсифлаб берди. Султоннинг мард ва шижоатли киши бўлганини, таъби назми борлигини қайд этиш билан бирга, айниқса, подшоҳлигининг кейинги йилларида айш-ишрат ва ичкиликка қаттиқ берилиб кетганини ҳам кўрсатиб ўтади. Умуман, Султон Ҳусайн Бойқародек нозиктаъб одам нега майхўрликка бунча берилиб кетди? Инсон бекорга ўзини ичкиликка урмайди. Биз султон қалбидаги мураккаб руҳий кечинмаларни ҳозир тўлиқ тасаввур қила олмаймиз, аммо темурийлар салтанатининг XV аср охиридан бошланган таназзули биргина ушбу хонадоннинг ёзмиши эмас, балки Ўрта асрлар давлат бошқариш усулларининг минтақа халқлари маънавий тараққиёт даражасидан анча-мунча орқада қола бошлаганидан нишона эканини эътироф этишга эҳтиёж сезилади.

Султон Ҳусайн ва ўғли Бадиуззамон орасидаги ихтилофлар ахийри бориб фожиа билан яқунланди. 1497 йили Астробод ҳокимлиги жанжали ичида Мўмин Мирзо (Бадиуззамоннинг ўғли, Навоий тарбиясини олган 14 ёшли ўспирин, шоир йигитча) аввал Ихтиёриддин қалъасида маҳбусликда сақланиб, кейин шоҳ бобосининг мастлик билан қўл қўйган фармони асосида қатл этилади. Салтанат келажаги учун ёмон фол даракчиси бўлган бу мудҳиш ҳодиса кекса Алишер Навоийни қаттиқ изтиробга солади. Бу ҳодиса асосида чиқарилган аччиқ хулосалар шоирнинг “васиятнома”си ўрнида ҳисобланган охирги уч асари мазмунига ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

1498 йилда “*Лисон ут-тайр*”, 1499 йилда “*Муҳокамат ул-луғатайн*”, 1500 йили “*Маҳбуб ул-қулуб*” асарлари ёзилди. Бу уч асар буюк шоир ва мутафаккир ижодининг энг авж нуқталари эди. Адиб “*Муҳокамат ул-луғатайн*”да ўзининг бутун ижодий йўлини сарҳисоб қилади, туркий тилдаги шеърятнинг қудратини таъкидлайди. Унда, жумладан, қуйидаги маълумот бор: “*Чун “Лисонут тайр” илҳоми била тараннум тузупмен, қуш тили ишорати била ҳақиқат асрорини мажоз суратида кўргузупмен*”.<sup>94</sup> Алишер Навоий гўдаклик чоғларидан тасаввуф шеърятининг устои Фаридиддин Аттор (1148-1229) яратган “Мантиқ ут-тайр” асарига меҳр қўйгани маълум. Умрининг охирида ушбу асарга татаббу-жавоб ёзар экан, Навоий ўзининг шунгача ёзган барча асарларига фалсафий яқун ясайди. Аттор асари Борлиқнинг ягона моҳияти ҳақида, Ҳақ асрори ва инсон учун уни англаб етиш имкони қай даражада эканлиги ҳақида эди. Навоий асари ҳам асли шу ҳақда. Навоий устоз ва салафига зид фикр билдирмайди, аммо унинг фикрларини такрорламайди ҳам. “*Лисон ут-тайр*”нинг мутлақо мустақил асар эканлигини 1929 йилдаги “*Навоий ва Аттор*” рисоласида Е.Э.Бертельс қониқарли тарзда исбот этиб берган эди. Ўша рисолада зукко рус шарқшуноси Атторни тасаввуф шеърятини вакили сифатида ёдга олиб, “*Лисон ут-тайр*” муаллифи ҳақида эса “*Навои не был суфием..., он представлял собой нечто большее*” деб қайд этади<sup>95</sup>.

<sup>94</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-жилд. Т.-«Фан»-2000, с. 26

<sup>95</sup> Бертельс Е.Э. Избраннѳе труды. Суфизм и суфийская литература. М.-«Наука»-1965, с. 419

Дарҳақиқат, Навоийнинг талқинлари тасаввуф адабиётининг ирфонини инкор қилмайди, балки инсон маънавиятини ундан-да юксакроқ босқичга етаклайди. Атторм XII аср охири XIII аср бошларидаги тасаввуф адабиётининг намояндаси бўлиб, унинг даврида хануз Ибн ал-Арабий (1165-1240) фалсафаси яратилмаган эди. Навоий эса Ибн ал-Арабий ирфонини Ироқий талқинида Жомий ёрдами билан чуқур ўзлаштиргач, кейин қушлар тилида дoston ёзишга киришди. Шу сабабли, айтиш мумкинки, Алишер Навоий асари зоҳиран Атторм асарига таянган бўлса, ботинан, мазмун моҳиятига кўра Ироқий қарашларини ривожлантирган.

Навоий Низомий ва Дехлавий каби забардаст устозлари яратган анъаналарни изчиллик билан давом эттириб, “*Хамса*” дostonларида ўз даври ижтимоий муаммоларининг маънавий моҳиятини чуқур бадиий тадқиқ этган бўлса, «*Лисон ут-тайр*» дostonида Аттормнинг ирфоний мажозларига хиёнат қилмаган ҳолда уларга бир пайтнинг ўзида ижтимоий жило бахш этишга муяссар бўлди. Шу тарзда шоирнинг охирги дostonи ҳам мазмуний теранликда, ҳам шаклий мукамалликда “**мажоз тариқи**”нинг энг авж нуқтаси даражасига кўтарилди.

Асарнинг минтақадаги бадиий тафаккур тарихи жараёни саҳнида «*Мантиқ ут-тайр*» билан батафсил қиёсий таҳлили ва орадаги фарқлар моҳиятини шоирнинг бутун ҳаёти ва ижод йўли билан қиёслаш орқали жуда ажойиб кашфиётларга эришиш мумкинлиги шубҳасиз. Бу йўлдаги дастлабки босқич тадқиқотларга таяниб туриб, ҳозирча ушбу ғоят қисқа мулоҳазаларни баён этиш мумкин:

**Биринчидан**, тасаввуф анъанасидаги солиқнинг Олий мутлақ зот моҳиятида ўзликдан буткул фориф бўлиши ғояси Навоийда шахс сифатида мутлақ ўзликни йўқотиш, ҳатто жисман маҳв бўлиш маъносида эмас, шахс маънавий камолотининг муайян даражаси сифатида талқин этилади. **Иккинчидан**, Навоий талқинида Симурғ тимсоли бир пайтнинг ўзида ҳам солиқлар (қушлар) интилан Борлиқнинг Олий моҳияти, ҳам комил инсонлар жамоаси (“си мурғ” - ўттиз қуш) – Форобий тасвиридаги “фозил жамият” орзуси сифатида намоён бўлади. Шу йўл билан Навоий тавҳид ғоясининг Қуръон оятларига мувофиқ энг мукамал ва теран мазмунини бадиий тимсол кудрати билан очиб бера олди. Инсон Халлоқи олам томонидан **ер юзида халифа** қилиб яратилган. Унинг масъулияти улуғ. Жумладан, ер юзида ижтимоий адолат ўрнатиш масъулияти ҳам ҳар бир инсоннинг зиммасидаги бурч бўлиб, бунинг учун, аввало, у шахс сифатида шаклланмоғи, яъни маънавий камолот касб этмоғи керак. Шу нуқтаи назардан дostonнинг ижтимоий мазмуни ҳақида қуйидагича тасаввур ҳосил бўлади:

Қушлар - инсонлар, аниқроғи, бутун инсоният. Уларнинг Симурғ сари машаққатли йўли - бахтли ва одилона жамият сари тарихий изланиш жараёни. Йўл бошида бу кўп асрлик орзу “*одил шоҳ*” излаш тариқасида намоён бўлади. Тарихий жараён давомида инсонлар жамияти олға интилиш билан чиниқиб, камолотда юксалиб борадилар, турли маънавий босқичларни босиб ўтадилар. Ва охири бориб “*одил шоҳ*” орзуси муаммони асосли ҳал қилиб бера



олмаслиги равшан бўлиб қолади. Қушлар мардонавор парвозда давом этиб, «иккинчи фано» босқичига етишадилар:

*Мунда гар яхиш тахайюл айласанг  
Ёки иш сиррин тааммул айласанг,  
Муттасиф бўлсанг сифотиллоҳ ила,  
Жазм этарсен хотири огоҳ ила -  
Ким сен-ўқ сен, ҳар не ким мақсуд эрур,  
Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.  
Зотнинг ижмолига тафсилсен,  
Ҳам вужуд ишколига таъвилсен.  
Ўз вужудингни тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил.<sup>96</sup>*

Бунда шоир ҳар бир қушга мурожаат этиб, “агар сен улуг орзу йўлида шахсан ўзинг фидоийлик кўрсатмас экансан, хаёл хаёллигича қолаберади; ҳар неки истар бўлсанг, ўзингдан иста, ўз кучингга, камолингга таян», демокда.

Бир сўз билан айтганда, «Олий ҳақиқат мазҳари» сифатида олиб қаралаётган комил ижтимоий тартибни вужудга келтириш ҳам инсониятнинг ўз маънавий камоли ва фаоллик қудратига боғлиқдир:

*Лек Симуриг истаган ул жамъи тайр,  
Ким сулук ичра риёзат бирла сайр -  
Айлабон чун ўзни қобил қилдилар,  
Ул талабдин васл ҳосил қилдилар.  
Сенда ҳам билқувва ул мавжуд эрур.  
Феълга келса даво мақсуд эрур.<sup>97</sup>*

Демак, шоир фикрича, ҳар бир инсонда Олий ҳақиқат - уйғун ва бахтиёр ижтимоий тузумга етиш учун имкон сифатида барча жиҳатлар берилган, фақат бу имкониятни рўёбга чиқариш учун маънавий баркамоллик ва фидоий фаоллик лозим.

Навоий талқинидаги Симуриг - бутун Инсониятнинг яхлитликда эришуви мумкин бўлган Олий такомил босқичига ҳар бир киши, ҳар бир жамоа ўзича камолот ҳосил қилиб етиша олмайди. Бутун инсоният (жами қушлар) унга биргаликда интиломоғи, бирга-бирга парвоз қилиб, йўл машаққатларини бирга енгиб ўтиб эришмоқлари мумкин. Симуриг - бир қуш эмас, камолотнинг олий босқичи -Тавҳид босқичига кўтарилиб етган ўттиз қуш("си муриг")нинг бирлиги - маънавий ягоналик ҳосил қила билган уйғун инсонлар жамоаси, яхлит инсоният. Ушбу уйғунликка эришувнинг ягона йўли эса *инсонларнинг бир-бирига Ҳақ ризолиги йўлидаги пок ва самимий меҳридир*.

Улуғ шоир асарлари замонамизгача омон этиб келди. Аммо улардаги мажозий қобиқ кўпинча теран ва эзгу фикрларни ўқувчи кўзидан яшириб келмоқда. Кўп ўринда улар анъанавий талқин қилинмоқда. Шу сабабли бўлса керак, биз - шоир ижодининг тадқиқотчилари - ҳануз унинг сатрлари қатига яширинган улуғ асрор ва рамзларни кашф этишга етарли журъат ва камолот

<sup>96</sup> Ўша китоб, с.238

<sup>97</sup> Ўша китоб, с.238

топа олмай қолмоқдамиз, иккиланмоқдамиз, жўн таҳлиллар билан буюк ҳикматлар устоди олдида ўзимизни хижолатда қолдирмоқдамиз. Навоий нега ўттиз қушни бизнинг замонамизгача етказиб келди? Чунки бу «*ўттиз қуш*» - бу «*Симург*» инсониятнинг минг йиллик тарихидан бизгача тирик етиб кела олган, бутун инсониятга бўлган юксак меҳрини улкан қалбларига жо эта олган ва шу билан бақога-абадиятга эришган аждодларимиздир. Улар бугун ҳам тирик. Ва биз билан ҳамнафас, янги тараққиёт уфқларига қараб толиқиш билмай парвоз этиб бормоқдалар, ҳали ҳам бизни олға чорламоқдалар. Бугунги кунда уларнинг кўпгина армонлари қушойиш топа бошлади. Аммо биз - камолот сари интилаётган қушлар - бир нафас йўл машаққатларидан толиқсак, беғамлик, тараддуд ва ё тушкунликка берилсак, Олий ҳақиқат сари интилишдан бир нафас чекинсак, бутун инсониятнинг минг йиллик орзуларига хиёнат қилган бўламиз, боболаримизнинг табаррук умидига шак келтирган бўламиз. Бунга бизнинг ҳаққимиз борми?

Е.Э.Бертельс 1941 йилда “*Навоий дунёқарашига доир*” деб номланган мақола ёзиб, унда шоир ижодига Ибн ал-Арабий ва Фахриддин Ироқийлар таъсирини алоҳида таъкид этган<sup>98</sup> ва бу масалани жиддий ўрганишга чақирган эди. Аммо ҳанузгача на навоийшунослар, на жомийшунослар ушбу муҳим муаммога эътибор бергани йўқ, Жомий асарларининг Душанбеда нашр этилган 8 жилдлик тўпламига “*Ашаъот ул-ламаъот*” мутлақо киритилмаганлиги ҳам шундан дарак беради.

Шундай қилиб, Санойӣ, Низомий, Саъдий, Амир Хусрав, Ҳофиз асарларида муайян даражада ўз аксини топган ва Алишер Навоий ижодида мукамал даражага етиб, унинг томонидан назарий асосланган мутлақо янги мустақил бадиий тафаккур тарзи “*мажоз тариқи*” деб ном олди ва унда Ҳақ (Олий ҳақиқат) асрори “*мажоз сувратинда*” намоён бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Бу Борлиқни ўзига хос идрок этиш тарзи “*нақибандия*”нинг “*Дил ба ёру даст ба қор*” қоидасига мувофиқ бўлиб, унда ибрат, илм, ирфон ва амал бир нуқтада бирлашар ва янги дунёга кўз очарди. Тавҳид таълимоти ва эътиқодини идрок этишнинг энг юқори босқичи бўлган бу дунёқараш тизими “Хамса” ва “Лисон ут-тайр” асарларида, шоир лирикасида бадиий инъикосини топган бўлса, бир қанча рисолаларда муаммонинг назарий жиҳатларига эътибор берилди. Биз юқорида уларни ўз идрокимиз етган қадар қисқача шарҳлашга уриндик.

Ислом минтақа маданияти XI-XV асрлар давомида Европага катта таъсир кўрсатди. Айниқса, “*аверроизм*” анъанаси 10 аср ғафлат уйқусига чўмган христиан оламини Реформация ва Ренессанс (Европа Уйғониши)га олиб келди. Реформация, яъни христиан динидаги ислоҳчилик ҳаракатлари Европанинг ўз хатоларини англаб ета бошлаганидан дарак эди. Афсус, биз мусулмонлар кибрга берилдик. Ўзимизга ошиқча маҳлиё бўлдик. XV-XV аср чегараси ислом минтақаси учун маънавий такомилнинг авж нуқтаси бўлган бўлса, Европа учун маънавий юксалишнинг авж олиш нуқтаси бўлди. XVI асрдан минтақамизда таназзул, Европада юксалиш бошланди. XIX-XX асрлар

<sup>98</sup> Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. М., 1965, с.447-449

давомида Европада аниқ ва табиий фанлар, саноат ва техника соҳасида эришилган оламшумул ютуқлар бу минтақани жаҳонда пешқадамликка олиб келди ва натижада бугунги кунда “жаҳон фани”, “умуминсоний қадриятлар” деганда, биринчи навбатда, Европа маданияти унсурлари назарда тутиладиган бўлди.

Ислом дунёси маънавияти IX-XV асрларда юксак камолот босқичларига кўтарилган бўлишига қарамай, бу минтақада сиёсий структура негизи Тавҳид эътиқодига мувофиқ ўзгармаганлиги жуда оғир оқибатларга олиб келди (Бу ўзгариш Европада амалга ошди). Сиёсий тафаккурда қабилачилик даври асотири тафаккур қолдиғи бўлмиш сулолавийлик анъанаси ва “фарр” хурофотининг тўлиқ енгиб ўтилмаганлиги ислом минтақасидаги Ўрта асрлар сиёсий маданиятининг катта қусури бўлди.

Ислом минтақасида XVI асрдан бошлаб, дезинтеграция (ягона минтақа маданиятининг турли ўлка маданиятларига парчаланиши) жараёни кучайиб борди. Эронда Сафавийлар, Кичик Осиёда Усмонли турклар, Мовароуннаҳр ва Хуросонда Шайбонийлар салтанати ўрнашди. Ноаҳиллик балоси охир-оқибат ягона Ватанни босқинчиларга қурбон қилди.

Янги давр Европа маънавий муҳитига хос қарама-қаршиликлар кураши охир-оқибат К.Маркс ва Ф. Энгельснинг муросасиз синфий кураш тарғибига қаратилган коммунистик утопиясига олиб келди. Аммо бу утопиянинг муваққат сиёсий ғалабаси, асосчилар умид қилганидек, Ғарбий Европа мамлакатларида эмас, балки сиёсий қоқоқ ўлкаларда юз берди. Натижада Марказий Осиё халқлари икки томонлама жабр кўрдилар. Ҳур ва озод жамият ваъда қилган болшевоилар қадим Турон элатларини сунъий равишда бири-бирига қарши қўйиб, узил-кесил парчалаб ташлашга муваффақ бўлдилар. Орадан 70 йил ўтди, ёлғон ваъдалар заминида қурилган “советлар” тузуми барибир емирилиб кетди. Қадим Туркистоннинг ягона заминида мустақил давлатлар қад кўтарди. Бугунги сиёсий воқеликда мавжуд имкондан фойдаланиб, ўзаро яқинлашув, қардошлик алоқаларини ривожлантириш йўлини тутиш ягона тўғри сиёсат эканлиги аён бўлиб қолди. Бу йўлда маънавий, маданий бирлик сари интилиш, неча минг йиллар давомида вужудга келган яхлит маънавий меросни чуқур ўзлаштириш ва уни яхлит сақлаб қолиб, янги босқичда ривожланишини таъминлаш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз, келгуси авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Ўрта асрлар маънавий ҳаётида “хос” ва “авом” тушунчалари кенг урф бўлди. Яъни “хос аҳли” юксак камолот босқичларига эришди, аммо “авом” кўп жиҳатдан ибрат босқичида қолиб кета берди. Албатта, маърифат йўлларида ҳар ким иқтидорига яраша бир даражага эришади, аммо маънавий камолот жамиятда фақат тор доиранинг ўз “ички ҳолати” миқёсида қолиб кета берса, умумижтимоий ўзгаришларга олиб келмаса, ҳаёт уйғунлиги бузилади. Фақат хос аҳлига таяниб эркин ва ҳур жамият қуриш қийин. Оддий меҳнаткаш ҳам фақат самимий эътиқод эгаси бўлибгина қолмай, илм ва ирфондан бохабар бўлмоғи, ўзи яшаётган жамиятнинг баланд-пастини тушуниб (иқтисодий ва ҳуқуқий билимларни эгаллаб), атроф воқеликка онгли ва фаол муносабатда

бўлмоғи, ҳозирги тил билан айтганда, фуқаролик жамиятининг, ҳақиқий демократик тузумнинг пойдеворидир.

Аллоҳга минг шукурлар бўлсин-ки, Мустақиллик шарофати билан миллий маънавиятимиз сарчашмаларидан бевосита қониб-қониб оби ҳаёт шиммоғимиз имкони яралди. Бугун энди эътиқод ва илм, ирода қудрати ва меҳр, Ватан ва халқ, табиат ва башарият, бир сўз билан айтганда, Олий ҳақиқат олдидаги инсоний масъулият бир бутун моҳият сифатида ҳар бир шахснинг, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг маънавиятини ташкил этмоғи керак. Миллий маънавий меросимиз бизга табиат ва миллат, башарият ва коинот олдидаги бурч ва масъулиятимиздан сабоқ беради. Маънавиятимизнинг асос қирралари - **эътиқод ва ибрат** (Сунна), **илм ва мантиқий тафаккур** (Ислом маърифатчилиги), **ҳақиқат ишқи йўлида рухият сафарбарлиги ва ирода қудрати**(тасаввуф ва ирфон), **пок инсоний меҳр ва ижтимоий фаоллик** (“*мажоз тариқи*”) - бир-бирини инкор этмайди, балки буларнинг бири кимда кам бўлса, унда маънавий тўқислик бўлмайди.

## 18. Комил инсон, комил имон, тарихий ҳақиқат

Комил инсон тарбияси осон иш эмас. Бу масалага енгил-елпи ёндошув яхши оқибатларга олиб келмайди. Комил инсон деганда биринчи навбатда маънавий комиллик назарда тутилади. Чунки жисмоний қудрат, бадан соғломлиги агар маънавий комиллик бўлмаса, инсоннинг ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали натижалар келтириши амри маҳол. Хўш, маънавий баркамолликнинг белгилари қандай? Маънавий баркамол бўлиш учун ақлий етуклик, масъулият туйғуси, юқори билим даражаси, истеъдод, одоб-ахлоқ кифоя қиладими?

**Лев Толстой** юқорида тилга олинган “*Тазарру*” (“*Исповедь*”) асарида ёзишича, ўша даврда ўзини ўраб турган қалбакилик муҳитида балоғат ёшидан бошлаб Россия империясининг расмий эътиқоди ҳисобланган христиан ақидаларига ишончини йўқотади. Албатта, расмий православ имонини тан олмай кўйган адиб буткул эътиқодсиз эмас эди. Лев Николаевич йигитлик даврларини эслаб шундай ёзади: “*Эндиликда ўша вақтларни эслар эканман, шу нарса аниқ-равшан аён бўладики, менинг эътиқодим, яъни ҳайвоний инстинктлардан ташқари менинг ҳаётимни ҳаракатга келтирган нарса, менинг ўша кезлардаги яккаю ягона иймоним **комил инсон бўлишига ишонч** эди. Аммо комилликнинг мазмуни қанақа, унинг қандай мақсадлари бор — буни айтиб беролмасдим. Мен ўзимни ақлий жиҳатдан мукаммаллаштиришига ҳаракат қилдим — қўлимдан келган ҳамма нарсани, ҳаёт мени рўпара қилган нарсаларнинг барини ўрганишига интилдим; мен иродамни мукаммаллаштиришига ҳаракат қилдим — ўз-ўзимга қоидалар яратиб, уларга амал қилишига уриндим; ўзимни жисмонан мукаммаллаштиришига киришдим — ҳар хил машқлар билан кучимни ва чаққонлигимни ўстирдим, ҳар хил муҳтожликларни кўриб, ўзимни бардошига ва сабр-тоқатга ўргатдим. Буларнинг барини мен мукаммаллашув деб ҳисобладим. Албатта-ки, ҳамма*

нарсанинг ибтидоси маънавий мукаммаллашувимда эди, аммо орадан кўп ўтмай, унинг ўрнини умуман мукаммаллашув эгаллади, яъни ўз-ўзимнинг наздимда ёхуд Худонинг қаршисида яхшироқ бўлиш истаги эмас, балки бошқа одамлар олдида яхшироқ бўлиш истаги эгаллади. Орадан кўп ўтмай бошқа одамлар қаршисида яхшироқ бўлишга интилиш ўрнини бошқа одамлардан кучлироқ бўлиш, яъни бошқаларга қараганда шухратлироқ, донгдорроқ, бадавлатроқ бўлиш истаги эгаллади”<sup>99</sup>. Бу инсоният маънавий ҳаётида катта из қолдирган улуғ бир мутафаккир инсоннинг эътирофлари. Демак, инсонда ҳарқанча илм, масъулият, меҳр бўлса-ю, имон масаласида аниқ бир йўналиш олинмаган, ёки янглиш йўлга кириб кетилган бўлса, комиллик масаласи тўғри ҳал қилинган бўлмас экан. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, **комил инсон** бўлиш учун энг аввало **комил имон эгаси** бўлиш керак экан.

Энди **комил имон** ўзи қандай бўлади, деган саволга жавоб қидириб кўрайлик. Аввало бир нарсани эътироф этиш лозим бўладикки, комиллик тушунчаси ўзи идеал тушунча бўлиб, ҳаётда мутлақ комилликка эришган инсонни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Ислом динида пайғамбаримиз Муҳаммад(сав)ни комил инсон деб тасаввур қилинади. Аммо, биринчидан, ул жанобга пайғамбарлик Аллоҳ инояти билан ато этилган, иккинчидан, ушбу комил инсоннинг ҳам баъзи масалаларда хато қилган, адашган ўринлари бевосита Қуръони карим оятларида сабт этилганлигини ислом уламолари яхши билишади. Шундай экан, ўзбекнинг “беайб парвардигор” деган мақоли бежиз эмас. Чунки ҳар қандай улуғ мутафаккир бўлмасин, банда борки, ақлий қобилияти ҳам, илм доираси ҳам, фаҳму фаросати ҳам муайян даражада чекли бўлиши табиий. Мана шу ўринда **тарихий ҳақиқат** тушунчаси иш беради. Бунинг маъноси шуки, ҳеч бир инсон мутлақ ҳақиқат эгаси бўла олмайди, балки бир инсоннинг қарашлари мутлақ ҳақиқат деб қаралса, бундай ақидапарастликнинг оқибати хайрли бўлмайди. Аммо ҳар бир инсон ҳаётнинг асл ҳақиқатини излаши табиий. Шундай изланишлар натижасида ҳар бир инсон ўзи учун муайян хулосалар ҳосил қилади. Инсонларнинг билими, иқтидори, олдига қўйган мақсади, ҳаётий тажрибаси ва изланишларининг изчиллик даражасига биноан баъзи **алоҳида шахслар** бу соҳада шундай натижаларга эришадикки, уларнинг қарашларини муайян замон ва маконда муайян бир гуруҳ **ҳақиқат** деб қабул қилади ва турли даражада унга эргашади. Агар инсониятнинг катта бир гуруҳи мана шундай алоҳида шахсларнинг қарашларини ҳақиқат деб қабул қилса, муайян давр мобайнида унга ишонч билдирса, эргашса ва ушбу қарашларга мувофиқ равишда ижтимоий ҳаётни ўзгартириш, ўзлари назарида уни мукаммаллаштиришга уринса, айни шу қарашларни **тарихий ҳақиқат** деб аташ мумкин. Баъзан **тарихий ҳақиқатни тарихий факт** билан чалкаштириш ҳолатлари учрайди. Алишер Навоийнинг 1441 йилда туғилганлиги, Буюк француз инқилобининг 1789 йилда бошланганлиги булар - **тарихий фактлар**. **Тарихий ҳақиқат** эса ижтимоий ҳаётга оид ҳодиса бўлиб, муайян бир даврда катта бир инсонлар жамоаси томонидан **ҳақиқат** деб тан олинган ва имкон даражасида амалга

<sup>99</sup> Л.Н.Толстой. Избранные сочинения в 3х тт., т. 3, с.413. (Озод Шарафиддинов таржимаси асосида).

татбиқ этилган **қарашлар тизими** деб таърифланса дуруст бўлади. Лекин бу қарашлар тизимининг **мутлақ ҳақиқат** даражасида эътироф этилиши охири-оқибат адашув ва таназзулга олиб боради. Марксизм назарияси ва унинг амалга татбиқ этилиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Хўш, мутлақ ҳақиқат борми? “Бор” деб жавоб беради француз олими Морис Букай ўз китоби орқали. Унинг дунёнинг бирнеча тилларига таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилаётган “*Библия, Коран и наука*” китобида турли жиҳатлардан илмий исбот қилинишига биноан дунёдаги инсон кўли билан тузатилмаган ягона илоҳий калом бу Қуръони каримдир. Ва бу илоҳий китоб оятлари бугунги жаҳон фанида эришилган кашфиётларнинг бирортасига зид эмасдир. Демак, мутлақ ҳақиқат чексиз илм ва чексиз қудрат эгаси бўлган Аллоҳ таолонинг китобида ўз ифодасини топган экан. Аммо Қуръон оятларини ҳам турли инсонлар турлича тушунадилар ва турлича талқин қиладилар. Шу кунгача ислом оламида минглаб Қуръон тафсирлари яратилганлиги ва яна Аллоҳ каломининг турли йўналишдаги таъвиллари мавжудлиги шуни аён кўрсатиб турипти. Демак, мутлақ ҳақиқат бўлган Аллоҳ оятларининг турли замон ва маконда турли тоифа вакиллари томонидан турлича талқин қилиниши ҳам **тарихий ҳақиқат** сифатида олиб қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Улуғ аждодларимиз имон масаласида бизни **тақлидий имон** ва **таҳлилий имон**ни бир-биридан фарқ қилишга ўргатишган. **Тақлидий имон** эгасини йўлдан адаштириш жуда осон. Чунки у ўзи нимага эътиқод қилаётганини чуқур мулоҳаза қилиб кўришга ҳавсала қилган эмас. Бундай имон эгасини биз комил инсон дея олмаймиз, чунки унинг имони илм билан уйғунлик ҳосил қилган эмас. **Таҳлилий имон эгаси** эса ўзи нимага эътиқод қилаётганини борган сари чуқурроқ билишга интилади, бу йўлда умрининг охиригача ўз билимларини оширишдан эринмайди, англаб етган нарсаларини ўзгалар билан ўртоқлашиб, уларнинг фикрини мулоҳаза қилади. Мана шундай инсонлар **маънавий баркамоллик йўлида** биринчи ва асосий қадамни қўйган бўладилар.

## 19. “*Ёзувчилик иймони*” ҳақида (Лев Толстой “*Тазарру*” (“*Исповедь*”) асаридан)

Инсонда **комил имон, маънавий мукамаллик** бўлмаса, уни ҳечқандай истеъдод, тафаккур ва билим, ҳатто ва буюк мақсадлар ҳам ғафлат, шаҳват ва кибр балосидан, уларнинг оқибати бўлмиш маънавий таназзулдан асраб қола олмайди. Бунинг исботини яна улуғ адиб тазаррусидан топамиз.

*“Бу давр мобайнида шуҳратпарастлигим, манфаатпарастлигим, мутакаббирлигим важдан ёза бошладим. Ҳаётда нима номаъқулчилик қилган бўлсам, ёзганларимда ҳам шуни ёздим. Шуҳратга эришмоқ ва пул топмоқ учун жамики яхши нарсани яшириб, ёмон нарсани ёзмоқ керак эди. Мен шундай қилдим. Мен ёзган нарсаларимда лоқайдлик пардаси остида ва ҳатто, жиндай истеҳзо аралаш яхшиликка интилишларимни неча марталаб яшириб*

кетганман. Ҳолбуки, яхшиликка интилиш ҳаётимнинг мазмунини ташкил қиларди. Шу йўл билан шуҳратга эришдим — мени мақтадилар. Йигирма олти ёшга тўлиб, урушдан кейин Петербургга келдим ва ёзувчилар билан топшидим. Мени ўзларига яқин олиб қарши олишди, менга хушомадлар қилишди. Бир айланиб улгурмасимдан ўзим топган одамларнинг ҳаётга мутакаббироно қарашларини ўзлаштириб олдим ва яхшироқ бўлиш борасида қилган ҳамма аввалги уринишларим тағ-туғи билан ҳаёлимдан учди-кетди. Ушбу қарашлар бебошлик билан кечираётган умримга қўшилиб бу ҳаётни оқлайдиган назарияга айланди.

Ёзувчилик борасидаги шерикларимнинг ҳаётга қараши қуйидагича эди: умуман ҳаёт ўз йўлида ривожланиб боради ва унинг бу ривожиди биз, яъни фикрловчи одамлар асосий иштирокчилар сифатида кўринамиз; фикрловчи одамлар орасида эса биз — санъаткорлар, шоирлар асосий таъсир кучига эгамиз. Зиммамиздаги бурчимиз — одамларга ақл ўргатиш. Аммо бунда ўз-ўзинга бериладиган савол кўндаланг бўлиши мумкин — хўш, мен ўзим нимани биламану, одамларга нимани ўргатаман? Шу савол кўндаланг бўлмасин учун юқоридаги назариямизга бир гап қўшилган эди — санъаткор бировга бир нарса ўргатмоғи учун ўзи бирон нарса билиши шарт эмас, санъаткор билан шоир ғайришуурий тарзда ўргатишади. Мен жуда ажойиб санъаткор ва шоир ҳисобланардим, шунинг учун ҳам зоят табиий бир тарзда бу назарияни ўзлаштириб олдим. Мен — шоирман, санъаткорман, ўзим нимани ўргатаётганимни билмаган ҳолда асар ёзиб, одамларга ўргатаман. Бунинг учун менга қалам ҳақи беришади, еганим оддимда, емаганим кетимда, тураржойим соз, аёллар бисёр, улфатларим жойида. Хуллас, шуҳратим юксак. Бундан келиб чиқадики, мен ўргатган нарса жуда яхши экан.

Ҳаётнинг ривожланиши ва унда поэзиянинг аҳамиятига бўлган бу ишонч — бизнинг иймонимиз эди ва мен бу иймонга сизинувчилардан бири эдим. Бу иймонга сизиниш қулай ва ёқимли эди. Шу аҳволда шу иймонга сажда қилиб, унинг чинлигига шак келтирмай мен анча яшадим. Аммо икки йил ўтгач ва айниқса, бундай ҳаётимнинг учинчи йили бошлангач, мен бу иймоннинг бенуқсонлигига шубҳа қила бошладим ва уни тадқиқ қилишга киришдим. Менда шубҳа туғилишига тўртки бўлган биринчи омил шу бўлдики, бу иймонга сизинувчилар ҳамма вақт ҳам ўзаро иттифоқ эмас эдилар. Улардан бирлари дейишарди: биз — энг яхши ва энг фойдали устозлармиз, биз керак нарсани ўргатамиз, бошқалар нотўғри ўргатишади. Бошқалари эса бундай дейишади: йўқ, биз чин устозмиз, сизлар нотўғри ўргатасиз. Шундай деб улар бир-бирлари билан баҳсга киришади, тортишади, сўкишишади, бир-бирларини алдайди, бир-бирларига маккорлик қилишади. Бундан ташқари, уларнинг орасида шунақа одамлар ҳам кўп эдики, улар ким ҳақу ким ноҳақлигини ўйлаб ҳам ўтиришмасди, балки бизнинг фаолиятимиздан фойдаланиб, ўзларининг гаразли ниятларига осонгина эришардилар-қўярдилар. Буларнинг ҳаммаси мени иймонимизнинг чинлигига шак келтиришга мажбур қилди.

Бундан ташқари, ёзувчилик иймонининг чинлигига шубҳа пайдо бўлгандан кейин мен унга сизинувчилар ҳаётини синчиклаб кузата бошладим ва амин бўлдимки, бу иймонга сизинувчиларнинг деярли ҳаммаси, яъни ёзувчилар,

виждонсиз одамлар экан, уларнинг кўпчилиги ярамас одамлар экан, уларни икки пулга арзимайдиган каслар деса ҳам бўлар экан; улар аслида аввалги бебош ҳаётимда, ҳарбий ҳаётимда учратган одамларнинг кўпидан тубан турарди, лекин шунга қарамай улар жуда ҳам ўзларига бино қўйган ва ўз-ўзларидан бениҳоя мамнун одамлар эди. Фақат авлиёларгина ўз-ўзларидан шунақа мамнун бўлишлари мумкин ёки авлиёлик нималигини билмайдиганларгина шунақа бўлсалар, эҳтимол. Мен одамларни ёмон кўриб қолдим, ўзимдан ҳам кўнглим қолди. Шунда англадимки, бу иймон — ёлгон!

Аммо галати жойи шундаки, бу иймоннинг ёлгонлигини тушуниб, ундан юз ўғирганимдан кейин шу одамлар томонидан менга берилган рутбадан — санъаткор, шоир, устоз рутбасидан юз ўғирмадим. Гўллик билан ўйлабманки, мен шоирман, санъаткорман, бинобарин, ўзим нимани ўргатаётганимни билмаган ҳолда ҳаммага ақл ўргатавераман. Шундай қилдим ҳам. Бу одамларга яқин бўлиб мен янги бир гуноҳ орттирдим — менда мутакаббирлик жуда авж олиб кетди ва нима ўргатаётганимни билмаган ҳолда одамларга ақл ўргатиш зиммамдаги бурчимдир, деган мажнунона ишонч пайдо бўлди.

Эндиликда ўша замонларни эсга олар эканман, ўзимнинг ўша пайтдаги кайфиятимни ва ўша одамларнинг (бунақа одамлар ҳозир ҳам беҳисоб) кайфиятини хотирлар эканман, ҳам кулгим келади, ҳам йиғлагим, ҳам раҳмим қўзғалади, ҳам даҳшатга тушаман. Жиннихонага тушган одамнинг кўнглидан шунақа туйғулар кечса керак. У пайтларда биз ҳаммамиз астойдил ишонган эдикки, биз кўп гапирмоғимиз, тинмай ёзмағимиз, ёзганимизни бетўхтов чоп этмоғимиз даркор, буни қанча тез ва қанча кўп қилсак, шунча яхши, чунки буларнинг бари инсоният манфаатлари учун зарур. Ва бизга ўхшаганлардан сон мингтаси бир-бирини инкор этиб, бир-бирини сўкиб, бошқаларга ақл ўргатиб тинмай ёздилар ва ёзганларини чоп этдилар. Шундай қилиб, биз ҳеч нарса билмаслигимизни пайқаманган ҳолда, ҳаётнинг «яхши дегани нимаю ёмон дегани нима?» деган энг оддий саволига нима деб жавоб беришни билмаган ҳолда, бир-биримизнинг гапимизни тингламаган ҳолда ҳаммамиз ёппасига гапирди. Аммо баъзан менга ҳам «баракалла» десинлар ва мени ҳам жиндай мақтаб қўйсинлар деган мақсадда, бир-биримизга офаринлар ёғдирдик ва бир-биримизни мақтаб, кўкларга кўтардик. Бу олаговур ичида аҳён-аҳёнда газабимиз ҳам қўзиб турар ва бир-биримизнинг овозимизни босиб, қичқиришга тушардик. Бу айни жиннихонанинг ўзи эмасми?!

Минглаб ишчилар, туну кун кучдан қолиб, ҳориб-толиқиб ишлашар, миллионлаб сўзларни теришар ва босишар, почта эса уларни бутун Россия бўйлаб тарқатар эди, биз эса ҳамон узлуксиз равишда жазавага тушиб ўргатар, ўргатар ва яна ўргатар эдик, бу ўргатишимизнинг кети-охири кўринмас эди ва биз яна зарда ҳам қилиб қўярдик — бизнинг гапимизни кам тинглашяпти. Кўп галати эди бу, лекин энди менга ҳаммаси тушунарли. Ҳақиқий, чин юракдан чиққан мулоҳазамиз шу эдики, биз имкони борича кўпроқ пул олишни ва мақтов эшитишни истар эдик. Бу мақсадга эришиш йўлида биз китоб ёзиш ва газета чиқаришдан бошқа ҳеч нарса билмас эдик. Биз шу ишларни қилдик ҳам. Аммо шу қадар беҳуда ишларни қилиб туриб, ўзимизни жуда керакли улкан одамлар деб комил ишонч билан ҳисобламоғимиз учун,



бизнинг фаолиятимизни оқлайдиган, унга бирон маъно ато этадиган мулоҳаза ҳам керак эди. Шу сабабдан биз қуйидаги гапни тўқиб чиқардик: мавжуд нарсаки бор, уларнинг ҳаммаси ақлга мувофиқдир. Нимаики мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси ривож топади. Ривожланиш эса маърифат воситасида амалга ошади. Маърифат деганимизнинг даражаси китоб ва газеталарнинг қай даражада тарқалиши билан ўлчанади. Биз китоб ёзганимиз ва газета чиқарганимиз учун бизга пул тўлашади, шунинг учун ҳам биз энг фойдали ва яхши одамлармиз. Агар биз ҳаммамиз шу мулоҳазага қўшилсак, ундан яхши мулоҳаза бўлмас эди. Аммо бир одам томонидан айтилган битта фикрга қарши бошқа одам ҳар доим бутунлай унга зид бошқа бир фикр айтарди, бу эса бизни ўйланишга мажбур этарди. Аммо биз буни пайқамас эдик. Бизга пул тўлашарди ва фирқамизга мансуб одамлар бизни мақташарди — шундоқ бўлгандан кейин бизнинг ҳар қайсимиз ўзимизни ҳақ деб ҳисоблардик. Энди менга аёнки, буларнинг бари жиннихонадаги аҳволдан сира ҳам фарқ қилмайди. У пайтларда эса мен буни гира-шира англардим, холос ва ҳамма жинниларга ўхшаб ўзимдан бошқа ҳаммани жинни деб атар эдим”.

“Мен ёзувчиликни ҳеч нарсага арзимайдиган беҳуда иш деб ҳисобласам-да, бу ўн беш йил мобайнида ёзишда давом этдим. Мен энди ёзувчиликнинг мазасини тушуниб қолгандим, арзимаган меҳнат учун олинадиган жарақ-жарақ қалам ҳақиға, қарсақлару офаринларга мазахўрак бўлиб қолгандим. Шунинг учун дамимни ичимга ютиб, улардан моддий аҳволимни яхшилаш воситаси сифатида фойдаланишда давом этдим ва улар ёрдамида менинг ҳаётим ва умуман ҳаётнинг маъноси тўғрисидаги кўнглимдаги ҳар қанақа саволларнинг унни ўчиришга ҳаракат қилдим. Бу кезларда мен учун ягона ҳақиқат бор эди — шундай яшагинки, бунинг оқибатида ўзинг оиланг билан бирга ҳузур-ҳаловатда ҳаёт кечир, имкони борича фароғатда яша. Ёзган асарларимда ҳам шундай таълим бердим. Шу аҳволда яшаишда давом этдим, аммо бундан беш йилча муқаддам мен галати ҳолатларни кечира бошладим — аввалларига бир неча дақиқа давомида ҳаётим тўхтаб қолаётгандай, довдираб қолаётгандай бўладиган бўлиб қолдим. Гўёки қандай яшашим кераклигини, нима қилмогим кераклигини мутлақо билмас эдим. Бундай ҳолларда эсанкираб, тушкунликка тушиб қолардим. Аммо бу ўтиб кетарди ва мен аввалгидай яшаишда давом этаверардим. Кейин бу довдираш дақиқалари тез-тез такрор бўла бошлади. Бу ҳар гал бир хил шаклда содир бўларди. Ҳаётнинг бундай тўхтаб қолишлари ҳар гал бир хил — нима учун? Хўш, кейинчи? — деган саволларда ифодаланарди.

Авалига менга шундай туюлдики, булар мақсадсиз, ноўрин берилган саволлар. Назаримда буларнинг ҳаммаси маълум гаплар эди, агар мен вақти-соати келиб уларни ҳал қилиш билан шуғулланадиган бўлсам, бу иш мен учун сира-сира қийин бўлмайди, фақат ҳозир бу билан шуғулланишга ортиқча вақтим йўқ, керак бўлганда уларнинг ҳаммасига жавоб топа оламан. Бироқ саволлар устма-уст қалашиб ёғилаверди, борган сари қатъийроқ тарзда уларга жавоб талаб қилинаверди ва устма-уст бир нуқтага тушган каби бу жавобсиз саволлар бирлашиб, каттакон бир қора доғни ташкил қилди.

Одамзод бедаво бир дардга чалинадиган бўлса, одатда шундай бўлади. Аввалига хасталикнинг арзимас белгилари намоён бўлади. Бемор уларга эътибор бермайди. Кейин бу белгилар такрор-такрор учрайверади ва бора-бора бўлинмайдиган, битта яхлит дардга айланади. Дард кучайгандан кучаяди ва бемор бирор тадорикни кўриб улгурмай англайдики, у оддий хасталик деб қабул қилган нарса унинг учун дунёдаги энг муҳим нарса экан. Бу — ажсал экан!

Мен ҳам худди шунга бошимдан кечирдим. Мен англадимки, бу тасодифий хасталик эмас, балки бошқа жуда муҳим бир нарса. Модомики бир хил саволлар такрор-такрор кўндаланг бўлавераётган экан, уларга жавоб бермоқ керак. Шунда мен уларга жавоб беришга уннаб кўрдим. Саволлар жуда жўн, болаларникига ўхшаган, бемаъни саволларга ўхшарди. Аммо мен уларни олиб, ҳал қилишга уннашим биланоқ шунга амин бўлдимки, биринчидан, улар болаларнинг саволи эмас, беҳуда эмас, балки ҳаётдаги энг муҳим ва энг теран саволлар экан. Иккинчидан, мен ҳар қанча бошимни қотирмай, уларни сира ҳам ҳал қилолмайман. Самарадаги мулким билан шуғулланишдан аввал, ўғлимнинг тарбиясига киришмоқдан, қўлга қалам олиб китоб ёзишга ўтирмоқдан аввал буларнинг ҳаммасини нима мақсадда қилмоқчи эканлигимни билмоғим керак. Нима мақсадда эканини билмагунимча, мен ҳеч нарса қилолмайман...

Масалан, менинг асарларимни қандай шон-шуҳратлар кутаётгани ҳақида ўйласам, ўзимга ўзим дердим: «Хўп, яхши, сенинг шуҳратинг Гоголникидан, Пушкинникидан, Шекспирникидан, Мольерникидан, дунёдаги жамики ёзувчиларникидан ҳам ортиқроқ бўлади. Хўш, нима бўпти? Иннайкейин-чи?»

Бу саволга жавоб тополмай, тилимни тишлаб қолардим”.

## **20. “Тараққиёт назарияси”**

(Лев Толстой “Тазарру” (“Исповедь”) асаридан)

Янги давр Европа тамаддуни, айниқса, маърифатпарвар гуманистлар дунёқарашидаги яна бир янглишув “тараққиёт назарияси”дир. Ч. Дарвиннинг “Турларнинг келиб чиқиши” асарига таянувчи бу материалистик гипотеза XIX аср охири - XX аср бошларида жуда машҳур бўлган эди. Лев Толстой ҳам маълум бир даврда ушбу ғояга муҳиб бўлган эди.

“Ана шу тентаклик қўйнида мен уйлангунимга қадар яна олти йил умр кечирдим. Бу вақт ичида мен хорижга бориб келдим. Оврўподаги ҳаёт ҳақида Оврўподаги илғор, ўқимишли одамлар билан мулоқот шу пайтгача амал қилиб яшаб келганим мукамаллашув ҳақидаги эътиқодимни янада мустаҳкамлади, чунки бу ердаги одамлар ҳам айни шу эътиқодга сизинар эканлар. Мендаги эътиқод бизнинг давримиздаги ўқимишли одамларнинг кўпчилигида бўлгани каби оддий бир шаклга кирди. Бу эътиқод «**тараққий**» деган сўз билан ифодаланар эди. У пайтларда менга бу сўз аллақандай маъно англатадигандай туюлар эди. У пайтларда ҳали тушунмас эдимки, мен

«қандай қилиб яхшироқ яшамогим керак?» деганга ўхшаш саволлар гирдобида изтироб чекаётган ҳар қандай одам каби «тараққийга мувофиқ яшамоқ керак», деб жавоб берар эканман, тўлқинлар юзида шамол ҳар томонга судраётган қайиққа тушиб қолган одам «йўл бўлсин?» деган унинг учун ягона ва асосий саволга жавоб бериш ўрнига «аллақайёққа елиб кетиб боряпмиз» дегандек бўлган эканман.

У пайтларда мен ҳали бунни пайқаман эдим. Бизнинг давримизда ҳаётни тушуниб етмаган одамлар ана шу умумий хурофот қобигига бурканиб оладилар. Мен аҳён-аҳёнда ақлим билан эмас, туйғуларим билан бундан норози бўлиб қўярдим. Масалан, Парижда бўлган вақтимда қатл манзарасини кўрдиму, мендаги тараққийга эътиқоднинг замини бўш эканини сезиб қолдим. Қатл қилинган одамнинг калласи танасидан жудо бўлиб, иккови ҳам гупиллаб қутига тушганлигини кўриб, ақлим билан эмас, бутун вужудим билан англадимки, ҳеч қандай тараққиёт ва мавжуд нарсанинг ақлга мувофиқлиги ҳақидаги назария бу ишни асло оқлай олмайди.<sup>100</sup> Агар дунё яратилгандан бери дунёдаги ҳамма одамлар қандайдир назарияларга амал қилиб, шу қотилликни зарур деб ҳисоблаб келган бўлсалар ҳам, мен аниқ биламанки, бу керак эмас, бу ёмон иш. Шундай экан, нима нарса яхшию нима нарса зарур эканини қандайдир **тараққиёт назариясига** эргашиб, ёки одамларнинг гап-сўзю амалларидан келиб чиқиб эмас, балки мен юрагимнинг амрига кўра белгилайман. Тараққиёт деган нарсага хурофий эътиқод қўйишининг ҳаёт учун кифоя эмаслигини англашимга сабабчи бўлган яна бир воқеа катта акамнинг ўлими бўлди. Доно, бағрикенг, жиддий одам эди у. У жуда ёш касалга чалинди, бир йилдан ортиқроқ азоб тортди ва қийналиб, нимага яшаганини тушунмай ва нега вафот этаётганига ҳам ақли етмай оламдан кўз юмди. Унинг қийналиб, эзилиб-эзилиб жон таслим қилаётган кезларида на менинг, на унинг бундай оғир саволларимизга ҳеч қанақа назария жавоб бера олгани йўқ.

Аммо бундай шубҳалар аҳён-аҳёндагина юрагимни чулғаб оларди, аслида эса мен **тараққиёт ҳақидаги эътиқодга** ихлос қўйиб яшаида давом этардим: «Ҳамма нарса ривожланипти, мен ҳам ривожланипман, нима учун ҳамма билан бирга мен ҳам ривожланипман — кейинчалик кўрармиз». Ўша пайтлардаги эътиқодимни шундай деб ифодаласам бўлар дейман. Хориждан қайтганимдан кейин мен қишлоқда истиқомат қила бошладим ва деҳқон болалари ўқийдиган мактабда дарс бердим. Мактабдаги машғулотлар менга жуда манзур бўлди, чунки уларда адабий устозлик фаолиятида мен учун аён — ошкор бўлиб қолган, хўб жонимга тегиб улгурган ёлгон йўқ эди. Бу ерда ҳам мен тараққиёт йўлида жонбозлик қилдим, бироқ энди мен тараққиётнинг ўзига танқидий муносабатда бўлиб қолгандим. Мен ўзимга ўзим дедимки, баъзи бир ҳодисаларда тараққиёт нотўғри содир бўлган, эндиликда ибтидоий одамларга, деҳқон болаларга батамом эркин муносабатда бўлмоқ керак, уларга ўзлари хоҳлаган тараққиёт йўлини танлаб олишни таклиф қилмоқ лозим.

---

<sup>100</sup> Янги давр Европасининг ҳал қилувчи воқеаларидан бири бўлган Буюк Франция инқилоби (1789-1794) даврида ихтиро қилинган **гильотина** (одам бошини кесадиган жоду) ҳақида гап бормоқда.

Ваҳоланки, мен ҳамон ўша-ўша ҳал қилиб бўлмайдиган битта масала атрофида айланаётган эканман. Бу масала — **нимага ўргатаётганингни билмай туриб, бировга ақл ўргатиш** эди. Адабий фаолиятнинг юқори доираларида нимага ўргатаётганингни билмай туриб, бировга ақл ўргатиш мумкин эмаслигини мен англаб етган эдим. Нега десангиз, мен кўрдим — ҳамма ҳар хил нарсани ўргатар экан ва нима ўргатаётганлари ўзлари учун ҳам қоронғи эканини ўзларидан яширмоқ учун бир-бирлари билан баҳслашиб ётишар экан. Энди мен ўйладимки, деҳқон болалари билан биргаликда бу қийинчиликни бартараф қилиш мумкин — бунинг учун болаларга ўзлари хоҳлаган нарсани ўргатиш керак. Эндиликда кўнглимга келган бу номаъқулчиликни амалга оширмоқ учун қанчалик ўлиб-тирилганимни эсласам, кулгим қистайди. Шунинг учун ҳам номаъқулчилик демоқдаманки, мен уларга ҳеч қанақа керакли нарсани ўргата олмаслигимни ич-ичимдан яхши билардим, чунки нима кераклигини ўзим ҳам билмас эдим. Мактабда бир йилча дарс берганимдан кейин яна хорижга (яъни Европага- М.И.) жўнадим. Бу гал мақсадим — хорижда ўзи ҳеч нарсани билмаган ҳолда бошқаларга қандай таълим беришининг йўлларини ўрганмоқ эди.

Менга шундай туюлдики, мен хорижда буни ўрганиб олдим ва хорижнинг бу борадаги жамики донолиги билан қуролланган ҳолда деҳқонлар озодликка чиққан йили (1861 йили) Россияга қайтдим ва воситачилик лавозимига<sup>101</sup> жойлашиб, мактабларда саводсиз одамларга ҳам, ўзим наир эта бошлаган журнал орқали ўқимишли одамларга ҳам таълим бера бошладим. Аввали ишлар юришиб кетгандек кўринди, лекин кўп ўтмасдан ўзимнинг ақлан унча соғлом эмаслигимни ва бу аҳвол узоқ давом этиши мумкин эканлигини ҳис қила бошладим. Балки мен ўшандаёқ кейинчалик — эллик ёшимда бошимга тушадиган чуқур тушкунлик дардига гирифтор бўлардим. Ўшанда мени бундан сақлаб қолган нарса — ҳаётимнинг мен ҳали тотиб кўрмаган бир томони бор эдики, шу мени қутқариши мумкин деган умидда эдим. Бу — оилавий ҳаёт эди.

Бир йил мобайнида мен воситачилик билан шуғулланиб, мактабда дарс бериб, журналда ишлаб ҳаддан ташқари қийналиб кетдим. Мен учун ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди... Буларнинг барига сабаб ҳамон ўша-ўша эди — нима таълим беришни билмаган ҳолда ҳаммага таълим бермоқчи, ақл ўргатмоқчи бўлардим ва буни ҳаммадан яширмоқни истардим. Шу туйғули мен жисмонан эмас, руҳан хасталикка чалиниб қолдим. Шунда ҳамма нарсдан қўл силтадим-да, тоза ҳаводан нафас олиш, тўйиб қимиз ичиш ва ибтидоий бир тарзда ҳаёт кечириб кўриш учун чўлга, бошқирдлар ҳузурига йўл олдим.

У ердан қайтиб келиб уйландим. Бахтиёр оилавий ҳаётнинг янги шароити мени ҳаётнинг умумий маъносини излаш борасидаги ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан бутунлай қайтарди. Бу вақт мобайнида менинг бутун диққат-эътиборим оиламга, хотинимга, болаларимга қаратилди, шунинг учун

---

<sup>101</sup> “Воситачилик лавозими” - ўша даврларда помещчик билан деҳқонлар орасидаги низоларни ҳал қилиш билан шуғулланувчи шахс.

*тирикчилик йўлида тузукроқ маблағ топши ташвишлари биринчи ўринга чиқди... Шу аҳволда яна ўн беш йил ўтди”.*

## **21. Тавҳид эътиқоди ва ижтимоий фанлар методологияси**

Иммануил Кант ўзининг “Соф ақлнинг танқиди” асарида инсон ўз ақли билан Тангрининг мавжудлигини ҳам, йўқлигини ҳам аниқ исбот қила олмайди, деб ёзган эди. Аммо “Амалий ақлнинг танқиди” деб аталган кейинги китобида инсон ахлоқининг тан олинishi бевосита инсон руҳининг абадийлиги ва ягона Тангрининг мавжудлигини тан олишни тақозо қилади, деган хулосага келади<sup>102</sup>. Дарҳақиқат, инсон илми ҳеч қачон Борлиқ ҳақиқатининг охирига ета олмайди. Шундай экан, ҳарқандай илм бирор-бир аниқ мақсад сари йўналмаса, чексиз-чегарасиз, ибтидо-интиҳосиз бўлиб қолиб, бирор самарага муяссар бўлиши қийин. “Методология” тушунчаси воқеликни илмий идрок этишнинг айна шу муайян мақсадга қаратилган мантиқий тизимини англатади. Маълумки, аждодларимиз - буюк тасаввуф пирлари - Ҳаққа етишишнинг ирфоний йўллари ишлаб чиққанлар ва уларни “тариқат” ёки “сулук” деб атаганлар. “Метод” атамаси ҳам аслида юнонча “методос” сўзидан бўлиб, “йўл”, “ҳақиқатни англаб етиш йўли” маъноларини ифодалайди. Араб тилида бу сўзнинг муқобили “тариқ” ёки “тариқа” бўлади. “Тариқат” атамасининг келиб чиқиши шундан. Алишер Навоий XV асрда айна шу анъанага таянган ҳолда адабиётда “бадий метод” муаммосини ҳал қилиб берди ва “ҳақиқат тариқи”, “мажоз тариқи” тушунчаларини илмий истеъмолга киритди<sup>103</sup>.

Марксизм-ленинизмга сўнгги ҳақиқат деб қараган пайтимизда ижтимоий фанлар соҳаси жуда жўнлашиб кетган эди. Чунки мутлақ ҳақиқатлар аллақачон аниқланган, энди нисбий, иккинчи даражали масалаларни ҳал қилишгина қолгандай тасаввур ҳукмрон эди. Ҳозир ҳам яқин ўтмишда марксистик фалсафани яхши ўзлаштириб олганлар учун эски андаза ва қолиплардан воз кечиш қийин бўлмоқда. Аммо бугун, кўзимизни каттароқ очиб қарасак, биргина Европа минтақасида шунча кўп бир-биридан кескин фарқ қилувчи фалсафий тизимлар яратилган экан-ки, уларнинг ҳар бирини жиддий англаб етиш учун бир инсоннинг умри ё етади, ёки етмайди. Шундай шароитда собиқ совет даврида кимки марксистик диалектиканинг тарғиботи билан илмий даражаларга эришган бўлса, бугун ҳам кечаги билимларини «илмий фалсафий таълимот» сифатида талабаларга тақдим қилишга уриниши<sup>104</sup>, юмшоқ қилиб айтганда, инсофдан эмас, қолаверса, бундай

<sup>102</sup> Кейинчалик бошқа бир машҳур Европа файласуфи Ф.Нитше Тангри мавжудлигини тан олмаслик инсон ахлоқининг аҳамиятини ҳам маъносиз қилиб қўяди, деб ҳисоблаган.

<sup>103</sup> Бу ҳақда “Маънавиятнинг ривожланиш тарихи” фанида батафсил гапирилади.

<sup>104</sup> Гапимиз куруқ даъво бўлиб қолмаслиги учун бир мисол келтирамиз. Марҳум академик Ж.Туленовнинг 2001 йилда “Ўзбекистон” нашриётида чоп эттирган “Диалектика назарияси” китоби айна шундай уринишлардан бўлиб, унда, масалан И.Кантнинг билиш назарияси ҳақида шундай дейилади: “Умуман Кантнинг билиш назарияси ўз моҳият эътибори билан инсон ақлнинг билиш

“ўжарлик”нинг оқибатини ҳам ўйлаш керак. Кечаги биз бошдан кечирган “савдолар”дан беҳабар ёшларимиз бундай масъулиятсизлигимиз туфайли яна ёлгон “ҳақиқат”ларни чин деб ўзлаштирадими? Бундай методологик чалкашликлар фақат фалсафа эмас, бошқа қатор ижтимоий фанларга ҳам оид бўлиб, 70 йиллик марксистик мафкура асорати уларнинг барчасига ўз “тамға”сини босиб кетганлиги биз катта авлодга сир эмас.

Президент И.А.Каримов ўз вақтида “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавобларида бу ҳақда шундай деган эди:

*“Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятишунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатишунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга. Лекин бугун ўрта ва олий ўқув даргоҳларидаги таълим-тарбия жараёнларида фойдаланилаётган дарсликлар, дастур-қўлланмалар, китоблар қандай мафкурадан озиқланган? Уларда эски тузум давридан қолган гоявий қарашлардан тўлиқ воз кечилганига ким кафолат бера олади? Бу ҳақда қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда. Афсуски, биз мамлакатимизда ижтимоий фанларнинг ривожини замон талабларидан ортда қолаётганини тан олишга мажбурмиз. Бу борадаги хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўришимиз лозим”<sup>105</sup>.*

Табий, техник ва аниқ фанларнинг дини, миллати бўлмайди. Ўзбекнинг физикаси, арабнинг химияси, ҳинднинг математикаси деган тушунчалар ўша халқ вакилларининг ушбу фан соҳасига кўшган хиссаси маъносида балки ишлатилиши мумкиндир, аммо қайси халқ вакили кашф этганлигидан қатъий назар, сувнинг химиявий таркиби, бирор ўсимликнинг ривожланиш қонуниятлари, геометрик шаклларнинг хоссалари ёки компютернинг иш принциплари турли миллатлар учун турлича бўлмайди, Яъни модданинг сифатий хусусиятлари ва миқдорий ўлчовлари объектив ҳодиса бўлиб, эътиқод, анъана, миллий ва ижтимоий ўзига хосликларга эга эмас. Шу сабабли бу соҳаларда эришилган барча ютуқлар умумжаҳон илмига муайян хисса бўлиб қўшилиб бора беради.

---

имкониятларини, фаннинг ривожланиш истиқболларини инкор этишга қаратилган. Бу ҳилда инсон ақлининг билиш имкониятларини чеклаш идеализмнинг ҳамма кўринишларига хосдир.”(Ўша китоб, с.171). Китобнинг 73-74 саҳифаларида марксистларни “яхлит таълимот ҳисобланган” диалектикани “сунъий равишда материалистик диалектика ва идеалистик диалектикага” бўлиб, уларни “бир-бирига қарама-қарши қилиб” қўйишда айблаган муаллиф олдинги гапи ёдидан кўтарилиб, энди ўзи марксистлар гапини сўзма-сўз такрорламоқда. Умуман, ушбу асар олдингиларидан асосан К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин ўз вақтида олға сурган ғояларни асл муаллифлар исмини тилга олмай, иқтибосларни “қўштирноқдан чиқариб” ўз номидан эълон қилиши билан фарқ қилади, деб айтиш мумкин. Бу энди илм тилида яширин плагиат (ёки “уятчан кўчирмачилик”) дейилади. Мархум олимнинг китобини эсламаслик ҳам мумкин эди, аммо баъзи олий ўқув юртларида ушбу китоб олимнинг баъзи шогирдлари томонидан талабаларга ўқув қўлланма сифатида ҳануз тавсия этилаётгани бизни бунга мажбур қилди.

<sup>105</sup> Каримов И.А. Асарлар. 8-жилд, с. 504-505.

Ижтимоий, яъни инсон ва жамият ҳаётига оид илмлар эса иложсиз равишда ҳар бир минтақа, миллат ва элат, баъзан ҳатто алоҳида ижтимоий тоифа учун ўзига хос жиҳатларга эга бўлади. Масалан, Ўзбекистон тарихини Олмония ёхуд Хитой тарихи принциплари асосида яратиб бўлмайди, ёки рус тили луғатшунослигини араб тили учун ишлаб чиқилган моделлар асосида қурсак, миллий тил моҳиятига зид иш қилган бўламиз. Чунки ҳар бир минтақа, миллат ва элатга хос эътиқод тизими, ҳаёт тарзи, урф-одатлари, маданияти, ахлоқий принциплари бўлади. Масалага янада аниқроқ ёндошилса, ҳатто ҳар бир ижтимоий тоифанинг ҳаётга ёндошувида ўзига хос жиҳатлар бўлади-ки, уларни ҳисобга олмаслик умумбашарий миқёсда оғир оқибатларга олиб келувчи чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин. Марксизмнинг фақат ишчилар синфи манфаатларини кўзда тутиб (аниқроғи, энг камбағал ва паст тоифали ишчилар, яъни пролетариатнинг муайян бир тарихий шароитдаги нуқтаи назари ва тор доира манфаатларинигина ҳисобга олиб) ишлаб чиқилган дунёқараш тизими бутун жамиятга зўрлик билан татбиқ этилиши натижасида инсоният бошига қандай кулфатлар ёғилганлиги бу масалада тарихнинг аччиқ сабоғи бўлганлигини эслаш kifоя.

Ижтимоий соҳада асл ҳақиқатни англаб етиш табиий ва аниқ(математик) фанларга нисбатан бир неча баробар мушкулроқдир. Чунки ижтимоий соҳадаги тушунчалар тарихан шаклланади. Уларни англаб етиш учун миллат тарихини, унинг маданий меросини чуқур ўрганиш керак. Европа мамлакатлари бошидан кечирган давлатчилик тарихини ўрганиш асосида Осиёдаги ушбу соҳа муаммоларини англаб етиш мумкин деб ўйлаган одам қаттиқ янглишади. Марксчилар бутун инсоният тарихий такомилга татбиқ этмоқчи бўлган формацион назария ҳам айни шу сабабдан ўзини оқламади. Россиядаги крепостнойлик тузуми, Ўрта асрлар Европасидаги феодализм тизими, ёки Юнонистондаги кулдорлик айни ўша ўлка ва минтақаларга хос бўлган бетакрор ижтимоий ҳодисалар эди. Уларни Хитой ёки Ҳиндистондан қидириш ҳеч қачон қониқарли натижа берган эмас. Шундай экан, бугунги кунда яна муайян замон ва маконда туғилаётган долзарб муаммоларга «жаҳоншумул» миқёсда жавоб беришга беҳуда уринмасдан, яқин ўтмишдаги илм тарихининг аччиқ сабоқларини биров инобатга олиб режа тузсак ва ҳаракат қилсак, ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам чалғитмай иш тутган бўлур эдик.

Ижтимоий фанлар соҳасида фақат мантиқий таҳлил kifоя қилмайди. Ҳар бир халқ ўз тарихи, маданияти, тили, адабиёт ва санъати, ахлоқий қарашларини назарий ўрганиш учун бошқа халқлар тарихшунослиги, маданиятшунослиги, адабиётшунослиги ва ахлоқшунослигида асрлар давомида ўша халқлар тарихи, маданияти, дини, адабиёти, урф-одатлари тарихий тажрибасига таянган ҳолда ишлаб чиқилган принциплар, тушунча ва тимсолларни шундайича кўчириб олиб келиб, ўша бегона қолипларга ўз тарихи, маданияти, тили, адабиёт ва санъати, маънавий ва ахлоқий қадриятларини қандай қилиб бўлса ҳам тиқиштиришга уринмай, бу соҳада аждодларининг тажрибаларини чуқур ўрганиши, уларни ўзаро қиёслаб, ҳозирги замон талабларини, кейинги даврда бу соҳада эришилган ютуқлар ёки

йўқотишларни ҳисобга олиб, ўзга минтақалардаги аҳволни ҳам назарда тутган ҳолда мустақил қонун-қоидалар, тушунча ва тимсоллар тизимини аниқлаш ва уни мустақил йўналишда такомиллаштириб боришга ҳаракат қилиш керак бўлади. Бу, албатта, қийин ва машаққатли изланишлар йўли, аммо бу соҳада осон йўлни қидирган олим охир-натижада халқни гумроҳликка маҳкум қилади.

Президент И.А.Каримов кейинчалик бу масалага яна алоҳида урғу берди: *“Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.”*<sup>106</sup> Президент асарида, жумладан, маънавий меросимизга, *“умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида”* беқиёс хизматлари сингган она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг боқий меросларига махсус эътибор қаратилади.<sup>107</sup>

Илм хоҳ жузъий масалага бағишлансин, хоҳ умумметодологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлсин, агар холис бўлмаса, илм бўлмайди, реал натижага эришилмайди. Қандай мақсадни олдига қўйганлигидан қатъи назар, холис изланишларга таянмаган илм - илм эмас. Шу нуқтаи назардан, бир аччиқ ҳақиқатни ниҳоят тан олишимиз керак: собиқ СССР шароитидаги ижтимоий фанлар соҳасида ўтказилган «тадқиқотлар»нинг аксарият қисми ҳақиқий илм эмас, мафкурабозлик эди, холос. Шундай экан, кечагина ўтмиш мафқурасига содиқ хизмат қилиб, турли “илмий” даража ва унвонларга сазовор бўлганлар, ҳеч бўлмаса, ҳали ҳам адабиётчи, тарихчи, ва ҳ.к. бошқа фанлар намоёндаларига беписандлик билан юқоридан қарашга уринмасалар, дунё илмининг ривожига дурустроқ назар солиб, аждодларимиз маънавий меросига жиддийроқ муносабатда бўлишга ҳаракат қилсалар ёмон бўлмас эди.

Собиқ тузум даврида аждодларимиз меросини ўрганиш бўйича бажарилган ишларни баҳолашда унутмаслик лозимки, буюк алломаларимизнинг қарашлари уларда асли ҳолидек акс этган эмас, балки бегона қолиплар, ёт андозаларга мослаб сунъий талқин этиб келинган. Бунинг учун турли усуллардан фойдаланилган. Масалан, оммавий нашрларда уларнинг асарларидаги “коммунистик партиявийлик” қолипига тушмай қолган жойлари (кўпинча, энг муҳим қисмлари) қирқиб-кесиб ташланиши шундай “усул”лардан бири эди. Тан олиш керак, собиқ тузум даврида олимларимиз, тадқиқотчиларимиз шахсан қанчалик пок, самимий бўлишмасин, аждодлар меросига холис ёндошув имконига эга бўлган эмаслар. Улар баъзан ўзлари тўғри деб ўйлаган ҳолда, баъзан мажбуриятдан йўқни бор, борни йўқ қилиб кўрсатганлар, аждодларимиз сўзини холис, минтақа маънавиятининг амалий ва назарий такомили мантиқига мувофиқ тарзда эмас, марксистик мафкура талабларига мос йўналишда талқин этганлар. Натижада ўтмиш меросимиз

<sup>106</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008. С. 29-30.

<sup>107</sup> Шу китоб, с. 30.



намуналари билан асл қўлёмалардан, тўлиқ матнлардан эмас, оммавий нашрлар асосида таниш бўлган кўпчилик олий маълумотли мутахассислар ҳам ягона ҳукмрон идеология руҳсат берган “ҳақиқатлар”дан ўзга ҳақиқатлар мавжуд эканлигидан деярли беҳабар тарбия топганлар. Бугун зиёлиларимизнинг кўпчилиги маънавий меросни тўғри идрок қилишга қийналаётганликларининг сабабларидан бири ҳам шунда. Демак, ўтган 70 йиллик даврда маънавий меросни ўрганиш бўйича қилинган ишларнинг амалий томонлари - нашрлар, маълумотлар - бугун учун хизмат қилишга яроқли бўлса ҳам, ғоявий-назарий йўналишлар, талқин ва хулосалар, андаза ва тушунчалар - барчаси жиддий ва диққат билан қайта кўриб чиқишни талаб қилади ва бу миллий маънавиятимиз назариясини тўғри, аслига мувофиқ шакллантиришда ўта муҳим муаммолардан биридир.

Мустақиллик бизга имонимизни, эътиқодимизни қайтариб берди. *“Ислом дини бу ота-боболаримиз дини, - дейди И.А.Каримов,-у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик”*<sup>108</sup>.

Бугунги кунда диёнат, ахлоқ тушунчалари имон-эътиқоддан ажралмас эканлиги равшан бўлиб қолди. Аммо **ислом маърифати** масаласида ҳануз жиддий хулосага кела олмай, гумон аралаш турибмиз<sup>109</sup>. Чунки туғилганимиздан буён марксистик мафкура бизнинг ёшимиздаги авлодга бирдан-бир ҳақиқий илм - фақат ҳаётни материалистик идрок этишга асосланган илмдир деб уқдириб келган. Диний илмларни ҳақиқий илм қаторига қўшиш мумкинлигига шубҳалар ҳануз бир қатор ижтимоий фан вакиллари онгини тўлиқ тарк этган эмас. Ҳатто баъзи академикларимизнинг мустақиллик даврида нашр этилган китобларида ҳам Пайғамбаримизга “вахий” келишини сиёсий мақсадлар билан изоҳлашга интилиш кузатилади.

Аслида эса илм фақат ақлга таянмайди. Айниқса, ижтимоий соҳа, маънавиятга алоқадор соҳаларда ақлий ва нақлий илмлар мутаносиблиги муҳим ўрин тутаяди. Бизгача ўтмишдан етиб келган китоблар ҳам икки тоифа – 1) илоҳий матнларга таянувчи, яъни “вахий” орқали етиб келган, 2) инсоний матнлар асосидаги, яъни инсонлар ижод этган китоблар. Булардан биринчиларининг мазмуни азалий ва абадий моҳиятга туташади, иккинчилари эса муайян замон ва маконда яшаб ўтган инсонларга тегишли бўлгани туфайли, айтиш мумкин ва маконнинг таъсиридан холи эмас, яъни уларга мутлақ ҳақиқат сифатида ёндошиш нотўғри бўлади. Масалан, Қуръон оятлари мазмуни ўзида мутлақ ҳақиқат сирини яширгандир, аммо унинг турли тафсиллари муфассирлар шахси билан, уларнинг турлича талқини билан боғлиқ. Хулоса қиладиган бўлсак, Ҳақ йўлида қилинадиган ҳар қандай илм

<sup>108</sup> Каримов И.А. Асарлар. 3-жилд, с. 40.

<sup>109</sup> Бунга бир мисол сифатида “Правда Востока” газетаси мухбирининг машҳур бир академигимиз билан 2007 йилда бўлиб ўтган суҳбатини эслаш мумкин. Шу суҳбатда ҳануз шўро мафкураси таъсиридан қутула олмаган таниқли қадимшунос олим ўзининг даҳриёна (атеистик) дунёқараш эгаси эканлигини таъкидлаш билан бирга “мен бундан бошқача дунёқарашга эга бўлган **ҳақиқий олимни** тасаввур қила олмайман” деган фикр билдирган ва бу гапи билан турли миллатларга мансуб жаҳонга машҳур қатор алломаларни ҳақиқий олимлигига шубҳа билдириб, аслида уларни ҳақорат қилаётганини ўзи англаб етмаган.

ҳақиқий илмдир ва у инсон руҳини поклашга хизмат қилади, илмда ҳақиқатдан ҳар қандай чекиниш эса жаҳолатга олиб келади.

Илмларни турларга ажратадиган бўлсак, масалан, мақсад йўналишига кўра фарқлаш мумкин. Шунда дунёвий мақсадларга йўналган ёки ухравий (охиратга, яъни бу дунёдаги фаолиятимизнинг у дунёдаги оқибатига оид) мақсадларга йўналган илмлар ҳақида гапириш мумкин бўлади. Диний ва дунёвий илмлар дейилганда биринчи навбатда айтиш шунинг учун масалани назарда тутиш керак. Масалан, Имом Ғаззолий фикҳ илмини (ислом ҳуқуқшунослигини) диний манбаларга таянувчи дунёвий илм деб ҳисоблайди, чунки унда мусулмон кишининг бу дунёга оид ишлари ҳақида гап кетади. Ғаззолийнинг “Иҳёи улум ад-дин” китоби эса мўминнинг диққатини охират ишига қаратади, яъни “Илм китоби”да аллома назарда тутган “муомала илми” инсонлар аро муомалага эмас, банданинг Аллоҳ билан муомаласини тўғри йўлга қўйишга қаратилган, бу эса бугунги кун тилида “ислом маънавияти” тушунчасига тўғри келади.

Ислом минтақасида “филология” ва “терменевтика” га оид фанлар жуда қадимдан кенг ривожланган ва муайян маънода барча инсон ва жамиятга оид фанларнинг аввалига қўйилган. Бунинг асосий сабаби илоҳий китобларга ва маънавий меросга айрича аҳамият билан боғлиқ бўлиб, Янги давр Европа одами илмда ҳам, бадиий ижодда ҳам кўпроқ оригиналликка, бетакрорликка интилса, Ислом минтақасида ҳар бир алоҳида инсон ўз билимларини ягона ва чексиз (ғайбга уланиб кетувчи) Борлиқ ҳақиқатининг жузвий қисми, хусусий шарҳи деб ёндошган. Европада ҳар бир шахс ўз фикрини ўзгалар қарашидан фарқ қилиб туришига эътибор қаратса, бизнинг миллий анъаналаримизга кўра ҳар бир улуғ аллома ўзи англаб етган ҳақиқатларни илоҳий калом ва ўзидан олдинги ўтган салафларга аён бўлган ҳақиқатлар билан уйғун жиҳатларини таъкидлашга уринган. Бунинг натижасида, баъзан Европа кишилари Шарқни оригинал (янгича) фикрлай олмасликда айблаш сингари ҳолатлар ҳам учрайдики, бу ҳаётга ёндошувдаги ўзига хосликларни тушунмасликдан келиб чиқади.

Аслида **маънавиятга оид фанларнинг методологияси** масаласи аллақачон улуғ аждодларимиз томонидан ҳал қилинган. Бу илм ва имон бирлиги, аниқроғи, **нақлий ва ақлий билимлар уйғунлиги**, яъни илоҳий китоблар ва аждодларимиз меросида баён қилинган, тарихий тажрибага асосланган билимлар билан рационал (мантиқий) тафаккурга асосланган ҳулосаларнинг ўзаро мувофиқлигидир. Бу **методологик асос** Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлардан сарчашма олиб, Имоми Аъзам, Форобий, Мотуридий, Ибн Сино, Ғаззолий, Насриддин Тусий каби ислом минтақа маданиятининг буюк алломалари ижодида ўз ривожини топган, кейинчалик улуғ тасаввуф пирлари Аттор, Румий, Ибн ал-Арабий кабилар ижодида ирфоний ғоялар билан бойитилган ва Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий сингари мутафаккир ижодкорлар асарларида бадиий тафаккур жилолари билан мукаммаллаштирилган муназзам бир истехком, метин пойдевордир-ки, унга таяниб яратилган ҳар бир жиддий тадқиқот **умумбашарий кашфиёт** даражасида қабул қилинишига шубҳа

қилмаса ҳам бўлади. Бунинг учун ҳар бир уриниш самимий имон ва илм, меҳр ва масъулият билан йўғрилган бўлса, бас.

## 22. Шахс эркинлиги ва одамийлик мезонлари

Юқорида кўп марта таъкидлаб ўтилдики, Ғарб тамаддунининг бош тамойили **Шахс эркинлигига** қаратилгандир. Моҳиятан бу жуда улуг ғоя, чунки Аллоҳ таоло инсон зотини бошқа барча жонзотлардан фарқли равишда “*ер юзида халифа*” қилиб яратар экан, бу мақомга лойиқ бўла олиш учун одамзот биринчи навбатда **эркин прода эгаси** бўлмоғи тақозо этилар эди. Дарҳақиқат, Халлоқи олам ўз бандасини ҳеч бир нарсага мажбурламайди, ҳар бир инсоннинг қандай қадам кўяман деса, тўлиқ эрки ўз кўлида. Аммо бундай кенг имконият берилиши “ким нима номаъкулчилик кўнглига келса, қилабериши мумкин”, деган маънони билдирмайди. Бу дунё синов олами. Аллоҳ ҳар биримизга эркин ихтиёр бериб қўйишидан мақсад бизни синаш. Қани инсон ўз **ихтиёри билан** тўғри йўлдан, Ҳақ йўлдан юрадими, йўқми? Ҳақиқат йўлини эса Тангри таоло ўз илоҳий китобларида баён қилиб қўйипти. Уларнинг охириги ва мукаммали Қуръони карим эканлиги ҳам аллақачон исбот этилган.

Масалан, муҳаббат ва шаҳват, никоҳ ва зино масаласини олиб қарайлик. Муҳаббат кенг маъноли тушунча бўлиб, унинг шаҳват билан боғлиқ жиҳатлари ҳам бор, боғлиқ бўлмаган маънолари ҳам бор. Рус ва форс тилларида “любовь” ва “ишқ” тушунчалари бирнеча маъноларда ишлатилади. Суфийлар “илоҳий ишқ” (яъни Аллоҳга бўлган муҳаббат) ва “мажозий ишқ” (дунёвий муҳаббат) деб муҳаббатнинг икки турга ажратган бўлсалар, Алишер Навоий уни уч турга ажратиб, ҳақиқий Аллоҳнинг дўстларига хос туйғуни “*сиддиқлар ишқи*”, маънавий камолотдан узоқ бўлган, ҳануз нафс тарбиясига аҳамият бермаган, “*нафси аммора*” даражасида қолиб келаётган инсонлар “севги” деб атаган ҳиссиётни “*авом ишқи*” деб атаган ва ҳақиқий комил инсонларгагина насиб этувчи олий туйғуга “*хос ишқ*” (“*хавос ишқи*”) деб ном берган эди. Шунинг таъсирида бизнинг миллий маънавиятимиз анъаналарида алоҳида “*меҳр*” тушунчаси шаклланган бўлиб, мураккаб маъноли “*севги*”, “*муҳаббат*”, “*ишқ*” тушунчаларидан фарқли равишда бу сўз фақат бир инсоннинг бошқа бир инсонга бўлган соф, пок ва беғараз **кўнгил мойиллигини** англатиб келади. Демак, **инсон меҳри** жинс, ёш, ташқи гўзаллик ва бошқа зоҳирий аломатларни фарқламайди. **У инсоннинг инсонга беғараз кўнгил интилишидир.** “*Севги*”, “*муҳаббат*”, “*ишқ*” тушунчаларини ҳар ким ўз маънавий камолот даражасидан келиб чиқиб, ҳар хил тушунади. Аммо ҳеч бир ўзбек ҳечқачон **меҳрни шаҳватга** аралаштирмайди. Унинг беғараз туйғу эканлигини билади. Она меҳри, фарзанд меҳри, ҳақиқий дўстлар, маслакдошларнинг бир-бирига интилиши – булар беғараз меҳр науналари бўлиб, эркак ва аёл орасида ҳам, бир жинс вакиллари орасида ҳам бўлиши мумкин.

Булардан фарқли ўларок, “*севги*” ва “*муҳаббат*” туйғулари табиий равишда аёл ва эркак орасида пайдо бўлади ва Навоий таъкидлаб ўтганидек,

унинг натижаси икки ҳолатдан бирини юзага келтириши мумкин: биринчиси – Аллоҳни таниган ва инсонийлик чегараларига риоя қила олган йигит-қизлар орасида шаръий **никоҳ** билан яқунланса, иккинчиси – иш оқибатини чуқур мулоҳаза қилмайдиган, нафсини жиловлай олмайдиган, “*нафси аммора*” етовига бўйин сунган, шарму ҳаёни унутган зотлар **зинога** йўл қўйиб эл-юрт орасида шарманда бўлишлари мумкин.

Аслида **шаҳватни** ҳам инсон зотига Аллоҳ таоло ато этган. Бунинг ҳикмати шундаки, эркак ва аёлнинг бир-бирига интилиши инсон зотининг давом этишига, насл қолдиришга сабаб бўлади. Аммо **зинодан** бунёд бўлган **зурриёт** ота-онаси орасидаги ноқонуний муносабатлар сабабли доимо **руҳи ўксик** ва жамиятдаги ўрни ноаниқ бўлади. Бунинг натижасида унинг маънавий тарбияси ҳам ноқомиллик касб этади.

Ғарб тамаддунига хос асрлар давомида **никоҳ** ва **зино** орасидаги фарққа безътиборлик билан қараш бугунги кунга келиб, **муҳаббат** ва **шаҳватни** бир-биридан фарқламаслик, эркак ва аёл муносабатларигагина хос бўлган **никоҳ аҳдномасининг** ҳам мақсад-мазмунини мутлақо чалкаш талқин қилишларга олиб келдики, Европа аксарият оммасининг, ҳатто давлат органлари ва илм аҳлининг бу масалага муносабатини маънавий нуктаи назаридан миллатларнинг оммавий **руҳий носоғломлиги** деб баҳолашга тўғри келмоқда. Бундай вазиятнинг инсоният келажаги учун оқибати қандай бўлишини ўйлашнинг ўзи юракни ларзага келтиради.

## ХУЛОСА.

### МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ ВА МИЛЛАТ ТАРБИЯСИ

#### 1. Миллат қисматини ҳал этувчи омил

Миллат тарбияси нуктаи назаридан ҳам барча нарса мустақиллик билан ўлчанади. Аввало, миллатнинг мавжудлиги миллий мустақиллик билан боғлиқ, чуқи сиёсий мустақилликка эга бўлмаган миллатнинг келажаги мавҳумдир. Мустақил давлатнинг иқтисодий қудрати юксалган сари унинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ҳам шунча салмоқли бўлиб боради Булар - маълум ҳақиқат. Ҳар қандай мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий салоҳиятини таъминловчи асосий омил эса миллатнинг маънавий қувватидир. Маънавий таназзулга юз тутган миллатни том маънода йўқолиб бораётган миллат дейиш мумкин. Шундай экан, Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бу соҳага алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас.

Маънавият ош-нонга ўхшамайди, у биз нафас олаётган ҳаво сингаридир. Зоҳиран назар солганда, у кўзга кўринмайди, дабдурустдан биз унинг бор-йўқлигини сезмаслигимиз ҳам мумкин. Аммо нафас олиш имкони йўқолса, одам бўғила бошлайди ва кўп ўтмай ўлиши аниқ. Маънавиятини йўқотса, миллат ҳам ҳалокатга юз тутаяди, бу тарих тажрибасида кўп марта

исботланган. Ҳавонинг ифлосланиши турли касалликларни келтириб чиқарганидек, маънавий ўзлигини йўқота бошлаган сари миллат бошига офатлар ёғила кетиши ҳам шубҳасиздир. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, ўзбек халқи неча минг йиллик маънавий такомилнинг шонли тарихини бошидан кечирган ва бу давр ичида нафақат ўзи юксалиб борган, балки инсоният маънавий хазинасига ўзининг баракали ҳиссасини қўшиб келган. Бу ҳақиқатни жаҳон халқлари ҳеч қачон инкор қилган эмас. Аммо, тан олиш керакки, XVII - XVIII асрлардан бошлаб авж олиб борган сиёсий парокандалик халқ маънавиятининг юксалишига катта тўғаноқ бўлди. Ўзбек халқининг маънавий қудрати тобора заифлашиб бориб, охири юрт бошига қарамлик кулфатини олиб келди. Машраб ва Турди Фароғийларнинг фарёди, минглаб миллат фидойиларининг жон таллашиб олиб борган курашлари кўнгилдагидек натижа бермади. XX аср бошидаги жаҳид маърифатчилари миллат маънавиятини неча асрли уйқудан уйғотишга буюк ҳисса қўшдилар. Аммо аёвсиз қатағонлар уларнинг ҳам бошини жодуга рўпара қилди. Фақат ўтган асрнинг охириги ўн йиллиги бизнинг балолардан қутулишимизга имкон яратувчи Янги даврни бошлаб берди. Бундай имкониятнинг қадрига етмаслик Аллоҳ олдида ҳам, бандаси олдида ҳам асло кечирилмас гуноҳ бўлур.

## 2. Тарбиячипар ким?

Касалларни даволаш - табибларнинг иши. Атроф-муҳитни турли касалликлар келтириб чиқарувчи ҳолатлардан муҳофаза қилувчи мутахассисларни одатда тиббиёт ўқув даргоҳларининг махсус бўлимлари - санитария-гигиена факультетлари тайёрлаб беради. Миллат тарбиясига масъул шахслар эса зиёлилардир. Эътибор беринг, ўзбеклар бу алоҳида ижтимоий гуруҳни "интеллигенция" эмас, **зиёлилар**, деб атайдилар. Юзаки қараганда, бу атамалар бир тушунчанинг икки тилдаги ифодаси бўлиб кўринса-да, аслида уларнинг мазмунида Жиддий фарқлар мавжуд. "Интеллигент" ёки "интеллектуал соҳа одами" дейилганда, кўпроқ билим, фикрий қобилият эгаси бўлган одам назарда тугилади ("*интеллект*", яъни ақл-идрок сўзи лотинча "*интеллего*", яъни "*тафаккур қилмоқ*", "*фикрламоқ*" маъноларини билдирувчи феъл асосида ясалган). "**Зиёли**" эса "*ўзидан нур тарқатувчи*", "*зиё эгаси*" маъноларини билдириб, ушбу шахснинг нафақат "*ақл ва тафаккур эгаси*" эканлиги, балки унинг имон-эътиқодли, илми билан амали бир-бирига зид бўлмаган, дилида самимият ва инсоний меҳр мавжуд бўлган одам эканлигига ишорадир. Европа халқлари маънавий тараққиётида илм ва имон ўртасидаги зиддият масаласи жиддий муаммолардан ҳисобланади. Бизда эса кўпроқ улар орасидаги уйғунликка эътибор қаратилган, Бу мулоҳазаларни миллий мумтозлик даъвоси деб қабул қилмаслик керак, чунки миллатнинг маънавий тарбияси масалаларида дунё халқларининг барчасида ўз ютуқлари ва ўз муаммолари мавжуд. Масалан, Шарқ халқларининг сўнгги бир неча аср мобайнида илмий-техник тараққиёт борасида Европа халқларидан анча-мунча орқада қолиб кетганлиги кўз юмиб бўлмайдиган аччиқ воқелик. Юқоридаги атамалар аро фарққа эътибор

қаратишдан бизнинг мақсадимиз бошқа. XX аср педагогик анъанасида ёш авлодга билим бериш биз учун ҳам асосий йўналишга айланиб борди. Бу аслида аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати билан боғлиқ. Ўша даврлар учун, дарҳақиқат, неча аср ғафлатда сақланган халқ оммасини дунё халқлари эришган янги фан-техника ютуқларидан баҳраманд этиш, янгича тафаккур унсурларини ёш авлод онгига сингдириш ўта муҳим ва долзарб вазифа эди. Шунинг учун бу ҳаракат ўта ижобий натижалар берганлигини эътироф этмоқ керак. Аммо тоталитар мафкура зуғуми кучайиб боргани сари таълим-тарбия ишларида хўжакўрсинлик, бирёқламалик ва миллий тарбиямиздаги ижобий анъаналардан узоқлашув ҳолатлари кенг тус олиб борди. Нафақат соф педагоглар, балки умуман миллатнинг маънавий тарбиясига бевосита алоқадор зиёлилар қатлами (журналистлар, филологлар, файласуфлар, ижтимоий ва маънавий соҳа олимлари, маълум даражада, ҳатто ёзувчилар, рассомлар ва бошқа санъат аҳли) доирасида, таъбир жоиз бўлса, "ўзликдан бегоналашув" ҳодисаси юз кўрсата бошлади. Миллий кадриятларимизга зид қўйилган даҳриёна мафкурани сиёсий тазйиқ орқали кўр-кўрона қабул қилдиришга уриниш авлодлар онгига аянчли "манқуртлик" касалини юқтирди. Бундай фалокатнинг оқибатлари ҳанузгача тарбиявий жараёнда мураккабликлар туғдирмоқда.

### 3. «Осон ёлғон»

Ана шундай асоратлардан бирини мен "осон ёлғон" деб атаган бўлур эдим. Ушбу касални узил-кесил тузатмас эканмиз, миллат тарбиясида кескин бурилиш ясай олишимиз мушкул. "Осон ёлғон" нима? Бирор муаммони осонликча ҳал қилишга интилиб, ёлғон ечим билан қаноатланишни мен қисқа қилиб шундай атадим. Масалан, ота ўз фарзандларига "насихат" қилади: "Ичма, чекма, ёлғон гапирма, сўкинма, бу - яхши эмас", - дейди. Бир пастдан кейин уйга улфатлари тўпланади, улар билан бола кўз олдида кайфбозлик бошланади, сигареталар кетма-кет тутатилади. Бир пастдан кейин кайфи ошган отанинг оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Эсида йўқ, ўзи ўғли олдида ёлғонни ҳам бемалол ишлатади. Агар шу ота: "Мен ўғлимга тўғри юргин, деб тарбия бераяпман", - деб ўзини-ўзи алдаса, бунинг отини "осон ёлғон" дейдилар. Чунки ҳали суяги қотмаган бола отанинг "тўғри насихати"ни эмас, қилаётган қилиғини ўзлаштириш эҳтимоли кўпроқ.

Шундай "осон ёлғон" билан ўқитувчи шуғулланса-чи? Ҳаётимизда шундай ҳодисалар камми? Мактабларда баъзан хўжакўрсинга ўтказилаётган "тадбирлар" "осон ёлғон"га ёрқин мисол бўла олмайдами? Аслида бундай "осон ёлғон"ларнинг тури кўп. Масалан, кимнингдир ўз муаммоларини ўзи ечишга бўйни ёр бермайди ёки сабр-қаноати етмайди-да: "Менинг ишларим юришмаётганига фалончи айбдор", - деб баҳона қидиради.

Афсуски, "осон ёлғон" ҳодисасининг баъзи турлари шўролар тузумининг охирги ўн йилликларида умумижтимоий миқёс касб этиб, "бутуниттифоқ" бўйича юқори сиёсий доираларгача кўтарилди. Халқ буни кўриб турди, баъзан истехзо билан аччиқ кулди, баъзан жонидан ўтиб

ўртанди, аммо аста-секин бу ҳодисага кўникиш ҳам бошланди. Ана шу охиргиси ёмон бўлди. Навоий ҳазратлари айтганларидек, одатланиш бора-бора феълга айланиши мумкин.

Ана шу юқумли касалликдан тарбия жараёни ёмон жабр кўрди. Болаларни мактабдан кўнгли совий бошлади. Хайриятки, Муақиллик бизни ўзлигимиздан бегоналашув ва унинг натижаси бўлмиш "осон ёлғон" касалидан тузалишимизга воқеъ имкон яратди. Аммо ҳануз тарбиячиларимиздан ниҳоятда хушёрлик талаб қилинади. Чунки бу "осон ёлғон" 70 йиллик мафкуравий тазйиқ мураккабликлари даврида бутун ижтимоий фанларнинг мағзи-мағзига сингдириб юборилган.

Ҳозирги кунда маънавий меросимизнинг асрий анъаналарини тиклаш йўли билан барча соҳалардан бундай нохуш асоратларни сиқиб чиқариш жараёни кечмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий қилиш ва маънавият тарбиясини йўлга қўйиш орқали кўп камчиликлар бартараф этилмоқда. Аммо, барибир, ҳали-ҳануз ўтмиш асоратлари яшириниб ётган "тешик-туйнуклар" онгимизнинг қат-қатларида анча-мунча топилади. Биз уларни синчиклаб қидириб, эринмай топиб, битта-битталаб ситиб чиқариб ташлашимиз керак. Бўлмаса, тарбия иши кўнгилдагидек юришмайди. "Осон ёлғон"нинг кенг тарқалган бир тури илмда муаммоларни ҳал қилишнинг "енгил усуллари"ни қўллашга уринишдир. Масалан, бир киши долзарб бир муаммони илмий тадқиқот мавзуи қилиб олади-да, ўзини ортиқча уринтирмай, уни "қоғозда ҳал қилиб ташлаш" пайида бўлади. Масаланинг моҳиятига кириб боришга салоҳияти ҳам, ҳафсаласи ҳам етмаган ҳолда, ундан-бундан кўчириб "ёстикдек" китоб ёзади. Кўрибсизки, долзарб масала "юмалоқ ёстик" қилиб ташланган. Баландпарвоз даъватлар, илмийнамо иборалар, улуг алломалардан иқтибослар - ҳаммаси муҳайё. Ҳатто "амалий таклифлар", турли жадвалларгача бор. Аммо бундай "тадқиқот" билан жиддий танишмоқчи бўлган одам даъвогар ўзи танлаган мавзунинг фақат атрофида айланиб юрганини, муаммонинг моҳиятига эса мутлақо яқин келмаганини, бунинг учун ўзини жиддий қийнаб ҳам кўрмаганини пайқаб қолади. Албатта, бундай бир мунча мураккаб ёлғонларни анча-мунча одам фош кила олмаслиги мумкин. Шунда содда одамлар бу "илм"га бизнинг "тишимиз ўтмади", дейди. Балки "бу аслида илм эмас-ку", дейишга андиша қилар. Андиша ҳам миллий маънавиятимизнинг ноёб фазилатларидандир.

#### **4. Миллий тарбия назарияси**

Бугунги кунда жаҳон тарбия назариясида янги-янги уфқлар кашф этилмоқда, 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси нашриёти томонидан ЎЗР Фан ва технологиялар маркази ҳамда Республика "Маънавият ва маърифат" маркази билан ҳамкорликда тайёрлаб нашр этилган *"Миллий истиқлол гоҳисини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар"* китоби таркибидаги педагогик услублар *"тезаурус"*и ушбу жихатдан диққатга сазовордир. Унда

бугунги жаҳон педагогика илмида энди шаклланиб келаётган энг янги, энг илғор ёндашувлар ҳақида қисқа-қиска, лекин ўта қизиқарли маълумотлар келтирилган. Улар билан танишиб борар эканман, борган сари бир нарсага амин бўлдимки, миллий маънавиятимиз такомили давомида халқимиз томонидан ишлаб чиқилган тарбия услубиятига оид қатор анъаналар бу соҳадаги бугунги жаҳон илми қўлга киритаётган энг янги ютуқлар билан ниҳоят даражада уйғун экан, Ўзим учун бўлган ушбу кашфиётдан руҳланган ҳолда мозийга қайтиб, миллий тарбия назариясининг ўзим илғаган баъзи жиҳатларини ўртоқлашмоқни истадим.

Европа илмида "*просвещение*" деган тушунча бор. Уни ўзбекчага "*маърифат*" атамаси билан ўгириш расм бўлган. Аспидан булар ички мазмунига кўра жуда ҳам бир хил тушунчалар эмас. Масалан, XVIII аср француз маърифатчилари кўпроқ элга билим бериш, мантиқий тафаккурни ривожлантириш, табиат ва жамият ҳодисаларини ақл ва тажриба воситасида англаб етишга асосий эътиборни қаратганлар. Уларнинг кўпчилиги, масалан, Ламетри (1709-1751), Дидро (1713-1784), Гельвеций (1715-1771), Гольбах (1723-1789) собитқадам материалист ва атеистлар бўлиб, ўша даврда муайян мафкуравий ва сиёсий сабабларга кўра христиан дини ақидаларига қарши даҳрийлик дунёқарашини қаттиқ ҳимоя қилганлар ва шу нуқтаи назардан марксизм асосчилари учун устозлик мақомида саналадилар. Ислом минтақа маданияти бундай тамойилларни IX-X асрларда муайян даражада бошдан кечирган бўлиб, X-XI асрлар Ислом маърифатчилиги даврида ижод этган алломаларимиз илм ва имон уй-унлигининг тўлиқ тикланишига эриша олган эдилар. Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб сингари буюк сиймолар бу даврда ақл қудратини улуғладилар, башариятни саодатга элтувчи бош омил билим деб талқин этдилар. Уларнинг бу қарашлари XX аср бошларида Миллий уйғониш намояндалари томонидан қайта тикланди ва ривожлантирилди. Аммо "*маърифат*" тушунчаси миллий маънавиятимиз тарихида кенг ва хилма-хил йўналишларда талқин қилинган. Улардан фақат биргина, яъни ақлга, билимга, мантиқий тафаккурга таянишни тарбиянинг бош унсури ҳисоблаш, юқорида таъкидлаганимиздек, Европа маърифатчиларининг қарашлари билан муайян даражада мос келади. Бу тамойилни "*илм маърифати*" деб аташ мумкин.

Аммо ислом минтақа маданиятида биринчи бўлиб етакчи йўналиш сифатида шаклланган тамойил "*ибрат маърифати*" дир. Ушбу асосда VIII — IX асрларда ислом минтақа маданиятида **Сунна босқичи** шаклланди. Мусулмонлар ўз ҳаёт йўллари тўғри белгилашда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ибратларини ўзлари учун мактаб сифатида танладилар. Бунда улуғ имомларимиз ал-Бухорий ва ат-Термизийнинг хизматлари беқиёс эканлигини бутун жаҳон ўша даврдаёқ тан олган эди. Ибрат маърифати кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Нафақат пайғамбарлар, балки улуғ авлиёлар, пири муршидлар, фидойи алломалар, ватан озодлиги ва ободлиги учун жонини тиккан улуғ сиймолар ҳаёти доимо халқимиз учун ибрат мактаби бўлиб келган. Бола катталарга ўхшашга интилади, унинг тўғри тарбия олишида ота-онаси, ўқитувчилари ўзини ҳаётда қандай тутишлари



ўта муҳим аҳамиятга эга. Халқ эса ўз йўлбошчиларига, маънавий камолот эгаларига эргашади, яшаш тарзини улардан ўрганади. Бу омилни инобатга олмаслик ёмон оқибатларга олиб келиши барчага аён.

Миллий маънавиятимиз анъаналарида маърифат йўналишлари бу билан тугамайди. Улардан яна бирини "*риёзат маърифати*" деб аташ мумкин. Бу йўналишни қиёмига етказиб асослаганлар, айтиш мумкинки, тасаввуф пирлари бўлди. XII-XIII асрларда бутун ислом минтақаси бўйлаб кенг ёйилган тасаввуф тариқатлари "*риёзат маърифати*"нинг ҳақиқий мактаблари эди. Сўфийлар Ҳақ йўлида риёзат чекишни ўзлари учун улуғ саодат деб билдилар. Бугун биз тасаввуф ирфонини борган сари теранроқ англаб етишга уринаётган эканмиз, "*риёзат маърифати*"га алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим. Риёзат маърифатини фақат тасаввуф доирасида чеклаб қўйиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди. Буюк алломаларимизнинг илм йўлида чеккан риёзатлари бизга ибрат эмасми? Ватан ва халқ фаровонлиги йўлида, маънавий камолот йўлида собитқадамлик ва холислик билан барча қийинчиликларга дош бериб ва уларни енгиб ўтишга интилиб қилинган барча ҳаракат "*риёзат маърифати*"га намуна бўла олади. Хуллас, "*риёзат маърифати*" ҳар қандай эзгу мақсад йўлида қийинчиликлар ва тўсиқларни енгиб ўтиб олға интилишдир. Навқирон авлодда шундай қудратли туйғу уйғота олмасак, демак, тарбиямиз мукамал бўлмапти.

Миллий маънавиятимизнинг тарбия назариясида эришган энг қимматли ютуғи, менинг назаримда, "*меҳр маърифати*" тамойилининг мукамал ишлаб чиқилиши бўлса керак. Ушбу йўналишни баркамол назарий тизим даражасига кўтарган **Алишер Навоий** бўлди. Унгача сўфийлар ишқни "*мажозий*" ва "*ҳақиқий*" (яъни илоҳий)га ажратиб таҳлил қилган бўлсалар, Навоий "*Маҳбуб ул-қулуб*" асарида "*мажоз ишқи*"ни икки қисмга - "*авом ишқи*" ва "*хос ишқи*"га ажратиб, "*меҳр маърифати*" йўналишига пухта назарий асос бахш этди. У "*хос ишқи*"ни "*пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин кўзголмоқ*" деб таърифлайди. Ушбу турли хил худбинликлардан тамомила пок бўлган туйғуни бугун халқимиз "*меҳр*" деб атайди ва у тор шахсий манфаатларни кўзлаган хоҳиш эмас, балки инсонга теран ижтимоий-маънавий қувват бағишловчи ички интилиш сифатида тушунилади. Навоий ишққа "*оинайи жаҳоннамо*", яъни одамга ўзи яшаб турган олам моҳиятини очиб кўрсатувчи кўзгу деб таъриф беради. Айни шу хислат "*меҳр маърифати*"нинг асосини ташкил этади. Инсон ҳар бир нарсага чинакам, самимий меҳр кўзи билан боқмагунича ўша нарсанинг моҳиятини англаб ета олмайди. Дунёга меҳр кўзи билан боққан инсон, Навоий таъбири билан айтганда:

*"Кўрди еру кўкдагин муайян"...*  
*"Ҳар сорики боқти ёр топти "*

Агар ота-она, устоз-муаллим болага самимий меҳр кўзи билан қарамас, унинг парваришига меҳрини бағишламас экан, уни ҳам ўзига тенг инсон деб билмас экан, бундай тарбиядан наф йўқдир, Болага ёшлигидан меҳр туйғусини юқтирмаган устоз - ҳақиқий тарбиячи эмас. Аслини олганда,

"*меҳр маърифати*" тарбиянинг бош йўли, асос пойдеворидир. Илм ва ибрат йўналишлари унга таянади, риёзат маърифатига қувват бағишловчи ҳам меҳрдир.

Миллат тарбияси ўзини зиёли санаган ҳар бир шахс зиммасидаги ўта ҳассос ва ўта масъул вазифа, Ватан ва халқ олдидаги бурч. Аллоҳ кимга қанча илм ва салоҳият берган бўлса, унга шунча масъулият ҳам юклаган. Зиёли фақат ўзи учун эмас, навқирон авлоднинг келажаги учун ҳам жавобгар эканлигини бир сония ҳам фаромуш этмаслиги, бутун ҳаёт тарзини шунга мувофиқ шакллантириши керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, миллий маънавиятимизнинг қутлуғ анъаналарини, қолаверса, жаҳон аҳли эришган ютуқларни пухта ўзлаштириш талаб этилади. Қудрати етса, ушбу асосда бугунги кун талаби даражасида янгича ёндашувлар ишлаб чиқсин. Зиёли ўз зиммасидаги залворли вазифаларни мол-дунё ёки ёлғон обрў орттириш учун эмас, Ҳақ ризоси учун бажаради, шунда натижа ҳам хайрли бўлади, умр ҳам беҳуда ўтмайди. Имон мустаҳкам бўлса, баракани Аллоҳнинг ўзи етказди.

Хулоса ўрнида яна бир мулоҳаза. Бугун биз жаҳон педагогика илмининг энг илғор ютуқларини ижодий ўрганиш билан бирга ўзимиз ҳам умумбашарий тарбия назарияси ривожига миллий тарбия усулларининг бой анъаналари асосида баҳоли қудрат ҳиссамизни қўшиб боришга уринмоғимиз зарур. Олмоқнинг бермоғи ҳам бор, бўлмаса, жаҳон илмидан қарздор бўлиб қоламиз. Халқимиз "Қарс икки қўлдан чиқади", деб бекор айтмаган.

Баҳодир Зокир. **Глобаллашув зиддиятлари**//“ТАФАККУР” журнали, №1, 2004, с. 26-31.

Баҳодир Зокир. **Ғарб ва Шарқ либерализми. 1-мақола.** //“ТАФАККУР” журнали, №2, 2004, с. 10-19.

Баҳодир Зокир. **Ғарб ва Шарқ либерализми. 2-мақола.** //“ТАФАККУР” журнали, №3, 2004, с. 22-31.

//“ТАФАККУР” журнали, №2, 2008, с. 12-23.

Баҳодир Зокир. **Ғарб ва Шарқ либерализми. 3-мақола.** //“ТАФАККУР” журнали, №4, 2004, с. 12-17.

Фаҳриддин Мусаев. Шарқона демократия – тажриба ва анъаналар тажассуми //“ТАФАККУР” журнали, №4, 2006, с. 12-17.

Баҳодир Зокир. **Ғарб тамаддуни: Инқироз аломатлари**//“ТАФАККУР” журнали, №2, 2008, с. 12-23.

Патрик Дж. Бьюкенен. Смерть Запада. М., 2004 //ТАФАККУР” журнали, №4, 2006, с. 78-80.

## **Иловалар:**

### **1. Умуминсоний қадриятлар ва миллий маънавият нисбати.**

«Миллий маънавият десак, миллий биқиқликка йўл қўямиз, умуминсоний маънавият ҳақида фикр юритиш керак», деган гапни на маънавият нималигини, на миллийлик ва умуминсонийлик орасидаги нисбат қандай бўлишини тўғри тасаввур эта олмайдиган, илмий саводи чала одамларгина айтиши мумкин. Бир инсонга ўз миллий маънавиятини тугал англаб етиш учун ҳам, Аллоҳ юз йил умр берса, камлик қилади. Ҳиндистон маданиятидан бир чимдим, Европа илмидан икки жумла, ислом дунёси маънавий меросидан икки чўқим олиб, «жаҳоншумул» маънавият назариясига даъво қилгандан кўра, ўзбек юртида яшаб ўтган буюк алломалар ижодини имкон даражасида изчил ўрганиб, шу билимлар асосида миллий маънавият ҳақида фикр юритган афзал эмасми? Биз «маънавият нима?» деган саволга немис ёхуд инглиз, рус ёки поляк, ҳинд ёки япон қандай жавоб бериши мумкинлигини башорат қила олмаймиз. Умр бўйи миллий маънавиятини, узоқ асрлар давомида ўз миллати мансуб бўлган минтақа маданияти вакиллари ижодини асл манбалардан ўрганиб келган одам ҳам миллий маънавиятимизни мукамал англаб етдим, деб даъво қилишга хижолат бўлади. Бу иш аслида кўпчилиكنинг иши. Миллат маънавияти учун бутун миллат қайғуриши керак.

Маълумки, ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз ҳаёт тарзини, келажагини аждодларининг тарихий тажрибаси асосига қуради, ҳеч бир халқ бегона қолиплар, бегона андозалар асосида эмин-эркин яшаб, тараққий эта олмайди. «Одамзод бировнинг бўйига қараб ўзига тўн бичмайди», дейди Юртбошимиз<sup>110</sup>. Ҳар бир хонадоннинг ўз тартиб-қоидалари бўлганидек, ҳар бир юрт ҳаётини ташкил этишнинг ҳам ўз андоза-ўлчовлари, қонун-қоидалари бўлади. Улар ўша юртнинг табиий-жуғрофий шарт-шароити, тарихий тажрибаси, миллий феъл-атвори билан боғлиқ тарзда шаклланади.

Минг йиллар давомида ер юзидаги турли минтақаларда яшаган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқалари ҳозирдагидек яқин бўлган эмас. Асрлар мобайнида ер юзида турли маданий минтақалар шаклланган. Европа халқларининг умумминтақа маданияти, жануби-шарқий Осиё халқлари минтақа маданияти, Ҳиндистон яримороли ва унга қўшни ҳудудларда яратилган умумий маданият ва бошқа бир қатор минтақалар маданияти - буларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ қилувчи қатор диний эътиқод, фалсафий мактаблар, санъат ва адабиёт, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос уйғун бир тизимларини вужудга келтирган-ки, аҳли башарнинг бундай бебаҳо мулкани, маънавий хазиналарини бефарқлик билан бир-бирига қориштириб юборишимиз мутлақо ижобий натижалар бермайди.

Ҳеч қачон бир инсон ҳақиқатнинг тагига етган эмас. Чунки Борлик ҳақиқати – чексиз. Уни англаб етиш учун, биринчидан, шу кунгача инсоният эришган барча ютуқларни ўзлаштириш лозим бўлади Аммо бутун инсоният

<sup>110</sup> Ислам Каримов. Асарлар. 1-жилд, с.12

яратиб қолдирган илмий меросни мукамал ўзлаштириш бир киши учунгина эмас, ҳатто каттароқ илмий жамоалар учун ҳам оғирлик қилади. Иккинчидан, барча инсониятнинг етишган билимлари ҳам Борлиқ ҳақиқати олдида уммондан томчидек эмас. Шундай экан, воқеъ дунё ҳақидаги тасаввурларимизни қандай шакллантирганимиз мақсадга мувофиқроқ?

Умуминсоний қадриятлар ҳар бир миллат маънавиятида ўзига хос ва махсус тизим шаклида намоён бўлади. Чунки миллий маънавият тарихий ҳодиса, ўзбекнинг маънавий такомили немис ёки хитой халқи бошидан кечирган тарихий жараёнлардан буткул фарқ қилувчи сиёсий-маданий макон ва замонда юз берган. Ҳар бир халқ моҳиятан умуминсоний бўлган қадриятларни тамомила ўзига хос шаклу шамойилда ифода этишининг сири шу ерда. Зоҳирбинлар айна шу ташқи фарқларга эътибор қаратиб ғавғо кўтардилар, аҳли диллар ботиний уйғунликни муҳим ҳисоблашади.

Турли миллатлар маънавиятининг ўзига хослиги камалакдаги турли ранглар товланишига монанд бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, бойитади, аммо инкор этмайди, бир сўз билан айтганда, маънавият элларни зидлаштирмайди. Умуминсоний қадриятларни бирор-бир алоҳида халқ яратмайди, бу қадриятларни ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўз тарихий тажрибаси билан аста-секин шакллантириб боради ва ўзаро турлича муносабатлар жараёнида элатлар, миллатлар бир-бирини тушуниб, ўзаро маънавиятларидаги умумий жиҳатларни тадрижий англаб боради.

## **2. Миллий маънавиятимизнинг умуминсоний моҳияти.**

Бир нарсага эътибор беришимиз керакки, бизнинг ўз миллий маънавиятимизни тиклашга астойдил киришганимиз асло ўзгага ғайирлик маъносини билдирмайди, балки умумбашарий мувозанатни, уйғунликни, демакки, адолатни тиклашга уринишдир. Зотан, уйғунлик бузилса, башар маънавияти ҳам тўкис бўлмайди. Бутун дунё халқлари бир-бирини тушуниб яшашга интилоғи лозим. Душманлик, ғайр кўзи билан қараш эмас, меҳр башариятни бирлаштиради. Бу улуғ ҳақиқатни бизнинг аجدодларимиз аллақачон англаб етганлар. Аммо ўзгани тушуниш учун, ўзгага меҳр кўзи билан боқиш учун, аввало, инсон ўзлигини англаб етмоғи керак. Ўзлигини англамаган зот ҳеч қачон ўзгани тушунмайди, уни холис қабул қилмайди. Асли миллий маънавиятимизга бугунги айрича эътибор ҳам ушбу ўзлигимизни англаб етишга бўлган кучли эҳтиёж натижасидир.

Маънавият доимо миллий бўлади, шу билан бирга унда умуминсоний қадриятларга зид нарса ҳам бўлмайди, чунки ҳар бир миллатнинг мустақил маънавий дунёси, маънавий қиёфаси бир пайтнинг ўзида ички моҳиятига, ўзак томирларига кўра, ўзга халқлар маънавияти билан умумий жиҳатларга, бутун башариятни бирлаштириб турувчи муштарак унсурларга эга бўлади. Маънавиятнинг юқорида эслаб ўтилган таърифини миллат маънавиятига татбиқ этадиган бўлсак, уни бемалол миллат руҳидаги **Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик**, деб аташ жоиздир. Шундай экан, **айни миллатимизни ўзга миллатлардан ажратиб турувчи моҳиятлар эмас, балки бирлаштирувчи**

**омиллар миллий маънавият замирини ташкил этади.** Фақат буни жўн тушунтириш ҳам, жўнлаштириб талқин этиш ҳам –хато. Маънавиятимиздаги энг умуминсоний ғоялар ҳам ниҳоятда миллий бир тарзда ўзлигини намоён қилади, улар бошқа миллат маънавияти унсурларидан нусха кўчириш шаклида намоён бўлмайди.

Биз миллий урф-одатларимиз, маросимларимизга баҳо бермоқчи бўлсак, бутун инсоният манфаатлари нуқтаи назарини, алоҳида шахс эркинлиги, Ватан ва миллат манфаатларини, миллий кадриятларимиз мажмуини яхлит уйғунликда олиб қарамоғимиз талаб этилади. Агар шу уйғунликка моҳиятан мувофиқ бўлса, ёхуд лоақал унга зид бўлмаса, демак, мақбул, аммо инсонлараро зиддият туғдирса, нифоқ солса, ёки ўзга шахс эркини бўлса, Ватан ва миллат манфаатларига зид бўлса, демак, мақбул эмас. Аммо бир нарсани эсдан чиқармайлик: биз миллий маънавиятимизни қадрласак, уни ривожлантиришга уринсак, қайсидир ўзга халқлар, сиёсий кучлар, биздан гумондор бўлиши мумкин, бизнинг тилимиз, динимиз, кийган кийимимиз ёки урф-одатларимиз уларнинг дидига ўтиришмаслиги, танлаган мустақил йўлимиз улар назарда тутган қолипларга мос келмай қолиши мумкин деб, ошиқча «андиша»ларга берилсак, демак, бу ҳануз онгимиздаги қарамлик асоратидир. Кўнглимизда Ҳақ нури билан бир ишга жазм қилар эканмиз, ўзгаларнинг ноўрин шубҳа-гумонлари билан ҳисоблашиш, чумчуқдан қўрқиб тарик экмаслик билан баробар.

Европа халқлари ижтимоий ва маданий соҳаларда ўз тарихий тажрибаларидан келиб чиқиб, аждодлари қолдирган меросга мос қилиб, илмий андоза ва ўлчовлар яратганлар, таъриф ва тизимлар шакллантирганлар. Агар улар яратган мерос таъсирида, унга эргашиб бошқа бир халқ маданий бойлик ҳосил қилган бўлса (масалан, совет даврида СССР халқлари вакиллари яратган кўпчилик асарларни олайлик), албатта, Европа маданияти андоза ва ўлчовларини унга тадбиқ этса бўлар. Аммо ўзбекнинг миллий тафаккури охириги 70 йилда шаклланган деб бўлмаганидек, бугун энди ижтимоийёт мавзуларида илмий мулоҳазалар юритиш учун онгимизга кечаги зўраки жойлаштирилган сунъий қолиплардан ўйламай-нетмай фойдаланишга уринишимиз ҳам ўринли эмас.

Мавҳум бир шаклдаги умуминсоний маданият, умуминсоний маънавият ҳаётда асли мавжуд эмас, жаҳон маданияти турли ўлка ва минтақаларнинг ўзига хос маданиятлари мажмуидан иборат. Қандай миллат, қандай халқ бўлмасин, барибир, уни муайян инсонлар ташкил этади. Инсонларнинг ҳар бири ўз қиёфаси, ўз феъл-атвори, фикр-андишалари, ўз ҳаёт йўли ва орзу-ниятларига эга. Аммо уларнинг барчаси Аллоҳ яратган маҳлуқотнинг бир тоифаси - бани одамга мансуб бўлгани туфайли уларнинг барчаси учун умумий бўлган муайян кадриятлар мажмуи ҳам мавжуддир. Бу кадриятлар ҳар бир миллат, ҳар бир инсон учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг кўр-кўрона инкор этилиши, тан олинмаслиги бутун башарият учун ҳалокатли бўлиши мумкинлигини жаҳон тарихи тажрибаси кўп марта исботлаган. Албатта, бундай кадриятлар барча инсонлар, барча миллатлар томонидан бирданига, азал-ибтидодан англаб етилган, идрок қилинган деб бўлмайди.

Умуминсоний қадриятлар ҳар бир миллатнинг маънавий мулкига айланиши учун асрлар, балки минг йиллар керак бўлди. Хатто бугун ҳам барча инсонлар, барча элат ва тоифалар уларни тугал англаб етган, дейиш қийин.

Масалан, энг асосий умуминсоний қадрият - ҳар бир дунё юзига келган инсоннинг **яшаш ҳуқуқини** олайлик. Барча илоҳий китоблар инсоннинг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилади, ўзгаларга ноҳақ озор етказмасликка, инсонни нобуд этмасликка чақиради. Аммо инсонлар доимо ушбу даъватга риоя этиб келмоқдами? Қайтага, астафуролло, ўша китоблар қатидан ўзларига мақбул бўлмаган ўзга инсонларни йўқ қилиш учун фатволар излайдилар, ўзларини “мусулмон”, ўзгаларни “кофир” деб эълон қилдилар. Ҳолбуки, инсонлар эътиқоди ҳақида ҳукм чиқариш фақат Аллоҳга тегишлидир. Аллоҳ ҳатто ўз пайғамбарларига ҳам ўзгалар устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқини берган эмас, Аллоҳнинг расуллари фақат унинг ҳидоятини бандаларга етказишга масъул этилган, яъни пайғом (хабар) элтувчидирлар. “Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг ўзига хосдир”, дейилади Қуръони каримнинг “Анъом” сураси 57-оятда. **Атроф-муҳит, табиатга беҳуда зиён етказмаслик** яна бир умуминсоний қадрият бўлиб, афсуски, бу ҳам ҳанузгача кўпчилик инсонлар томонидан амалда риоя этилаётган қоидага айлангани йўқ. Инсонлар, одатда, арзимас ҳою-ҳаваслари йўлида ўз келажаклари илдизига аёвсиз болта урадилар. Яна бир умуминсоний қадрият **адолат туйғуси** бўлиб, ўзбек халқининг “пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса, бировга”, деган ўткир рамзий мақоли бу қадриятни кучли бир тарзда ифодалайди. Инсон кофирга ҳам, мусулмонга ҳам, дўстига ҳам, душманига ҳам адолат юзасидан муомала қилиши зарурлиги илоҳий китобларда ҳам очиқ-ойдин баён этилган. Аллоҳ таолонинг “Раҳмон” исм-сифатида унинг Олий адолати ёрқин ифодасини топган ва бу ҳам инсонга табаррук ибрат бўлмоғи керак. Аммо адолат тарозуси паллаларини доимо тенг тутиш жуда кам одамларга насиб этиб келмоқда. **Яратувчилик меҳнати** билан шуғулланиб, ўз моддий эҳтиёжларини таъмин этиш ҳам умуминсоний қадрият ва табиий заруратдир. Бу қадриятни тан олгиси келмай, айланиб ўтишга, ўзгалар меҳнати ҳисобидан ўз бахтини қуришга уринган кимсалар ҳам ҳануз керагидан ошиқ учрайди. 130 йиллик асоратдан сўнг янгидан мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз муно-сиб ўрнини эгаллашга интилар экан, аввал-бошдан ўз бахтини ўзгалар ҳисобига қуришга умид боғламасдан, барча халқлар билан тенг, адолатли, дўстона ва самимий муносабатлар ўрнатишга тарафдор бўлиб чиқмоқда, башариятнинг келажаги учун ўзини ҳам бошқалар қатори масъул ҳис этмоқда. Бундай ёндошув ўзбек халқининг минг йиллик маънавий тажрибасига кўп жиҳатдан мувофиқ келади.

### **3. Маънавият ва фалсафа.**

Қадим Юнонда барча фанларнинг асоси фалсафа деб қарашган. Чунки авом тафаккури ўша даврда асотир даражасида эди, эътиқод ҳам шунга мувофиқ мушриклик эди. Тавҳид тафаккури дастлаб фалсафий тафаккур сифатида шакл ола бошлагани учун қадим юнон зиёлисига воқелик ҳақидаги

энг тўғри билим фалсафа бўлиб англашилди. Фалсафий тафаккур юнонлар учун шу маънода илмий тафаккурнинг ибтидоси бўлди, дейиш мумкин. Асли фалсафий тафаккур Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг ягона йўли эмаслиги бугунги кунда кўпчиликка маълум.

Маънавиятнинг асоси уйғунликдир. Янги давр Европа илми куруқ схоластикага эмас, амалий тажриба (эксперимент, социологик сўров, психологик кузатувлар ва ҳ.к.) хулосаларига таянади. Аммо XVII-XX асрларда Европада эътиқод (дин) ва илм орасидаги зиддиятнинг анча жиддий чуқурлашуви кузатилди, атеизм (даҳрийлик) қудрат касб этди. Ислом минтақа маданиятида эса бундай адашувлар (пайғамбарлик ва илоҳий ваҳийни рационалистик талқин этишга уринишлар) IX-X асрлардаёқ босиб ўтилган ва X-XII асрларга келиб Форобий, Мотуридий, Ибн Сино каби буюк алломаларимиз ижоди тимсолида Борлиқ ҳақиқатини талқин этишдаги ақл ва нақл уйғунлиги асосан ўз исботини топган эди.

XIX аср Европасида мантиқий тафаккурнинг юксак чўққиси Ҳегель фалсафаси ҳисобланар эди. Дарҳақиқат, олмон мумтоз фалсафасининг машҳур вакили Георг Вильгельм Фридрих Ҳегелнинг “Мантиқ илми” ва бошқа асарлари ўз даврида Европа фалсафасида катта эътибор қозонди. Унинг Борлиқ, моҳият ва тушунча ҳақидаги таълимоти кўп Европа алломалари фалсафий онгида ҳал қилувчи бурилиш ясади. Аммо марксистик фалсафа таълимида Ҳегел ҳақида диалектика қонунларини идеалистик талқинда кашф этган ярим “реакцион”, ярим “прогрессив” ғоялар ифодачиси сифатида тасаввур шакллантирилди эди. Шунинг оқибатида баъзи файласуфларимиз XX асрнинг охириги йилларида (мустақиллик даврида) тайёрлаб чоп эттирган ўқув қўлланмаларида ҳам талабаларга Ҳегел таълимотини эскича талқинда баён қилиб келишди. Шундай талқинларнинг ҳануз китобларга кириб қолаётганлигига икки мисол келтирамиз: “Гегель тўғрисида сўз борганда унинг фалсафасидаги икки томонни - диалектик усул ва метафизик консерватив системасини фарқ қилмоқ зарур. Агар диалектик усул ўзида “рационал мағизни” - тараққиёт тўғрисидаги таълимотни гавдалантирган фалсафа шакли бўлса, унинг догматик идеалистик системаси эса консерватив, яъни тараққиётнинг тўхтаб қолишини талаб этади ва шунинг натижасида диалектик усулга тубдан зиддир”<sup>111</sup>. “Гегелнинг дунёдаги барча ҳодисалар “мутлақ ғоянинг”, “руҳ”нинг турли кўринишларидан иборат деган фикри дунёни худо яратган деб ҳисобловчи диний таълимотнинг бошқача баён қилиниши эди”<sup>112</sup>.

Бу талқинлар шундоққина совет даврида босилиб чиққан марксизм-ленинизм фалсафасига доир ўқув қўлланмалари ва маълумотномалардан кўчириб қўйилганлигини ўша китоблар асосида “фалсафа”дан “таълим” олган биз кекса авлод яхши биламиз. Мустақилликнинг йилларида ҳам алмисоқдан қолган шундай гаплар билан китоб тўлдириш ёшлар тафаккурига қандай таъсир кўрсатишини ўйлаб кўришимиз керак эмасми?

<sup>111</sup> Ж. Туленов, З. Ғофуров. Фалсафа.Т.-«Ўқитувчи»-1997, с. 133-134

<sup>112</sup> Ўша китоб, с. 134

Ҳегель асарларида соф фалсафий тушунчалар бўлмиш Борлик, сифат, микдор, меъёр, моҳият, ҳодиса, воқелик, тушунча, мутлақ ғоя сингари мантиқий атамаларнинг ўзига хос ички уйғунликка бўйинсундирилган тизими яратилган бўлиб, марксистлар Ҳегелни мақтаганда ҳам, танқид қилганда ҳам файласуфнинг мураккаб мантиқий мулоҳазаларини холис идрок этишни эмас, балки улардан ўзларининг қарашларига мос келувчи жиҳатларини ажратиб олиб, усталик билан фойдаланишни кўзлаганлар.

Иккинчи бир улуғ олмон мутафаккири диншунос ва файласуф Людвиг Фейербах ҳам ҳануз Ҳегел “идеализми” нинг фош этувчиси ва янгидан “материализм ғалабаси” ни таъминлаган шахс сифатида эсланади. Ваҳоланки, “Христианликнинг моҳияти” китобида олға сурилган ғоялар фақатгина марксистик материализмга “хизмат қилиш” мақсадига бўйсундирилган эмаслиги ҳар бир жиддий олимга аёндыр.

70 йил давомида жаҳон коммунист файласуфлари томонидан Европа фалсафасининг бутун тарихи худди шу тарзда марксистик ақидалар нуқтаи назаридан «андозалаб» чиқилган. Тарихда ўтган ҳар бир йирик файласуф меросининг «ютук» ва «камчиликлари» сарҳисоб қилинган, агар унинг мулоҳазалари «диалектик материализм»нинг бирор-бир қиррасини «исботлаш»га хизмат қилса, бу ўша файласуфнинг «прогрессив», «ҳақиқатга мувофиқ» томони, агар марксизм ақидаларига зид келса, мос тушмаса, бу унинг «реакцион», «адашган» томони экани таъкидланган. Бу ишларни анча-мунча истеъдодли олимлар «қотириб» бажаргани туфайли, совет даври “файласуф”лари улар ёзган нарсаларни ўз вақтида соф илмий ҳақиқат сифатида қабул қилишган. Бугун энди ўз хоҳишларидан қатъи назар хотирага жойлашиб олган бундай ярим ёлғонлардан халос бўлиш улар учун осон эмас. Марксизмнинг оғир жиноятларидан бири шуки, ўз даврида минглаб қобилиятли ёшларни илмда ана шундай боши берк такаббурлик кўчасига киритиб қўйиб, ҳам уларга Аллоҳ берган табаррук неъматни елга совурди, ҳам жамият ривожига икки томонлама зарар етказди.

Ўша даврда фалсафа факультетларида марксизмдан бошқа яна ниманики ўргатишган бўлса, яна ўша марксизм нуқтаи назаридан ўргатишган. Бугун бизда Кантни аслиятда ўқиган нечта файласуфни топиш мумкин? Ҳегел ёки Фейербахни-чи? Афлотун ва Арасту асарларини русча таржимада агар астойдил ўқиб чиққанлар бўлса уларга минг раҳмат! Лекин булар бари ҳали Европа фалсафаси, холос. Жаҳонда яна мумтоз ҳинд фалсафасининг турли оқимлари, қадим хитой фалсафаси ва ҳоказолар бор. Агар миллий маънавиятимиз такомилга бевосита алоқадор бўлган ислом минтақаси ҳудудларига назар соладиган бўлсак, улуғ алломаларимиз Форобий, Мотуридий, Ибн Сино, Насриддин Тусий, Ибн Туфайл, Ибн Рушд асарларининг асл матнлари билан жиддий танишиб чиқиш ҳозирга келиб биздаги фалсафа билимдонларидан кимларга насиб этди-ю, уларни тўғри идрок этиш учун яна қанча билим, қанча машаққатли меҳнат керак. Хуллас, миллий маънавиятимиз анъаналарида янги бир фикр айтиш учун ўзидан олдин яратилган маънавий бойликларни чуқур англаб этиш талаб этилади. Албатта, бу 1-2 йилда битадиган иш эмас.



Бизнинг фикри ожизимизга кўра, собиқ марксизм ҳукмронлиги ўша даврда фалсафа ва унга ёндош йўналишларни танлаганларнинг кўпчилиги онгига турли йўллар билан ўзи жойлаштирган Борлиқ ҳақидаги тасаввурлар, методологик андоза ва қолипларни мутлақ ҳақиқат деб ишонтирган. Шу ишонч руҳи ва альтернатив билимларнинг етарли эмаслиги ҳануз янглиш тасаввурларга қувват бериб келмоқда. Масалан, диалектика мутлақ ҳақиқат йўқ деб ўргатади, дейди файласуф дўстимиз. Аммо яқин ўтмишда худди шу диалектика қонунларига мутлақ ҳақиқат деб қараш одат тусига кирган эди. Асли уларнинг ўзи ҳам чексиз Борлиқ ҳақиқатини моделлаштиришнинг бир тажрибаси - ўз даври талаблари натижасида юзага келган бир қолип, андоза эмасмиди?

Яна бир масала – том маънодаги мустақил фалсафий тафаккур эгаси билан, ўзгаларнинг фалсафий қарашларини ўрганувчи фалсафашуносни фарқ қилиш зарурати. Раҳматли профессор Ғайбулла ас-Салом бир катта издиҳомда афсус билан айтган эди: «Фалсафа ниҳоятда улғ нарса, аммо қани бугунги Ўзбекистонда бирорта «мен - файласуфман» деб юрак ютиб даъво қилувчи борми?» Даъвогарлар кўп бўлиши мумкин, аммо Аристотель, Кант, Форобий, Румий каби мустақил фалсафий тизимга асос солиш учун қанча билим ва истеъдод керак? Собиқ совет даврида фалсафа факультетида таълим олган, ёки собиқ совет марксист «файласуф»ларининг таълимини олиш билан кифояланиб қолган ҳар бир олий маълумотли мутахассисни, хатто у илмий даража эгаси бўлса ҳам, том маънода файласуф ҳисобласак бўлаверадими?

Ғарбда муайян илм соҳасида фалсафий умумлашмалар ярата олганларга «фалсафа доктори» илмий даражаси берилади. Бизнинг фалсафашуносларимиз орасида ниҳоятда теран фикрловчи инсонлар бор. Агар улар янги воқеликни эски андазалар билан ўлчашни қўйиб, бирор муайян фан йўналиши билан шуғуллана бошласалар, балки жамият кўпроқ ютуқларга эришган бўлармиди? Хуллас, фалсафа ва мантиқ илми ўта жиддий фанлар бўлиб, жаҳон мумтоз фалсафасини, жумладан, XIX - XX аср Европа файласуфларининг ижодий меросини мустақил ва атрофлича ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Фақат бу жиддий машғулот билан алоҳида фалсафий йўналишидаги илм ва таълим даргоҳларида шуғулланиб, асл манбалар асосида таълим ва тадқиқот олиб бориш, ҳозирги жаҳон фалсафаси ва фалсафашунослигининг етакчи намояндалари билан яқин мулоқотда бўлиб, улар билан ҳамкорликни ҳар тарафлама ривожлантириш унумли натижалар бериши мумкин.

XX аср Европа фалсафасининг етакчи йўналишлари - Аквиналик Тома издошлари (“янги томизм”), Зигмунд Фрейд, Бертран Рассел, Людвиг Витгенштеен, Эрих Фромм, Мартин Хайдеггер, Карл Ясперс, рус мутафаккирлари Владимир Соловьев, Павел Флоренский, Николай Бердяев ва жаҳоннинг бошқа таниқли файласуфлари ижодини холис ўрганиш бугунги замондошимизнинг фикрий дунёсини бениҳоя кенгайтиришга хизмат қилади. Бундан ташқари қадим ва ҳозирги замон араб, ҳинд, қўйингки, жаҳон фалсафий тафаккури дурдоналарининг барчасини ҳам ҳар томонлама ўрганиш фойдадан холи эмас. Аммо бир нарсани ёддан чиқармаслик лозимки, аввало, фалсафа инсон маънавиятини шакллантирувчи ягона омил эмас, қолаверса,

дунёнинг ҳамма илмини ҳар бир киши ўзлаштириб етказа олмайди. Шу сабабли бугунги кунда фалсафа фанини қайси чегараларда ва кимлар ўрганиши лозимлиги ҳақида атрофлича мулоҳаза билан фикрлашиб олиш ва керакли хулосалар чиқариш лозим. Бир шарти шуки, бундай фикр алмашувида қатнашувчилар доираси кенгроқ ва холисроқ бўлмоғи, фақат фалсафашунослар, ёки уларга ёндош соҳа вакиллари билан иборат бўлиб қолмагани маъқул.

Барча файласуф ҳам Борлиқ ҳақиқатининг асл моҳиятини англаб етишга интилади. Аммо, агар у ҳақиқий истеъдодли аллома бўлган тақдирда ҳам аслида чексиз Борлиқ ҳақиқатининг бир қирраси хусусида муайян хулосалар бера олади, балки муайян янги жиҳатларни ёритиб беради. У яратган тизим барибир охирги ҳақиқатни ифода этмайди. Шу нуқтаи назардан, масалан, Ҳегель таълимоти ҳам воқеликнинг мутлақ ҳақиқатини кашф этган эмас, балки унинг баъзи янги қирраларига эътибор қаратиб, уларни ўз давридаги мавжуд тасаввурларга мувофиқ талқин этган, деб қаралса, тўғрироқ бўлса керак. Орадан бир аср ўтар-ўтмас Ҳегель талқинлари ҳаётни, Борлиқни тўғри англаб етиш учун етарли бўлмай қолди, чунки замон ўзгарди, XIX аср воқелиги кечаги кунга айланди. Шу сабабли XX аср ўрталарига келиб, мутлақо янгича тарихий воқеликда Карл Поппер сингари Европада шуҳрат қозонган файласуфлар Ҳегел фалсафасига нисбатан жиддий раддиялар билдира бошладилар.

Миллий маънавиятимиз анъаналари меъёр қонунига таянади. Мураккаб воқеликнинг турли жиҳатлари аро мутаносиблик, уйғунлик бўлишигина инсоният тараққиёти учун, ҳаёт мукамаллиги учун асосий шарт эканлигини улуғ алломаларимиз ўз давридаёқ англаб етганлар ва ўз асарларида ифодалаб берганлар. Диалектика қонунлари эса бу мураккаб дунёни, бугунги кун нуқтаи назаридан олганда, анчайин жўнлаштириб тушунтиришга уриниш сифатида баҳоланиши мумкин, шу сабабли воқеликни **ўта мураккаб структурали тизим** деб қараш Фарб илмида ҳам аллақачон шаклланган. Унда баъзан “қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши”, баъзан “инкорни инкор” ёки “миқдор ўзгаришлардан сифат ўзгаришларга ўтиш” тарзида тасаввур қилса бўладиган ҳодисалар учраб туради. Аммо бу қонунларни воқеликни англаб етишнинг асосий восита ва усуллари деб мутлақлаштира бошласак, дарҳол сунъий муаммолар ҳосил қила бошлаймиз. Биз совет даврида мустабид мафкурага бўйсуниб марксизм фалсафасини энг олий ҳақиқат деб қабул қилиб, барча илм ва тарбия йўналишлари марказига қўйиб келдик. Ваҳоланки, миллий маънавиятимиз тажрибасида **фалсафа йўналиши**, ўзининг бутун кўлами билан, инсоннинг Борлиқ ҳақиқатини излашидаги **турли йўналишлардан бири** деб қаралган. Дарҳақиқат, фалсафа ўзининг барча оқимларида мантиқий тафаккурга таянади. Ваҳоланки, инсоннинг воқеликка ёндошуви фақат мантиқий тафаккур билан чекланмайди. Ибрат ва ибодат, ирфон ва риёзат, санъат ва нафосат, дид ва фаросат, ва, ниҳоят, амалий яратувчилик фаолиятининг турли йўналишлари - барчаси инсонга Борлиқ ҳақиқатини англаб етишда кўмакдош бўла олади. Асотир тафаккур, бадий тафаккур, ирфоний тафаккур, тарихий тафаккур ва ҳоказо инсон

тафаккурининг йўналишлари беҳисоб. Маънавият ўзини бир тафаккур тарзи билан боғлаб қўймайди, Борлиқ моҳиятини ва ўзининг унга нисбатини англаб етишига уринишида фақат ақлга таяниш билан чекланмайди, балки ақлни ҳам кўнгил кўзгусига сайқал бериш учун бир восита деб қарайди.

Конкрет илм йўналишларидан фарқли ўлароқ, файласуф танлаган мавзу ўта мураккабдир. Борлиқ ҳақиқатининг қирралари, жиҳатлари шу қадар чексиз-ки, ҳечқачон уларни мукамал қамраб олиб бўлмайди. Шу сабабли файласуф яратган тизим мантикий асосланишига кўра илмга ўхшаса ҳам, аслида Борлиқ ҳақиқатини моделлаштиришга навбатдаги уринишдир. Файласуф мантикий фикр юритади, аммо у ростмана фалсафий тизим ярата олиши учун воқеликни моделлаштириш истейдодига эга бўлиши лозим. Фалсафий моделни илмий ҳақиқатдан фарқ қилмаслик охир-оқибатда уни мутлақлаштиришга олиб келади. Ваҳоланки, ҳар замоннинг, ҳар маконнинг, балки ҳар йўналишнинг ўз фалсафий модели бўлади. Уларни бир замон ва макондан бошқасига тақлидий кўчиришга уриниш – кўпчиликни чалғитиб қўйиш мумкин. Шу сабабли гап моҳиятан «диалектик материализм»нинг ёлғон ёки ростлигида ҳам эмас, ҳақиқат шундаки, кечаги совет воқелигида идеаллаштирилиб онгимизга сингдирилган фалсафий модел бугунги мустақил Ўзбекистон шароити учун мутлақо яроқсиздир.

Бугун мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти жаҳон тажрибаси ва миллий анъаналаримизга таянган ҳолда мутлақо янги модел яратмоқда ва у амалий ҳаётга татбиқ этилиб, шу кунгача ўзини оқлаб келмоқда. Унинг асосида мустақил давлатчилигимиз, иқтисодимиз, маънавий қадриятларимиз ривожланиб ва тараққий топиб бормоқда. Демак, бизнинг ижтимоий соҳалардаги изланишларимиз айна шу умумметодологик асосга таянмоғи замон ва макон руҳининг тақозосидир. Биз бугун шу воқе моделни илмий таҳлил қилмоғимиз, уни жаҳон ва тарих тажрибаси билан қиёслаб, туб хусусиятларини кашф этмоғимиз мақсадга мувофиқ.

#### 4. Эътиқод тарбияси ҳақида

Бугунги кунда маънавий тарбия соҳасида **эътиқод тарбияси** биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини тобора равшан бўлиб бормоқда. Буни миллий маънавиятимизнинг шаклланишида **ислом маърифатининг** беқиёс аҳамияти ҳақидаги Президентимизнинг фикрлари ҳам тасдиқлаб турипти. Аввало шуни таъкидлаб ўтиш зарур-ки, эътиқод тарбияси **диний тарбия** маъносини бермайди. Бугунги дунёда асосан давлат диндан ажратилган ва ижтимоий таълим-тарбия жараёни ҳам диний тарбияга аралашмайди. Чунки диний тарбия, биринчидан, албатта муайян динга тааллуқли бўлади ва ушбу динга бевосита алоқадор муассасаларда ушбу диннинг масъул ходимлари томонидан амалга оширилади. Шу ўринда **диний тарбия** ва маънавий тарбиянинг энг ҳассос жиҳатларидан бўлмиш **эътиқод тарбияси** ўртасидаги умумий ва фарқли томонларга эътибор қаратиш зарур. Маълумки, диннинг **ботиний** ва **зоҳирий** жиҳатлари бор. Бунда ботиний жиҳати **имон** бўлса, зоҳирий жиҳати **ибодатлардир**. Маънавий тарбияда **имон-эътиқод** муҳим

ўрин тутади, аммо **ибодатлар** масаласи **диний тарбия** тасарруфидаги юмуш бўлиб, бу соҳанинг ўз одамлари бор. Бугунги дунёда асосан давлат диндан ажратилган ва ижтимоий таълим-тарбия жараёни ҳам диний тарбияга аралашмайди. Чунки диний тарбия, биринчидан, албатта муайян динга тааллуқли бўлади ва ушбу динга бевосита алоқадор муассасаларда ушбу диннинг масъул ходимлари томонидан амалга оширилади. Жумладан, мусулмонларни ислом дини руҳида тарбиялаш мусулмонлар диний идораси, масжид ва мадрасалар, ислом уламолари томонидан муайян доира ва тартибда олиб борилмоқда. **Эътиқод тарбияси** диний тарбияни инкор этмайди ва айниқса, собиқ Шўролар даври атеистик тарбияси сингари асло диний эътиқодларга қарши курашишни мақсад қилиб қўймайди. Эътиқод тарбиясининг **биринчи принципи** ҳар бир ёруғ жаҳонга келган **инсон ўзи хоҳлаган эътиқод тизимини эркин танлаш ҳуқуқига эга** ва унга шу имконият берилиши керак. Ҳар бир инсон муайян диний эътиқод тизимини танлаши ёки бирор-бир динга эътиқод қилмаслиги, яъни атеистик ёки материалистик эътиқод эгаси бўлиши мумкин.

Эътиқод тарбиясининг **иккинчи асосий принципи**га ўтишдан олдин Россия мусулмонлари муфтийлар Кенгаши раиси жаноб Равил Гайнуддин ҳазратларининг **“Бугунги Россияда ислом”** китобидан бир иқтибос келтирсак: **“(Бугунги кунда) исломнинг инсон ҳақидаги, мусулмон шахси ҳақидаги таълимотини ёритувчи адабиётнинг етишмаслиги айниқса яққол сезилиб қолмоқда. (Бугунги) Россиянинг ўзига хос шароитларида у (яъни мусулмон киши) қандай яшаши ва хатти-ҳаракатда бўлиши керак, ҳар қадамда дуч келаётган муаммоларга қандай муносабат кўрсатиши керак. Ушбу масалаларни ҳал қилиш бугунги илоҳиёт фанининг биринчи даражали вазибаларидандир.”**<sup>113</sup> Муфтий ҳазратлари қўйган масала, бизнинг назаримизда, нафақат ислом илоҳиётининг, балки, кенгроқ маънода олганда, бугунги кун ёш авлод маънавий тарбиясининг ҳам ўзак муаммосидир.

Демак, **эътиқод тарбияси** маънавий тарбиянинг ўзак қисми бўлиб, шахс маънавиятининг асосий таркибий жиҳатларидан биринчиси **имонга** тааллуқлидир. Маънавият нуқтаи назаридан имон **тақлидий** ёки **таҳлилий** бўлиши мумкин. **Тақлидий имон** эгаси ўйлаб, бош қотириб ўтирмайди, унинг назарида эътиборли бирор одам нима деса, шунга ишониб, “хўп” деб кетаберади. Бундай имон эгасини йўлдан адаштириш жуда осон, чунки у ўйлашни, бир муаммони жиддий ўрганишни ёқтирмайди. Турли бузғунчи оқимлар айна шундай илмсиз имон эгаларидан усталик билан фойдаланишлари мумкин. **Таҳлилий имон** эгаси бир нарсага шундоққина ишониб қўя қолмайди, балки ўзи мойил бўлган эътиқод тизимини илмий асосда обдон ўрганади, китоб ўқийди, ўқиганда ҳам мантиқан таҳлил қилиб, бошқача қарашлар билан жиддий қиёслаб ўқийди, ҳар томонлама мулоҳаза қилиб кўради ва тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, ўз ҳаётини ўзи танлаган ва моҳиятан англаб етган эътиқод тизими асосларига мувофиқ куришга ҳаракат қилади, ҳар бир хатти-ҳаракатини шунга қараб белгилашга уринади. Демак,

---

<sup>113</sup> Равил Гайнуддин. Ислам в современной России, М., 2004, с. 253.

**этикод тарбияси** деганда болани (инсонни) муайян этикодга мойил қилишга ёки муайян ибодатларни қандай бажаришга эмас, балки **ҳар бир ёшни ўзи эркин танлаган этикодига илм ва масъулият руҳида ёндошишга ўргатишни** тушуниш керак бўлади. Инсонда этикод бўлмаса, унда тайинли, залворли **мақсад** ҳам бўлмайди. Инсон ўз олдига катта бир мақсад қўйиб, уни амалга ошириш йўлида астойдил, масъулият билан ҳаракат қилмас экан, бундай одам ҳаётда ўзига ҳам, яқинларига ҳам, жамиятга ҳам тайинли фойдаси тегмайди, онгли шахсга айланмайди, оддий биологик мавжудот сифатида ётиб-туриб, топганини еб-ичиб ўтиб кета беради, ёмон ниятли одамнинг қўлига тушса, уни ҳар йўлга бошлаши, жиноятга шерик қилиши ҳам мумкин. **Тақлидий имон** бу ўринда фойда бермайди, қайта ишни бадтар чигаллаштириши эҳтимол. Бугунги кун бизнинг юртимизда эмас, балки бутун жаҳонда **этикод тарбияси** ўта долзарб муаммога айланганлигининг асл илдизи шу ерда.

Ҳар бир халқнинг ўз этикод тизими бўлади<sup>114</sup>. Этикод тизими миллий маънавиятнинг ўзак томиридир. Маълумки, аксарият ўзбеклар (ва бугунги кунда Ўзбекистонда истиқомат қилувчи қардош халқлар вакиллари – тожиклар, қozoқлар, қирғизлар, татарлар, озарбайжонлар, месхети турклар ва бошқаларнинг кўпчилиги) ўзларини неча асрлардирки мусулмон деб ҳисоблайди, яъни ислом динига этикод қилади. Ислом динининг асосини эса охириги пайғамбар Муҳаммад(сав)га ваҳий орқали билдирилган Аллоҳнинг китоби – **Қуръони карим** ташкил этади. Ушбу китоб оятлари мазмуни Европа илм-фанининг энг сўнгги ютуқлари билан тўла мувофиқ эканлиги христиан динидаги олимлар томонидан ҳам аллақачон исботланган<sup>115</sup>. Диний уламоларимиз ислом арконлари, имон шартлари, бошқа ақидалар ҳақида муфассал баён қилиб келмоқдалар, бизнинг уларга тўхталиб ўтиришимиз жоиз эмас.

Бу соҳада бизни биринчи навбатда қизиқтириши керак бўлган асосий масала **исломда инсоннинг ижтимоий мақоми ва маънавиятидир**. Имом Ғаззолий ҳазратлари “Кимёи саодат”да айтадилар: “Билгинки, (Ҳақ таоло) одамни ўйнамоқ ва кулмоқ, емоқ ва ичмоқ учун яратмабдир. Балки Одамнинг яралишида улуғ ҳикматлар бордурки, ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўзини танитмоқ учун яратибдур. Ва маърифат йўлининг улуғ хатарлари бордур.”<sup>116</sup> Аллоҳ инсонни **Ер юзида халифа қилиб** яратди. Бутун моддий оламни унинг тасарруфига қўйди. Бу фикр Қуръони каримнинг қатор оятларида қайта-қайта таъкидланади. Масалан, Анъом сураси 165-оятда бу ҳақда шундай дейилади:

<sup>114</sup> Бу гап ҳар бир миллатга мансуб 100% аҳоли бир этикод тизимида бўлиши керак, дегани эмас, балки шу халқнинг аксариятига алоқадор бўлган миллий маънавият тизими асосида қайси этикод жой олган, деган маънони билдиради. Масалан, рус миллатига мансуб анча-мунча мусулмонлар бор, аммо рус миллий маънавиятини православ этикодсиз тасаввур қилиб бўлмайди, ёки материалистик этикодда бўлган яҳудий миллатига мансуб кўплаб машҳур шахсларни биламиз, аммо бу миллатнинг аксарият вакиллари бугунги кунда ўз маънавиятларини “Таврот” ва “Талмуд”сиз тасаввур қилишлари кийин.

<sup>115</sup> Морис Букай. Библия, Коран и наука. М. 1999.

<sup>116</sup> Муҳаммад Исо таржимасида (Тошкент, 2005) баъзи эркин талқинларга йўл қўйилган, Санкт-Петербургда 2007 йилда нашр этилган “Основы духовности” китобида русча таржима аниқроқ ва ихчамроқ берилган, аммо биз мавжуд ўзбекча таржимадан чекинишни лозим топмадик. (Русча таржима: “Знай, что человек создан не для пустого времяпрепровождения и развлечений, ведь дело его – великое, и риск перед ним – большой”).

“У сизларни Ер (юзи)нинг халифалари қилиб қўйган ва ато этган (неъмат)ларида сизларни синаш учун баъзиларингизни баъзиларингиздан (юқори) даражаларга кўтарган зотдир”<sup>117</sup>. Яна Лукмон сураси 20-оятда айтилади: (Эй, инсонлар!) Аллоҳ осмонлар ва Ердаги барча нарсаларни сизларга бўйин сундириб қўйганини ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний (моддий ва маънавий) неъматларини комил қилиб берганини кўрмадингизми?”<sup>118</sup> Хўш, инсонга шундай улуғ инъом ва имконлар берилган экан, аслида унинг бу дунёдаги вазифаси нима? Бу саволга ҳам Қуръони каримда аниқ жавоб бор. “Ваз-зориёт” деб бошланувчи суранинг 56-оятда айтилади: “Мен жинлар ва инсонларни фақат ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим.”<sup>119</sup> Одатда кўпчилик “ибодат” сўзини эшитганда намоз, рўза, ҳаж кабиларни тасаввур қилади. Асли юқоридаги оятда келтирилган “ибодат” тушунчаси Аллоҳ иродасига тўлиқ бўйинсуниш маъносини билдиради. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари Пайғамбаримиздан шундай ҳадис ривоят қиладилар: “Ал-ибодату ашарату ажзоин, тисъатун минҳо талабул-ҳалоли ва жузъун воҳидун минҳо соир-ул-ибодоти”, яъни "ибодат ўн қисмдур, унинг ўндан тўққизи ҳалол **ризқ топиш ҳаракати**да, (қолган ўндан) бир қисми эса бошқа ибодатлардадир”.<sup>120</sup> Демак, юқоридаги оят мазмунини Пайғамбаримиз(сав) тафсирларига мувофиқ идрок этилса, ҳалол ризқ йўлида уриниш Аллоҳга қулчиликнинг, Ҳақ йўлидаги ибодатнинг асосий қисмини ташкил этар экан. Қадим тафсирчи уламоларимиз учун “ҳалол ризқ” тушунчаси мураккаб бўлмаган, бунда ўзга инсонлар ҳаққига хиёнат қилмаслик, ўз касби, меҳнати билан нон топиб, оила боқиш асосий масала бўлиб, баъзи харом ишлар нима эканлиги Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда очиқ-ойдин кўрсатиб берилган. Лекин XX аср охири - XXI аср бошларига келиб ижтимоий ҳаёт анча мураккаблашиб кетди ва бундай шароитда кўп нарсани аниқлаштириб олиш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда.

Масалан, деҳқон яхши ҳосил олиш учун ерга ўғит солади. Илгари ерга солиш учун фақат табиий ўғитлар ишлатилган ва уларнинг ҳосилни истеъмол қилган инсон соғлиғига бирор-бир зарари бўлмаган. Бугунги кунда дунёнинг барча ўлкаларида кенг миқёсда сунъий минерал ўғитлар ишлатиш расм бўлиб кетди. Аммо минерал ўғитларнинг пала-партиш ишлатилиши ўша ернинг тупроғи таркибида ҳам, ундан олинган ҳосилни истеъмол қилган инсон соғлиғида ҳам жуда зарарли асоратлар қолдирмоқда. Ундан ташқари илгари экинларга тушадиган турли зараркунанда ҳашоротларга қарши қўлбола усуллар билан курашилган бўлса, бугунги кунда уларни йўқ қилиш учун турли кимиёвий заҳарли воситалар кенг қўлланилмоқда. Бу воситалар нафақат зараркунанда ҳашоротларга, балки бевосита истеъмолчилар соғлиғига ҳам ёмон таъсир қилиши мумкинлиги аллақачон ўз исботини топган. Хўш, деҳқон қандай ҳаракат қилса, Аллоҳ олдида савоб олади-ю, нима қилса, гуноҳи азимга қолади? Бу ерда давлат одамларининг масъулияти қай даражада-ю,

<sup>117</sup> Ўша китоб, с. 150.

<sup>118</sup> Ўша китоб, с. 413.

<sup>119</sup> Ўша китоб, с.523.

<sup>120</sup> Муҳаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон (Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд). Т.-«Ёзувчи»-1993, с. 55.

фермернинг виждонига қандай юк тушади? Бундай ҳолатларда айна **билим ва эътиқод уйғунлиги** бош масала бўлиб қолмайдими?

Шу ўринда савол туғилади: Нега маънавият тарбиясининг асосида **эътиқод тарбияси** ётади? Чунки маънавият асли ҳар бир инсоннинг **Борлиқ ҳақиқатига муносабати**дан иборат бўлиб, ҳар бир шахснинг **Борлиқ ҳақиқати** ҳақида ўз тасавури бор, у ушбу ўзи тасаввур этган **Борлиқ ҳақиқатига** чин кўнгилдан эътиқод қилса, унинг моҳиятини англашга интилса, унинг олдида масъулият ҳис этса ва **Борлиқ ҳақиқати** олдидаги ўз вазифасини тўғри англаб етиб, уни меҳр билан бажарса, демак, бундай шахсни **маънавий баркамол инсон** дейиш мумкин. Шу сабабли шахс маънавиятининг асосий жиҳатлари **имон, илм, масъулият ва меҳрдан** иборат деб қаралади. Ҳар бир шахснинг **Борлиқ ҳақиқатига муносабати** унинг шахсий иши. Миллий тарбияда эса ёш авлодга миллий маънавий меросимиз анъаналари руҳида тарбия берилади.

**Эътиқод тарбияси**ни амалга ошириш йўлида яна бир катта муаммо бор: ушбу тарбияни ким амалга оширади? Расман олганда, бу масала айна педагогика ўқув юртларининг бевосита вазифасига киради, чунки **тарбиячилар** шу билим масканларида етиштирилади. Аммо, очик тан олиш керак, бугунги кунда бу соҳадаги аҳволни мутлақо қониқарли деб бўлмайди. Бу муаммони ҳал қилиш учун педагогика ўқув юртларига устоз кадрлар тайёрлаш тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Иккинчи муаммо - **эътиқод тарбияси** қайси манбаларга таяниб олиб борилади? Бунга ҳам жавоб аниқ: **эътиқод тарбияси** аждодларимиз меросида ўз аксини топган **миллий маънавиятимиз анъаналарига таянган ҳолда**, жаҳон педагогика илми тажрибасини эътибордан қочирмай, бугунги кун талаблари даражасида олиб борилиши лозим. Асосий масала **тарбиячиларга қўйиладиган талабларни тўғри ишлаб чиқиш ва уларни астойдил амалга татбиқ этиш**. Бу ўринда яна ибрат, илм, масъулият ва меҳр тамойилларини уйғунлаштириш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Бугунги кунда **эътиқод тарбияси асосларини** шакллантириш учун аввало миллий маънавий меросимиз тақомилида Борлиқ ҳақиқатига муносабат масаласини қисқача бир кўздан кечириб чиқиш зарурати бор.

Ислом минтақа маданияти ўзидан олдинги даврда инсоният эришган барча ютуқларни чуқур ўзлаштирди, мушриклик эътиқодининг рад этилиши асло қадимги маданият самараларини ёппасига рад этиш деб тушунмаслик керак. Қолаверса, ислом минтақа маданияти доирасидаги миллий маънавиятимиз ривожининг биринчи поғонаси бўлмиш сунна босқичи, биринчи навбатда, ибратга қурилган бўлса ҳам, ҳеч қачон илмни, риёзатни, меҳрни инкор этган эмас. Кейинги босқичларнинг ҳам етакчи тамойилларига биз алоҳида урғу берганлигимиз олдинги босқичдаги тамойиллар йўқ бўлиб кетганини ёки назардан четда қолганини билдирмайди. Миллий маънавиятимиз тараққиётининг ҳар бир даври, ҳар бир босқичи ўта мураккаб мазмунга, турли тамойилларининг ўзаро узвий туташган муайян уйғунликдаги тизимига эга бўлиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиш лозим. Аммо биз масалани илк умумий ёндошув даражасида талқин этганимиз сабабли, энг

ёркин тамойилларни ёритишга интилдик ва кўп нозик жиҳатлар сояда қолиб кетганини тан олиб ўтамыз.

Бугунги кунда биз **“маърифат”** тушунчасини баъзан тор талқин қилиб, илм ўрганиш, турли соҳалардан билим ҳосил қилиш деб ўйлаймиз. Асли ақл билан англаб етиладиган билимларни ўзлаштиришга интилиш **“маърифат водийсида”**ги бир йўналиш, холос.

Аслида **“маърифат”** Ҳақиқатни англаб етиш йўли бўлиб, ўзлигини англаб етган инсон Ҳақни англаб етади, уни тасаввуф истилоҳида Ориф дейдилар, ҳозирги тилимиздаги **“зиёли”** тушунчаси асли ушбу даражада бўлмоғи керак, фақат **“интеллигент”** (яъни ақл соҳиби) эмас. Маънавий баркамоллик ҳам шунинг ўзидир. **Ибрат, илм, риёзат, меҳр барчаси маърифат йўллари бўлиб, инсон уларнинг барчасини босиб ўтмай туриб баркамол бўлмайди, мукаммал маънавий қиёфа касб этмайди.**

**Нафс тарбияси** – маънавий камолот йўли бўлиб, ахлоқи ҳамиданинг шаклланиш йўли ҳамдир. Аммо маънавият фақат нафс тарбиясидан иборат эмас. Маънавият **имондан** бошланади, **илм** билан мукаммаллашади, **таҳлилий имон** орқали инсон нафс тарбияси(самовоспитание)га ўтади ва охири **меҳр маърифати** орқали маънавий камолотга эришади. **“Ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги ”** деган ҳикматнинг мазмуни шундаки, инсоннинг маънавий камолот даражаси унинг ахлоқида энг ёркин шаклда намоён бўлади. Агар инсон фақат тақлидий имон даражасида қолган бўлса, у Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини тан олган бўлади, буюрилган фарзларни бақадри имкон бажаришга уринади, аммо ахлоқи ҳамиди соҳиби бўлмайди.

*“Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида, - деб куюнчаклик билан қайд этилади Президент китобида, - катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.”*

Ахлоқ илмидаги **релятивизм тамойили** (яъни, ахлоқий қоида ва меёрларнинг замона ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туришини мутлақлаштириш), инсон ахлоқини мўътадил тутишда имоннинг аҳамиятини етарли ҳисобга олмаслик XX аср ўрталаридан бошлаб (айниқса, 60-70 йилларда Европа ёш йигит-қизлари орасида авж олган очиқ зинокорликни тарғиб қилувчи **“сексуал инқилоб”** баҳонасида) моҳиятан ғайриинсоний **“ахлоқий”** (аникроғи, ғайриахлоқий) меёрларнинг Европа муҳитида урчиб кетишига олиб келди (шаҳватни қўзғатишга қаратилган **“мода”**ларнинг кенг тарғиб қилиниши, бир хил жинс эгалари **“никоҳи”**га қонуний тус берилиши, кино ва теленамойишларда аёл яланғоч бадани ва жинсий муносабатларнинг эркин намоёиш қилиниши, зўравонлик, бузғунчилик, қимор, маст қилувчи ичимликлар тарғиботи ва ҳк.). Европа



мухитидаги бундай хатарли тамойиллар турли йўллар билан дунёнинг бошқа минтақаларига ҳам кириб келмоқда<sup>121</sup>.

*“Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда”,* - деб ёзади Президент ўз китобида ва бундай хатарли ҳолатдан фақат ўз халқини эмас, балки бутун жаҳон афкор оммасини огоҳлантириш лозим деб билади.

*“Маънавий таҳдид деганда,- ўринли изоҳ бериб ўтади Президент, - аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, зоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман.”*

Президентимиз топиб айтганидек, *“кимдир Раҳмон измида юрса, кимдир шайтон измида юради,”* ҳаркимнинг гуноҳи ҳам, савоби ҳам ўзига. Аммо бостириб келаётган хавфни кўриб туриб, кўрмасликка олиш, ҳозир-ю ҳузури, ўзимнинг ишим битса бўлди-да, ўзга билан нима ишим бор, деган кайфият бизга тўғри келмайди. Қолаверса, гап биздан кейин шу юртнинг чироғини ёқиб ўтирадиган болажонларимиз тақдири устида кетаяпти.

Инсонга фақат атроф-воқелик ҳақида, одобу ахлоқ қоидалари ҳақида билим беришнинг ўзи унинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун етарли бўлмайди. Унда ирода қудрати, масъулият туйғусини шакллантириш, кўнглида атроф-табиатга, меҳнатга, касбга, илмга, ўзга инсонларга меҳр уйғотиш, дилида улуғ мақсадлар туғилишига эришиш лозим. Масалан, тан олиб айтиш керакки, Ватан ёки Адолат туйғуси ҳақида китобларда ёзилганларни ўқиб чиққан одам дарҳол Ватаннинг қадрига етадиган, ёки Адолатга хиёнат қилмайдиган бўлиб қолади, деб тасаввур қилиш ўта соддалик бўлур эди. Ҳар бир инсон Ватан, Миллат, Адолат тимсол-тушунчаларининг ўз руҳидаги пойдор маънавий қадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратида синаши, бу йўлда риёзат чекиши, уларга нисбатан кўнглида меҳр уйғониши зарур. Бунга турли йўллар, турли воситалар билан, биринчи навбатда ёш авлод тарбиясига самимий (чин кўнгиладан) ва изчил ёндошув, тинимсиз изланишлар билан эришилади.

*“Бизнинг улуғ аждодларимиз, - деб ёзади Президент, - ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тил билан айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли деб биламан.”*

Шу гапга кичик бир мисол:

Маълумки, имон-эътиқод маънавиятнинг умуртқа поғонаси ҳисобланади. Халқимизда бировни “имонсиз” деб аташ энг оғир ҳақоратдир. Биз динимиз ислом деймиз, Қуръони каримда ёзилишича, Аллоҳ бани башарни ўзига ибодат қилиш учун яратган. Лекин кўпчилигимиз исломий ибодатлар деганда,

<sup>121</sup> “Ҳезб ут-таҳрир” сингари экстремистик гуруҳлар “демократия” тушунчасини айни шундай бузуқчилик сифатида талқин қилиб, ўз ғаразли ниятларини шу йўл билан таржибасиз ёшларга юктиришга уринмоқдалар.

намоз, рўза, закот, ҳаж амалларини кўз олдига келтирамиз. Буюк тасаввуф пири Баҳоуддин Нақшбанд эса Расулуллоҳ (сав)нинг куйидаги ҳадисини келтиради: “Ибодат ўн қисмдир, унинг ўндан тўққизи ҳалол ризқ топиш ҳаракати, қолган барча ибодатлар ўндан бирини ташкил этади.” Аҳмад Яссавий ва Абдухолик Гиждувонийларнинг пири муршиди ҳисобланган шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “*Ҳаёт мезони*” асарида Пайғамбаримизнинг яна бир ҳадислари келтирилади: “*Мусулмон бўлмагунларингизча жаннатга кирмайсизлар, бир-бирларингизга самимий меҳр қўймагунларингизча мусулмон бўлмайсизлар.*” Шу сабабли биз фарзандларимизга **имоннинг асосий шарти ҳалоллик, адолат ва инсонга, табиатга меҳр** деб уқдиришимиз, нафақат уқдиришимиз, балки шу йўлда ўзимиз ибрат бўлишимиз шарт.

Президент китобида “*инсон маънавий оламининг юксалиши*” деганда нимани тушуниш керак, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб берилган: “*Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечирини*”. Аммо муаллиф яна таъкидлайдики, ушбу қондани тушуниш ва эътироф этишининг ўзи кифоя эмас, балки айни шу эътиқодга амал қилиб яшаш – “*одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон*”дир.

“*Такрор айтишига тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада хушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур.*” Президентнинг хушёрликни йўқотмаслик, бепарво бўлмаслик хусусидаги уқдиришларини тўғри тушунадиган бўлсак, бу дегани ёш авлодга тўғри таълим бериш билан бирга, ҳар бир айтган сўзимизга аввало ўзимиз риоя қилишимиз керак бўлади. Масалан, “илм ол” дедикми, ўзимиз умр бўйи илмимизни ошириб, пухталаб боришдан тўхтамаслигимиз керак; “ҳалол ва адолатли бўл” дедикми, ўзимиз фарзандларимизни ҳалол лўқма билан боқаетганимизга, ўз фойдамизни кўзлаб бировга зулм бўладиган хатти-ҳаракатдан сақланишга қатъий уринмоғимиз лозим бўлади. Ана шундагина болаларимиз келажагидан хотиржам бўлишимиз мумкин.

“*Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва хушёр қарашни, жаҳонда ва ён атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегшили хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда.*”

Албатта, барча муаммоларни бир кунда, бир ҳамла билан ечиб бўлмайди. Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш бир умрлик иш. Мустақиллигимиз бу саъй-ҳаракатларимиз самарали бўлишининг ишончли кафолатидир. Аммо ҳар бир ишда ёлғон қадамлардан, осон ечимлар қидиришдан эҳтиёт бўлмоғимиз жуда муҳим. Ҳар бир ишда қийинчиликни бўйнига олган одам ҳақиқий ютуққа эришади. Айниқса, биз зиёлилар, ёш авлод тарбиячилари ўз вазифамизга масъулият билан ёндошсак, “*фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш*”дан, шу йўл билан улар онгида “*мафкуравий иммунитет*” ҳосил қилишга уринишдан чарчамасак, миллатимиз яна буюк миллат бўлади, авлодларимиз аждодларимизга муносиб қудрат касб этади. Муаллимнинг меҳнати самараси

узоқ келажакка уланиб кетадиган эзгу меҳнат. Келинг, авлодни боқийликка элтувчи меҳнатдан эринмайлик, токи Президентимизнинг, халқимизнинг ёруғ орзулари ушалсин, *“ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин”*.

## **5. Аждодларимиз яратган маънавий ва маданий бойликлар миллат маънавиятини шакллантирадиган асосий мезонлар сифатида.**

*“Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.”*

**Ислом Каримов,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
("Юксак маънавият – энгилмас куч"  
китобидан)**

Аҳли башар маънавиятсиз бўлмайди, чунки аслида инсон моҳияти моддият ва маънавиятнинг туташувидадир. Ҳар бир шахс, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ёки тоифа, ҳар бир элат, миллат ва минтақа халқларининг ўзига хос маънавий олами мавжуд. Ушбу маънавий оламлар доимо бир хил сақланмайди, замон ва маконда ўзгариб, гоҳ камолот сари юксалиб, гоҳ қашшоқлашиб туради. Лекин **маънавият** ҳодисасини тадқиқ этиш осон иш эмас, бу ҳозирги кунда ушбу илмни ривожлантиришга уринишлар ўта қийинчилик билан самара бераётганида ҳам сезилмоқда. Масалан, Ўзбекистонда барча олий ўқув юртларида “Маънавият асослари” махсус фан сифатида 1997 йилдан ўқитила бошлаган бўлса, шундан бери бу мавзуда қатор тадқиқотлар, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари тайёрланди ва нашр этилди. Уларнинг ҳар бири фан ривожига озми-кўпми муайян ҳисса қўшганлигини инкор этмаган ҳолда, тан олиш керакки, **маънавият** ҳодисасининг моҳиятини теран очиб берувчи, соҳанинг кўпчилик ходимларини ҳар жиҳатдан қониктира олган таърифлар ҳануз кенг истеъмолга кирмади. Бунинг турли сабаблари бор. Аммо, бизнинг назаримизда, энг биринчи сабаб шу кунгача **миллат маънавиятини шакллантирадиган**

**асосий мезонлар** бирор китобда аниқ белгилаб олинмаганида эди. Айни шу вазифа Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг **“Юксак маънавият – энгилмас куч”** асарида биринчи марта аниқ ва мукамал амалга оширилди.

**Маънавият** ходисаси асосан икки кўринишда намоён бўлади: **шахс маънавияти** ва **миллат маънавияти**. Агарчи, тарихан ва назарий жиҳатдан **миллат маънавияти**, том маънода олганда, ушбу миллатга қайсидир бир тарзда алоқадор ҳисобланувчи ўтмиш, бугун ва келажакдаги барча шахслар маънавиятининг мажмуидан иборат бўлса-да, воқеликда ҳар бир шахс маънавияти **миллат маънавиятидан** озикланади, унинг асосида камол топади. Президентнинг ғоятда ҳикматли ибораси билан айтганда, ҳар бир инсон *“ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади”*<sup>122</sup>. Агар бир миллат вакили ўз аждодларининг маънавий меросидан буткул бебаҳра қолган бўлса ва муайян шароитда тўлиқ бошқа миллат маданияти руҳида тарбия олса, уни энди ўз миллатининг тўлақонли вакили дейиш қийин. Аммо энг ёмон ҳолат Шўролар даврида юз берди. Бу даврда сунъий бирлаштирилган улкан бир ҳудуднинг барча аҳолиси, миллатидан қатъи назар, кучли ва ҳар тарафлама тазийқ остида муайян мақсадларда маҳсус ишлаб чиқилган ёлгон мафкура руҳида мажбурий “тарбия” қилинди. Бу зуғумга барча ҳам бирдай бўй бергани йўқ, аммо афсус билан эътироф қилишга тўғри келадик, бундай ваҳшиёна ва маккорона “таълим-тарбия” тизими жуда кўп инсонлар онгида оғир асоратлар қолдирди. Энг ачинарлиси, бугунги аксарият ижтимоий-гуманитар соҳага мансуб зиёлиларимиз бундай мафкуравий тазийқдан энг кўп зиён кўрдилар. Мустақиллик туфайли биз бугун энди ушбу нохуш асоратларни онгимиздан бартараф қилишнинг қулай имкониятларини қўлга киритдик. Аммо бор имкониятдан унумли фойдаланиш учун ҳам инсон ўз ҳолатига тўғри баҳо бера билмоғи, ўз устида жиддий меҳнат қилишга ҳавсала қилмоғи керак бўлади.

Халқ маънавиятини, миллат маънавиятини сунъий равишда, қандайдир ўйлаб топилган ақидаларга, догмаларга таяниб, юзага келтириб ҳам, кескин ўзгартириб ҳам бўлмайди. Чунки маънавият тушунчасининг мазмуни бир кунда, бир йилда, ҳатто бир асрда шаклланадиган нарса эмас, у ҳар бир халқнинг жуда узоқ тарихи қаъридан озик олиб, теранлик касб этиб келади.

Ислон Каримов халқ маънавиятини юксалтириш деганда нимани кўзда тутганлигини ҳали мустақилликка эришмасимиздан - 1990 йили Ўзбекистон Президенти сифатидаги биринчи нутқидаёқ очиқ-ойдин баён этган эди. Президент ушбу маърузасида инсон руҳиятининг нозик ва мураккаб томонлари билан, *“ҳазиналарга тўла миллий-тарихий анъаналар билан, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик”* яқин ўтмишимизда жамиятга қанчалар зарар келтирганлигини қайд этиб, янгича вазифаларни олға сурган эди:

*“Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш лозим. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамда*

<sup>122</sup> Ислон Каримов. Асарлар. 1-жилд, Т., 1996, с. 81

мадад бўлган. Бизнинг вазифамиз - шу хазинани кўз қорачигимиздек асраш ва янада бойитиш, сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини, эътиқодининг эркинлигини таъминлашимиз керак”<sup>123</sup>.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов янги китобида ўзининг ушбу фикрларини янада ривожлантиради ва муайянлаштиради: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.”

Президентнинг янги асарида бу тўғридаги қарашларини умумий ифодаси билан чекланиб қолмай, ушбу мавзуга алоҳида фасл бағишлаб, унда миллий маънавиятимизнинг шаклланишига асос бўлган, бугунги кун ёш авлод маънавий оламини шакллантирадиган асосий мезонларни бирма-бир батафсил таърифлаб беради. Биз бу ўринда китобнинг тегишли қисмини тўлиқ такрорлашга ҳаракат қилмасдан ундаги энг муҳим жиҳатларга диққатни қаратиб ўтаемиз.

## **6. Оила, маҳалла, таълим – тарбия тизими ёш авлод маънавиятини шакллантирувчи ва юксалтирувчи асосий масканлар сифатида.**

Президент И.Каримов ўз китобида бу ҳақиқатларни, бу туйғуларни ёш авлод онгига синдиришнинг **уч табаррук маконига** алоҳида эътибор қаратади: уларнинг биринчиси –**оила**, иккинчиси – **маҳалла**, учинчиси – **таълим-тарбия тизими**. Агар шу уч маконда маънавий муҳит кўнгилдагидек бўлса, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади, агар улар таназулга қараб кетса, бутун жамият ҳалокатга юз тутаяди. Афсуски, муайян сабабларга кўра бугунги кунда ҳар уч маконда ҳам муаммолар анча-мунча йиғилиб қолган. Китобда оила маънавий муҳитига алоҳида эътибор ажратилган. Баъзи ота-оналарнинг ўсиб келаётган ёш фарзандларининг қизиқиш ва интилишларига, уларнинг “онгу тафаккурида ҳар куни бир ўзгариш юз бериб, кўзида янги-янги саволлар пайдо бўлаётганига” жиддий аҳамият бермаслиги, боз устига баъзи ота-оналар бола олдида ўзини тутишни билмай, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрнак бўлиш ўрнига аҳли оиласига кўпол муомала билан фарзандлари руҳига салбий таъсир кўрсатиши, ҳатто баъзи оилаларда боланинг маънавий оламида оғир асоратлар қолдириши мумкин бўлган ўзгалар бахтини кўролмаслик, фисқу фасод, иғво муҳити ҳам мавжудлиги таассуф билан қайд этилади ва шундай хулоса қилинади: **“Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқбол ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки маҳалла-қуйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келаётган**

<sup>123</sup> Ислам Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т.-«Ўзбекистон»- 1994, с. 65-66

*соф қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур.*” Муаллиф ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни яхшилаш ҳақида бош қотирар экан, яна бадиий сўз қудратига мурожаат қилишни маслаҳат беради. Мумтоз адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”ида тасвирланган ўзбек оилаларига хос одоб ва ахлоқ намуналарини ибрат қилиб кўрсатади. Ўзбек халқининг азалий болажонлиги, оилапарварлигини ифтихор билан таъкидлар экан, муаллиф бундай эзгу туйғулар фарзандларни “ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш” йўлида сарфланиши лозимлигини алоҳида уқдиради.

Маҳалла – инсонни жамият билан уйғунлаштирадиган ҳамда шу руҳда тарбияладиган энг катта саховатли гўша ва беқиёс Ватан. Муаллиф халқимизнинг “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она” деган ҳикматли иборасини келтириб, бу сўзларни миллатимиз учун “ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси” деб таърифлайди ва маҳалла - тарбия мактаби сифатидаги вазифасига алоҳида урғу беради.

Китобда мустақиллик даврида оила маънавий муҳитини яхшилаш, азалий қадриятимиз бўлган маҳалланинг ижтимоий мақомини кўтариш, таълим-тарбия соҳасида ўтказилаётган туб ислохотлар ҳақида эслаб ўтиш билан бир қаторда бу соҳаларнинг бугунги долзарб муамолари ҳақида батафсил мулоҳазалар билдирилади. “Шуни унутмаслик керакки, -деб ёзади Президент, - келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади.” Шундай экан, “бу соҳада юзаки, расмий ёндошувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.”

Таълим-тарбия инсон камолоти ва миллат равнақининг асосий шарти ва гарови, давлат ва жамият назоратидаги умуммиллий масаладир. Таълим ва тарбия бир-биридан ажратиб бўлмайдиган уйғунликда олиб борилиши лозим. Таълим–тарбиянинг асосий мақсади ва вазифаси комил инсон тарбиясидир. Аммо яқин ўтмишда бизда болага табиий ва аниқ фанлар бўйича билим бериш асосий мақсадга айланиб, боланинг маънавий тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилган, кўпинча фақат сиёсий-ташкилий тадбирбозликка айланиб кетган эди. Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури” ва бошқа таълим жараёни мазмунини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилувчи ислохотлари туфайли бу соҳага янгича эътибор қаратилди. Аммо ҳануз бу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар бирталай эканлиги китобда батафсил баён этилган.

Ҳали бу йўлда қиладиган ишлар кўп, аммо ҳозирданок бу саъй-ҳаракатларнинг самаралари борган сари ёрқинроқ кўзга ташланиб бораётганини ҳам мамнуният билан эътироф этиш мумкин.

## **7. «Маънавият асослари» фани бўйича нашр этилган китобларда аждодларимиз маънавий меросига ёндошув.**

Ижтимоий соҳада асл ҳақиқатни англаб етиш табиий ва аниқ(математик) фанларга нисбатан бир неча баробар мушкулроқдир. Чунки ижтимоий соҳадаги тушунчалар тарихан шаклланади. Уларни англаб етиш учун миллат тарихини, унинг маданий меросини чуқур ўрганиш керак. Европа мамлакатлари бошидан кечирган давлатчилик тарихини ўрганиш асосида Осиёдаги ушбу соҳа муаммоларини англаб етиш мумкин деб ўйлаган одам қаттиқ янглишади. Марксчилар бутун инсоният тарихий такомилга татбиқ этмоқчи бўлган формацион назария ҳам айни шу сабабдан ўзини оқламади. Россиядаги крепостнойлик тузуми, Ўрта асрлар Европасидаги феодализм тизими, ёки Юнонистондаги кулдорлик айни ўша ўлка ва минтақаларга хос бўлган бетакрор ижтимоий ҳодисалар эди. Уларни Хитой ёки Ҳиндистондан қидириш ҳеч қачон қониқарли натижа берган эмас. Шундай экан, бугунги кунда яна муайян замон ва маконда туғилаётган долзарб муаммоларга «жаҳоншумул» миқёсда жавоб беришга беҳуда уринмасдан, яқин ўтмишдаги илм тарихининг аччиқ сабоқларини биров инобатга олиб режа тузсак ва ҳаракат қилсак, ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам чалғитмай иш тутган бўлур эдик.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида **“биринчи блок фанлари”** деган салмоқли қисм бор. Ушбу қисм фанлари талабага бевосита ўзи танлаган мутахассислик бўйича билим бермайди. Улар олий маълумотли мутахассиснинг дунёқарашини кенгайтириш ва маънавий-ахлоқий қиёфасини такомиллаштиришни назарда тутади. Ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий қиёфасини такомиллаштириш учун эса ҳар бир миллат ўз миллий маънавияти анъаналарига таяниб иш кўргандагина самарали натижаларга эришиш мумкин. Аммо биз – миллатнинг келгуси тарбиячиларини тарбиялаш вазифаси зиммамизда бўлган устозлар миллий маънавиятимиз анъаналарини ўзимиз яхши биламизми? Билмасак, билишга жиддий уринаямизми? Барча муаммонинг калити шуерда. Агар бугунги маънавиятга алоқадор фанларнинг ўқитилишига, бу йўналишда чоп этилаётган ўқув қўлланмалар савиясига эътибор қиладиган бўлсак, аҳвол ниҳоятда ночор эканлигини тан олмай иложимиз йўқ. Бу соҳадаги асосий қусур шундаки, биз миллий маънавиятимиз анъаналари ҳақида асосан собиқ шўролар даврида нашр қилинган “илмий” адабиётларга таяниб фикр юритмоқдамиз. У даврдаги талқинларнинг руҳи ва етакчи йўналиши эса маълум.

Ўз вақтида аждодларимиз маънавий меросининг турли жиҳатларини ўрганишга ўз умрини бағишлаган мутахассисларимиз ҳам кўпчилиги муайян бир доирада ўз билимларини чуқурлаштириш билан банд бўлиб, бу доирадан четга чиққанда жамиятдаги мавжуд талқинлар билан кифояланиб қўя берганлар. Шу сабабли ҳанузгача ҳатто аксарият шарқшунос ва манбашуносларимиз ҳам бевосита манбаларни ўқиб туриб кўпинча уларни шўролар даврида онгга сингдирилган эски ғоявий қолипларга мослашга мойил бўлмоқдалар.

Шўролар даврида диний уламоларимизнинг ҳуқуқ доираси ҳам ўта чекланган эди, шунга яраша улар олган диний таълим ҳам кўпинча тор

маънодаги ибодат масалалари билан чегараланиб, қолган масалаларда уларнинг ҳам онгига ўша давр мафкурасига мос ғояларни сингдиришга уринилган. Натижада улар ҳам ё ўша ғояларни билиб-билмай қабул қилганлар ёки кўнгилда кескин рад қилганлар. Аммо муқобил жавоблар устида жиддий ўйлашга зарурат сезмаганлар, балки қудрат топмаганлар.

Яна бир жуда хунук ҳолат – фалсафа соҳасидаги устоз алломаларимиз мустақиллик даврида чоп эттирган аксарият китоблари ва ўқув қўлланмаларида шўролар даврида ўзлари ёки ҳамкасабалари ёзган марксизм-ленинизм фалсафасига оид қўлланмалар мазмунини шундоғича кўчириб олиб, Маркс, Энгельс, Ленин асарларидан келтирилган иқтибосларнинг кўштирноғини олиб ташлаб ва муаллифи номини тилга олмай ўз мустақил “ижодлари” сифатида тақдим этмоқдалар. Бу ҳолни ушбу соҳага алоқадор барча эски авлод мутахассислар очик кўриб туришипти. Аммо ўзбекчиликда “истиҳола” деган тушунча бор, Андерсеннинг “Қиролнинг янги либоси” эртагида тасвирланганидек, ёши улуг тарбия кўрган одамлар бировнинг иштони йиртиқ эканлигини сезиб қолсалар ҳам овоз чиқариб кулмайдилар, одоб сақлаб, гўё кўрмагандек бўлиб тураберадилар. Одоб сақлаш, “истиҳола” яхши нарсаси, аммо бу аҳволда ёшлар тарбияси нима бўлади?

Бугунги кунда “маънавият нима?” деган саволга хилма-хил жавоблар пайдо бўлмоқда. Айниқса, 1997 йилдан бошлаб мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида “Маънавият асослари” фани ўқитила бошланганлиги муносабати билан бу мавзуга олимларимизнинг эътибори янада кучайди. Қатор рисолалар, ўқув қўлланма ва дастурлар чоп этилди. Матбуотда кун сайин бу мавзуда катта-кичик мақолалар эълон этилмоқда. Ушбу китоб ва мақолаларда ҳар ким ақли етганича маънавият тушунчасига таъриф беришга, ҳеч бўлмаганда, муносабат билдиришга уриниб келмоқда. Баъзан бир кишининг ўзи бир мақоланинг ичида турли таърифларни келтирган ҳолатлар ҳам учрайди. Маънавият ниҳоятда кенг қамровли тушунча бўлганлигидан бунга ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади. Ундан ташқари келтирилган таърифларни барчасини дабдурустдан бекорга чиқариш, буткул нотўғри деб баҳолаш ҳам инсофдан эмас, чунки уларнинг кўпчилигида масаланинг қайсидир қирраси ўз аксини топган бўлиши мумкин. Аммо, афсуски, яқин-яқинларгача кўпчилик масалага жиддий ёндошишга, илгари назарий тизим даражасида кўриб чиқилмаган инсон ва жамият ҳаётидаги муҳим йўналиш, ҳассос бир соҳага камоли эътибор билан разм солишга муваффақ бўлмади.

Ушбу қисқа баёнда маънавият хусусида билдирилаётган барча фикр-мулоҳазаларни батафсил таҳлил этиш имкони йўқ. Бир жумла билан уларнинг кўпчилигида учрайдиган умумий камчиликни ифодалайдиган бўлсак, уни **янги воқеликка оид тушунчаларни эски андазалар қолипида талқин этишга уриниш** дейиш мумкин. Масалан, шундай китоблардан бирида муаллиф ёзади: *«Маънавият моддий ҳаётни акс эттиради ва жамиятда мавжуд бўлган маънавий ҳодисалар йиғиндисини сифатида кўзга ташланади.»*<sup>124</sup> Бу қарашнинг эскичалиги шундаки, муаллиф *«Маънавият моддий ҳаётни акс*

<sup>124</sup>

Э.Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т.-«Университет»-1998, с. 5



*эттиради»* деб, яна моддиятни бирламчи, маънавиятни эса пассив (кўзгу сингари), иккиламчи ҳодиса сифатида талқин этади. Шу билан маънавият ҳодисасининг мустақил моҳияти инкор этилиб, у моддиятга тўлиқ тобе қилиб кўйилади. Бунинг оқибатида маънавиятга яратувчилик қувватига эга бўлган алоҳида куч деб қараш имкони кесилади. Қолаверса, *«маънавий ҳодисалар йиғиндисиди»* жумласи киритилиши билан таъриф берилаётган ҳодиса умуман яхлит моҳият эмас, деган ҳақиқатга хилоф хулосага йўл очилади.

Бугун биз инсонни биринчи ўринга қўйиб, унинг яратувчилик фазилати, ижтимоий фаоллиги, маънавий кудратига урғу бермоқдамиз. Чунки Ўзбекистоннинг буюк келажagini шакллантирувчи бош омиллар – шулар. Аммо юқоридаги каби таърифларда инсон моддий борлиқнинг бир унсури сифатидагина эътироф этилиб, бошқа махлуқотлардан фарқли мустақил моҳияти сояда қолиб кетмоқда. Инсоннинг моҳияти аслида мураккаб бўлиб, айна моддият ва маънавиятнинг туташуви билан изоҳланади. Уларнинг қайбири иккинчиси орқали таърифлана бошласа, инсон моҳияти ҳақида бирёклама тасаввур ҳосил бўла беради.

Президент маънавиятни “кудратли ботиний куч” деб таърифлайди. Маънавиятни инсон ва жамият ҳаётининг уч асосий соҳасидан бири деб қаралганда ижтимоий ҳаётдаги ташқи ҳодисалар эмас, балки уларнинг асосида яширинган моҳиятлар назарда тутилмоқда. Воқеликда ҳар қандай ҳаёт ҳодисаси ботиний мураккаблик устига қурилади. Инсон ва жамият ҳаётида на иқтисодий, на сиёсий, на маънавий омиллар соф ҳолда ўзлигини намоён қилмайди, агар шундай бўлганда илм жуда осонлашиб кетган бўлур эди. Масалан, ҳар бир инсоннинг ўзга инсонларга муносабати **сиёсат** деб оламиз. Аммо агар бир инсон бир корхона раҳбари хузурига иш сўраб борса, ушбу ҳолатда иш сўровчининг мақсади корхона раҳбари билан сиёсий муносабатларга киришиш эмас, балки ўз иқтисодий ҳолатини яхшилашдир. Шундай экан, корхона раҳбари билан ишчи ходим орасидаги муносабатлар кўпроқ иқтисодий соҳага алоқадордир. Яъни, ишчи муайян иш бажариб, тадбиркорнинг иқтисодий режаларини амалга ошишига ҳисса қўшади, тадбиркор эса ходим меҳнатига ҳақ тўлаш билан унинг иқтисодий муаммолари ҳал қилинишига сабабчи бўлади. Демак, биз инсон ва жамият ҳаётини соҳаларга ажратганимизда биринчи навбатда инсоннинг муайян хатти-ҳаракатдан кўзлаган асосий мақсадидан келиб чиқамиз. Аммо шу билан бирга ҳар қандай ҳаёт ҳодисасида уни моҳият жиҳатидан мураккаблаштирувчи ҳолатлар ҳам бўлишини ёддан чиқармаслик керак.

Иқтисод ва сиёсат соҳалари бу дунё ишлари билан боғлиқ бўлгани учун уларни тушуниш нисбатан осон. Бу соҳаларда гап ё моддий эҳтиёжларни қондириш, ёки мавқе ва мақом масалаларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлади. Маънавият соҳаси мураккаброқ. Соф иқтисодий ва сиёсий манфаатлар нуқтаи назаридан ўтмиш ва келажак, макон ва замон муҳим эмас. Одам қорни тўқ ва усти бут бўлиши учун Ўзбекистонда яшайдими, АҚШда яшайдими – фарқи йўқ. Бойлик орттириш, мавқе ва мақом учун курашда **Ватан, Шахс, Миллат, Адолат, Ҳақиқат** туйғулари асл маъносини йўқотиб, нари борса,

мақсад йўлидаги воситага айланади. **Охират** ва **оқибат** тушунчалари фақат маънавиятга тааллуқлидир.

Европа Уйғонишининг илк сиёсатчи файласуфларидан бўлган флоренциялик **Никколо Макиавелли**нинг сиёсат ва ахлоқ муносабатларидаги қарашларини юқорида кўриб ўтдик. У тарихда биринчи бўлиб, сиёсат ва маънавиятнинг (унинг ўз талқинига кўра ахлоқнинг) буткул бошқа-бошқа соҳалар эканлигига эътибор қаратди. Ўзининг “*Хукмдор*” (русча “*Государь*”) асарида номақбул шароитда қандай қилиб қудратли давлатни шакллантириш мумкинлигининг йўллари кўрсатишга ҳаракат қилди. Дарҳақиқат, сиёсат ўзи алоҳида соҳа бўлиб, **маънавиятли сиёсат** бўлиши мумкин, аммо **маънавиятдан холи сиёсат** бўлиши ҳам мумкин. Одатда биринчиси **адолатли сиёсат** деб, иккинчиси эса **адолатсиз сиёсат** деб юритилади. Шунга биноан хукмдорга нисбатан **одил** ёки **золим** сифатлари қўлланилади. Бу нарса фақатгина давлат миқёсида эмас, инсонлар аро муомаланинг юқорида санаб ўтилган барча босқичларида амал қилиши мумкин. Масалан, **монархия** тузуми принцип жиҳатидан давлат миқёсидаги **адолатсизликка** асосланади, чунки бу тузумда хукмдор шахс (аниқроғи, хукмдор сулола) **мутлақ ҳоким**, мамлакатдаги бошқа барча инсонлар хукмдор сулолага **мутлақ тобеъ** ҳисобланади. Мамлакатнинг барча бойлиги, жумладан, фуқаролар меҳнати билан яратилган бойлик ҳам **хукмдор сулоланинг мулки** ҳисобланиб, уларни қандай тасарруф ва тақсим қилиш ёлғиз хукмдор иродасига боғлиқ бўлиб қолади. Бундай шароитда **адолатли хукмдор** деган тушунча фақат нисбий маънога эга бўлиб, **инсофли**, **саҳоватли** деган маънонигина билдиради. Бундай тузумда хукмдор иродасига ҳарқандай қарши чиқиш **исёнкорлик**, яъни **оғир жиноят** сифатида баҳоланади. Маънавият нуқтаи назаридан барча инсонлар ягона Аллоҳ олдида тенгдирлар, **монархия** тузумида эса **хукмдор сулолага** мансуб инсонлар **олий зотлар**, қолганлар **фуқаро**, **қора халқ**, яъни тобеъ, қарам кишилар сифатида кўрилади. **Фуқаро** ҳар қандай ҳолатда ҳам хукмдор иродасига бўйсунishi талаб этилади. Принцип жиҳатидан **адолатли** давлат тузуми **демократия** бўлиб, унда давлат бошлиғи моҳиятан хукмдор эмас, **вазифадордир**, яъни халқ сайлаб қўйган ва халқ вакиллари қабул қилган қонунлар доирасида давлатни маълум муддат бошқариб туришга масъул этилган шахсдир. Фуқаролар (гражданлар) хукмдорга эмас, қонунларга риоя қилишлари талаб этилади. Қонун олдида амалдор ҳам, оддий фуқаро ҳам тенг. (Монархия тузумида амалдор қонунларга эмас, хукмдор иродасига бўйсунанади, яъни у монарх иродасини амалга оширувчи шахс бўлиб, ҳуқуқлари оддий фуқарога тенг эмас.) **Демократия** тузумида давлат бошлиғи қонунга ҳилоф иш қилса, жавобгар бўлади, демак, **адолатсиз давлат бошлиғи** деган тушунчанинг ўзи демократик тузум табиатига ётдир. Агар бирор жойда давлат бошлиғи **адолатсизликка** йўл қўйса-ю, жазосиз қолса, демак, ўша жойда демократик тузум принциплари қандайдир шаклда бузилган бўлади.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқилса, бугунги кунда “**ижтимоий-гуманитар фанлар**” деб аталадиган фанлар гуруҳидан, етакчи мавзу доирасидан келиб чиқиб, **иктисодий**, **сиёсий** ва **маънавиятга оид фанларни** ҳар бир йўналишда алоҳида ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Чунки

ҳозирги замон илмида аниқ, табиий ва техник фанлар сингари иқтисодий ва сиёсий фанларда ҳам умумбашарий унсурлар етакчилик қилмоқда. Дарҳақиқат, бозор иқтисоди ва халқ ҳокимиятчилиги масалаларида умумбашарий унсурлар етакчилигини инкор қилиб бўлмайди. Бироқ маънавият соҳасида буткул бошқача ёндошув талаб этилади.

Аслида **маънавиятга оид фанларнинг методологияси** масаласи ҳам аллақачон улуғ аждодларимиз томонидан ҳал қилинган. Бу илм ва имон бирлиги, аниқроғи, **нақлий ва ақлий билимлар уйғунлиги**, яъни илоҳий китоблар ва аждодларимиз меросида баён қилинган, тарихий тажрибага асосланган билимлар билан рационал (мантикий) тафаккурга асосланган хулосаларнинг ўзаро мувофиқлигидир. Бу **методологик асос** Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлардан сарчашма олиб, Имоми Аъзам, Форобий, Мотуридий, Ибн Сино, Ғаззолий, Насриддин Тусий каби ислом минтақа маданиятининг буюк алломалари ижодида ўз ривожини топган, кейинчалик улуғ тасаввуф пирлари Аттор, Румий, Ибн ал-Арабий кабилар ижодида ирфоний ғоялар билан бойитилган ва Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий сингари мутафаккир ижодкорлар асарларида бадиий тафаккур жилолари билан мукаммаллаштирилган муназзам бир истехком, метин пойдевордир-ки, унга таяниб яратилган ҳар бир жиддий тадқиқот **умумбашарий кашфиёт** даражасида қабул қилинишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бунинг учун ҳар бир уриниш самимий имон ва илм, меҳр ва масъулият билан йўғрилган бўлса, бас.

Афсуски, бугунги аксарият зиёлиларимиз миллий маънавиятимиз асосларини яхши билмагани, аждодларимиз меросининг асл моҳиятидан беҳабарлиги туфайли маънавият масалаларида ҳам гоҳ диалектика, гоҳ синергетика, гоҳ пантеизм, гоҳ гуманизм каби ўзга маънавий муҳитда, ўзга маънавий қадриятлар тизимида шаклланган бегона қолиплардан фойдаланиб ёшларимизга сўз уқдиришга беҳуда чираниб ётишипти. Натижа – битта: ҳеч ким бу гапларга жиддий эътибор бера ётгани йўқ. Кимдир масжидга қатнашпти, кимдир – тунги клубларга. Чунки миллий маънавият миллат тарихига, аждодлар меросига, эътиқодига суянади. Бенедикт Спинозанинг фалсафаси – пантеизм, Навоийнинг ижодий методи эса – “мажоз тариқи” деб аталади. Буларни бир-бирига қориштиргандан ҳеч нарса чиқмайди. Тасаввуф ирфони – фалсафа эмас, мистика ҳам эмас. Унда ҳол бор, мақом бор, жазаба бор. Шатҳиётлар ҳам бор. Аммо ундан Европа маънавий оламига хос бўлган мистикани ҳам, фалсафани ҳам қидириш керак эмас. Европа шарқшунослари аллақачон тасаввуфнинг асосини Қуръон оятлари мазмунидан қидириш кераклигини тушуниб етишган. Тасаввуфни фақат тавҳидий тафаккур доирасида тўғри англаб етиш мумкин, “мажоз тариқи”ни ҳам.

Шундай қилиб, миллий маънавиятимиз тарихий такомилени тўғри тушуниш учун аждодлар меросини жиддий ва мукаммал ўрганишга эринмаслик керак. Қуръони каримнинг энг ишончли тафсирлаш усули Қуръони карим оятларини қиёсий ўрганишдир. Миллий маънавиятимиз тарихий ривожининг ички қонуниятлари ҳам маънавий меросимизнинг турли йўналишларини ички қиёслаш билан очилади. Бошқача йўл йўқ.

Ўзгандан кўр-кўрона нусха кўчиришнинг бир кичик мисоли “Шарқ уйғониши” масаласидир. Маълумки, Европа маънавияти қадимдан ички зиддиятлар, турли қарашларнинг ўзаро муросасиз кураши асосида ривожланиб келади. Масалан, антик маданият даврида христианлик эътиқоди аёвсиз таъқиб этилган. Кейинча, христиан дини ҳукмрон мавқега эришгач, бутун антик фан ва маданият иблис найранглари деб эълон қилинди ва шафқатсиз равишда кули кўкка совурилди. Милодий IV-V асрлардан то XIV-XV асрларгача дунёвий фан ва маданият қаттиқ “уйқу” ҳолатида бўлди. Орадан минг йил ўтгач, ислом ғоялари таъсирида Европада Ренессанс, яъни қайта “Уйғониш” бошланди. Теология, яъни илоҳиёт фанлари билан бир қаторда гуманитар, яъни инсоннинг моддий (биологик) эҳтиёжларини ҳисобга олган фанлар тизими ҳам аста-секин ривожлана бошлади. Реформация ҳаракати бундай тамойилларни янада кучайтирди. Бора-бора илм имондан устун кўрила бошланди ва бу нарса охир-натижада аксарият зиёлилар руҳида атеизм (дахрийлик)нинг ғалабасига олиб келди.

Ислом дунёсида ҳам X-XI асрларда шундай тамойиллар бўлиб ўтган. Аммо исломда руҳий ва моддий олам ҳеч қачон бир-бирига кескин қарши қўйилган эмас. Пайғамбаримизнинг “*ло раҳбония фил-ислом*” (исломда роҳиблик йўқ) деган машҳур ҳадислари бунга ёрқин мисол<sup>125</sup>. Натижада ислом дунёсида дахрийлик кейинча ривож олмай, йўқ бўлиб кетди. Албатта, бизнинг минтиқа ҳарқандай зиддиятлардан холи бўлган деб даъво қилмоқчи эмасмиз. Лекин ислом минтақасида зиддиятлар – жузъий ҳолат, уйғунликка, муросага интилиш етакчи ҳолат бўлганлиги кўпчиликка маълум. Шундай экан, минтақа маданий ривожига кўп асрлик “уйқу” ҳолати бегона экан, X-XII ёки XIV-XV асрларга нисбатан қандайдир Уйғониш ҳақида гапириш яна ўз тарихимизни бегона қолипларга жойлаш ҳаракатидан ўзга иш эмас. Шахсан мен XX аср бошидаги жадиличлик ҳаракатини **Миллий Уйғониш** деб аталишига қўшиламан, чунки бу қарамлик асоратидан, асрий қолоқлик ҳолатидан қутулишга уриниш эди. Миллатимизнинг XVII-XVIII асрлардан сиёсий ғафлат “уйқу”сига кетиши уни қарамлик ҳолатига туширди ва, ниҳоят, XX аср бошида миллий зиёлиларимиз халқни зиё ва маърифатга чақириб, Миллий Уйғониш ҳаракатини бошлаб бердилар.

---

<sup>125</sup> Христиан динида динга ўзини бағишлашга қарор қилган инсон уйланиш, оила қуришдан онгли равишда буткул воз кечиб, монастырга бориб яшайди. Исломда бу нарса қаттиқ қораланади.